

Ю

6373

392

БЕРУНИЙ

ВА ИЖТИМОЙ ФАНЛАР



ФАН"

14/5-74 1007 10/10

20/6 2004

Am

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАҒҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

БЕРУНИЙ
ВА ИЖТИМОИЙ
ФАНЛАР

Масъул муҳаррир
ЎзССР ФА академиги
И. М. МУМИНОВ

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ
Т О Ш К Е Н Т—1973

001
Б 71

Беруний ва ижтимоий фанлар. ЎзССР ФА Абу Райҳон Беруний тугилган кунинг 998 иллигига бағишланган илмий сессияси. [Масъул муҳаррир И. М. Мўминов]. Т., «Фан», 1973. 146 б. (ЎзССР ФА).
Аннотация...

Беруни и гуманитарные науки.

001(09)

10 G 373
3 2

1574	ГБ УзССР 8592
------	------------------

Коллектив

БЕРУНИ И ГУМАНИТАРНЫЕ НАУКИ

*Ўзбекистон ССР ФА Абу Райҳон Беруний номи
Шарқшунослик институти илмий Совети, ЎзССР ФА Тарих,
тилшунослик ва адабиётшунослик бўлими томонидан нашрга тасдиқланган*

Муҳаррир *М. Аминов*
Риссом *А. Ли*
Техмуҳаррир *Р. Иброҳимова*
Корректор *О. Абдуллаева*

P08365. Теришга берилди. 3/V-73 й. Босишга руҳсат этилди 21/VI-73й. Формати 84x108 1/32. Босмахона қоғози № 1. Қоғоз л. 4,5. Босма л. 9,0. Ҳисоб-нашриёт л. 8,25. Нашриёт № 270. Тиражи 2000. Баҳоси 83 т. Заказ 115.

ЎзССР „Фан“ нашриётининг босмахонаси. Тошкент, Черданцев кўчаси, 21.
Нашриёт адреси: Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.

АБРОҲИМ МУМИНОВ

ЎзССР Фанлар академиясининг академиги, фалсафа фанлари доктори

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ — БУЮК ЭНЦИКЛОПЕДИСТ ОЛИМ

Урта Осиё ва бутун Яқин, Урта Шарқда табиий-илмий билимлар ва прогрессив фалсафий тафаккур тараққиётига Абу Наср Форобийдан кейин, Ибн Сино билан бир даврда Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний катта таъсир курсатди.

Абу Райҳон Беруний — ажойиб олим, теран файласуф, ҳар томонлама илмий интилишларининг серқирралиги, фикрий парвозининг юксаклиги билан кишини ҳайратда қолдирадиган буюк даҳодир. У табиатшунослик, фалсафа, тарих, филология каби фанларнинг актуал масалаларига бағишлаб 150 дан ортиқ асар ёзган ўрта асрнинг улуғ энциклопедисти, мутафаккири, гуманисти эди.

Абу Райҳон Беруний дунёқараши X асрнинг охири — XI асрнинг бошларида Урта Осиёда шаклланди. У ҳижрий 362 (милодий 973 йил) йилнинг 2-зулҳижжасида Хоразмнинг илк феодал давридаги маркази Кат (Қиёт) шаҳри атрофида дунёга келди. Беруний ўз ватанида яхши таълим олди, илк ёшлигидан илмий ишларга берилиб кетди. Ўша пайтларда Хоразмда юз берган сиёсий воқеалар сабабли у ўз ватанини тарк этди ва, тахминан, 998 йилдан то 1004 йиллар мобайнида Каспий денгизининг жануби-шарқий чеккасидаги Журжон (Гургон)да яшади. Шу йиллари узининг йирик асари — «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарини яратди. Бу китобнинг 1957 йили рус тилига, 1968 йили ўзбек тилига қилинган таржимаси ЎзССР Фанлар академиясининг «Фан» нашриётида алоҳида-алоҳида китоб бўлиб босилиб чиқди.

1005 йилларда Беруний ватани — Хоразмга қайтиб келди ва Хоразмшоҳ Абу Аббос Маъмун (1009—1017) саройида ҳурматли мартабани эгаллади. 1017 йили Маҳмуд Ғазнавий (998—1030) Хоразмни узига бўйсундиргач, Беруний бошқа олимлар қатори Ғазнага боришга мажбур бўлди, шу куйи умрининг охиригача ўша ерда қолиб кетди.

Ғазнада буюк Фирдавсий адабий-бадий ижодга шунгигани каби, Беруний илмий ишларга берилиб кетди. Султон қўшинлари билан бирга у бир неча бор Ҳиндистонда ҳам бўлди, шу пайтларда бу улкани атрофлича ўрганишга киришди, натижада, 1030 йили Ҳиндистон ҳақида ажойиб асар — «Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби» (қисқача «Ҳиндистон»)ни яратди (1963 йили рус тилида, 1965 йили ўзбек тилида «Фан» нашриётида нашр этилди). Бундан олдинроқ, 1025 йили эса «Турар жойлар орасидаги масофани текшириш учун жойларнинг чегараларини аниқлаш» (қисқача «Геодезия») (русча таржимаси 1966 йили Тошкентда «Фан» нашриётида чоп этилди) асарини ёзиб тугатган эди. Маҳмуднинг вориси Султон Масъудга (1030—1041) Беруний ўзининг математика ва астрономияга оид энг йирик асари — «Қонуни Масъудий» асарини бағишлади. Ундан кейинги Султон Мавдуд (1041—1048) даврида Беруний минералогияга оид асари — «Қимматбаҳо тошларни билиб олиш бўйича маълумотлар туплами» (қисқача «Минералогия»)ни, умрининг охирида эса, «Доривор усимликлар ҳақида китоб» (қисқача «Сайдана») асарини ёзди. Бу асарнинг рус тилидаги нашри 1973 йилда амалга ошади. Беруний ҳижрий 440 йилнинг 2-ражабида (милодий 1048 йил 11 декабрь) Ғазнада вафот этди.

Беруний билиш методи ҳақида

Буюк табиатшунос Абу Райҳон Беруний ўзининг салафлари, хусусан, Аҳмад Фарғоний (IX аср) ва Муҳаммад Хоразмий (X аср) ишлаб чиққан билишнинг илмий методини ривожлантириб, янада чуқурлаштирди, натижада, жуда қимматли гоёни илгари сурди. Олимнинг айтишича, «кузатишнинг қулиги қурилган нарсаларни эслаб қолиш қобилиятини яратади»¹. Кейинроқда эса бу гоёга барча санъатларда, яъни барча фаълларда ҳам таяниш кераклигини таъкидлаб утади у. Беруний ўзининг бир угитида: «Билимнинг шундайки, у яланғоч бўлсанг ҳам ўзингда қолади, уни ҳаммомга кирганингдаги ҳўллик ҳам йўқота олмайди»², — дейди.

Беруний хотиранинг аҳамияти ҳақида ажойиб фикр айтган: «Хотира далили бор ҳамма нарсаларни яхшироқ, тезроқ ва унғайроқ эслаб қолади»³.

Бироқ Беруний инсон хотираси ҳақида гапирганда ўзининг ушбу материалистик қарашидан қисман чекинади. Хотирани

¹ У. И. Каримов, «Китоб ас-Сайдана («Фармакогнозия») Беруний», докторлик диссертацияси қўлёзмаси, Тошкент, 1971, 10-бет.

² Уша асар. 198-бет.

³ Уша жойда.

рани «Оллоҳнинг туҳфаси» деб ҳам ҳисоблайди. Лекин бу гапни уша ернинг узидаёқ рад этиб, «тиришқоқлик ва куп шуғулланиш билан ҳам хотирани мустаҳкамлаш мумкин»⁴, — деди.

Куришиб турибдики, Беруний табиатшуносларга фақат табиат ҳодисаларини мунтазам кузатиб бориб, уларни куриш, эслаб қолишгина эмас, балки илмий-тадқиқотларда тиришқоқлик, машаққатли машғулотлар билан купроқ шуғулланиш, яъни тажриба қилиш зарурлигини ҳам таъкидлади. Урта Осиё, Яқин ва Урта Шарқда тажрибага таянувчи фанларнинг асосчиларидан булган Беруний табиат ҳодисаларини билишдаги назарий мантиқий хулоса, қиёслашнинг аҳамиятини бениҳоя уқтириб утади.

Берунийнинг тарихий ҳодиса ва воқеаларни ўрганиш ҳамда умумлаштириш соҳасида қўллаган, ҳар томонлама исботланган илмий методлари диққатга сазовордир. Тўғри, тарих, жамият ҳодисаларига Беруний методологик қараши идеалистик характердадир. Лекин Беруний тарихни ўрганишнинг илмий методини тўғри тушунишга интилди. Буни унинг қўлидаги сузларидан билиш мумкин:

«Асарни ёзишга кириша бошлаб айтаманки, мендан сўралган билимга етказувчи воситаларни энг муҳими — қадимги миллатлар ҳақидаги ривоятлар, ўтмиш авлодлар тўғрисидаги хабарларни ўрганишдир, чунки буларнинг купчилиги у миллатлар авлодидан ва уларнинг расму русум қондаларидан иборатдир. Ақлий далил келтириш, кузатилганга қиёс қилиш йўли билан у хабарларни билиб бўлмайди. Буни фақат «китоб аҳли» [христиан, мусулмон ва яҳудийлар назарда тутилаяпти] ва турли дин арбобларига, шу эътиқодлиларнинг ҳар хил маслак, тушунчаларини ҳамиша таққослаш билан билинади. Сўнгра буни купчилик кишиларнинг табиятини пасткашлаштирадиган ёмон ахлоқдан, ҳақиқатни куришга имкон бермайдиган омиллардан узини тозалаяндан кейин, уларнинг исбот учун келтирган суз ва эътиқодларини бир-бирига солиштириш билан билинади. Ана шу айтиб ўтганим ҳақиқий мақсадга етказувчи энг яхши йўл ва бунга доғ туширувчи шак-шубҳани ювиб ташлаш учун энг кучли ёрдамчидир. Гарчи қаттиқ уриниб, зўр машаққат чексак ҳам, ушандан бошқа йўл билан мақсадга — чин билимга эриша олмаймиз»⁵.

Беруний тарихий ҳодиса ва воқеалар ҳақиқатини билишга тааллуқли ҳамма масалаларни ҳар тарафлама ўрганиш зарурлигини курсатади ва бу билан нотўғри йўлга тушиб қо-

⁴ Уша жойда.

⁵ Абу Райҳон Беруний, Танланган асарлар, I т. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1968, 40—41-бетлар.

лишдан эҳтиёткор бўлишга чақиради. Абу Райхон⁶ Беруний зийрак олим сифатида (1) курилган, (2) бировдан эшитилган ва (3) ёзма манбаларда ёзиб қолдирилган хабарлар аҳамиятини фарқига боради. У шундай ёзади:

«Хабар кўз билан кўргандек бўлмайди, деган кишининг сузи жуда туғридир. Чунки кўриш кўринган нарсанинг ўзи бор пайтида ва уз жойида турганида қаровчи кўзининг уни учратишдан иборатдир. Хабарга слгон-яшиқлар қушилмаганда, у кўришга нисбатан ортиқроқ уринда турган булар эди. Чунки кўриш ва қараш шу пайт, шу он билан чекланади. Хабар эса нарсанинг кўринган пайти ва вақтдан илгари ўтган ва кейин келадиган ҳолларидан дарак беради; ана шунинг учун хабар мавжуд нарсалардан ҳам, келажак нарсаларидан ҳам дарак бераверади. Ёзиш хабар турларининг бири бўлиб, уни бошқа турлардан кўра афзалроқ ҳисоблаш мумкин; қаламнинг мангу «ёдгорликлари бўлмаганда, халқларнинг тарихини қандай билар эдик?»!

Сўнгра, одатда бўлган ҳол ҳақида берилган хабар бир хил эмас, балки (фарқсиз) рост ва ёлғон бўлиши мумкин»⁶.

Беруний юксак фаросатли олим, у курилган, кузатилган ва хабар орқали етиб келган маълумотлар моҳиятини бир-биридан фарқлайди. Унинг кўрсатишича, ўз кўзи билан кўришнинг шундай устунлиги борки, унда кузатилган нарса, ҳодисанинг ўз вақти — ўз замони ва уз жойида — маконида кузатилади. Шунинг билан бирга, уз кўзи билан кўриш мана шу замон ва мана шу макон билан чекланиб қолади. Олинган, эшитилган, ўқилган, хабар доираси кейинроқ — ҳам ўтган, ҳам ҳозир, ҳам келажакни қамраб, боғлаб олиши мумкин.

Демак, хабар нарса мавжуд пайтни шу билан бирга кўрилган вақтда нарса мавжуд бўлмаганини ҳам ўзига қамраб олади. Хабарнинг кўриш ва кузатиш борасидаги афзаллиги ҳам шундан иборат. Беруний айтишича, хабар турларининг энг муҳими — ёзма хабардир, бусиз биз халқлар тарихини билолмас эдик. Қаламнинг улмас, абадий, мангу ёдгорлиги бу!

Қизиғи шундаки, Абу Райхон Беруний ёлғон хабарларнинг конкрет ва умумий илдизларини очиб ташлайди. У буларни маълум гуруҳ кишиларининг манфаатларининг қарама-қаршилигида куради, уларнинг тарафкашлигида, «ёмон истак ва ғазаб, севги ва нафрат ҳамда маълум шахсларнинг ўз табиатларининг пастлиги натижасида яхшиликка эришиш ё ёмонликдан қутулиб қолиш учун интилаётганини билдиради; баъзи тоифа одамлар иродасизлиги ва қўрқоқлиги

⁶ Абу Райхон Беруний, Танланган асарлар, II т., Тошкент, «Фан» нашриёти, 1965, 25-бет.

сабабли ёлгон, уйдирма хабар беради. Беруний ёлгон, уйдирма хабар тарқатганларга қарши курашганларни жасур, ботир қаҳрамон одамлар дейди. Берунийча чинакам жасурат, қаҳрамонлик сўздами ё амалдами, ҳар икки ҳолатда ҳам ёлгонга қарши курашда ўлимни ҳам писанд қилмасликда намоян булади. «Ёлгончиликдан четланиб, ростгуйликка ёпишган кишини бошқа одам у ёқда турсин, ёлгончишинг ўзи ҳам севиб мақтайди. Ахир, ўз зарарингизга булса ҳам рост гапиринг»⁷, дейилган-ку, деб ёзади у.

Беруний табиат ҳодисаларини, ижтимоий тарихий воқеаларни объектив равишда, илмий, рўйи-рост, танқидий ўрганишни тарғиб қилади. Дунёни ўрганишда Беруний тилга, хусусан ҳинд тилини билишга катта эътибор беради. У ўзининг «Ҳиндистон» китобида шундай дейди: «Ҳиндларнинг ҳамма нарсалари, бошқа халқларники сингари биздагидан узгароқдир. Бошқа халқлардаги каби, аввало луғат ва тилларида тафовут бор. Бу тафовутни ҳеч бир киши осонлик билан бартараф қилолмайди. Чунки уларнинг тили бой ва кенг, араб тили каби, маълум бир нарса бирон узакдан олиниб, ўзига хос қилиб белгиланган бирмунча исмлар билан аталади; мақсадни ифода қилишда сифатларни кўпроқ айтишга эҳтиёж туғиладиган купгина нарсаларга битта исм берилади...

Шу билан бирга, ҳиндларнинг ҳар хил исмлар ҳақидаги китоблари уз завқларига мос, турли вазнларда тизма шеър билан тузилган. Бундай қилишдан мақсадлари ўша китобларни ўз ҳоли ва миқдорича сақлаб қолишдир. Чунки китоб тизма равишда ёзилса, у тизма ичига бир суз ёки ҳарф қўшилса ёки камайтирилса, вазни бузилиб, узгартирилганлиги дарров сезилади ва иккинчидан, тизмани ёдлаш осон бўлади. Улар ёзишга эмас, балки ёдлашга аҳамият берадилар. Маълумки, тизма равишда ёзиш, вазнларни текислаш ва бу текислашда етишмаган жойни тўлдириш учун [суз] қидириш каби қийинликлардан холи бўлмайди ва иборатни купайтиришга эҳтиёж сезади. Нарсалар исмларининг турлича айтилиш сабабларининг биттаси шу. Бу ҳол улардаги асарларни ўрганишни қийинлаштирадиган сабабдандир»⁸.

Абу Райҳон Беруний бу ерда форс, араб, юнон, ҳинд ва бошқа бир қанча тилларни билган ажойиб тилшунос, филолог сифатида фикр юритапти.

Шундай қилиб, кузатиш, кўриш, тажрибалар қилиш мантиқий умумлашмалар чиқариш, маълумотларни тўплаш, халқ оғзаки ижоди, ёзма ёдгорликларни ўрганиш, барча хабар, манбаларга танқидий қараш, ҳақиқатни аниқлаш учун уларни бир-бири билан таққослаб куриш, тил ва ўнинг қурилишини,

⁷ Уша асар, 26-бет.

⁸ Уша асар, 32—33-бетлар.

ёзувларни ўрганиш — булар ҳаммаси ўрта асрнинг буюк қомусчиси Абу Райҳон Беруний илмий методининг асосини ташкил этади.

Беруний ва фалсафа тарихи

Абу Райҳон Беруний Ўрта Осиё, ҳинд, араб, грек-юнон фалсафа тарихи ва табиий фанларини чуқур ўрганиди, тажриба ва мустақил илмий ишлари билан бу фанларни бойитди ва жаҳон маданияти тараққиётига бебаҳо ҳисса қушди! Биз қуйида гениал табиатшунос-файласуфнинг уша давр турли фанларига оид баъзи бир фикр-мулоҳазаларини келтириш билан кифояланамиз.

! Беруний подир асари «Ҳиндистон»да шундай ёзади: «Бу китоб баҳслашиш ва тортишиш китоби эмас, шунинг учун бу китобда рақиблар исботини келтирмайман ва ҳақиқатдан четга чиққанларга қаршилик курсатмайман. Бу фақат баён қилиш китобидир, ҳолос.

Мен бунда ҳиндлар сўзини узича ёзаман; уларнинг грек-юнонлар билан яқинликлари бирлигини билдириш учун унга юнонларнинг шу хилдаги сўзларидан киритаман. Чунки грек-юнон файласуфлари ҳақиқатни баён қилишга уринсалар ҳам, авом халққа тегишли тушунчаларда уларнинг эътиқодлари ва шариатларидан четга чиқа олмайдилар. Юнонларнинг сўзлари билан биргаликда бошқаларнинг сўзларини баён қилмайман, фақатгина суфиянинг ёки насора тоифаларидан биронтасининг сўзини кушиб баён қиламан. Чунки ҳаммаларининг ҳулул ва иттиҳод⁹ хусусидаги тушунчалари бир-бирига яқиндир.

Мен [ҳиндларнинг] икки китобини илгарин араб тилига таржима қилган эдим. Уларнинг бири, бошланиш ва мавжудот тавсифи ҳақида булиб, «Санкхья» деб аталади. Иккинчиси, жонни бадан қафасидан қутказиш тўғрисида битилган, у «Патанжали» номи билан машҳурдир. Бу икки китобда ҳиндларнинг шариат ҳукмлари эмас, балки эътиқодлари асосларининг купчилиги баён қилинган. Худо хоҳласа, шу китобим [бу мавзунин] баён қилишда ҳалиги икки китобнинг ва улардан бошқа китобларнинг ўрнига утар ва талабга тула жавоб берар, деб умид қиламан»¹⁰.

Беруний ҳиндларнинг материалистик фалсафий қарашларини текширар экан, оламнинг яратилиши ҳақида улар орасидаги мавжуд тасаввурларни тўғри кўрсатиб берди. Бу

⁹ Ҳулул ўрнатилш: иттиҳод — бирланиш деган маънони англатади. Бу ерда жоннинг бир тандан иккинчисига кўчиши ва охир оқибатда тағрига етишига эътиқод қилувчилар ҳақида гап боради

¹⁰ Абу Райҳон Беруний, Танланган асарлар, II т., Тошкент, «Фан» нэшриёти, 1965, 28-бет.

тасаввурлар, албатта, авом халқнинг қарашларидир, дейди ۷. «Чунки биз модданинг мангулиги ҳақидаги уларнинг фикрларини ҳикоя қилдик; улар йуқдан бор булмайдн дендилар»¹¹.

Ў Беруний ҳинд материалистик фалсафаси асосларини баён этар экан, табиат ҳақида уз қарашларини уртага ташлайди.

Бу хусусда Берунийнинг («Ҳиндистон» асарида) машҳур кимё олими ва табиб Муҳаммад ибн Закарӣ ар-Розий ҳақидаги айтганлари диққатга сазовордир: «Муҳаммад ибн Закарӣ Розий, бурунги грек-юнонларнинг, беш нарсани азалдан бор деб эътиқод қилишларини ҳикоя қилиб, у беш нарса: пок тангри, умумий нафс, ҳаюла — бирламчи модда, абстракт замон, абстракт фазо, деган. Розий у мазҳабининг асосини шу эътиқодга қурган ва замон билан муддат орасида анирма курсатиб, «уларнинг бирига сон тугри келади, соннинг чеки булмагани туфайли бошқасига сон тугри келмайди», деб тушуинган. Шунингдек, файласуфлар, аввали ва охири бор нарсани замон деб, аввали ва охири йуқ нарсани даҳр [абადийлик] деб белгилаганлар.

Розий ҳалиги беш нарсанинг шу борлиқда бўлиши зарур, деган ва «шу борлиқда сезиладиган ва куринадиган нарсалар уша беш нарсадан таркиб топиб, шаклга кирувчи ва бирон жойга жойлашувчи моддалардир. Уларга, албатта, жой, макон, фазо керак, аҳволнинг турлича булишига қараб замон ҳам керак; чунки моддаларнинг баъзиси олдин, баъзиси кейин вужудга келади. Уларнинг абადийлиги ва янги пайдо булганлиги ҳамда жуда қадимийлиги ва жуда янгилиги замон воситаси билан билинади. Демак, борлиқда замоннинг булиши зарур; борлиқ — мавжудотда тирик зотлар бор, шунинг учун нафс [руҳ]нинг булиши зарур. Тириклар орасида ақл эгалари ва ғоят даражада моҳир санъат арбоблари бор, шундай бўлгач, ақлни ғоят даражада тузатиб, унинг қувватини уз эгасини халос қила олиш мартабасига эриштирадиган ҳикмат эгаси, билимдон ва моҳир яратувчининг булиши зарур, деб баён қилганлар.

Фикр эгаларининг баъзиси даҳрга ҳам, замонга ҳам битта маъно бериб, улардаги ҳаракат ниҳоятланади, деган»¹².

Демак, ар-Розийнинг фикрича, яратувчи ва умумолам руҳи билан бир қаторда бирламчи модда, замон ва фазо мавжуд.

Беруний, албатта, бу ерда уз қарашларини айтмайди, ammo модданинг абадийлигини тан олади, материал мавжудлигини замон ва фазо билан боғлаб қарайди.

Беруний нуқтан назаридан ҳаракат моддага — материяга хосдир. У «Ҳиндистон» китобида ҳаракат ҳақида гапириб,

¹¹ Қаранг: Абу Райҳон Беруний, Ҳиндистон, Танланган асарлар, II т., Тошкент, «Фан» нашриёти, 1965, 246-бет.

¹² Қаранг: Беруний, Уша асар, 245-бет.

Аристотель билан Птолемей фикрларини келтиради: «Тўққизинчи фалак ҳақида одамлар турли фикрдалар; баъзилари: [саккизинчи фалакни] шарқдан ғарбга қараб айланишга мажбур қилган нарса уни ўраб олган [тўққизинчи фалакдир] деса, баъзилари эса: «Ҳаракатнинг сабабчиси бўлса ҳам, тўққизинчи фалакнинг ўзи ҳаракат қилмайди», дейди. «Биринчи гуруҳнинг мақсади маълум. Лекин Арасту: «Ҳаракат қилувчи ҳар бир нарса, ташқаридан ҳаракат қилдирувчи вужуд сабабли ҳаракат этади; шу тўққизинчи фалакдан ташқарида уш ҳаракат қилдирувчи куч бор бўлиши керак. Шундай бўлган, тўққизинчи фалак бўлмасданоқ, саккиз фалакнинг ҳаракат қилдирувчи зотнинг борлигига нима тўсқинлик қилади?» деб баён қилган¹³.

Бу ерда Беруний Аристотелнинг ташқаридан ҳаракатга келтирувчи вужуд биринчи туртки, ҳаракатдаги вужуддан ташқаридаги тўққизинчи фалак ҳақидаги фикрларига шубҳа билан қарайди.

Ундан кейин Беруний мазкур масала хусусида Птолемейнинг мутоҳазаларини келтиради: «Батлимус [Птолемей] узининг «ал-Мажастий» («Алмагеста») деган китобининг бошида шу фикр ҳақида бундай дейди: «Биз дастлабки умумин ҳаракатни ягона ва алоҳида, деб гумон қилсак, унинг биринчи сабабчиси бир маъбуд эканини фаҳмлаймиз ва бу хилдаги баҳсни илоҳий баҳс деб атаймиз. Бундай таъсир [эгаси]нинг олам юқори томонининг энг юқорисида бўлишини ва унинг сезилувчи моддаларга, албатта, зид эканини ақл билан билемиз. ...Аmmo ҳаракатдаги бу чегара — оламнинг нариги томонида, ҳаракатсиз ва чексиз катта бир жисм ёки чексиз бўшлиқ борлигини қабул этувчилар сўзларининг, шунингдек, бўшлиқни ҳам, тўлиқликни ҳам йўқ деювчилар гапларининг биз баён қилиб турган масалага алоқаси йўқ»¹⁴.

Бундан кўринадики, Беруний бу масалада ҳам ўз муносабатини ошқора айтмайди, лекин у ташқаридан ҳаракат қилдирувчини, мавҳум кучни эътироф этмаётгани равшан кўриниб турибди.

† Табиат, нарсалар оламининг замон ва фазода ҳаракатдалиги, уларнинг объектив мавжудлигини эътироф этиб, исботлаб, Беруний ўзининг сермазмун асарларини ездиган буларни ўқиб, ўзининг гўё қадимги дунё ва урта аср фан тарихи ва техникалари ҳақида, билим ўчоғининг ажойиб боғларида сайр қилиб юргандек ҳис этамиз. †

Беруний қиш фаслининг охириги кунлари ҳақида шундай ёзади: «Арабларда бу (кунларнинг) номлари бор; биринчиси — ас-сини, яъни «қаттиқ совуқ». Иккинчиси — ас-синнабр, бу

¹³ Қаранг: Беруний, Уша асар, 179-бет.

¹⁴ Уша асар, 179—180-бетлар.

шундай кунки, нарсаларни «санбарадек» қилиб кўяди. Санбара қалин ва зич қўйилган нарса. [Бу калимадаги] «нун» [ҳарфи] «баласус» [сузининг] куплиги «балансо» деб, [«нун» орттирилиб] айтганларидек, ортиқчадир. Учунчиси — уларнинг биродари ал-вабрдир, чунки бу уша кунлар орқасидан юради, яъни уларга эргашади. Туртинчиси — амир, бу одамларни шу куннинг совуғидан эҳтиёт бўлишга буюради. Бешинчиси — ал-муътамир, яъни одамларга [ўз совуғи билан] азият етказишга буйруқ олади. Олтинчиси — ал-муаллил — совуқни бироз енгиллатиб, одамларни юпатувчи. Еттинчиси — мутфи ал-жамр. Бу [«кампир» кунларининг] энг кучлиси булиб, унда [совуқдан] ут ўчади. Бунга «мукфи ал-кидр», яъни совуқ шамолнинг кучлилигидан [қозон тунтарилиб кетади] демоқчи бўладилар. Шоирларнинг бири бу номларни назмда келтириб шундай деган: [Шубот] ойн кейинига келувчи еттита «кампирларимиз» кунини қиш орқасига олиб кетди.

«Кампирларимиз» кунлари: ас-синн, ас-синнабр, ал-вабр, омир, унинг биродари муътамир, муаллил ва мутфи ал-жамр билан тугалгач, совуқ орқасини ўгириб кетади, сенга денгиз томондан иссиқ келади.

Гоҳо, олтинчи [шубот] — шайбон, еттинчиси эса — милҳон деб аталади. Бу кунлар совуқдан, шамоллардан, ҳаво булутли бўлиши ва ўзгариб туришидан қарийб холи бўлмайди. Балки у кунларда совуқ қайтиши сабабли, кўпинча кучаяди, шунинг учун [«кампир» кунлари] сарфа деб аталган, чунки сарфа бу кунларга яқин ботиб [кўринмай кетади].

Совуқнинг пировардида кучайишидан, қайтишида қўзғолишидан ажабланувчи ажабланмасин. Чунки бу [ҳолат], биз келгусида айтгандек, иссиқда ҳам бўлади ва бунинг мисоллари оддий табиий нарсаларда учратилади. Масалан, чиронинг ёғи тугаб, ўчиш ҳолатига яқинлашганида, [киши бадани] титраганидек, бир неча марта кетма-кет шуълаланиб, нури кучаяди. Шунингдек, касаллар, айниқса диққ, сил касаллиги, қорин [оғриғи] ёки шуларга ухшаш касалликлар билан қаттиқ касалланган беморлар ўлишга яқинлашганларида қувватлари зўраяди; бундай аҳволни билмайдиган киши уларнинг соғайишини умид этади ва бунда тажрибали киши эса умидини узади».

Беруний ҳам қиёслаш йўли билан воқеликни кузатади, ҳам назарий, ақлий хулоса чиқаради. Яна у ёзади: «Шу кунлардаги бу ҳодисанинг сабаби ҳақида Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Қиндийнинг мақоласини кўрдим. У далил келтирган [сабабнинг] хулосаси мана бу: Қуёш [бу вақтда] ўз авжининг, яъни фалақдан энг баланд жойи йўлининг чорагига етади. Бу [йил вақтларининг] ўзгариш жойидир; Қуёшнинг ҳавога таъсири бошқа нарсадан кўра кучлироқ. Қуёш фалакида юз берган ўзгариш билан Қуёш сабабли ҳавода бўлган ўзгариш бир-бирига мутаносиб бўлиши

керак. Бу таъсир кўп ҳолларда Ой [уз йўлининг] ои боши тўғри келган чорагида бўлган муддат давомида ёки [худди] шу ҳолат Қуёш [уз йўлининг] чорагида бўлган муддат давомида барқарор бўлиб туради.

Бухоролик ҳисобдон Абдуллоҳ ибн Алининг ал-Киндий рисоласидан воқиф бўлгач, авж ҳаракати тақозосига кўра, шу кунлар ҳақида фикрларни ёзиб кўчиргашини, кейин у кунлар: «Абдуллоҳнинг кампир кунлари» деб аталганини ва унинг бу ишида ҳамда Қуёшнинг ҳавога кўчли таъсирини изҳор этишида хато қилмаганини эшитдим»¹⁵.

▼ Урта Осиё фалсафаси, табиий-илмий тафаккурлари тарихи билан шуғулланувчи олимларимиз эътиборини шу нарсага жалб қилиш керакки, Беруний машҳур араб материалисти ал-Киндий асарларини, айниқса, унинг астрономия, минералогияга оид китобларини ҳар тарафлама ўрганди, муҳим табиий-илмий хулосалар чиқарди.]

Беруний жаҳонга шуҳрати кетган араб материалисти ал-Киндийга қанчалик юксак баҳо берганлигини унинг қўйидаги сузларидан билиш мумкин: «Бу фанда Абу Юсуф Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндийнинг «Гавҳарлар ва унга ухшашлар» китобидан булак бирон асар қўлимга тушмади. У биринчи бўлиб бу фанга йўл очди ва унинг чуққисига эришди. У бу соҳада ҳам, худди қўли теккан бошқа соҳаларда эришганидек, бирмунча нозик ихтиролар қилди. Бу билан у асрдошларининг пешқадами, — имоми ва кейингиларга мисол була олади. Кейин Наср ибн Ёқуб ад-Динаварий ал-Котибнинг бошқа тили билмайдиганлар учун форсча ёзган асарини кўрдим, у аксар жойларда ал-Киндийга эргашади»¹⁶.

Юқорида айтилганидек, Беруний грек-юнон ва ҳинд фалсафасини чуқур ўрганди; Фалес, Демокрит, Эмпедокл, Суқрот кабиларнинг асарларидан парчалар, Платон, Аристотель, Гиппократ, Гален ва бошқа мутафаккир олим ҳамда араб ва Урта Осиё фалсафий тафаккур намояндлари асарларини мутолаа қилди, улар ҳақида узининг фикр ва хулосаларини қолдирди. Шундай қилиб, Беруний кўз ўнгимизда фалсафа, илм тарихчиси сифатида намоён бўлади.]

Берунийнинг баъзи табиий-илмий қарашлари ҳақида

Беруний Қуёш, унинг нурлари, Ернинг ҳарорати ҳақида қизиқарли фикрлар айтади: «Қуёш нури ҳақида кўп гапирилган. Биров: «У, Қуёшнинг ўзига ўхшаш оловсимон зарралар бўлиб, Қуёш танасидан чиқади» деса, биров: «Ҳаво оловга

¹⁵ Абу Райҳон Беруний, Танланган асарлар, I т., Тошкент, «Фан» нашриети, 1968, 298—299-бетлар.

¹⁶ Беруний. Китоб ал-жавоҳир, Ҳаидаробод, 1355/1936, 31—32-бетлар.

рўпара келганида исигани сингари Қуёшга рўпара келиб исийди», дейди. Бу «Қуёш оловдек иссиқ» дегувчининг фикричадир. Яна биров, «Қуёш нури ҳавода жуда тез, ҳатто, худди замонсиз суръат билан юриши сабабли ҳаво исийди», дейди: Бу — «Қуёш табиати тўрт унсур табиатидан ташқари» дегувчининг фикричадир.

Шунигдек, Қуёш нурининг ҳаракати масаласида ҳам ихтилофлар бор. Баъзилар: «У замонсиздир, чунки жисм эмас» десалар, баъзилар: «Унинг замони тез, лекин унда ҳам тезроқ бирор нарса йўқ ва [нур] тезлигини сезиб бўлмайди. Чунончи, таққиллаганда овоз ҳаракати нур ҳаракатидан секинроқдир, нур шу жиҳатдан унга қиёс қилиниб, замони, вақти у билан билинади», дедилар.

Қуёш нурида мавжуд ҳароратга баъзилар нур акси бурчакларининг уткирлиги бунга сабабдир, деганлар. У бундай эмас, балки нурнинг узида ҳарорат мавжуд.

Фалак ичкарасига тегиб турган жисмга, яъни оловга келганда, буни тупроқ, сув, ҳаво каби асосий ва табиийдир ва қурра шаклидадир деб гумон қилганлар. Бизнингча, олов фалакнинг ҳавога ишқаланиши, уни тирмалаши ва тез ҳаракати билан унга тегавериши сабабли ҳавонинг исийшидан иборатдир; шакли эса ҳилолий шаклнинг ўз ватари [уқи]да айланттирилишидан пайдо буладиган жисмга ухшашдир. Бу фикр «Мавжуд жисмларнинг ҳеч бири узининг табиий урнида эмас, барчасининг учратилган жойда булиши мажбурият орқасида; мажбуриятнинг эса азалий булиши мумкин эмас», деган мазҳабга мувофиқдир. Бу масалани шу китобдан қура муносиброқ жойда, аниқса, мен билан фозил йиғит Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино орасида шу боб устида бўлган мунозараларда баён этдим.

Иккала ҳарорат йилнинг тўрт фаслида ерга бориб етишида бир-бирига тенгдир. Ердаги ҳароратга келганда, бир гуруҳ фикрича, бунга ё Қуёш нурларининг Ер сатҳидан акс этиши, ёки Ер ичкарасига жойлашганлиги, бошқа бир гуруҳ фикрича, ер устидан утувчи, иссиқ қузғотиб юборадиган буглар сабаб бўлади, чунки буғ ҳавода ҳарорат ҳосил қилади.

Олов ҳарорати эса, яқинлашмайди ҳам, узоқлашмайди ҳам, чунки фалак тезлашман ва секинлашмай [ҳаракат қилади]. Акс этувчи нурларга келганда, уларнинг ерга алоқаси йўқ, бугларнинг эса бориб етадиган ва ундан утмайдиган чегараси бор. Гумонимча, бу сўзни айтган киши ерда [доимо] сақланиб турадиган ҳарорат мавжуд, ҳаво Қуёш нурлари билан исиган вақтда у ҳарорат ер ичидан сиртига чиқади-да, иккови бир-бири билан учрашади, деб тушунса керак. Бу зарур бўлганда айтиладиган вадждир»¹⁷.

¹⁷ Абу Райҳон Беруний, Танланган асарлар, I т., Тошкент, «Фан» нашриёти, 1968, 300—301-бетлар.

Берунийнинг бу сўзларида Қуёш ва унинг нурлари, еруғлик ҳаракатининг тезлиги, Ер ва унинг қаъри ҳақида қанчадан-қанча муҳим фикрлари мужассамлашган.

У маҳалларда инсоннинг Қуёш, унинг нурлари, тўзилиши ҳақидаги билимлари жуда саёз эди. Табииники, у пайтларда Қуёш — шар шаклидаги газсимон оловли самовий жисм эканлигини, Қуёш ҳажм жиҳатдан Ердан 1301 минг марта катта эканлигини, Қуёшнинг фазода нурланадиган умумий қуввати $4 \cdot 10^{26}$ эрг/сек эканлигини, бундан фақатгина 22200 000 000 дан бир улушигина Ерга етиб келишини одамлар билмас эдилар. У даврларда на Қуёшнинг ички тузилиши, на унинг атмосфераси кимёвий таркиби, Қуёш айланиши, қуёшнинг радионурланиши ва ҳоказо маълум эди.

Буларнинг ҳаммасидан қатъи назар, Берунийнинг зийрак фикри, ўткир даҳоси Қуёш сирларини очишга имкон берди. Олим Қуёш — қайноқ, оловли жисм эканлигини, Қуёш нури ҳаракатидан тезроқ ҳаракат қиладиган нарса йўқлигини, у нур ҳаракатини фақат товуш ҳаракати билан таққослагандagina унинг тезлигини аниқлаш мумкинлигини уқтирган эди. Берунийнинг фикрича, Ер Қуёшдан олиб турадиган ҳарорат Қуёш нурларининг узида мавжуд. Қуёш ҳароратидан ташқари, Ернинг ўз ҳарорати ҳам бор. бу ҳарорат Ер қаъридаги сиқилган иссиқликдан ҳосил булиб, у юзага чиққанда Қуёш нурлари ҳароратига қушилади.

Беруний Ер ҳақида, тоғлар, дашт-саҳролар ва уларнинг пайдо бўлиши, дарёлар, денгизлар, фойдали қазилмалар, маъданлар ва уларнинг хоссалари ҳақида қимматли маълумотлар беради. Унинг жаҳон палеонтология ва геология фанларига қўшган ҳиссаси шу даража улканки, унга ёлғиз юксак баҳо бериш мумкин. Чиндан ҳам Абу Райҳон Беруний — буюк табиатшуносдир!

Беруний асарларини ўқиб унинг ақлига, истеъдодига, диллиги ва жасоратига, табиатга доир диалектик фикрлари, материалистик қарашларига таҳсин айтмай илож йўқ.

У замондоши Абу Али ибн Сино ҳақида нақадар самимият билан ёзади! Бутун бир тарихий даврдан олдин кетиб, астрономиянинг энг яхши ютуқларини тарғиб қила олиш учун Берунийдек ҳақиқат фидоийси бўлиш лозим. Беруний шундай ёзади: «Юнонлик Паулиса бир жойда Ерни шар шаклида, бошқа жойда эса ясси шаклда, деган. Иккала гапи ҳам тўғри. Чунки Ер юзи юмалоқ, диаметри эса тўғридир. Паулиса Ернинг шакли шардан бошқа эмаслигига ишонган, бунга узининг кўп мулоҳазалари ҳамда Бароҳамниҳира, Орябхата, Дева, Шришана, Вишнучандра ва Бароҳим каби олимларнинг бир оғиздан Ер шар шаклли дейишлари далил булган. Чунки Ер юмалоқ булмаганда одамлар яшайдиган жойлар кенлиги географик минтақаларга ажралмас эди, ёзу қишда кеча

билан кундуз [узунлиги] узгармас эди. ёритқичларнинг [уфққа нисбатан] вазиятлари ва суткали йуллари ҳозиргидек кўрнишида бўлмас эди»¹⁸.

«Биз уларнинг ҳисобларини туғри деймиз. Ер кун чиқишга қараб шунчалик нафаслар давомида тула айланиб чиқади, десак, нима тўсқинлик қилади? У [Брахмагупта]нинг назарида шунга тенг вақтда осмон айлангандек бўлади. Кейин ернинг айланиш ҳаракати [назарияси] астрономия фанига ҳеч бир зарар келтирмайди, балки Ерда юз берадиган ҳодисалар, унинг ҳаракати билан бирга бир текисда давом этаверади. Аммо бошқа жиҳатлардан имкониятсизлик келиб чиқади. Шунинг учун Ер ҳаракати проблемаси ҳал қилиниши энг қийин масалалардан ҳисобланади. Қадимги олимлар ва улардан кейин етишган фозиллар унинг ҳаракат қилиш ва килмаслиги ҳақида кўп чуқур гапирдилар. Биз «Астрономия калиди» [«Мифтоҳ илми ул-ҳайъати»] исмли китобда, сўзда эмас, мазмунда улардан кўпроқ гапирдик, деб гумон қиламиз»¹⁹.

Шундай қилиб, Беруний айтишича, Ер айланади, унинг ҳаракати қонуний равишда ва астрономик ҳодисаларга мувофиқдир. Шунинг учун ҳам у худди шу масалага «Астрономия калиди» деган махсус асар бағишлаган. Таассуфки, бу асар ҳали топилмаган.

Абу Райҳон Беруний — ўз даври астрономия фанининг донишманди, замонасидан юз йиллар узиб кетган олимидир. Унинг мана бу илмий мулоҳазалари шу фикрнинг шохиди эмасми: «Шу билан бирга, бизнинг юқорида айтганларимизга қарши бўлган кишилар кеча ва кундузнинг бир йилда икки марта — бир марта баҳорда, иккинчи марта кузда баробар бўлишида бизга қўшиладилар. Уларнинг сузинча, бизда кун узайиши Қуёш Шимолий қутбга ниҳоятда яқинлашганида тўхтайтиди; кун қисқариши эса Қуёш уша қутбдан ниҳоятда узоқлашганида тўхтайтиди; ёзнинг энг қисқа кечаси қишнинг энг қисқа кунига тенг келади»²⁰.

«Энди айтаманки: Қуёшнинг буржлар фалагидаги ҳаракат ул-куллга қарши ҳаракат қилиб, қайси нуқта бўлса ҳам унинг ҳаракатининг бошланган жойи деб фараз этилган нуқтага қайтиб келгунича ўтган [муддатга] йил дейилади. Йил турт фасл — баҳор, ёз, куз, қишни ва уларнинг турт хил табиатларини ўз ичига олиб, қаердан бошланган бўлса, шу ерда тамом бўлади»²¹.

«Кундуз билан кеча [мажмуи] Қуёшнинг «Даворон кулл»

¹⁸ Абу Райҳон Беруний, Ҳиндистон, Танланган асарлар, II т., Тошкент, «Фан» нашриёти, 1965, 210-бет.

¹⁹ Уша жойда, 217-бет.

²⁰ Абу Райҳон Беруний, Танланган асарлар, I т., Тошкент, «Фан» нашриёти, 1965, 44—45-бетлар.

²¹ Уша жойда, 46-бет.

натижасида кеча-кундузнинг бошланиши деб фараз этилган доирага қайтиб келишидан иборатдир... Чунки катта доираларнинг ҳар бири билқувва [потенциал] уфқдир. Билқувва уфқ [деганимнинг] маъноси [шуки], мазкур доира бирон турар-жой учун уфқ бўлиши мумкин. «Даворон кулл» фалакнинг ундаги нарсалар билан узининг иккала қутби устида кун чиқишдан кун ботишга томон куруниб турган ҳаракатидир»²².

Буюк табиатшунос, зуфунун олим Абу Райҳон Берунийнинг бу фикрлари унинг табиёт илмига қушган улкан ҳисса-сиининг зарраси, холос.

Берунийнинг ватанпарварлиги ва гуманизми ҳақида

12 Биз Абу Райҳон Берунийнинг ватанпарварлик ва гуманизм ғояларига юксак баҳо берамиз. Олимнинг бахт, шодхуррамликни, ялпи инсоний ва миллий, умумодамий ва шахсий манфаатларни боғлаб кўролганига қойилмиз. Унга шу боисдан ҳам чуқур ҳурмат ва эҳтиромимизни изҳор қиламиз. Берунийдаги халқ ватанпарварлиги гуманизм билан узвий алоқада. Мана, масалан, унинг қуйидаги сузларини олиб курунг:

«Бирор утиб кетган йилнинг аввалидан ҳисобга олинадиган маълум бир муддатга тарих дейилади. Уша йилда турли аломатлар ва далиллар билан [қандайдир] пайғамбар дунёга келган ёки қудратли, шаъни улуғ бир подшоҳ бош кўтарган ёки хароб қилувчи умумий туфон, зилзила ва ҳалокатли ер ютиш, ҳалок этувчи вабо ва қаттиқ қаҳатчилик натижасида бирор миллат ҳалокатга учраган ёки бирон давлатда ҳукмронлик бир хонадондан бошқасига ўтган, ёки бирор дин иккинчисига алмашган, ёки осмон ҳодисаларидан ва Ернинг машҳур аломатларидан бирон муҳим нарса юз берган бўлиши керак, булар узоқ асрлар ва кўп замонларсиз пайдо булмайди. Бундай ҳодисалар орқали маълум вақтлар, тарихлар аниқланади, дунё ва динга оид барча [ишларда] бунга эҳтиёж сезилади.

Барча мамлакатларга тарқалган халқлардан ҳар бирининг алоҳида тарихи бор, унинг подшоҳлари, пайғамбарлари, давлатлари ёки мен юқорида айтган ҳодисаларнинг биридан ҳисоблайди. Шу тарих ёрдами билан муомала ишларида ҳамда вақтларни билиш хусусида керакли муддатларни белгилайди ва бу тарих уларни бошқа халқлардан ажратади.

Қадимги тарихларнинг энг аввалгиси ва энг машҳури башариятнинг, кишиликнинг, инсониятнинг бошланишидир»²³.

Демак, ҳар хил тарихлар, солномалар мавжуд, аммо булар

²² Уша жойда, 42-бет.

²³ Уша асар, 50-бет.

орасида умумийлик бор. Абу Райҳон Беруний фикрича, бу умумийликни барча ирқ, миллат, халқларнинг, бутун инсониятнинг бошланиши ташкил этади.

Абу Райҳон Беруний «Қимматбаҳо тошларни билиб олиш буйича маълумотлар туплами» («Минералогия») асарининг муқаддимасида инсон ва унинг ҳол-аҳволи, дунёдаги бурчи, олижаноблиги, шунингдек, иқтисод, ахлоқ ва одоб туғрисида қимматли, ажойиб фикрлар билдиради.

Беруний инсон характери ҳақида гапириб, уни инсон табиатида мавжуд қарама-қаршилик билан тушунтирмақчи булади. Беруний инсонга биологик-физиологик нуқтаи назардан ёндашади, кейин унинг ижтимоий ҳолатини тасвирлайди. Бу унинг дунёқарашининг тарихий чегараланганини курсатади.


Инсон табиатидаги бундай зиддиятли ҳолатдан чиқиб Беруний: «Одамлар турмуш — ҳаётда ҳар хил ҳолларда булади. Буларнинг бир тури билан улар макталадилар, бошқаси билан қораланадилар», — деб курсатган эди. Беруний юқсак инсоний фазилатлар ҳақида ўз мулоҳазаларини баён қилиб айтади: «Мактовларнинг қутби мурувват, мурувватнинг уқи-асоси тозалик ва покизаликдир»²⁴.

Беруний мурувватни куйлайди, мадҳ этади ҳам мурувватнинг муҳим белгиси тозалик ва покизалик дейди. Тозалик, ҳалоллик ҳар бир ишда бўлиши кераклигини талқин қилиб, у ҳар бир кишида покизалик, озодалик, ихчамликни куришни орзу қилган.

Беруний кишилардаги барча салбий томонларни қоралаб, яхшилик ва олижаноблик каби хислат ва хусусиятларни мақтаган. «Қиммат қилишга интилиш ҳам худди мурувватга булган интилишга ухшаш. Яхшилик барча одамларга баб-баравар, хусусан ўз аҳлига ҳамдард, ҳамкор бўлишга интилишни англатади; киши эзгу орзу-тилаклар билан қодир булганда моддий ёрдам беришга интилиш нақл антилади. Инсонга энг яқини унинг нафсидир. Шу нафс, аввало, ўзига яхшилик қилишга, кейин эса ўз розилиги билан теварагидаги энг яқинларига яхшилик қилишга интилиши керак. Унга шундай энг яқини унинг баданига тегиб, терисини қоплаб турган кийим-бош, ўз ичига олиб турган бошпана, хизматини бажариб турган хизматчи. идишларда турадиган ейиш, ичиш ва ишлаш қуролларидир.

Аммо ташқи гузаллик, қиёфадаги жамол — булар иккови ҳам ёқимли бўлиши, одамларнинг узаро учрашганларида ушбу гузал жамолни куришга рағбат қиладилар... Лекин шакли чирой она қорнида ато қилинади, уни ўзгартириш ҳеч бир зотнинг қулидан келмайди.

²⁴ Беруний, Китоб ал-жавоҳир, Ҳайдаробод, 1936, 18-бет.



Аmmo хулқ-атворга келсак, уни инсоннинг ахлоқ китобларида айтилган йуллар воситасида даволаб, тарбиялаб гузал-покиза тутиб ёмон ҳолларга тушмаслиги мумкин»²⁵.

Агар бундаги барча схоластик мулоҳазаларни олиб ташланса, бу ерда Берунийнинг асосий мақсади — инсон феъли-атвори, унинг юриш-туриши уз иродаси, тарбияси билан, «тиббий-руҳий даволаши» билан юзага келиши талқин қилинганини уқиймиз.

«Яхшилик барча одамларга баб-баровар, хусусан, уз аҳлига яхшилик қилишни англатади; ожиз булса яхши орзу тилаклар билан, қодир булганда моддий ёрдамга интилиш нақл қилинади». Бу жумлада Берунийнинг этика ва гуманизм борасидаги барча айтмоқчи булганлари баён қилинган деса булади. Уз-узидан маълумки, гарчи у авом халқ, зодагонлар, шоҳлар, уларнинг мақсадлари ҳар хиллиги ҳақида ёзган булса-да, лекин у ахлоқ-хулқ масаласига конкрет, ижтимоий ва синфий ёндашишдан узоқ эди.

Ижтимоий ҳаётдаги адолат ҳақида Берунийнинг қуйидаги сузларида унинг фикри яққол ифодаланган: «Мағрибнинг узоқ ўлкаларининг бирида яшайдиган кишилар ҳақида ҳикоя қилишларича, у ерларда ўлкани идора қилиш аъёнлар ва ер эгалари ўртасида навбатма-навбат бир-бирига утиб турармиш, кимга навбат келса, уша уч ой ҳукм юритармиш. Муддати тугаши билан у уз-ўзидан ўлкани идора қилиш амалидан тушиб, миннатдорчилик учун садақа берар ва уз аввалги ишига қайтар, бу билан у гуё кишидан бушагандек хурсанд бўлиб, уз иши билан шуғулланаркан. Бу шунинг учунки, идора қилиш ва бошқариш — жамоа роҳатини деб уз роҳатидан маҳрум булиш деган сўздир, бунда у [уша жойдаги] эзувчиларни эзилувчиларига нисбатан адолатли қиламан деб ҳолдан тойган булади. Бу деган сўз уларни қуриқлаш, [у ер одамларининг] оиласи, мол-мулки, ҳаётини ҳимоя қиламан деб тишқасини қуритиш деганидир. Бу эса киши уз кўзи остидагилардан ва уларнинг ўзларини ҳимоя қилиш учун кураш тадбирларини тайёрлаш борасида уз жонини қийнашдир.

Одамлардан у [ҳоким] учун йиғиладиган тулама пуллар ҳам маҳалла қоровулига бериладиган ҳақ сингаридир, бу худди йуловчилар карвонбоши булган кишининг маҳорати ва даражасининг қадрига яраша унга узаро пул йиғиб беришига ўхшашдир. Унинг идора этиш вақти ўтиши билан бу ишларнинг ҳаммаси тугайди. Ҳар бир замоннинг ўзига хос одатлари бор, ўз аҳли орасида буларга рияя қилиши керак, акс ҳолда низом ва бир хиллик йўқолса, тартиб ҳам йўқ бўлади»²⁶.

Бундан маълум бўладики, Беруний мамлакатни демократик тарзда бошқаришни антик даврдаги Афина ва ўрта аср-

²⁵ Уша жойда.

²⁶ Уша жойда, 30-бет.

лардаги Италия шимолидаги шаҳарларнинг давлат тузилиши системасини назарда тутган ҳолда тушунади ва талқин қилади.

Беруний яна бир ўринда қизиқарли фикр билдиради: «Мақсад ва иродалар бир хил булгач, ҳунар ва санъатлар ҳам раиғ-баранг булган. Шунда ишловчи [коранда] доимо ишлатувчига адолат юзасидан бирор нарса эвазига ишлаб берадиган булди.

Бировни зўрлик ва ёллаб ишлатиш доимий бўлмайди, тўғри ҳам келавермайди. Йўқса, талабларнинг ошиши ва уларнинг ҳар хил вақтда пайдо бўлиши, шунингдек, баъзан бировнинг бошқада булган нарсага эҳтиёжсизлиги — булар ҳаммаси одамларни ўша нарсаларнинг умумий қимматини топишга, айрим ҳолларда унинг ўрнига утадиган бадалини топишга олиб келган. Бунинг учун одамлар кузга мароқ берадиган, қуриниши гузал, ўзи оз учрайдигану [лскин], узоқ вақт турадиган нарсаларни танладилар»²⁷.

Шундан кейин Беруний олтин ва кумушларнинг айирбош-лаш ва савдодаги аҳамиятини, сунгра баъзи одамлар уни туپлашга ҳирс қуйиш, ружу қилганликларини, бу эса охир оқибатда ёвузлик, разолат манбан булиб қолганини ёзади. У шундай дейди:

«Тангри одамларга ҳаёт кийинчиликлари, маншат машаққатларини олтин ва кумуш воситаси билан осон қилгач, кунгиллар улар муҳаббатига уралиб, қалблар уларга мойиллик пайдо қилади. Бу худди олтин ва кумушнинг бир қулдан иккинчи қулга утганига ўхшаб кетади. Шу йусинда одамлар уларни йиғишга ва кўпайтиришга ортиқча ҳирс қуя бошлашди. Шу билан бу иккаласининг [олтин ва кумуш] одамлар орасида шараф ва юқори баҳо ўришлари табиий суратда эмас, балки сунъий суратда юксалтирилади.

Чунки, зотан бу иккаласи тош булиб, одамни очликдан туйғиза олмайди, ташналикни қондиролмайди, зарарни даф қилолмайди, машаққатдан сақлай олмайди. Ғизо [овқат] сифатида уларнинг аҳамияти бўлмай, инсонни тиклай олмаган ва унинг турини боқий қолдиролмаган, кийим булиб одамларни ураб асрай олмаган, иссиқ-совуқ қийинчиликлардан сақлай олмаган ва пана ер сифатида сақланишга ёрдам беролмайдиган ҳар бир нарса табиатан мақтанарли эмас. Башарти мақтовга сазовор бўлгудай булса ҳам, табиий равишда мақталмайди, балки [ҳаётда] зарур булиб, бошқанинг эҳтиёжи тушадиган нарса унинг ёрдамида ҳосил бўлса, ўшандагина у мақталади. Чиндан ҳам олтин ва кумуш маъдандан чиқарилгач, худди ўрилган экинлар ва суйилган ҳайвонга ухшаб қолади; у ейиш ва тарқатишдан булак нарсага ярамайди.

²⁷ Уша жойда, 7-бет.

Шунга ухшаб бу бойлик ҳам маъдандан олингач, зарб қилинб, олтин ва кумуш ҳолида тижорат тарикасида қулдан-қулга утказишдан ёки уз ҳақларини адо этишдан булак нарсага ярамайди»²⁸.

Фикримишча, Беруний ушбу сузларидаги энг қимматли томон унинг бировни зўрлик ва ёллаб ишлатишнинг доимий бўлмаслиги ва адолатга зидлиги ҳақидаги сузидир. Яна шуниси ҳам борки, бу фикри у XI асрнинг 30-йилларида, қаттол феодализм тузум шароитида айтган.

Бундан шу нарсани куришимиз мумкин, Абу Райҳон Беруний социология, этика ва ахлоқнинг асосий масалалари бўйича чуқур фикрларни ўртага ташлайди, унинг бу мулоҳазалари бировни зўрлик билан ишлатишга қарши озод меҳнатни мақтайди, зolim шоҳлар ҳукмронлигини қоралайди, «одил» шоҳлар ҳукмронлигини, айниқса, улкан демократик усулда идора қилишни мадҳ этади. Берунийнинг шаҳарлар, хунарлар, айирбошлаш, савдо нарх-наво, олтин, кумуш, қимматбаҳо тошларни йиғиш, асраш кабилар туғрисидаги гаплари ҳам маълум даражада тадқиқотчиларни илмий қизиқтиради. Беруний одамзоднинг ўтмиш ўғитларидан келажак учун натижа чиқариб олишга чақиради. Шу билан у уз даврининг ажойиб жамиятшуноси сифатида тарих саҳнида куринади.

Берунийнинг табиатга материалистик тенденцияли қарши

Берунийнинг қизиқ кузатишларидан яна иккита мисол келтирамиз:

«Уша ерларга яқин турадиган ҳиндлар чечак касаллиги ҳақида шундай эътиқод қиладилар: «Чечак, одамларнинг жонларини олиш учун Ланка оролидан ҳинд мамлакатларига томон қузғоладиган елдир». Ҳикоя қилинишича, ҳиндларда шундай кишилар ҳам борки, у чечак ели туришидан бурун унинг қузғолишидан ва бир шаҳардан кейин бошқа бир шаҳарга етиб боришидан дарак беради. Чечак пайдо бўлганда аломатларига қараб, унинг қандайлигини — хавфсиз ёки ҳалокатли эканини билиб, ҳалокатлисига қарши тадбир қўлайдилар, ниҳоят, у жонни олиш урнига бирор органини бузиб, ишдан чиқариб қўяди. Ҳиндлар шундай ҳалокатли чечакка қарши қалампир мунчоқни тилла кукуни билан қушиб беморга ичирадилар, эр кишилар хурмо данагига ухшаш қалампир мунчоқни буйишларига боғлаб юрадилар. Шунда чечак оғриғига дучор бўлганларнинг ўнтасидан биттаси зарар кураармиш, — холос»²⁹.

Беруний модданинг абадийлиги ҳақида ҳинд материалистик фалсафаси қарашини ёритар экан, бунга кура дунёда

²⁸ Уша жойда, 8—10-бетлар.

²⁹ Беруний, Ҳиндистон, 239-бет.

ҳоч нарса йуқ булмаслиги ва ҳақ нарса йуқдан пайдо булмаслигини гапиради. Ҳар бир нарсада ҳам доимо бузилиш ва яралиш булиб туради.³⁰

Демак, истаган ҳолатда зиддийлик борлигини билиш мумкинлигини Беруний ашлаган. Бу борада у ҳиндларнинг уйғоқлик ва уйқу масалаларига оид диний эътиқодларини танқид қилади. «Шунинг учун ҳиндларнинг маърифатли табақалари авом табақанинг бундай [тушунча]ларига қушилмайдилар. Чунки улар уйқу ҳақиқатини бири-бирига ёрдам берадиган айрим хилт [қушилма]лардан тузилган баданнинг уйқу билан ором олишини ва ҳар бир керакли нарсанинг, узининг табиии урнига қайтиши учун уйқуга эҳтисж борлигини билладилар»³⁰.

Беруний XI асрнинг бошларидаёқ инсон уйқуси табиати илмий-табиий нуқтан назардан тушунтириб беришга ҳаракат қилган деса булади.

* * *

Табиат ҳодисаларини материалистик тушуниш Абу Райҳон Берунийга диний мистик эътиқод ва жоҳилликка қарши курашишга ёрдам берди. Аммо Беруний очикдан-очик дахри эмас эди, у исломни эътироф этар, унинг асосларига ишонар эди. Бу, албатта, уша давр ижтимоий-иқтисодий, тарихий шароити, Берунийнинг маълум синфий муҳитда булиши, у доимо узи алоқадор булган феодал зодагонлар орасида яшаши ҳамда унинг фалсафий қарашларининг чекланганлиги билан изоҳланади! Инсоният жамияти, тарихий воқеаларни у идеалистик позицияда туриб қарайди. Шу билан бирга, Абу Райҳон Беруний асарларида жуда ажойиб ва қимматли тарихий маълумотлар мавжуд! Чунончи, Маздак, Мансур Халлож, Абу Муслим, қарматийлар, Муқаннинг озодлик ҳаракатлари, маълум халқларнинг диний эътиқодлари, расм-русмлари, урф-одатлари, айрим мамлакатлар об-ҳавоси, дарё ва куллари, дунёнинг куп улкаларидаги ўсимликлар, табийий бойликлар ва бошқалар ҳақида турли-туман хабарлар берилган.

Берунийнинг яна бир олижаноб хусусияти шундан иборатки, у диний ва илмий қарашларни жуда яхши фарк қила билар, ҳар нарсага илмий ёндашишни афзал курарди. У шундай ёзади: «...Улардан бир қанчаларигина қадимги юнонларнинг табиётчилари сингари кометаларнинг ва [бошқа] осмоний ҳодисаларнинг физик табиатларини ўрганиш билан шуғулландилар. Лекин ҳиндлар бу борада уларнинг диний уламолари сузларидан озод була олмайдилар»³¹.

³⁰ Уша жойда, 248-бет.

³¹ Қаранг: Беруний, Ҳиндистон, 474-бет.

Демак, Берунийча, оламга (чунончи кометаларга) илмий қараш диний қараш билан бир хилда эмас, балки унга қарама-қаршидир.

Бут—санамга топиниш сабабларининг пайдо бўлиши ҳақида файласуфимиз оригинал фикр айтган:

Одамлар улиб «йўқ бўлиб кетган бўлсалар ҳам, қилган ишларини шу санам ҳайкаллар орқали эслатиш, узлари бўлмасалар ҳам, авлодларнинг қалбларида уларнинг ҳурматларини сақлаб қолдириш учун шундай ҳайкаллар ясаб қолдирганлар. Ниҳоят, у санамларни ишлаган кишилардан кейин куп замонлар ўтиб, санамлар куп асрларни кечирганлар. Кейин уларнинг ясалиш сабаблари ва уларни талаб қилган аҳвол унутилган ва санамлар одатга кириб расмий ва одатий нарса бўлиб қолган»³².

Берунийнинг бу гапи диққатимизни шунинг учун ҳам тортдики, бу ерда файласуф санам ҳайкаллар аслида ўлганларни ҳурматлаб, эслаш учун ясалганини, замонлар ўтиши билан уларга ибодат қилиш одат тусига кирганлигини, лозим бўлиб қолганлигини; бунда бу ишларнинг ҳаммаси қонунчилар ва ҳокимларнинг иштироқи билан қилинганлигини таъкидлайди.

Беруний тарихий воқеаларга бу ўринда жуда чуқур кириб боради.

Мен бу ерда Берунийнинг сеҳргарлик ҳақида айтган яна бир илмий қонда [мулоҳаза] сени келтирмоқчиман:

«Сеҳр бўямачилик йўлларида биронтаси билан бир нарсани ўз ҳақиқатига хилоф равишда кўрсатишдан иборатдир; сеҳрга шу йусиндан қаралса, бу одамлар орасида тарқалганлиги кўриниб туради. Агар авом халқ тушунчаси сингари тушуниб, «сеҳр мумкин бўлмайдиган нарсаларни вужудга келтиришдан иборатдир» дейилса, унда сеҳр текшириш ва аниқлашдан четга чиқиб кетади; мумкин бўлмаган нарса вужудга ҳам келмайди. Натижада, сеҳрнинг таърифида унинг ёлгонлиги равшан кўриниб туради. Шундай бўлгач, сеҳр, албатта, илмлар қаторига кирмайди.

Кимёгарлик сеҳр деб аталмаса ҳам унинг турларидан саналади»³³.

Бундан кўриниб турибдики, Беруний айтишича, сеҳргарлик, шу жумладан, алхимиянинг илм билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Абу Райҳон Беруний Оллоҳ луғати масаласида ҳам қизиқарли мулоҳаза юртади.

«Афлотун «Тимовус»да айтган: «улмасликлари сабабли ҳақ йўлдаги кишилар илоҳ деб атайти. Тее фаришталардир... Демак, қадимги юнонларнинг сўзларидан маълум бўлишича, тангри — илоҳ сузи умумий бўлиб, ҳар қандай улуғ ва шараф-

³² Беруний, Ҳиндистон, 96-бет.

³³ Уша жойда, 152-бет.

ли зотга нисбатан ишлатила беради. Шундай иборалар [бошқа] куп халкларда ҳам учрайди...

Лекин баъзи лафз [суз]лар борки, у [ни қуллаш] бир дин ва бир тилда бемаъни булса ҳам, бошқа бир дин ва бошқа бир тилда бемаъни булмайди. Ислом динидаги тааллуҳ сузи ўшандай сузлар жумласидандир...

Агар Оллоҳ исмига, Қуръондан илгари китоб нозил булган иброний ва сурёний тиллари билан эътиборга олсак, «Рабб»нинг Тавротда, ундан кейин, пайғамбарларга деб юборилган китобларда, арабчадаги Оллоҳ сузи урнида ишлатилганини кураимиз; аммо рабб ул-байт [уй эгаси], рабб ул-мол [мол эгаси] каби [худодан бошқа] бирон кишига нисбат бериб ишлатилганлигини учратмаймиз. Шунга ўхшаш, илоҳ сузи ҳалиги тилларда арабчадаги рабб сузи сингари [тангридан бошқага ҳам] ишлатилади»³⁴.

Шундай қилиб, Беруний асарларида ҳур фикрлилик, виждон эркинлиги, содда диний эътиқодларни танқид қилиш, атеизм ва дунёни билиш масалалари буйича ажойиб, ҳар томонлама бой материал топишимиз мумкин.

Абу Райҳон Беруний асарлари буржуа олимларининг фалсафа тарихига оид адабиётларида, Шарқ халқларининг фалсафасида фақат диний-мистик оқимгина бор, холос деб таъкидлашларининг бутунлай асоссиз эканлигини исботлаб беради. Бу ҳақда уз вақтида Гегель гапирган эди. Аммо унинг гапларида илмий асосланган ижобий мулоҳазалари ҳам йуқ эмас эди.*Бироқ ҳозирги замон фалсафа ва табиий фанлар тарихи билан шуғулланувчи буржуа олимлари, мулоимроқ қилиб айтганда, бу масалада лом-лим демай келмоқдалар. Урта асрларда Урта Осиёда консерватив ва тараққийпарвар кучлар орасида жуда кескин, муросасиз ғоявий курашлар борар эди. Шундай қилиб, дунёнинг барча мамлакатларида илмий-фалсафий фикрлар тараққиётининг умумий қонуниятини характерлаб берадиган материализм билан идеализмнинг, диалектика билан метафизиканинг, фан билан диннинг кураши бу ерда ҳам, аммо узига хос формаларда намоён булди.

Бу хусусда Урта Осиё ва Қозоғистоннинг IX—XV асрлардаги табиий-илмий ва фалсафий фикрларига оид бизнинг илмий текширишларимиз ҳамда ҳозирги маълум асосий адабий моддий маданий манбалар ушбу хулосанинг гувоҳидир.

Фалсафанинг борлик ва онг, модда ва тафаккур, замон ва фазо, билиш, гносеология назарияси, инсоннинг табиатни билиш имкони ва йуллари, мавжуд шу реал дунёда инсоннинг урни ва роли, унинг сезгилари, туйғулари, тасаввурлари,

³⁴ Уша жойда, 44—45-бетлар.

тушунчалари, фикрлари, ақли ва рухи, тажриба, гапри-табиий рухий бошлапгич, ҳар хил ирқ ва миллат одамларининг узаро муносабатлари, фан ва дин каби масалаларда олимлар, шоирлар, сўфилар, каломчилар уртасида кескин тортишувлар бўлган, булар бир-бирларининг фикрларини рад қилганлар, баъзи ҳолларда бир-бирларини даҳрийликда айблаганлар.

Бу хил кураш ниҳоят даражада кескинлашиб, Мансур Ҳаллож (IX аср), Улуғбек (XV аср), Машраб (XVIII аср) каби илғор фикрли прогрессив кишиларни реакциян феодал ижтимоий кучлар тинмай таъқиб этиб ҳалок қилганларини тарих кўплаб кўрган.

Мана булар ҳаммаси яна бир бор, Шарқ фалсафасида гўё фақат биргина — диний мистик оқим бор, холос, деган тушунчанинг асоссиз эканлигини тасдиқлаиди Гегелнинг «Фалсафа тарихига оид лекциялар» китобида, масалан, шу фикрни уқиш мумкин:

«Вақт нуқтан назаридан қараганда дастлабкиси уша Шарқ фалсафаси деганимиздир.

Биз уша Шарқ фалсафаси деб атаганимиз, умуман Шарқ халқларининг аксари ҳолда диний тасаввур қилиш усуллари ва диний дунёқарашидан иборатдир, холос»³⁵.

Бундан куринишича, Гегель жаҳон тарихида вақт эътибори билан қараганда дастлабкиси Шарқ фалсафасидир, деб туриб, уша тарихий фактни тан олади-ю, лекин у буни ҳақиқий фалсафа деб ҳисобламайди. Бироқ у уша ерда шуни ҳам айтган: «Биз яқиндагина ҳинд фалсафаси ҳақида аниқ маълумот олдик. Умуман олганда, бу фалсафада (илгарилари) диний тасаввурларни тушунишарди, лекин янги замонда эса биз чинакам фалсафий асарлар билан танишдик»³⁶.

Демак, Гегель бу ерда чинакам Шарқ фалсафасининг, шу жумладан ҳинд фалсафасининг мавжудлигини тан олади. У ўз лекцияларида всдалар, миманслар, санкхья ва унинг билиш методлари ҳақида гапириб, буларда атеистик, материалистик оқим билан бирга теистик оқим ҳам борлигини таъкидлаб ўтади.

Бундан куринишича, Гегель ўз хулосаларини ёзишда баъзи бир тарихий манба маълумотларига эга бўлган. Бизнинг замонимизда Шарқ халқларининг фалсафа, табиий-илмий фикрларга оид нодир кулёмалари кўплаб маълум бўлиб қолди. Бу сон-саноксиз қимматли манбалар Шарқ фалсафасининг узоқ давр жараёнида ҳукмронлик қилиб келган идеалистик, мистик, диний қарашларга қарши курашида юзага келган материалистик, гуманистик, рационалистик оқимларининг бой анъаналаридан далолат беради.

³⁵ Гегель, Лекции по истории философии, М., 1932, стр. 108.

³⁶ Уша асар, 117-бет.

Берунийнинг келажакка қарashi

Ватандошимиз буюк Абу Райҳон Беруний илм-фаннинг булажак тараққиёти ҳақида ажойиб, доно фикр анган. У ёзади: «Илмлар купдир, улар замон утиши, иқболи, ривожу туфайли турли фикр ва хотиралар қушилиши ила купаяди. Одамларнинг илмларга рағбати, интилиши илмларни ва илм аҳлларини ҳурматланиши уша иқболнинг белгисидир.»

[Айниқса] ҳукмрон кишиларнинг илм аҳлини ҳурмат қилиши турли илмларнинг купайишига сабаб бўлади. Чунки ҳукмроннинг шундай қилиши илм кишиларнинг дунёнинг (кундалик) зарур ишлари билан овора бўлиб қолган қалбларини турли илмлар билан шуғулланиши учун бушатиб қўяди. Ҳукмроннинг илм аҳлини купроқ мақтаб, улардан хурсанд бўлиши ҳам илмларнинг купайишига сабаб булади. Демак, одамларнинг қалби буни севиш учун ва бунинг тескарисига эса нафрат билдириш учун яратилгандир.

Лекин замонамиз, айтиб утилгандек, замон эмас, балки унинг тескарисидир».

Чиндан ҳам Беруний замонида фан, илм аҳли ҳақида ғам-хурлик қилиш тасодифий ҳодисалардан саналган, илм-фанга, унинг арбобларига қарши кураш эса уша қора, реакцион феодал, эзувчи кучлар, мистик эътиқод ва жоҳиллик пешволари ишининг асосини ташкил қилган.

Бизнинг замонамизда эса Коммунистик партия ва Совет давлати буюк Лениннинг васиятларига амал қилиб, илм-фан ва олимлар ҳақида доимо ғамхурлик қилиб келмоқда. Утмишдан қолган бой маданий меросни, шулар қатори минг йиллигини куп миллатли совет халқимиз 1973 йили нишонлайдиган Абу Райҳон Берунийнинг бой илмий меросини кенг куламда марксистик урганилмоқда.

Я. Г. ФУЛОМОВ

ЎзССР ФА академиги

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ ЯШАГАН ДАВР

Ўрта осийлик буюк энциклопедист олим Абу Райҳон Беруний (973—1048) тарихий воқеаларга бой, мураккаб ва қарама-қаршиликлардан иборат бир замонда — феодализм тараққий эта бошлаган даврда яшади. Бу даврнинг ўзига хослиги, ундаги кучли қарама-қаршиликлар Беруний дунёқарашига ва унинг илмий фаолиятига чуқур таъсир қилди. Берунийнинг кўп қиррали илмий мероси, тафаккурининг чуқурлиги, далиллиги Ўрта Осий ва Шарқнинг бошқа халқлари томонидан асрлар давомида яратилган бой илмий ва маданий анъанани умумлаштирди ва янада тараққий эттирди.

Илк ва ўрта аср тараққиётининг шаклланиш даври — деҳқонлар оммасининг машаққатли меҳнати туфайли гуллаб яшнаган воҳаларнинг вужудга келиши; ажойиб маҳобатли архитектура қурилишларига эга булган катта шаҳарларнинг бунёд этилиши; ҳунармандчиликнинг тараққий этиши; карвон, дарё ва денгиз йўллари орқали амалга оширилган халқаро савдо алоқаларининг кенгайиши; Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларининг жонланиши; давлат ҳаётининг кўп асрли қадимги ва илк ўрта асрда вужудга келган анъаналари; турли синфлар ва улар гоёсидаги кескин курашлар; ўтроқликка асосланган воҳалар ва кучманчилар саҳроси аҳолиси ўзаро муносабатларининг чатишиб кетиши; Ўрта Осий ва Шарқнинг бошқа мамлакатлари халқларининг маданий бойлиги; ёзувнинг (хоразм, кароштий, сўгд ёзуви каби) кенг тараққий этиши — буларнинг ҳаммаси Беруний, Ибн Сино, Носир Хисрав, Умар Хайём, ал-Балъамий, Фирдавсий, Рудакий, Наршахий каби фан ва маданият арбобларининг дунёқарашини ва илмий тафаккури учун тарихий шароит яратиб берди.

Бизга маълумки, араблар Ўрта Осийга бостириб келганларида, бу ерда илк феодализм муносабатлари ташкил топётган давр эди. Мамлакат ўзаро душман булган бир неча майда ҳукмдорликларга бўлиниб кетган бўлиб, феодаллашиб

бораётган ер аристократлари (деҳқонлар)* билан улар томонидан қўлликка солинган кишлоқ жамоалари (кадиварлар) орасида шиддатли кураш борар эди. Уша вақтда ҳозирги Ўзбекистон территориясида 15 мустақил ҳукмдорлик бўлиб, деҳқонларга суянган кичик подшоҳлар булар тепасида турарди.

Араб халифалиги Урта Осиёга талон-тороғ қилиш ва бойлик орттириш манбаи деб қаради. Бу ерда ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун Урта Осиё халқлари маданий анъаналарини йўқ қилиб, маданият арбобларини қириб ташламоқчи бўлди. Шу тариқа Урта Осиё халқлари томонидан асрлар давомида яратилган моддий ва маданий бойликлар йўқ қилиб юборилди.

Жабр-зулм, давлат хирожлари, аҳолидан олинадиган закот, жузъя каби турли солиқ, улпонлар ва куч билан исломга буйсундириш халифаликка қарши умумхалқ қўзғололларини келтириб чиқарди. Урта Осиёда араблар истилоси жараёнида вужудга келган вайроналиклар, халифаликнинг ёвузларча босқинчилик сиёсати ва Урта Осиё халқлари озодлик ҳаракатининг босқинчилар томонидан шафқатсизлик билан бостирилиши натижасида суғориш иншоотлари ишдан чиқди, шаҳар ва шаҳар маданияти тушкунликка учради.

Халифалик ҳукмронлигига қарши юз йилга яқин давом этган халқ кураши (Гуран, Девостий, Ибн Сурайж раҳбарлигидаги чиқишлар, Абу Муслим, Муқанна, Рофеъ ибн Лайс тарафдорларининг ҳаракатлари) Урта Осиё ва Хуросонда араб босқинчилари ҳукмронлигининг тапазулга юз тутиши билан тугади. IX асрнинг биринчи ярмида давлатни бошқариш маҳаллий феодал сулолалари — сомонийлар ва хоразмшоҳлар қўлига ўтди. Урта Осиёнинг чет эл босқинчилари ҳукмронлигидан халос бўлиши мамлакат экономикаси ва маданиятининг тикланишига шароит тугдирди, феодализм тарққиётини тезлаштирди.

Сомонийлар даврида (IX—X) феодализмнинг икки босқичи — илк ва тараққий этган феодализм узоқ давом этган кураши жараёни бошланди. Илк феодализм даврида қадимги уруғчилик синфи бўлмиш деҳқонлар жуда катта ер-мулкка, қишлоқ ва шаҳарларга эгалик қилиб, халқаро савдода имтиёзли мавқеи бор эди. Милоднинг VI асрларида деҳқонлар жамоачиларнинг кучли қаршиликлари (Эрондаги Маздак, Урта Осиёдаги Абруй қўзғололи кабилар) бостириб, қишлоқ жамоаларни ўзига итоат эттирди ва уларни қарам бўлган баршинликлар — кадиварларга айлантирди. Манбаларда (Хеннинг ўқиган манихей қогозлари) кўрсатилишича, кади-

* «Деҳқон» сузи дастлаб ер аристократлари маъносида қўлланилган, кейинчалик ерни ишлайдиганлар деҳқон деб аталадиган бўлди.

варларнинг иш қуни икки қисмга бўлинган: бир қисмини улар хужайини учун ишлаб берса, иккинчи қисмини узига ажратилган «хусусий» ерда ўтказган. Кадиварлар ва қулларни итоаткорликда саклаш ва ўз мулкини ташқи ҳужумдан ҳимоя этиш мақсадида деҳқонлар узининг шахсий ҳарбий тудаси — човкарларини саклаган, булар асосан қуллардан иборат бўлган.

Сомонийлар даврдан бошлаб эски деҳқонлар, кадиварлар, маҳаллий ҳукмдорлар (Самарқандда ихшидийлар, Тошкентда туданлар, Бухорода бухорхудодрлар, Усрушанада афшинлар) тузуми урнини янги босқич — тараққий этган феодализм эгаллади. Бу тузум даврида йирик империялар (сомонийлар, қорахонийлар ва бошқалар) пайдо бўлиб, буларга янги давлат хизматидаги кишилар ва руҳонийлар оммаси хизмат қиларди. Сомонийлар даврида давлат хизматида бўлган янги табақа вакилларига давлат томонидан ер ажратиб берилди; бу ер, *иқта* деб аталарди. Иқта эгалари уз ерларида ишлатиш учун деҳқонлар ҳокимлигидан холи бўлган меҳнаткаш деҳқонларга муҳтож эдилар. Шу тарзда ижарачилар — узгалар ерини ишлаб берувчи камбағал деҳқон табақаси вужудга келди. Феодализмнинг бундай янги тараққиёт босқичи тарихан прогрессив воқеа эди, ижарачилик эски кадиварликка нисбатан иқтисодий томондан фойдали бўлиб чиқди. Бундай шароитда янги ер эгаларининг ерни ва кадиварликни деҳқонлар остидан қўтариш, яъни эски деҳқонлар ва уларнинг хўжаликни бошқариш усулларини тугатиш учун қаттиқ кураши бошланиб кетди.

Шундай мураккаб ижтимоий-сиёсий шароитда сомонийлар эски ва янги тартиб ўртасида усталик ишлатиш тактикасини қўлладилар, бу эса фақат уларнинг ҳокимиятини бушаштириб юборди, ҳолос.

Шундай бир вақтда Ўрта Осиёда сомонийлар ҳукмронлигига қарши ҳужум бошлаган янги сиёсий куч — қорахонийлар пайдо бўлади. Шаҳарликлар, руҳонийларнинг куп қисми ва лашкарбошилар қорахонийлар томонига ўтиб олди ва шундай қилиб улар сомонийлар ерининг Амударёга қадар бўлган қисмини осонгина босиб олдилар.

Қорахонийлар ҳокимияти ўрнатилиши туфайли эски деҳқонлик ва кадиварлик тарих саҳнасидан тушди, уларнинг тугатилиши янги давр — тараққий этган феодализм даврининг бошланишидан дарак беради. Шу даврдан бошлаб «деҳқон» сўзи узининг аввалги маъносини йўқотди: ерни ишлаш билан шугулланганларнинг ҳаммаси деҳқон деб аталадиган бўлди. Кадиварлик ҳам тугатилиб, ўз ўрнини чоракорликка бушатиб берди.

Ўрта Осиё ва унга қушни мамлакатларнинг уша даврдаги сиёсий харитасини куз олдимизга келтирайлик. Қошғар ва Еттисув вилоятдан чиққан қорахонийлар 999 йили сомо-

нийлар давлатининг Ўрта Осиёдаги ҳукмронлигини тугатиб, Амударёгача булган жойни ишғол этдилар. Сомонииларнинг Амударёдан у томондаги ерлари эса янги ташкил этилган Ғазна султонлиги қўл остига утди. Ғарбда ҳали каттагина сиёсий таъсирга эга булган аббосийлар халифалиги ҳукм су-
рарди. Хоразмнинг қадимги пойтахти Кот шаҳрида африғий-
ларнинг охириги ҳукмдори Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Хоразм-
шоҳ тахт суради.

Араб истилосидан кейин VIII аср бошларидаёқ Хоразмда узига хос икки ҳокимиятчилик урилатилган эди. Мамлакатнинг шимолий районларида амалда мустақил ҳокимият ташкил этилиб, унинг ҳукмдори, эҳтимол, Миздеҳқонда тахт сураган. IX асрга келиб Миздеҳқоннинг ғарбида Гурганж (ҳозирги Қўна Урганч) шаҳри тез ривожлана бошлади ва X аср охи-
рига келиб бу шаҳар янги маъмунийлар сулоласининг пойтах-
тига айланди. Маъмунийлар Котда ҳукм сураётган қадимги африғийлар сулоласи билан рақобатда муваффақият қозон-
дилар. 925 йили Гурганж амири Маъмун ибн Муҳаммад Кот
шаҳрини ишғол этиб, охириги африғий амирини қатл этди ва
узи Хоразмшоҳ лақабини қабул қилди. Шу вақтдан бошлаб
Гурганж хоразмшоҳларнинг ягона пойтахти булиб қолди.

Хоразмшоҳ Маъмун ибн Муҳаммад (992—997) ва унинг
ворислари Орол олди саҳролари, Волга буйи, Шимолий Кав-
каз ва ҳатто Киев Русигача булган катта ва кичик қабилалар
ҳамда давлатларнинг сиёсий ҳаётида фаол иштирок этдилар.

Шуни ҳам айтиш керакки, Хоразмнинг бу айтиб утилган
жойлар билан алоқалари жуда қадимдан мавжуд эди. Ҳатто
милоддан аввалги 329 йил Хоразм подшоси Фаразман уша
вақтда Бактра (Балх)да турган Исқандар Зулқарнайнга унинг
мамлакати Колхида давлати ва Шимолий Кавказдаги «Ама-
зонка» ерлари билан бевосита қўшничилик муносабатида
эканини баён қилган эди. Қадимги Хоразмнинг асосий аҳо-
лисини ташкил этган сак қабилалари милоддан аввалги
мингинчи йиллар урталарига қадар Мидия подшоҳлиги ва
Кичик Осиё мамлакатлари билан Кавказ орқали яқин алоқада
булганлар.

Хоразмнинг бу тарихий алоқалари милоддан аввалги мин-
гинчи йиллар охириларида ҳам сақланиб қолган ва тараққий
этишда давом этган. Тарихий ҳужжатлар ва археологик ма-
териаллар Хоразмнинг Қора денгиз буйи, Киев Руси, Шарқий
Европа ва айниқса, Орол ва Волга буйи давлатлари — ҳазар-
лар, булгорлар, қипчоқлар, пичапаклар, ғузлар ва бошқалар
билан узаро муносабатларини курсатиб берувчи жуда куп
далилларни очиб берди. Масалан, X аср бошларида Ҳазар
давлатида ва унинг пойтахти Итилда булган Ибн Фадлон у
ерда Хоразмнинг сиёсий ва маданий таъсири жуда катта эка-

нини кўрсатиб ўтган, Ҳазар ҳоқонлиги атрофида хоразмлик олимлар, руҳонийлар ва иш бошқарувчилар тупланган эди.

Хоразм ҳукмдорлари XI аср бошларида ҳазар, булғор ва ҳатто Киев Руси хонлигини исломлаштиришга ҳаракат қилиб, қўшни халқларнинг давлат ишларига аралаша бошлаган, Хусусан, улар булғор подшолигининг Киев князи — Владимирга қарши курашини қўллаб-қувватлаган. «Шундан кейин улар (Владимир подшолиги — *Муҳаррир*) Хоразм шоҳи ҳузурига ўз подшоҳларининг яқинларидан бўлган турт кишидан иборат элчи юборди ва уларнинг элчилари Хоразмга етиб келиб, ўз подшоҳлари номасини топширди... Хоразмшоҳ уларнинг исломни қабул қилиш ҳақидаги қароридан хурсанд бўлди ва уларга ислом қонунларини ургатиш учун ҳузурларига кишилар юборди»¹.

Хоразм Киев Руси, Волга бўйи ва бошқа мамлакатлар билан қадимдан савдо-сотик муносабатлари олиб борган. Ғарб мамлакатларини, айниқса Ўрта денгиз ҳавзасини Узоқ Шарқ билан боғловчи савдо йўли Баспор, Урарт, Хоразм — Қанғуй подшоликлари даврида ноқ ташкил этила бошлаган эди. Бу йўлнинг энг муҳим қисми Кора денгизнинг шимоли-шарқий қирғоқлари бўлиб, у ерда Тмутаракан, Саркал каби йирик савдо-ҳунармандчилик марказлари вужудга келганди. Бу ерларга Италия, Миср ва Рим шаҳарларидан кўплаб юк ортган кемалар, Қавказ, Ҳазар, Булғор подшоликлари, рус князликлари, Хоразм ва Узоқ Шарқдан карвонлар келиб турарди. Бу шаҳарлар X—XI асрларда Киев Руси, Ҳазар хоқонлиги ва қипчоқлар уртасида кескин рақобат объекти бўлгани ҳам бежиз эмас эди.

Маъмунийлар даврида Ҳазар хоқонлиги Киев князи Святослав томонидан тор-мор этилгандан кейин, Хоразм у ерда ўз мавқеини мустаҳкамлаб олди; Сирдарёдан Волга бўйи ва ундан наригача булган катта территориядаги кучманчи қабилаларнинг сиёсий ва маданий ҳаётига фаол таъсир кўрсатди. Хоразм Шарқ мамлакатларининг Русь, Шарқий ва Ғарбий Европа билан сиёсий, савдо-сотик ва маданий муносабатларининг ривожланишидаги занжирни боғловчи муҳим ҳалқа хизматини адо этди.

С. П. Толстов раҳбарлигида Хоразмда олиб борилган экспедициянинг археологик материаллари Хоразмдан Шарқий Европага ҳўзилган бу қадимги буюк йўлни таърифлаш учун энг аъло кўргазмали материал бўлиб хизмат қилади. У йўлнинг турли қисмларида карвонсарой, қудуқ ва бошқаларнинг қолдиқлари ҳозир ҳам учраб туради².

¹ С. Н. Толстов, По следам древнехорезмской цивилизации, М.—Л., 1949, 258-бет.

² Қаранг: С. П. Толстов, По следам древнехорезмской цивилизации, М.—Л., 1949, X боб.

Урта асрнинг илк даврида бу ерда жаҳон савдоси кенг қўламда ривожлангани маълум. Араб халифалигининг марказий районларида VIII асрадаёқ шаҳар қурилиши, порт ва денгиз кемаларини барпо этиш авж олган эди. Шаҳарлар савдо ва ҳунармандчиликнинг йирик марказларига айлана бошлади, араблар босиб олган мамлакатлардан ҳарбий ўлжа, солиқ, контрибуция, улпон тариқасида қўлга киритилган жуда кўп қимматбаҳо буюмлар муомалага ташланди.

Иккинчи томондан, феодализмнинг мустаҳкам тараққиёт йулига тушиб олган Италия савдо-сотиқда халифалик билан рақобатлаша бошлади. IX—XI асрларда Италиянинг анча ривожланган ва иқтисодий мустаҳкамланган Пиза, Флоренция, Венеция, Генуя, Милан, Палерма каби шаҳарларида йирик савдо ширкатлари ташкил этилиб, улардан манфаатдор бўлишга феодаллар ҳам, папачилик ҳам қизиқар эди.

Рус князликларининг ташқи савдо алоқалари ҳам ривожланди, Ғарб ва Шарқ мамлакатлари, шу жумладан, Урта Осиё билан уларнинг мол айрибошлаши кўпайди. Урта Осиёнинг ўзида ҳам ҳунармандчилик, шаҳар ҳаёти ва савдо тараққий этади. Гурганж, Жонкент, Жанда, Ўзган, Савран, Самарқанд, Бухоро, Марв, Нисо, Хужанд, Ахси, Қува ва бошқа шаҳарларнинг савдогарлари йирик савдо муомалаларини олиб борардилар.

Хоразмнинг янги пойтахти Гурганж Мовароуннахрдан (Бухоро—Варахш—Амударёнинг унғ томони — Кот орқали), Месопотамиядан (Нисо — Қорақум — Змухшир орқали) келадиган муҳим савдо стратегик йўллари қўшилган жойда ривожланди. Гурганждан Устюрт орқали Волга ва ундан нарига — Қора денгиз қирғоқларига, Киев Руси ва шу каби бошқа мамлакатларга савдо йули ўтарди.

Мақдисиининг (X аср) ёзишича, Гурганж орқали Волга буйи ва Киев Русидан славян қўллари, қимматбаҳо мўйналар, ҳайвон, мум, мис, тери, ов қўшлари, балиқ елими, моржнинг тишлари ва бошқалар олиб утиларди. Шарқ мамлакатларидан эса Гурганж орқали ип ва ипак газламалар, тапёр кийимлар, бўёқ, зиравор, қурол-аслаҳа, заргарлик буюмлари, ширицликлар, қуриқ мевалар, пахта ва бошқа буюмлар ташиларди.

Хоразмнинг Шарқ ва Ғарбнинг турли мамлакатлари билан иқтисодий-сией ва маданий муносабатлари Гурганжнинг пойтахт ва йирик савдо-ҳунармандчилик ва маданий марказ сифатида тез ривожланишига сабаб бўлди. Шаҳарнинг 1221 йилги, яъни мўғуллар томонидан ишғол этилган пайтдаги аҳолиси ҳақида манбаларда сақланиб қолган баъзи маълумотларга эгамиз. Жувайнийнинг ҳикоя қилишича, мўғуллар Хоразм пойтахтининг ичида олиб борилган куча жангларида

шаҳарнинг жуда кўп халқини қириб ташлаганлар, юз минг ҳунармандни танлаб олиб, Муғулистонга олиб кетганлар. Қолган шаҳарликлар эса босқинчилар томонидан қириб юборилган. Муғул армиясида 60000 жангчи булиб, ҳар бир жангчига 24 тадан Гурганж аҳолиси туғри келган. Шундай қилиб, манба маълумотларига кўра, Гурганж аҳолиси, бир ярим миллиондан ортиқ булган. Бу маълумотларга яна шуни қўшиш мумкинки, 1333 йил Гурганжга келган Ибн Баттута шаҳарнинг катталиги ва аҳолисининг кўпчилигига ҳайрон қолган эди.

«Худуд ал-олам» китоби (X аср охири) муаллифининг хабар беришича, Гурганж икки қисмдан иборат булган: шаҳри дарун (ички шаҳар) ва шаҳри берун (ташки шаҳар). Берун (шаҳри берун) Гурганжнинг бир қисми сифатида мавжуд булганлиги кейинги бир қанча муаллифлар томонидан ҳам кўрсатиб ўтилган. Берун топографик от бўлишидан кўра, топонимик от бўлиши эҳтимолга якинрокдир.

Гурганж аҳолисининг кўпчилик қисмини, худди бошқа шаҳарлардаги каби, ҳунармандлар ташкил этарди. Шуни айтиб ўтиш керакки, илк феодализм давридаёқ аҳоли яшайдиган катта ва кичик жойлар ҳунармандчилик ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари буйича ихтисослашган эди. Баъзи бир жойлар уша ернинг аҳолиси шуғулланадиган касб-ҳунар номи билан юритилган. Масалан, Бухоро атрофида Косагарон (коса ясовчилар), Деггарон (қозон ясовчилар) каби қишлоқлар булган. Бухоро, Самарқанд, Гурганж ва бошқа йирик шаҳар ҳунармандлари ўзларининг уюшмаларини ташкил этганлар, уларнинг алоҳида тўпланадиган жойлари (такия) ва оқсоқоллари (кулу) булган.

Шаҳар халқларининг маҳаллий феодаллар ва чет эл босқинчиларига қарши кўтарилган қуроли қузғолонларининг тепасида ҳунармандлар турган. Масалан, Муқална кир ювувчи булган; Бухородаги IX аср қузғолонига нонвой бошчилик қилган; муғулларга қарши 1238 йилги қузғолон тепасида элак ғалвирчи Маҳмуд Торобий турган; Самарқанддаги сарбадорлар ҳаракатига эса жун ва пахта титувчилар оқсоқоли Абу Бакр бошчилик қилган.

Ривоят қилишларича, бир вақт шаҳарликлар Маҳмуд Фазнавийнинг руҳсатисиз унинг душманининг ҳамласини ҳунармандлар бошчилигида қайтарганлар. Зуравон Султон шаҳарликларнинг бундай беодоблигига тоқат қилолмай, уларни рағбатлантириш урнига узбошимчалик қилганлари учун жазолаган. Манбаларда хабар берилишича, шайх Абу Саъид Майхоний Нишопур ҳунармандлари орасида шуҳрат қозона бошлаган. Бу ҳақда Маҳмудга хабар қилганларида, ҳунармандларни тезда тор-мор қилиш ҳақида буйруқ берган.

1209 йил Бухоро шаҳар халқи қалқон ясовчи ҳунарманд Санжар раҳбарлигида руҳоний феодаллар — садрларга қарши кучли кураш олиб борганлар ва уларни шаҳардан ҳайдаб чиқарганлар. Бу ҳаракат фақат Хоразмшоҳнинг аралашуви билангина бостирилган. Бу кураш уз характери билан худди уша вақтда Италия ва Франциянинг катта шаҳарларида шаҳар коммуналариининг ҳунармандчилик уюшмалари бошчилигида папалик ва феодалларга қарши қуроли курашини эслатади.

Шаҳарларда ҳунармандлар билан бир қаторда чакана савдо юритувчилар, савдогарлар, руҳонийлар, мансабдорлар ва турли-туман вақтинча ва тасодифий ишларни бажарувчи «овбошлар» ва ялангоёқлар ҳам яшарди.

Этник состави жиҳатидан шаҳарлар, айниқса, Гурганж, Самарқанд, Бухоро, Марв аҳолиси ниҳоятда турли-туманлиги билан ажралиб турарди. Бу шаҳарларда эронликлар, тожиклар туркманлар, ҳиндлар, хитойлар, араблар, римликлар, арман, грузин, черкас, рус, осетин, тибетлик, уйғур каби халқларни учратиш мумкин эди. Буларнинг кўпчилиги бутун-бутун маҳаллаларни ишғол қилган. Бозор, карвонсарой ва ҳукмдорларнинг саройлари турли тилларда сўзловчи кишиларга тулиб-тошиб ётарди. Шаҳарликлар бошқа диндагиларга ва турли-туман бидъатларга ниҳоятда бефарқ қарардилар. Халқаро иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларнинг ўсиши, суғориш асосидаги деҳқончилик, ҳунармандчилик ва санъатнинг, ҳарбий ишлар ва давлатни бошқариш усулларининг тақомиллашиши илмин билимларнинг кенгайишига бўлган эҳтиёжни кучайтирди. Шундай қилиб, ҳуқуқшунослик, табобат, кимё, геодезия, жуғрофия, астрономия, фалсафа, тарих каби фанларга қизиқиши ниҳоятда ортди. Ҳар бир ҳукмдор уз саронида ҳамма соҳаларга оид олимларни тўплашга ва бой кутубхоналар барпо этишга ҳаракат қилди. Ҳукмдорлар орасида Қобус ибн Вашмгир, Хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмун каби фаннинг ҳимоячилари ҳам булган. Маълумки, Беруний «фан муқаддас соҳадир, ҳамма унга интилади, фан ҳамма нарсдан юқори туради ва ундан буюк нарса йўқдир»,— деган эди. Маҳмуд Ғазнавий ҳам уз ҳузурига куплаб олимларни туплаган, булар қаторида Беруний ҳам булган. Мускин Маҳмуд олимларни тахкирлар, уларни реакция ва жаҳолат кучлари учун хизмат қилишга мажбур ётарди.

Ҳар бир шаҳарда куплаб олимлар яшарди. Улар орасида феодаллар ва реакцион клерикал гуруҳлар таъғибидан яшириниб юрганлар ҳам бор эди. Фаннинг ҳар бир соҳасида қунт билан ишлаш тадқиқотчини ортодоксал ислом ақидаларига қарама-қарши булган янги гояларга олиб келарди. Расмий эътиқод чегарасидан чиқиб кетиш, динга қарши фикрлаш

нинг бошланиши ва стихияли материализм белгилари шу йул билан пайдо бўлганди.

Деҳқон (хукмдор)ларни тугатиш учун бошланган сиёсий кураш, фаннинг турли соҳаларида эришилган ютуқлар ва ортодоксал исломга қарши ҳаракат эркин фикрлаш, шахснинг озод ҳаракати ва кишининг фазилатлари ҳақида тараққийпарвар ғояларга замин тайёрлади. Урта Осиёда карматийлар, муътазалийлар, зиндийлар каби дин ақидаларига қарши фикр юритувчилар тарафдори бўлган бир қанча оқимлар мавжуд эди. Улар айрим вақтларда баъзи бир ҳукмдорларни уз томонига оғдириб олиш имконига ҳам эга бўлганлар.

X—XI асрда яшаган машҳур олимларнинг ҳеч бири қарматийлар, зиндийлар ва муътазалийлар таълимотидан четда қолмаган эди. Бу Берунийга ҳам тааллуқлидир.

Ана шундай тарихий шароитда Абу Райҳон Беруний ёш олим сифатида улғайиб, вояга етди. Узининг тиришқоқлиги ва илм соҳасидаги муваффақиятлари билан Хоразмшоҳ саройида ҳурмат қозонди. Беруний Хоразмшоҳнинг биродари Абу Наср Ибн Ироқ Мансурнинг шогирди бўлгани ҳолда ўз устози ёрдами билан Кат шаҳрида Хоразмшоҳ Абу Абдуллоҳ Муҳаммаднинг саройидаги олимлар даврасига яқинлашиш имконига эга бўлди.

995 йил воқеалари — хоразмшоҳларнинг Катдаги хонадони тугатилиб, ҳокимиятнинг Гурганждаги маъмунийлар қўлига ўтиши Берунийни вақтинча Хоразмдан узоқлашишга мажбур этди. У бир неча йил Жўржон ҳокими Қобус ибн Вашмгир саройида яшади. Сунг Хоразмга қайтиб келиб, Абу Аббос Маъмун ибн Маъмун (1009—1017) хизматига кирди. У ерда Берунийнинг мавқеи тезда кўтарилди; ҳам олим, ҳам Хоразмшоҳнинг сиёсий маслаҳатчиси сифатида шуҳрат қозонди.

Шу вақтда Мовароуннаҳрда қорахонийлар мустаҳкам ўрнашиб олган эди. Амударё билан Ҳиндистон уртасидаги территорияда эса Маҳмуд Ҳазнавий ҳокимияти мустаҳкамланиб бораётганди. Маҳмуд Ҳиндистон, Бағдод халифалиги, қорахонийлар ва Хоразмдаги маъмунийларни хавф остида қолдирганди. Шимолда, Сирдарёнинг қуйи оқимида Днепргача бўлган саҳроларда ғуз ва пичанак қабилаларининг сиёсий иттифоқи—оғуз-ябғу давлати ташкил топди. Сирдарёнинг қуйи қисми эса Жанд ва Янгикент (Жанкент) шаҳарлари билан ғуз қабила бошлиқлари орасидаги шиддатли жанглар майдонига айланди.¹

1017 йил Маҳмуд Ҳазнавий (998—1030) Хоразмни босиб олиб, маъмунийлар давлатини тугатди ва давлат тепасига ўз ноибларини қўйди. Шу йили Беруний Хоразмнинг бошқа олимлари қатори Ҳазнага кетишга мажбур бўлди.¹

Шу билан бирга, Сирдарёнинг этакларида ғуз қабилаларининг ўтроқлашиши ва деҳқончилик билан шуғулланишга

утиши тезлашди. Фузларнинг бир қисми Салжуқ бошчилигида Урта Осиё воҳаларида урнашиб олишга интилди ва шу сабабдан оғуз-ябғу давлатининг асосий кучидан ажралиб қолди. Бу Жанд ҳокими Шохмалик билан Туғрул ва Чақор раҳбарлигидаги салжуқ авлодлари орасида тинимсиз туқнашувлар бўлишга олиб келди. Шохмалик таъқиби остида Туғрул ва Чақор Хуросонга кетишди ва у ерда узоқ вақт Маҳмуднинг вориси Масъуд билан жанг қилишди. Оқибатда салжуқийлар ғолиб чиқиб, XI аср урталарида Хуросонда понтaxти Нишопур ва Марв бўлган кучли салжуқийлар давлатини ташкил этдилар. Салжуқийлар давлатига Хоразм ҳам кирган эди.

Мана шу оғир шароитда Беруний узоқ Ғазнада ўз ҳаётининг охириги ва ниҳоятда самарали қисмини кечираётган эди. Манбаларда ҳикоя қилинишича, Беруний ўзининг Ғазнадаги ҳаётининг бошланғич давларида купол, золим ва урушқоқ феодал Маҳмуднинг анча сиқикларига дуч келган, бардош берган. Кейинроқ Беруний аста-секин Маҳмуддан четлашди ва тараққийпарвар руҳдаги сарой аҳллари ёрдами билан тамоман илмий тадқиқот ишларига берилади. Унинг самарали илмий ишлари Маҳмуд ворислари Масъуд (1030—1041) ва Маъдуд (1041—1048)лар замонида ҳам давом этди.³

Берунийга уз замондошлариёқ юксак баҳо берганлар. Масалан, машҳур тарихчи Абул Фазл Байҳақий шундай ёзганди: «Устоз Абу Райҳон оғзаки ва ёзма ижодиётда, нарсалар моҳиятини тушунишда, геометрия ва фалсафада шундай билимдон эдики, унинг замонида унга тенг келадиган бошқа киши булмаган»³.

Абу Райҳон Берунийнинг 150 дан ортиқ асарни ўз ичига олган илмий мероси жаҳон фани хазинасига қимматбаҳо ҳисса бўлиб қушилди. Ҳозир бу асарларни турли фан соҳасидаги мутахассислар қунт билан урганиб, номи асрлар оша яшаб келган буюк энциклопедист олим заковатига чуқур ҳурмат билан қарамоқдалар.

³ Абу-л-Фазл Байҳақи. История Масъуда, перевод А. К. Арендса. Ташкент, 1962, стр. 587.

П. Г. БУЛГАКОВ

Филология фанлари доктори

БЕРУНИЙНИНГ ИЖТИМОЙИ ФАНЛАР СОҲАСИДАГИ ИЛМИЙ МЕРОСИ

Ҳаннинг келиб чиқиш сабабларини ва унинг вазифаларини, олимнинг кишилар ва фан олдидаги бурчини бутун урта аср Шарқда Берунидек чуқур ва ҳақиқатга яқин тасаввур эта олган бошқа бир олимнинг номини аташ мушкул. Ҳақиқий фаннинг кишилик жамияти талаблари билан боғлиқ ана шу моҳияти ва вазифаларини туғри тушуниш хоразмлик буюк олим илмий тадқиқотларининг кенг кўламда булишига, мавзу жиҳатдан куп қирралилиги ва актуаллигига сабаб булди.

Беруний «Таҳид ниҳоят ал-амокин ли тасҳиҳ масофат ал-масокин» («Турар жойлар орасидаги масофани текшириш учун жойларнинг охириги чегараларини аниқлаш») китобининг муқаддимасида билимнинг қатор соҳаларининг келиб чиқиш сабабларини қараб чиқар экан, ҳам табиий, ҳам ижтимоий фанлар учун умумий булган бир хулосага келади. Буни олим яшаган давр учун таҳсинга сазовор ажойиб фикр эканлигини эътироф этмасдан булманди. «Фанларнинг ҳолати ана шундай. Улар инсон ҳаёти учун зарур бўлган эҳтиёжларни тугдирди. Шуларга қараб фанлар ҳам шохобчаларга булинди»¹. Олимнинг бурчи фан учун беғараз хизмат қилишдан иборат, фаннинг вазифаси эса инсон эҳтиёжини қондиришдир, деб тушунди Беруний. Унинг сўзи билан айтганда, «Фанларнинг фойдаси улар ёрдамида олтин ва қумушларни қўлга кириштириш эмас, балки улар туфайли зарур нарсаларга эришишдир»².

Берунийнинг илмий изланишни ҳар қандай догматизм, энг аввал диний догматизм асоратидан халос этиш ҳақидаги талаби табиий фанларга ҳам, ижтимоий фанларга ҳам баробар тааллуқли эди. Бу Беруний туб маъноси билан даҳрий бўлган деган сўз эмас. Ўз замонасининг фарзанди бўлмиш олим худо-

¹ Абу Райҳан Бируни, Избранные произведения, т. III, Ташкент, 1966, стр. 86 (бундан кейин: Геодезия).

² Беруний, Геодезия, 86-бет.

нинг борлигига, унинг яратувчи ва коинотни ҳаракатга келтирувчи ягона куч эканлигига иқдор булган. Лекин у фан ва дин доираларини бир-биридан ажрата билиш зарурлигини айтди ва худо худоллигича, фан эса ақл-идрок маҳсули булиб қолиши учун жонбозлик қилди. Уша давр ва уша тарихий шароит учун бу шубҳасиз, ҳатто инқилобни талаб эди. Бундай фикрни олға сураб экан, Беруний ҳокимият тепасида турган диний кучлар олдида ўзини қандай хавф остида қолдирганини биларди, лекин бундай хавф-хатарга парво қилман, фанга қзрши курашаётган мутаассибларни нафрат билан қоралади.

«Улардан энг ашаддийси фанни узига ухшаш жоҳилларга жирканчи қилиш, олимларни йуқотиш ҳамда олимлар ҳалокати фаннинг инкирозга юз тутиши инқоби остида уз моҳиятини сақлаш мақсадида фанга даҳрийлик тамғасини босади»³, — деб ёзади у.

Ҳам табиий, ҳам ижтимоий масалаларни ҳал этишда Беруний ўз асарларида фан ва диннинг вазифаларини дидиллик билан бир-бирига қарама-қарши қуяди ва илмий масалаларни ҳал этишда «муқаддас» китобларнинг бутунлай ожизлигини қайд қилади. Жумладан, Ернинг ёшини аниқлаш борасида «Геодезия» китобида бу ҳақда туғридан-туғри гапириб утган. «Осор ал-бокниа ан ал-қурун ал-халийя» («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар») асарида ҳам артезиан сувлари ҳолати ҳақида гапирар экан, сузини шундай тугатади: «Ўзлари билмаган табиий ҳодисалар сабабини билишни тангрининг илмига ҳавола этувчи куп кишилар бу масала ҳақида мен билан мунозара қиладилар»⁴⁻⁵. «Геодезия»да Беруний Аристотель бутнарастик даврида яшаганлиги сабабли унинг логикасини тан олмайдиган мутаассиб руҳонийлар устидан қаттиқ кулади⁶. Беруний изчил рационалист сифатида фанда назариянинг раҳбарлик мавқега эга эканлига иқдор булар экан, илмий тадқиқотнинг асоси қилиб тадқиқотчи томонидан ишончлиги тасдиқланган ва текширилган фактларнигина қабул қилади. Бу ҳам табиий фанларга (тажриба ва кузатишлар туфайли олинган маълумотлар), ҳам ижтимоий фанларга (ёзма ва оғзақ маълумотлар) баробар тааллуқлидир. Беруний табиий ва ижтимоий фанларни бир-биридан илм доирасида ажратмайди. Унинг таъкидича, ҳар бир олим, қанси фан соҳасида ишлашидан қатъи назар, файласуф булиши ва фаннинг ҳамма соҳаларидан етарли билимга эга булиши керак. Бундай талабнинг ҳамма фан вакиллари учун зарурлигини қайд этиб, Беруний «Геодезия»да шундай ёзади:

³ Беруний, Геодезия, 82 бет.

⁴⁻⁵ Абу Райҳон Беруний, Танланган асарлар. I. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Тошкент, 1958, 306-бет (бундан кейин: Ёдгорликлар).

⁶ Беруний, Геодезия, 85—86-бетлар.

«Юнонликларда фалсафа ёки ҳикмат тушунчаси нимага асосланган бўлса, шунинг ҳақиқатига мувофиқ ҳамма ҳақиқатни тушуниш билан чегараланиб қолинган эди. Одам фақат илмий тажриба билан шугулланса ва аниқ тадқиқот ишлари олиб боргандагина фаннинг бирор соҳаси ҳақида ҳукм чиқара олади. Бунинг учун у файласуф бўлиши, ҳамма фанлар асосини билиши керак, чунки бу фанларнинг ҳар бирини тула билишга унинг умри кифоя қилмайди»⁷.

Беруний бу ерда тарих, география ва солномаларни билмаслик олимларни астрономия соҳасида хатога йул қуйишга олиб келганини мисол қилиб келтиради, улар қадимги даврлар астрономик кузатишларининг вақти ва урнини аниқлаш олмадилар ва уларнинг натижаларини зарур бўлган тузатишларсиз бутунлай бошқа жойга татбиқ этдилар, дейди. Табиий ва ижтимоий масалалар уртасида яқиндан алоқа бўлиши кераклиги зарурлигини Берунийнинг бошқа асарларида ҳам учратамиз. Узининг «Қимматбаҳо тошларни билиб олиш бўйича маълумотлар тўплами» («Минералогия») асарида қимматбаҳо тошларни қазиб олиш ва уларни ишлаш ҳақидаги маълумотларни иқтисодин маълумотлар билан боғлаб олиб боради. «Масъуд қонуни» китобида фақат қадимги давр тарихини чуқур билишгина ўша давр олимларининг астрономик кузатишларини тўғри белгилаш ва улар билан Беруний давридаги кузатишлар орасидаги вақтнинг аниқ фарқини белгилаш имконини беришлигини бир қанча мисолларда курсатиб ўтган. Мана шундай метод Беруний учун астрономик ҳажмлар ва ёритқичлар координатининг узгаришида бир қанча қонуниятларни кашф этишга сабаб бўлди. «Китоб ас-Сайдана фи-т-тиб» («Доривор ўсимликлар ҳақида китоб») асарида эса Беруний доривор ўсимликларни тўғри танлаш учун тилларни ва терминологияни билиш қанчалик зарур эканини курсатиб ўтган.

Табиий ва ижтимоий фанлар киши эҳтиёжини қондириш асосига қуйилган ягона мақсадга қаратилган. Мана шу ўзаро муносабат Берунийга асосан табиий фанлар олими бўлгани ҳолда, ижтимоий фанларга ҳам жуда катта эътибор бериш, уларни фақат ўрганибгина қолмай, назарий бойитиш имконини берди.

Берунийнинг ижтимоий фанларга қизиқиш доираси ҳам тарих, ҳам филология, ҳам фалсафани уз ичига олганди. Бу соҳаларнинг деярли ҳаммасида у махсус асарлар ёзиб қолдирди. Бундан ташқари, Берунийнинг кўпчилиги табиий фанлар билан боғлиқ бўлган ҳамма йирик асарлари учун, юқорида айтиб ўтганимиздек, шу нарса характерлики, уларда табиий ва ижтимоий масалалар бир-бирига чамбарчас боғланиб кетган.

⁷ Беруний, Геодезия, 262-бет.

Берунийга тарихчи сифатида иккита асосий хусусият хос-дир: а) турли халқларнинг тарихий-маданий хизматини ва айрим шахслар фаолиятини баҳолашда уларнинг ирқий, диний ёки сулолаларига асосланмай, ҳамма халқларга бир хилда ҳурмат билан қарашга асосланган ҳаддан зиёд объективлик; б) воқеа ва ҳодисаларни, айниқса, этнография соҳасида, солиштириш асосида урганишга ҳаракат қилиш, турли халқлар ва диний гуруҳлар учун хос бўлган ухшашлик, параллеллик ёки зиддиятларни ахтариб топиш. Берунийдаги бу икки хусусият уни Яқин Шарқ ва Урта Осиёнинг урта асрдаги бизга маълум булган ҳамма тарихчиларидан ажратиб туради.

Ўзининг илк асари булмиш «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар»да Беруний тарихчи олдида қуйидаги талабни қўяди: «Сунгра бунни купчилик кишиларнинг табиатини пасткашлаштирадиган ёмон ахлоқдан, ҳақиқатни қуришга имкон бермайдиган омиллардан, яъни баданга сиғиб кетган одатлар, ғараз, рақобат, хирс-ҳаво кетидан қувиш, ҳокимият учун курашиш ва шунга ухшашлардан ўзни тозалагандан кейин, ... уларнинг исбот учун келтирган суз ва эътиқодларини бир-бирига солиштириш билан билинади»⁸.

Беруний воқеа ва фактларни ёритишдаги ғаразликка қарши курашар экан, ҳақиқатни бузиб берувчиларни қоралаб, шундай дейди: «{Масалан} бир киши уз жинсини улуғлаб ёлгон хабар тарқатади, бундан мақсади узини курсатиш бўлади, чунки унинг узни уша жинсдан келиб чиққан бўлади; ёки узини курсатиш мақсадида бошқа зид бир жинсни айблаб, ёлгон гап ёяди, чунки у шу билан {зид жинс} устидан ғалаба қозонган ва уз истагига эришган бўлади... [Иккинчи бир киши эса] ўзи севадиган бир табақага миннатдорчилик билдирмоқчи бўлиб ёки ёмон курадиган бир синфни хафа қилмоқчи бўлиб, улар уртасида ёлгон хабар тарқатади»⁹.

Берунийнинг тарихий тадқиқотларини уз мавзунга қараб беш туркумга булиш мумкин:

1) қадимги ва илк урта аср Шарқининг умумий тарихи, шу билан бирга, маълум даражада қадимги юпон тарихи. Шуни уқтириш керакки, Берунийнинг бу соҳадаги изланишлари унинг учун шундайин бир мақсад булмай, турли халқлардаги (юнонлар, римликлар, қофтийлар, яҳудийлар, византияликлар, эронликлар, сурёнийлар, араблар, сугдлар, хоразмликлар, ҳиндлар) хронологик тарихлар системасини аниқлаш вазифаси билан боғлиқ булган. Турли эралар учун тузилган астрономик жадваллардан фойдаланиш муносабати билан Беруний-

⁸ Беруний, Ёдгорликлар, 40-бет. (Ўзбекча таржимасида «яъни» сўзидан кейинги «ўзни тозалагандан» сузигача булган ибора тушиб қолган).

⁹ Абу Райҳон Беруний, Танланган асарлар, II, Ҳиндистон, Тошкент, 1965, 26-бет (бундан кейин: Ҳиндистон деб берилди).

да хронологик системаларга кизикниш уз-ўзидан пайдо булган. Лекин бу масалаларнинг Беруний илмий қизиқишлари умумий мажмуасига буйсуниши ҳолатидан катъи назар, Шарқнинг қадимги ва илк урта аср тарихи соҳасидаги унинг изланишлари фақат уз замонаси фани учунгина сермазмун булмай, балки баъзи масалаларда хозирги замон фани учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. «Масъуд қонуни» асарининг иккинчи китобида ва «Едгорликлар»да Шарқнинг турли давлатларида ҳукм сурган подшоҳлар, урушлар, халқларнинг бошқа ерли босқинчиларга қарши қўзғолонлари ҳақидаги муҳим саноаларни келтирган, қишлоқ хўжалиги ишларининг муддати, солиқлар тулаш вақти ва бошқалар ҳақида маълумотлар берган. Фикримиз исботи учун битта мисол келтирамиз. Ҳозирги кунга қадар Доро II замонида эронликлар ҳукмронлигига қарши мисрликлар қўзғолони қайси йили булгани номаълум эди. Беруний «Масъуд қонуни»да бу қўзғолон Доро подшоҳлигининг 14-йилида, яъни милоддан аввал 410 йили булиб ўтганини ёзган¹⁰.

Бу сана шартли равишда қабул қилинган санадан беш йил олдин бўлиб чиқди¹¹:

2) Беруний яшаган даврдаги Урта Осиё тарихи. Бу соҳада Беруний уз ватани Хоразм ва Ғазнавийлар давлати тарихи билан махсус шуғулланди. «Геодезия», «Минералогия» ва «Ҳиндистон» асарларида Хоразм ва Ғазна ҳукмдорлари ҳақида алоҳида маълумотлар берилган. Булардан маълум булишича, Маҳмуднинг Ҳиндистонга қилган босқинчилик юришларига Беруний ошкора булмаса ҳам яширин йўллар билан қарши чиққан. Бу юришлар оқибатини у шундай тасвирлайди:

«[Маҳмуд] ҳинд мамлакатларида қирғинлар қилиб, машҳур афсоналардаги сингари уларнинг кулларини кукка совурди; ниҳоят улар ҳамма ёққа сочилиб, қолганлари эса жуда ҳам нафратланиб, мусулмонлардан узоқлашишга тушдилар. Балки шу ҳодисалар босиб олинган мамлакатлардан улардаги илмларнинг йўқолишига, Кашмир, Балорас ва буларга ухшаш ҳалигача қулимиз етмандиган жойларга қочиб кетишларига сабаб булгандир»¹². «Геодезия»да Беруний Ғазна томондан хавф туғилган пайтда айш-ишрат билан банд булиб, ҳеч қандай чора-тадбир курмагани учун Хоразмшоҳни койийди¹³. «Минералогия»да эса Хоразмшоҳ лочинининг оёғини синдириб қуйгани учун қушбоқарнинг ҳам оёғини синдириб, ҳаддан ташқари раҳмсизлик қилгани ҳақида ҳикоя қилади¹⁴.

¹⁰ Абу Райҳон Беруний, ал-Қонун ал-Масъудий, I, Ҳайдаробод, 1954, 156-бет (Бундан кейин: Қонун ал-Масъудий деб берилади).

¹¹ Всемирная история, т. II, М., 1956, стр. 199 и 822.

¹² Беруний, Ҳиндистон, 35-бет.

¹³ Беруний, Геодезия, 138-бет.

¹⁴ Абу Райҳон... ал-Бируни. Собрание сведений для познания драгоценностей (Минералогия), М., 1963, стр. 193.

Хоразм ва ғазнавийлар хонадони тарихига Беруний иккита махсус асар бағишлаган, биттаси — «Хоразм хабарлари ҳақида суҳбатлар» («Хоразм тарихи»), иккинчиси — «Султон Маҳмуд подшоҳлик кунлари тарихи ва унинг отаси ҳақида хабарлар»¹⁵. Улар бизгача етиб келмаган, лекин машҳур тарихчи Ёқут ал-Ҳамавий (1179—1229) бу асарларни қурганини тълқидлайди¹⁶. Беруний замондоши Абул-Фазл Байҳақий бу китобдан қисман парчалар келтирган. Унинг бу асардан келтирган цитаталари Маҳмуд томонидан Хоразмнинг босиб олиниши воқеасини бутун тафсилоти билан тасвирлаб бериш билан бир қаторда, бу воқеаларда Берунийнинг Хоразмшоҳнинг расмий булмаган маслаҳатчиси сифатида тутган урни ва ролини, унинг Маҳмудга қаршилик курсатишни уюштиришдаги ҳаракатларини ҳам кўрсатиб берган¹⁷;

3) Шарқ халқларининг фани тарихи. Беруний уз асарлари билан бизнинг куз олдимизда ўрта аср фанининг энг жиддий ва деярли ягона тарихчиси сифатида гавдаланади. У қўл билан ёзма манбаларни қидирди, улардан турли-туман тилларда фойдаланди, бир маълумотни иккинчиси билан танқидий усулда солиштирди ва қўлга киритган материалларини илмий равишда умумлаштирди. У ҳамма халқларга тегишли айрим фанлар тарихи билан ҳам, айрим халқларга тааллуқли ҳамма фанлар тарихи билан ҳам қизиқди. Масалан, «Масъуд қонун»¹⁸ ва «Геодезия»¹⁹ да астрономиянинг Гиппархдан то уз давригача булган айрим йўналишларини кузатиб чиққан. Кеча-кундуз баробарлиги ва эклиптиканинг экваторга мойил бўлиш пайтларини кузатишнинг энг тула ва батафсил маълумотларини келтирган. Беруний асарлари туфайлигина биз IX асрда яшаган самарқандлик астроном Сулаймон ибн Исмаининг Балхдаги фаолияти ҳақида²⁰, хоразмлик математик Азархур ибн Жашнос²¹ фаолияти ва Абу Бакр ар-Розийнинг бошқа манбаларда бизга маълум булмаган устози Абу-л-Аббос ал-Эроншаҳрийнинг²² илмий фаолияти ҳақида аниқ факт-

¹⁵ Ёақут ал-Ҳамавий. Иршод ал-ариб, Лейден—Лондон, 1907—1927, VI, 311-бет.

¹⁶ J. I. Voillot. L'Oeuvre d'al-Beruni, Institut Dominicain d'etudes orientales du Caire, Melanges, II, Le Caire, 1955, P, 288 (№ 150), 233—234 (№ 160). Бундан кейин „Буало“ деб олинади).

Абу-л-Фазл Байҳақий. История Масъуда (1030—1041). Перевод с персидского, введение, комментарии, приложения А. К. Арендса, М., 1969, стр. 44—46, 807—817.

¹⁸ Беруний, Қонун ал-Масъудий, 362—366, 641—647-бетлар.

¹⁹ Беруний, Геодезия, 265—269-бетлар.

²⁰ Геодезия, 128—130, 235, 268-бетлар; Қонун ал-Масъудий, 659, 777-бетлар.

Абу Райҳон Беруний, Истихроҷ ал-автор фи-л-донра, таҳқиқ Аҳмад Саид ал-Демиртош, Қоҳира, 1965, 36, 52-бетлар.

²² Қонун ал-Масъудий, 632-бет; Ҳиндистон, 59-бет; Геодезия, 94, 97-бетлар.

ларга эга була оламиз. Беруний ўзининг устурлоб ясаш ҳақидаги рисоласида устурлоб асбобининг Яқин Шарқдаги тарихини деярли тула ёритиб берган²³. Биз учун яна энг муҳими шуки, Беруний Хужанддаги машҳур ер ости секстантининг энг батафсил ва аниқ тасвирини ёзиб қолдирган ва унинг қуриш техникасини ҳам айтиб утган. Худди мана шу асбоб Улуғбекнинг машҳур астрономик асбоби учун намуна бўлган эди²⁴.

1.1) Берунийнинг Ҳиндистонда фан тарихи, айниқса, ҳинд астрономияси ва математикаси ҳақидаги энг бой маълумотлари урта аср тарихи учун мислсиз ва ҳозирги кунимизда ҳам уз қимматини йўқотмаган манбалардир. Беруний, ҳинд олимларининг ёрдами билан бўлса-да, санскрит тилидаги манбалардан бевосита фойдаланган, буларнинг кўпчилиги ҳозирги пайтда Ҳиндистоннинг узида йўқолиб кетган. |

Ўзининг ҳиндшунослик соҳасидаги илмий-тарихий тадқиқотларини «Ҳиндистон» китобида, «Масъуд қонуни» ва «Гномоника»²⁵ асарларининг айрим бобларида, шу билан бирга, бизгача баъзи қисми етиб келган («Ҳинд рашиклари ҳақида китоб»)²⁶, кўп серияли махсус рисолаларида баён этган. Бу рисолалардан кўпчилиги йўқолиб кетган бўлиб, улар номини Беруний уз асарлари учун тузган рўйхатда келтирган. Масалан, «Зиж ал-Аркандни тузатиш»²⁷, «Санкалит [ҳисоблаш системаси] ҳақида»²⁸, «Ҳиндларда вақтли фурсатни белгилаш ҳақида»²⁹ ва бошқалар.

Ижоди Берунийни алоҳида қизиқтирган айрим олимлар орасида биринчи урин унинг буюк тараққийпарвар ўтмишдоши Абу Бакр ар-Розийга тегишлидир. Ар-Розий «дахрий» деб аталishiга озгина қолишига қарамай, Беруний унинг асарлари руйхатини тузган ва бунинг оммалаштирган. Бу асар Беруний

²³ H. Suterund, E. Wiedemann, Über al-Biruni und seine Schriften, Sitzungsberichte der physikalisch — medizinischen Sozietat in Erlangen, Bd. 52—53 (1920—1921), стр. 83—84.

²⁴ Абу Райҳон ал-Беруний, Ҳикоят ал-олол ал-мусаммо ас-судс ал-фаҳрий, Арабча мати Байрутда «ал-Маширик» журналида (1908, II-сон, 68—69-бетлар) босилган. Яна бизнинг «Фаҳриев секстант в «Геодезии» Бируни» («Общественные науки в Узбекистане», 1963, № 6, стр. 50—55) номли мақоламизга қаранг.

Берунийнинг «Ифрод ал-мақол фи амир аз-зиллол» асарини шартли равишда шундай атадик. Асарнинг арабча матни Ҳайдарободда 1948 йили босилган.

Буало, 188-бет (№ 38). Арабча матни Ҳайдарободда 1948 йили нашр этилган. Русча таржимаси изоҳлари билан Б. А. Розенфельд томонидан «Из истории науки и техники в странах Востока» (М., 1963, стр. 148—167) тупламада босилган.

²⁷ Буало, 175-бет (№ 6).

²⁸ Буало, 188-бет (№ 39).

²⁹ Буало, 193-бет (№ 52).

Фихристи³⁰ деб юритилиб, ар-Розийнинг 184 асари номиши ўз ичига олган ва бизгача етиб келган.

Берунийнинг маълумотлари Ўрта Осиё фан тарихи, айниқса Хоразм учун алоҳида аҳамиятга эгадир. «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар»да Беруний араб истилосига қадар Хоразмда мустақил астрономик анъана ҳукм сурибгина қолмай, хоразмликлар юлдузли осмонни исломгача бўлган арабларга нисбатан яхши билганликлари ҳақида ҳикоя қилади. Бунинг исботи сифатида бир қанча буржларнинг хоразмча номларини келтиради³¹;

4) Шарқ халқлари этнографияси. Беруний ўзининг этнограф эканини «Ҳиндистон» асарида яққол намойиш қилди. У ҳинд халқининг утмиши ва уша замондаги ҳаётнинг ҳамма томони билан ҳеч мустасносиз қизиқди. Санскрит тилидаги манбалар ва ўз кузатишларига суянган ҳолда, Беруний ҳиндларнинг урф-одатлари, маросим ва байрамлари, касталар қонунилари, овқат ва кийимлари, никоҳ усуллари ва оилавий муносабатлари, ржиной ва меросга онд қонуларини батафсил ва ҳар томонлама тасвирлаб берган. Бу уринда Беруний урта аср Шарқида қиёсий этнографияни яратувчи сифатида майдонга отилди: у ҳиндларнинг урф-одатлари, маросимлари, оилавий ва бошқа муносабатларини исломгача бўлган араблар, эронликлар ҳамда бошқа халқлардаги худди шундай урф-одат ва муносабатлар билан таққослайди.

Берунийнинг Ўрта Осиё халқлари — хоразмликлар, суғдлар ва турклар ҳақидаги «Ёдгорликлар» асарида ва «Масъуд қонуни»нинг иккинчи китобида келтирган этнографик маълумотлари, унча тула бўлмаслигидан қатъи назар, биз учун муҳим қизиқиш уйғотади, чунки у маълумотларнинг купчилиги бошқа манбаларда учрамайди;

5) Шарқда дин ва «бидъатлар» тарихи. Ўз «Фихристи»да ёзишича, Беруний ёшлигидан бошлаб ва бутун ҳаёти давомида ислом томонидан қаттиқ таъқиб остига олинган диний таълимотлар, айниқса, манийчиликнинг ман этилган ёдгорликларини излаган ва урганган³². «Оқ кийимликлар» таълимоти ҳақида Беруний маълумотлар тўпланини йиғиб асар ёзган³³, лекин бу асарнинг «Оқ кийимликлар» таълимоти билан карматийлар таълимотини баён этган қисмлари бизгача етиб

³⁰ Буало, 236-бет (№ 168). Арабча матн нашри: *Eptre de Burunt contenant le Repertoire des ouvrages de Muhammad p. Zakariya ar-Razi*. Publiee par P. Kraus, Paris, 1936. Немецкий перевод: I. Ruska. *Al-Biruni als Quelle für das Leben und Schriften al-Razî's*. „Lzis“, журналі. 1922. № 5, 26—50-бетлар.

Беруний, Ёдгорликлар, 282—283-бетлар.

³² *Chronologie orientalischer Völker von Alberuni*, Hrsg. von C. E. Sachau. Leipzig, 1878, p. XXXIX.

³³ Буало, 234-бет (№ 161, 162).

келмаган, ammo Беруний тупламнинг охирги китобида берилган айрим маълумотларни «Едгорликлар»да келтирган³⁴. «Едгорликлар»да ва «Масъуд қонуни»нинг иккинчи китобида Беруний юқорида айтилган динлар, исломгача булган араблар дини, Шарқда христиан церковлари ва яҳудий дини мазҳаблари ҳақида маълумот беради. В. В. Бартольднинг курсатишича, Берунийнинг Урта Осиёда ислом дини маросимлари ҳақидаги нодир маълумотлари ҳозирги кунда биз учун алоҳида аҳамиятга эгадир³⁵. Бу фикр маълум даражада ҳиндлар динларига ҳам тааллуқлидир. Бу динлар тарихига Беруний «Ҳиндистон»нинг айрим бобларини ва баъзи махсус асарларини бағишлаган («Ҳиндлар Васудеваси ва унинг яқин орада юзага чиқиши ҳақида рисола» кабилар)³⁶.

Беруний филологик фанларни билишда ҳам зур истеъдод соҳибидир. У араб адабиётшунослиги соҳасида ўзининг урта аср араб классик адабиётининг чуқур билимдони ва тадқиқотчиси эканини кўрсатди. Ўзининг «Доривор ўсимликлар ҳақида китоб» ва «Минералогия» асарларида айрим минераллар, металллар, ўсимликлар ёки ҳайвонлар ҳақида сўз юритар экан, бир неча унлаб исломгача, исломдан кейинги ва ўзига замондош араб ҳамда арабийнавис шоирларнинг шу минерал ёки ўсимликлар ҳақидаги кўплаб шеърини келтиради. Бу билан Беруний фақат уқимишли ва поэтик дид эгаси булмиш киши сифатидагина юзага чиқмай балки тадқиқотчи ва изоҳловчи сифатида иш кўрган; кўпгина шеърларни у маъно жиҳатдан синчиклаб таҳлил этган. Бундан ташқари, Беруний араб шоирлари асарларини шакл ва мазмун жиҳатидан анализ қилишга бағишланган бир қанча асарлар ёзган (бизгача етиб келмаган). Ҳўт Ҳамавий (XIII аср) улардан баъзиларини уқиганини ёзади. Булар: IX аср Сурия шоири Абу Тамман шеърига ёзилган шарҳ³⁷, шу шоир шеърларида қофия ҳақида рисола³⁸ ва энг йирик араб шоирларининг баъзи бир шеърий иборалари мазмуни ҳақида ёзилган махсус тадқиқот³⁹.

Эрон адабиётшунослиги соҳасида Беруний асосан Хуросон халқ оғзаки ижодини урганлиш ва араб тилига таржима қилиш билан шуғулланган. У уз «Фихрист»ида араб тилига ўзи таржима қилган асарларнинг каттагина рўйхатини берган, булар асосан икки севишганлар ҳақидаги эртак ва қиссалардан иборатдир⁴⁰. Беруний хаёти ва ижоди ҳақида нашрга топширилган

³⁴ Беруний, Едгорликлар, 247—248 ва бошқа бетлар.

³⁵ В. Бартольд, Сочинения, т. IV, М., 1966, стр. 655—656. Сочинения, т. II, ч. 2, М., 1964, стр. 479—481.

³⁶ Буало, 208-бет (№ 96).

³⁷ Буало, 235-бет. (№ 163).

³⁸ Буало, 204-бет (№ 86).

³⁹ Буало, 235-бет (№ 164).

⁴⁰ Буало, 202—204-бетлар (№ 80, 85).

илмий ишмизда Беруний томонидан таржима қилинган баъзи бир асарлар номи Унсурийнинг дostonлари («Вомиқ ва Узро», «Икки санам ҳақида эртак», «Хурсандлик бахш этувчи ва ҳаёт булоғи ҳақида қисса») номларига ухшаш эканлигига диққатни жалб этганмиз. Унсурий арабчадаги сузма-суз таржималардан фойдаланганини (бунга қиссалардан бирининг номида арабча «Айн ал-Ҳаёт» исмининг учраши далил бўла олади) ва у Беруний билан бир вақтда бир подшоҳ саройида хизмат қилганини ҳисобга олиб, дадиллик билан Беруний таржималари Унсурий учун дастлабки материал сифатида хизмат қилган, деган хулосага келиш мумкин.

1.1 Ҳинд адабиётшунослиги соҳасида эса Беруний ислом Шарқида биринчи ҳиндшунос сифатида майдонга чиқди, у ҳинд шеър тузилишининг йирик очеркни яратди ва буни ўзининг «Ҳиндистон» асарига киритди. Энг муҳими шундаки, бу очеркда ҳинд шеър тузилишини араб шеър тузилиши системаси билан солиштириш элементлари ҳам мавжуддир. /

Берунийнинг лингвистика билан шугулланиши асосан илмий терминология соҳаси билан боғлиқ булган. Бу борадаги унинг диққат доираси инҳоят кенг булиб, астрономия, математика, минералогия, ботаника, зоология, фалсафа каби фанларга оид араб, форс, юнон, сурёний, санскрит ва бошқа тиллар ҳамда диалектлардаги терминологияни қамраб олади. Унинг илмий иши қуйидаги йўналишда борган: а) терминлар маъносини аниқлаш; б) терминлар этимологиясининг халқ орасида юртилиши ёки нотугрилигини танқид; в) синоним ва омонимларни аниқлаш асосида турли тилларга ва айрим тилларга хос терминларни солиштириш; г) терминлар орфографияси ва транскрипциясини аниқлаш.

Берунийнинг терминологияга оид тадқиқотларини уз ичига олган асосий асарлари «Доривор усимликлар ҳақида китоб»⁴¹ ва «Минералогия»дир. Айрим терминологияга оид фикрларни «Масъуд қонуни», «Геодезия», «Тафхим», «Гномоника» ва бошқа асарларда ҳам учратамиз. Жуда кўп миқдордаги санскрит терминларини Беруний «Ҳиндистон» ва «Масъуд қонуни» китобларида баҳс этган, баъзи бирларини эса ҳиндлардаги фан билан боғлиқ булган рисоалари («Ҳинд рашиклари ҳақида китоб» ва бошқалар) да куриб чиққан.

1.1 -1 Беруний ижоди фалсафа фани билан, энг аввал, қадимги юнон фалсафасининг прогрессив, рационал томони — Аристо-

⁴¹ «Доривор усимликлар ҳақида китоб»нинг филологик хусусияти ҳақида қаранг: У. И. Қаримов, Китоб ас-сайдана (Фармакогнозия) Беруни, Филология фанлари доктори илмий даражасини ёқлаш учун автореферат, Тошкент, 1971, 21—41-бетлар; Вопросы филологии в «Книга ас-Сайдана» Беруни, «Общественные науки в Узбекистане», 1970, № 10, стр. 68—70.

тель ва атомистлар таълимоти билан чамбарчас боғлиқ. Унинг қадимги файласуфлар қарашларига ҳурмати уларга эътирозсиз, кўр-кўрона эргашишдан иборат бўлмай, балки уларнинг тажриба ва кузатишларга қарама-қарши турган айрим фикрларини (масалан, Аристотелнинг табиий жойлар назарияси) танқид қилиш билан боғлиқдир. Бу Беруний ўз замонага нисбатан қанчалик жиддий фалсафа тарихчиси бўлганлигидан далолат беради. Беруний Аристотель ва бошқа қадимги мутафаккирларнинг табиат фалсафасини қанчалик чуқур ва ижодий ургангани ҳақида унинг Ибн Сино билан хат орқали олиб борган савол-жавоблари (буни 997 — 998 йиллари булиб утганини аниқлаш имконига эга бўлдик) очиқ кўрсатиб беради. Бу савол-жавоблар бизгача сақланиб келган⁴² /

Берунийнинг ҳинд фалсафаси тарихи билан қанчалик чуқур шуғулланганига унинг «Ҳиндистон» асари далил була олади. Бунда олим ҳиндларнинг турли фалсафий системаларни асосларини бир-бирига таққослаган ҳолда баён этади ва қачондир бошқа фалсафий оқимларга нисбатан материализмга яқинроқ турган сангха фалсафий мактабини афзал қўяди. «Ҳиндистон» мазмунини таҳлил қилиш шунини кўрсатадики, Беруний сангха таълимотини баён этишда унинг айрим материалистик томонларини атайлаб таъкидлаб кетади, яна муҳими шуки, унинг тушунтиришларида баъзи концепцияларни материализм томонига ёндаштиришга ҳаракат қилади. Чунончи, бутун мавжудоднинг йигирма беш унсур (татва)дан иборат эволюцияси назариясини баён этар экан, баъзи унсурларни Беруний идеалистик моҳиятидан ажратиб олади ва улар ҳақида материалистик нуқтан назардан фикр юритади. Масалан, туртинчи унсур — «аханкара» Берунийнинг талқин қилишича — табиат, аслида, сангха таълимотида нақл қилинишича, бу илоҳийлаштирилган модданинг ўз-ўзини тушунишидир. Бундан ташқари, Беруний татвалар тартибини қайтадан тузиб чиқиб, ҳар бир ривожланишга аксинча йуналиш беради: сангхадаги руҳдан моддийга томон йуналиш Берунийда моддийдан руҳга деб кўрсатилган⁴³ /

⁴² Буало, 227-бет (№147). Матн ва ўзбекча таржимаси нашри: Беруний билан Ибн Синонинг савол-жавоблари, Тошкент, 1950 (нашрга тайёровчилар М. Абдурахмонов ва А. Расулов). Русча таржимани Ю. Н. Заводский қилган; «Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане», под редакцией И. М. Муминова. Ташкент, 1957, стр. 128—162. Яна қаранг: А. Д. Шарипов, Малоизвестные страницы переписки Беруни с Ибн Синой, «Общественные науки в Узбекистане», 1965, № 11, стр. 35—41.

⁴³ Беруний, Ҳиндистон, 47—50-бетлар; Яна қаранг: А. Б. Холидов ва В. Г. Эрманнинг «Ҳиндистон»нинг русча таржимасига ёзилган муқаддимаси, 28—30-бетлар.

Беруний ҳинд фалсафасининг бош манбаларини қанчалик чуқур урганганига яна шулар гувоҳлик берадики, у веданта ва таитра мактабига яқин бўлган файласуф Патанжала таълимотини баён этувчи китобни ва сангха мактаби концепциясини баён этувчи китобни санскритдан араб тилига таржима қилган⁴⁴. Булардан фақат биринчиси бизгача етиб келган.

Бу ерда Беруний дунёқараши ҳақида муфассал тўхтаб ўтирмаймиз, чунки мазкур мақола мавзудан четда бўлиб, махсус тадқиқотлар талаб қилади, булардан А. Шариповнинг нашрга тайёрланаётган илмий ишини кўрсатиш мумкин. Қисқа қилиб шуни айтиш керакки, Беруний тараққийпарвар дензм йўналишига мансуб бўлиб, узининг айрим стихияли материалистик тушунчаси билан ажралиб туради. Беруний дунёни худо яратган, лекин у табиат қонуларни асосида тараққий этади, одам бу қонуларни билишга қодир ва билишга мажбурдир, дейди. Табиат фалсафаси соҳасида Беруний атомистлар қарашларига ва Аристотель таълимотининг баъзи бир рационалистик томонларига, космология соҳасида эса Птолемей таълимотига яқин туради, лекин кўп масалаларда Аристотелдан ҳам, Птолемейдан ҳам анча олдинга кадам ташлаган Чупончи, у Аристотелнинг табиий жойлар назариясини асосли равишда таъқид қилади. Птолемейнинг эпицикллар назарияси масаласига шубҳа билан қарайди, физик сифатида Ернинг ўз ўқи атрофида айланишини инкор этса ҳам, математик сифатида бунинг мумкинлигини тан олади. Беруний фикрича, одамлар хавф-хатарни кўплашиб бартараф этиш ва биргалашиб меҳнат қилиш зарурати сабабли жамоа бўлиб яшай бошлаганлар. Жамият тараққиёти жараёнида ишлаб чиқарилган маҳсулот ва сарфланган меҳнат улчови сифатида пул пайдо бўлган. Фанларнинг пайдо бўлиши сабаби ва уларнинг вазифаси инсон эҳтиёжини қондиришдир. Фан дин ҳукмронлигидан холи бўлиши ва уз тараққиётида хусусий мезонларига суяниши керак, шундай мезонлардан энг муҳими — тажриба ва илмий-табиий кузатишлар берган маълумотлардир. Руҳоний-мутаассиблар фойдасини кўзлаб илмий ҳақиқатдан воз кечишни Беруний ҳақиқий олим учун помуносиб иш деб ҳисоблади. Фолбинликни кўзлаган астрологияни у фан қаторига қўшмайди, лекин самовий координатнинг астрологияда қабул қилинган ўзига хос системаларини ва вақтнинг ҳисоблашни тарихий-астрономик планда ўрганиди.

Беруний ўз фалсафий қарашларининг ҳамма системасини баён этган маҳсул фалсафий асар қолдирмаган бўлса ҳам, деярли ҳамма йирик асарларида унинг дунёқараши ҳақида

⁴⁴ Бу ало, 203-бет (№ 98 ва 238-бет № 174). Арабча матн нашри: Al-Biruni. *Übersetzung des yoga-Sutres des Patanjali* von H. Ritter, Orlens, Bd. 9, № 2, 1956, s. 165—200.

тула фикр юритиш имконини берадиган фалсафий фикрларни учратамиз. Булардан Берунийнинг табиат фалсафаси учун унинг Ибн Сино билан савол-жавоблари, «Масъуд ҳонуни»нинг биринчи китоби, «Едгорликлар» ва «Геодезия»нинг айрим қисмлари; кишилик жамияти тараққиёти характерига қарши масаласида «Геодезия» ва «Минералогия»нинг кириш қисмлари; фан ва дин қурашини тасвирлаб бериш учун — «Геодезия», «Едгорликлар», айниқса «Ҳиндистон»нинг айрим қисмлари кифоя қилади.

Берунийнинг ижтимоий фанлар соҳасидаги илмий меросини қисқача куриб чиқишнинг узи, унинг урта аср олами учун буюк табиатшунос булганини тан олиш билан бирга, ижтимоий фанлар соҳасида ҳам уни урта аср учун энг асосий булган уч муҳим соҳа — фалсафа, тарих ва филологияда чуқур из қолдирган машҳур олимлар қаторига кушиш учун тула имкон беради.

У. И. КАРИМОВ

БЕРУНИЙНИНГ
«КИТОБ АС-САЙДАНА ФИ-Т-ТИББ» —

«ДОРИВОР МОДДАЛАР ҲАҚИДА КИТОБ»
(«ФАРМАКОГНОЗИЯ») НОМЛИ АСАРИДА
ФИЛОЛОГИЯ МАСЛАЛАРИ

Хоразмлик буюк олим Абу Райҳон Беруний (973 — 1048) асосан физик-математик ва табиий фанлар билан шуғулланган булиб, бу фанларнинг тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган¹. Аммо у шу билан бирга ижтимоий фанларга ҳам катта аҳамият берган. Олим бир қанча тарихий асарлар ҳам ёзган, лекин улар бахтга қарши бизгача етиб келмаган². У қадимги ва ўзига замондош булган араб шеърятини яхши билган ва бу соҳага оид туртта асар ёзган булиб, булар ҳам сақланиб қолмаган. Машҳур араб олими ва сайёҳи Еқут ал-Ҳамавий (1179—1229) Берунийнинг бу асарларини шунчалик муҳим деб ҳисоблаганки, шу асарлар туфайли Беруний таржимаи ҳолини ўзининг адиблар таржимаи ҳолига махсус баишланган *Муъжам ал-удабо* номли китобига киритишни зарур деб топган³.

¹ Фаннинг бу соҳаларида Берунийнинг хизматлари ҳақида қаранг: Г. Д. Джалалов, Бируни и астрономическая наука, в сб. «Бируни — великий ученый средневековья», Ташкент, 1950, стр. 63—84; Х. У. Садыков, Бируни и его работы по астрономии и математической географии, М., 1953; В. А. Розенфельд, С. А. Краснова и М. М. Рожанская, О математических работах Абу-р-Райхана ал-Бируни, Из истории науки и техники в странах Востока, вып. III, М., 1963, стр. 71—92; И. Ю. Крачковский, Арабская географическая литература, Избранные сочинения, т. IV, М.—Л., 1957, стр. 244—262; П. Г. Булгаков, Бируни и его «Геодезия», в кн.: Бируни. Избранные произведения, т. III, Ташкент, 1966, стр. 44—76; Г. Г. Леммлейн, Минералогические сведения, сообщаемые в трактате Бируни, в кн.: Абу-р-Райхан Мухаммад ибн Ахмед ал-Бируни. Собрание сведений для познания драгоценностей (Минералогия). Перевод А. М. Белиницкого, Л., 1963, стр. 292—402.

² В. В. Бартольд, Туркестан в эпоху монгольского нашествия, Сочинения, т. I, М., 1963, стр. 66; Абу-л-Фазл Байхакки, История Масъуда (1030—1041). Перевод с персидского, введение, комментарий и приложения А. К. Арндса, М., 1969, стр. 44—45.

³ The *Irshad al-arib ila ma'rifat al-adib or Dictionary of Learned Men of Yaout*. Ed. by D. S. Margoliouth, vol. VI, London, 1913, стр. 308—314.

Берунийнинг филологияга оид ҳар хил масалалар билан қизиқиши, унинг бу соҳадан узоққа ўхшаб куринган «Минералогия» ва «Фармакогнозия» (*Китоб ас-сайдана*) номли асарларидан ҳам маълум бўлади⁴.

Айниқса, *Сайданада* Беруний ўз замонасининг ажойиб филологларидан бири булганлигини кўрсатувчи маълумотлар жуда кўп. Ундаги фактлар шуни тасдиқлайдики, Беруний араб, форс, хоразм ва ҳинд тилларини эгаллабгина қолмай, маълум даражада сурёний ва юнон тилларини ҳам билган ва шу тиллардаги илмий адабиётдан фойдалана олган. Бундан ташқари, у яна қатор бошқа тиллар ва лаҳжалар билан ҳам таниш булган (*Сайданада* у ҳаммаси бўлиб 31 тил ва лаҳжаларни қайд этган).

Беруний араб тилининг бой ва ҳар қандай фикрни ўзида ифода эта олишини холисона юқори баҳолаган ва уни халқаро илмий тил деб ҳисоблаган, шунинг учун араб тили унинг она тили бўлмаса ҳам, уз асарларини шу тилда ёзган⁵. «Дунёдаги барча мамлакатлар фанлари, — дейди у, — араблар тилига солинган; натижада улар зийнатланган ва дилларга ёқимли булган, ва улар орқали тилнинг гўзалликлари, — ҳар бир халқ ўз лаҳжасини чиройли деб ҳисобласа ҳам, — ҳаракатли ва ҳаракатсиз қон томирларига тарқалган»⁶. Форс тилига келган вақтда, Беруний унга бадий адабиёт соҳасини ҳавола қилиб, уни илмий асарлар яратишга ярамайди, деб ҳисоблайди.

Сайданани ёзишда Беруний ўз олдига қўйган асосий вазифалардан бири, доривор моддаларнинг ўзига маълум купгина тирик ва ўлик тиллардаги номларини аниқлаш ва тушуштиришдан иборат булган. Шунинг учун ҳам табиийки, доимо у чет тил илмий терминологияси билан иш кўрган ва уни араб ёзуви орқали бериш масаласи билан шуғулланган. Бироқ унда унлиларнинг нуқлиги, шунингдек, ундош ҳарфларнинг бири-бирига ўхшашлиги сабабли араб алифбоси арабча булмаган (асосан юнонча, сурёнийча ва ҳиндча) сўзларнинг тугри талаффуз этилишини ифодалаш учун ноқулай бўлиб қиқди, шунинг натижасида бундай сўзлар ҳар хил бузилишларга учради. Бунда котибларнинг ҳам айби оз эмас эди. Биринчидан, улар кўпинча диакретик нуқталарни тушириб қолдирган-

⁴ Бу ҳақда бизнинг мақолага қаранг: *Китоб ас-сайдана* (Фармакогнозия) Бируни, «Общественные науки в Узбекистане», Ташкент, 1970, № 3, стр. 55—59, «Фармакогнозиянинг ягона нусхаси Бруса шахрнинг Қуршунлу Жамий кутубхонасида сақланмоқда. шифр — Тір I, (Бундан кейин: *Сайдана* деб қисқартириб берилади).

⁵ Берунийнинг курсаткичи, унинг она тили ҳозирда истеъмолдан қолган хоразмий тили булган (*Сайдана* қўлезмаси, 7а, 126-варақлар).

⁶ *Сайдана* қўлезмаси, 7а-варақ.

лар ва, иккинчидан, узларига нотаниш сўзларни кўчириш асносида илмий адабиётга уз хатоларини ҳам киритганлар'.

Шу сабабдан, араб тилини халқаро илмий тил деб ҳисоблаган ва «менга форс тилида мадҳ эшитгандан кура арабча ҳажв эшитган ёқимлироқ»⁸, деб ёзган Беруний араб ёзувининг қўйидаги камчиликларини кўрсатиш билан унга ўзининг манфий муносабатда бўлганлигини қайд этади: «Араб ёзувида катта бир офат бор, у ҳам булса жуфт ҳарфларнинг шаклларда бир-бирига ухшашлиги ва уларни фарқлаш учун нуқта ва эъроб белгиларининг зарурлигидир. Агар шуларни ташлаб кетилса маъно ноаниқ бўлиб қолади. Бунга яна бизнинг халқимизда одат тусига кириб қолган солиштириб чиқишга эътибор этмаслик ва таққослаш орқали тузатишдаги бепарволикни қўшилса, китобнинг борлиги билан унинг йўқлиги, ҳатто ундаги нарсаларни билиш билан билмаслик бир хил бўлиб қолади»⁹.

Беруний давригача қадимги юнон табибларининг купчилик машҳур асарлари араб тилига таржима қилинган ва ҳар хил ихтисосдаги котиблар томонидан кучирилган нусхалари тарқалган эди. Бу қўлёзмаларда араб ёзувининг юқорида айтиб ўтилган камчиликлари туфайли, шунингдек, котибларнинг айби билан купгина ўсимликлар ва бошқа доривор моддаларнинг арабча бўлмаган номлари бузилганлиги маълум бўлди. Шунинг учун Беруний бу қўлёзмаларга ишонмаган, юнон ва баъзи бир сурёнийча истилоҳларнинг тўғри ёзилишини тиклаш учун бу сўзларни уларнинг юнонча ёзилишлари билан такрор солиштириб чиққан ва шу йул билан ўзининг баъзи бир тузатишларини киритган. Лекин Беруний юнон ва сурёний сўзларини транскрипция этиш учун араб алифбосига ҳеч қандай қўшимча белгилар киритмайди, бу масалада у, куришишдан, қарор топган анъанага эргашган.

Сайданадаги юнонча сўзларнинг транскрипциясини Диоскориднинг «Доривор ўсимликлар ҳақида» китобининг IX асрда қилинган арабча таржимасидаги ёзилиши билан солиштириш шуни курсатдики, Беруний унли товушларни *алиф*, *во* ва *ёй* орқали ифодалаш билан уларга узгартириш киритади. Масалан, юнонча *αὐβήμη* [„бобуна“] Диоскориднинг китобида *التهميس* шаклида транскрипция қилинган. Сайданада у *التهميس* ҳолида келтирилган ёки *التهميس* („говчашм“) Дискориддаги

⁷ Шунга ўхшаш *қўй* кейинчалик Европада ҳам юз берган эди: араб тилидаги илмий асарлар латин тилига таржима қилинган вақтда, истилоҳлар таржима қилинмай, унчалик аниқ бўлмаган латинча транскрипцияда қолдирилган эди ва қайта-қайта кўчириш натижасида улар ҳар хил бузилишларга юз тутган, баъзида эса бутунлай тушуниб бўлмадиган ҳолга келиб қолган.

⁸ Сайдана қўлёзмаси, 7 а варақ.

⁹ Сайдана қўлёзмаси, 8 а варақ.

بوفالبيون урнига *بوفالبيون* шаклида ёзилган ва ҳоказо. Шундай қилиб, *Сайданада* юнонча терминларнинг ёзилиши уларнинг ҳақиқий талаффузига яқинлаштирилган.

Ҳиндча сўзларни арабча ҳарфлар билан беришга келганда, Беруний бу мақсад учун узининг «Ҳиндистон» асарини ёзишда махсус транскрипция усулини ишлаб чиққан бўлиб¹⁰, уша тартибни *Сайданада* ҳам қўллаган. Араб алифбоси ҳиндча фонемаларнинг ҳаммасини бера олмаганлиги учун Беруний унга қисман форсчадан олинган қатор белгиларни киритган: *پ* (п), *چ* (ч), *گ* (г), *ف* (в), *ز* (ж)¹¹.

Беруний Диоскорид, Жилонус ва бошқа юнон муаллифлари асарларининг арабча таржимасидаги камчиликлардан бири, улардаги купгина юнон номларнинг таржима қилинмай қолдирилганлигида, деб ҳисоблайди. «Баъзи бир бизнинг мамлакатимизда учрайдиган ва араб тилида номлари бўлган доривор моддалар,— дейди у,— юнонча номи билан узгаришсиз қолдирилганки, таржимадан сўнг ҳам улар изоҳга муҳтож бўлиб қолган»¹². Шунинг учун ҳам Беруний *Сайдана* нинг аксарият параграфларида усимликларнинг юнонча номлари билан ёнма-ён уларнинг арабча, шунингдек, маҳаллий ва купинча эроний номларини курасатади. Бундан ташқари, у доривор моддаларининг юнонча номларини келтирганда баъзан уларнинг келиб чиқишини аниқлашга уринади ва бошқа бир ҳолларда эса юнонча истилоҳларнинг араб тилидаги сўзма-сўз таржимасини беради. Масалан, 17-параграфда «олхўри» нинг юнонча номи *دمسقىنى* [*δρασκηνα*] устида Беруний айтади: «фикримча, бу арабча Дамашққа алоқадор»¹³. 27 - параграфда *لاغوى* [*λαγωι*] — «кўён» сузини келтира туриб, қўшимча қилади: «Миср ҳокими Птолемей Лагининг лақаби шундан келиб чиққан»¹⁴. 124 - параграфдаги истилоҳ *فيلطاربيون* [*φιλταρπιον*] «*дустни севучи*» нинг мазмуни¹⁵, деб изоҳланади ва ҳақозо.

Сайданада учрайдиган юнонча терминларнинг изоҳларида қайсылари Берунийга тааллуқли ва қайсылари бошқа асарлардан олинган цитаталар билан бирга қўшилиб кирганлигини айтиш қийин, чунки Беруний фойдаланган барча манбаларга эга эмасмиз. Бироқ *Сайданада* Беруний юнон ёзувини

¹⁰ Бируни, Избранные произведения, т. II, Ташкент, 1963, стр. 41.

¹¹ «Индия», 41-бет.

¹² *Сайдана* қўлёзмаси, 8а varaқ.

¹³ Уша жойда, 12б varaқ.

¹⁴ Уша жойда, 14б varaқ.

¹⁵ Уша жойда. 34а varaқ.

билганлигини¹⁶, шу билан бирга, юнонча исмларнинг грамматик шакллари ҳақида аниқ тушунчага эгаллигини қуратувчи сузлар бор. «Румча исмлар,— деб ёзади у,—«с» ҳарфи билан тугайди; баъзи ҳолларда эса ўша сузларнинг ўзи «и» билан тугайди; бу икки ҳарф уларнинг грамматикасига кўра ўзак ҳарфлар эмас, балки қушимча ҳарфлардир»¹⁷.

Келтирилган мисоллар, шунингдек, *Сайдана*даги шунга ухшаш бошқа фактлар — акад. П. Г. Крачковскийнинг, Беруний юнон тилини маълум даражада билган, деган хулосасини тасдиқлайдиган янги далилдер¹⁸.

*Сайдана*да аксарият ўсимлик ва бошқа доривор моддалар учун уларнинг Урта Осиё, Афғонистон, Эрон ва Ҳиндистоннинг вилоят ва шаҳарларида, масалан, Бухоро, Самарқанд, Термиз, Фарғона, Хоразм, Сугд, Исфижоб, Тухористон, Балх, Ҳирот, Мултон, Буст, Бағшур, Хуросон, Жўржон, Озарбайжон, Нишопур, Рай, Нисо, Исфаҳон, Ҳамадон, Кашмир, Синд ва бошқа жойларда истеъмолда бўлган маҳаллий лаҳжа номларининг курсатилиши алоҳида эътиборга лойиқдир. Булар эроний тилларнинг тарихи ва диалектологияси учун лексик материал сифатида аҳамиятга эга бўлибгина қолмай, улар асосида мазкур мамлакатларда етиштирилган ва қулланилган доривор моддалар ҳақида муайян тушунча ҳосил қилиш ҳам мумкин. Бир неча мисоллар келтирамиз: сақич дарахтининг уруғи [بطم] нинг форсча номи *کنبون* [килбаюн], Хуросон аҳолиси уни *عجاک* [хижжак], Сижистон аҳолиси — *گلخناک* [гулханак], Нишопур ва Қоин аҳолиси — *النکش* [ноккиш], Мекрон ва Қусдар аҳолиси *گول انگور* [гулангур]¹⁹ деб атайдди. Семизўт (*بقلة حيقا*) Сижистон лаҳжасида *وشغناک* [вашфанг], Буст лаҳжасида — *ککنناک* [килнакак] дейилса, Ҳирот аҳолиси уни — *سناجاب* [синжаб] деб атайдди, Нишопур аҳолиси — *بوخل* [бухал], Балх ва Зобулистон аҳолиси — *خفراج*

¹⁶ Диоскориднинг «Доривор ўсимликлар ҳақида китоб» ва Орибазийнинг «Туплам» номли асарлари арабча таржимасининг Беруний фойдаланган нусхаларида дорилек моддалар номи юнон ёзувида ёзилган эди. [*Сайдана* қўлёзмаси, 8 а—6 вв].

¹⁷ *Сайдана* қўлёзмаси, 18 б, 25 а варақлар. Бу ҳақда Беруний яна узининг «Геодезия»сида ёзган (Избранные произведения, т. III, стр. 85).

¹⁸ И. Ю. Крачковский асосан Берунийнинг «Ҳиндистон» асаридаги Гомердан келтирилган цитаталарни таҳлил қилиш асосида шундай фикрга келган (И. Ю. Крачковский, Гомер и ал-Бируни, Избранные сочинения, т. II, М.—Л., 1956, стр. 587).

¹⁹ *Сайдана* форсча таржимасининг қўлёзмаси, 35 а варақ, 156-§ (арабча асл нусханинг шу жойи тушиб қолган).

[*хабраж*] деб атайдилар²⁰. Суғд, Самарқанд ва Фарғонада зигир уруғини زغبرور غبر [зағир ва зағира] деб атайдилар²¹.

Беруний эроний сузларнинг этимологиясини аниқлаш учун, баъзи ҳолларда, уларни ҳам араб тилига таржима қилади. Масалан, арча уруғи [البن] Зобулистон аҳолисининг тилида يعاقق الابل [урс гунда] деб аталади, бу арабчада يعاقق الابل [абҳал соққачалари] деган маънони билдиради²². Ёки خزاس [хузамо] форсчада بادران بو [модарон бу] деб аталади, бу رائحة الاعمات [оналар исси] демакдир²³.

Сайдананинг баъзи параграфларида бир ўсимлик ва унинг қисмларини ифодаловчи кўплаб арабча маънодош сўзлар келтирилади. Масалан, ҳина الحناء [хинно], العلام [уллом], اليرنا [йаранно], الرقون [рақун] ва الرقان [риқон] деб аталган²⁴.

Берунийни филолог сифатида таърифлайдиган жиҳатлардан бири унинг Сайданада учрайдиган матншуносликка оид фикрларидир. Улардан баъзилари маълум даражада ҳозирги замон фани талабларига мос келади. Сайданада Беруний бирор манбадан цитата келтира туриб, матндаги ноаниқлик ёки хато ҳақида ўз тахминини айтади ва у сўзларнинг тўғриси қандай бўлиши кераклигини кўрсатиб ўтади. Масалан, 58-параграфда «Баъзилар сановбар اصغوبر ўрнига شونمز ни тилга оладилар, афтидан бу хатодир»²⁵, дейилган. Ҳақиқатан شوتيل «седана» бўлиб, сановбарга ҳеч қандай алоқаси йўқ, унинг урнига شربين — [шарбин] булиши керак, бу сановбарнинг бошқа маънодош сузидир. Ёки: «Павел: «тиканак чумчуғи» купинча السباح [сибох — «гунг»] да яшайди дейди. Менимча, буни السباح [сийож — «девор»] деб ўқиш керак»²⁶.

Езилиши аниқланмаган номларни Беруний махсус қайд қилиб ўтади²⁷.

Беруний араб шеърятига алоҳида эътибор берган ҳолда, ўзининг илмий асарларига кўпдан-кўп шеърлар киритган. Хусусан «Минералогия», Сайдана [«Фармакогнозия»] да шеърлар кўп келтирилган. «Минералогия» да шеърлари кел-

²⁰ Уша жойда, 36 а варақ, 158-§.

²¹ Уша жойда, 142 а варақ, 883-§ (ҳозирги замон ўзбек тилида зигир).

²² Сайдана қўлэмаси, 11 а варақ.

²³ Уша жойда, 55 б варақ.

²⁴ Уша жойда, 53 б варақ.

²⁵ Уша жойда, 22 а варақ.

²⁶ Уша жойда, 91 а варақ.

²⁷ Уша жойда, 9 б варақ.

тирилган 84 шоирнинг номи тилга олинган²⁸. «Фармакогнозия» да улар 65 та бўлиб, ярмидан купи «Минералогия» да тилга олинмаган. Улар орасида исломдан олдин ўтган классик араб шоирларидан тортиб, то Ғазнада Беруний билан бир вақтда яшаган шоирларгача учрайди. Шеърлар, асосан, 1, 2, 3 ва 4 мисрадан иборат кичик парчаларда келтирилади. «Сайдана» да ҳаммаси бўлиб, 350 сатрни уз ичига олган 141 шеърий парча келтирилган.

Берунийнинг қадимги араб шеъриятига бунчалик куп мурожаат қилиши тасодифий эмас, уларда исломгача булган давр ва исломнинг илк асрларидаги араблар ҳаёти ҳамда уларни ўраб олган муҳит ҳақида турли маълумотлар, шунингдек, ҳар турли ўсимлик ва ҳайвонларнинг номлари сақланган. Шунинг учун шеърий далиллар *Сайдана*да ҳар бир тавсиф қилинаётган модда номининг моҳиятини очишда қўшимча тасвирий восита бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга улар у ёки бу сўз араб тилида қадимдан мавжудлигига гувоҳлик ҳам беради.

Афтидан, китобдаги шеърий парчаларнинг ҳаммасини ҳам Берунийнинг ўзи танламаган, уларнинг баъзилари *Сайдана*га бошқа асарлардан олинган цитаталар билан бирга кириб қолган, чунки улар Абу Ҳанифа ад-Динаварий [895 й. вафот этган]нинг «Китоб ан-наботот» [«Ўсимликлар ҳақида китоб»] номли асарида ва баъзи бир арабча изоҳли катта луғатларда ҳам учрайди. Ўзига асрдош булган шоирларнинг шеърларини эса Берунийнинг ўзи танлаган бўлиши керак.

Берунийнинг филологияга қизиқиши яна шундан маълум буладики, *Сайданани* ёзишда у араб луғат ва тил мутахассисларининг асарларидан ҳам кенг фойдаланган, чунки улар ҳам доришunosлик билан боғлиқ маълумотларга бойдир. Беруний уларга асосан дориларнинг арабча ва форсча номини аниқлаш ва уларнинг тўғри талаффуз қилинишини белгилаш учун мурожаат қилади.

Шундай қилиб, Беруний аниқ фанлар устида ишлаш билан чекланган эмас, унинг фаолият доираси жуда кенг булган. Берунийнинг доришunosликка оид асарида филология нуқтан назаридан қимматли маълумотлар куп бўлиб, улар урта осийлик буюк олим ижодининг ҳали кам урганилган соҳаларини ёритишга ёрдам беради.

²⁸ Абу-р-Райҳан Мухаммед ибн Аҳмед ал-Бируни. Собрание сведений для познания драгоценностей... стр. 409.

А. РАСУЛЕВ

Филология фанлари кандидати

БЕРУНИЙ ВА УНИНГ ШЕЪРЛАРИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Урта Осиёда етишган буюк олим ва улуг устозлардан Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний — астрономия, математика, физика, география, лугат, мантиқ, тарих ва бошқа соҳаларда турли халқларнинг, хусусан араб, яҳудий, ҳинд, эрон халқларининг эътиқодлари, урф-одатларига оид китоблар ёзиш билан бирга, адабиёт борасида ҳам қалам тебратган. У бошқа тилда ёзилган қисса, ҳазил-мутойибага мансуб асарлар ва ишқий дostonларни араб тилига таржима қилган. Булар Берунийнинг Абу Бакр ар-Розий ва ўзининг асарларига ёзган «Фихрист» (китоблар руйхати) идан маълум.

Еқут Ҳамавийнинг «Муъжам ул-удабо» асарида келтиришича, Абу Райҳон араб тилида шеърлар ҳам битган. Еқут: «Бу шеърлар юксак даражада булмаса ҳам, Беруний кабилардан содир булиши таҳсин этарлидир»¹, — дейди. Берунийнинг узи суҳбатларида булган подшоҳларни эслаб ва Абул Фатҳ Бустий²ни мадҳ этиб ёзган 17 байтли шеърини Еқут Ҳамавий «Сирр ус-сурур» деган китобда жуда қизиқиб ўқиганини эслайди. Хожи Халифа ўзининг «Кашф уз-зунун» асарида бу китоб муаллифининг номи Қози Муъинуддин Абул Ало Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ғазнавий дейди. Лекин бу шахснинг, қисқа бўлса ҳам, таржимаи ҳолини ва китобини бошқа бирор манбада учратмадик.

Абу Райҳон илм урганишга ва билим орттиришга ғоятда қизиқар экан. Еқут Ҳамавий «Муъжам ул-удабо»да Қози Касир ибн Яқуб ал-Бағдодийдан қуйидаги воқеани нақл қилади: «Беруний улим тушагида ётганида, дўстларидан фикҳ фанининг мутахассиси Абул Ҳасан Али ибн Исо ал-Валволийий уни кўргани кирган. Шунда Абу Райҳон: «Жаддоти фосида

¹ Иақут ал-Ҳамави. Муъжам ал-удаба, т. 6, Миср, 1970. 312-бет.

² Бу шахснинг асли номи — Али ибн Муҳаммад бўлиб, Маҳмуд Ғазнавийнинг ишончли қишилардан ва шуаросидан ҳисобланади: у 1009--1010 йиллар (ҳижрий — 440) вафот этган.

ҳисоби» ҳақида бир куни нима деган эдинг?» деб ундан ишунтиришини сўраган. Валволижий беморга шафқат юзасидан: «Шундай ҳолатда ҳам илмий масала билан шуғулланасанми?» деганида, Абу Райҳон: «Э биродар, бу масалани билиб дунё билан хайрлашувим билмай хайрлашувимдан яхшироқ эмасми»,— деб жавоб берган. Сунгра Валволижий у масала ҳисобини қайтаган баён қилган. Абу Райҳон уни ёдлаб олган. Шундан кейин Валволижий чиқиб кетаётганида йўлда Беруний уйдан йиғи овозини эшитиб, унинг вафот этганини билган³.

Абу Райҳон «Китоб ас-сайдана»сининг муқаддимасида мана шундай дейди: «Ёш вақтимда биз турган жойга румлик бир олим келган эди. Шунда турли дон ва уругларни олиб келиб, буларнинг юнон тилида нима деб аталишини у олимдан сўрар ва ўрганишга қизиқардим»⁴. Мана бу ҳам унинг ёшлигиданоқ билимга булган эҳтиросини кўрсатади.

Беруний «фиҳрист»нинг бир бобини «Ҳазил ва мутойибадан иборат, латифагўйлик йўлида юрадиган асарларим» деб бошлайди ва ана шу ерда «Вомиқ ва Азро» қиссасини, «Қасим ус-сурур ва айн ул-ҳаёт», «Урмуздёр ва Меҳриёр», «Бомённинг икки санами», «Додмаҳ ва Киромидухт», «Нилуфар» достонларини таржима қилганини билдиради. Булардан ташқари, Беруний машҳур араб шоири Абу Таммом Ҳабиб ибн Авс шеърларига шарҳ ёзган булиб, бу «Фиҳрист» да «Абу Таммомнинг алиф қофияли шеърларига шарҳ»

قالفة في الالف من الامام في شعر ابن تمام деган иборада келтирилади. Ҳамавий бу китобнинг муаллиф қули билан ёзилган, лекин тугатилмаган нусхасини курганлигини айтади.

«Муъжам ул-удабо» да Еқут Ҳамавий «Фиҳрист»да номи кўрсатилмаган икки китобини келтиради. Буларнинг бири: «Китоб ут-таъаллул бинҳолати-л-ваҳми фи маъони назми ули-л-фазл» — «Хаёлни фазл эгалари назмларининг маъниларига йуналтириш», иккинчиси: «Китобу мухтори ашъор ва-л-осор»⁵— «Танланган шеърлар ва асарлар китоби». Шеъриятга онд бу асарларнинг номларини «Кашф уз-зунун» ва «Қомус ул-аълум» муаллифлари эслаб ўтади.

Афсуски, Абу Райҳон Берунийнинг биз юқорида айтиб ўтган шеъриятга тегишли таълифлари ва дostonлар таржималарининг сақланиб келганлиги бизга номатълум. Қўлимизда «Муъжам ул-удабо»да курсатилган шеърини парчаларгина мавжуд. Қуйида Абу Райҳон Беруний шеърларини ва булар-

³ Пақут ал-Ҳамави, Уша асар, 309-бет.

⁴ У. И. Каримов, Китоб ас-сайдана. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора филологических наук, Ташкент, «Фан», 1971, стр. 6.

⁵ Пақут ал-Ҳамави, Уша асар, 311-бет.

ممنصور منهم قد تولى
غراسيا

زيدى بسنم صار للحال
اسيا

واقفى مضيا عن
مكاسيا

وواضتى ان لم ازر قبل
اسيا

وضم الطير للعلم
ناسيا

فما اقتبسوا فى العلم مثل
انقباسيا

وبالقرب من قدس قدر
عاسيا

فبات يد كراه العمودا
كاسيا

قد غلوسى و
بدرهم

وامونا ومنهم و
عليهم

ولم يقبض مضمود عنى
بنعبه

عفا على ديباى بعد
فراهم

وتخلت فى عزين لها
كهمفة

بجهد شأوت الجالين
أية

فسال بمقدارى هودا
بمشرف

ابو الفتح فى ديباى مالك
راختى

فبها علوت
كواسيا

على لمره منى وقد كان
واسيا

ونوه باسمى ثم رلى
راسيا

وطبرى بجاه رولسى و
لباسيا

دعوا بالتناسى فاقتمت
التناسيا

معاذ اليس انا يكونوا
سواسيا

ولا اذنبوا فى عمدة
كاحتباسيا

بل اشتر فوا طرا وعاقوا
انكاسيا

ولا زال فيها اللقوة مؤاسيا
راختى

مضى اكثر الايام فى ظل
لعبه

وشمس البهالى كان يرتاد
علمسى

واخر هم مأمون رفة
حالى

عفا عن جهالاتى و اربى
تكرما

ولما مضوا واعتش منهم
عصاية

فايدلت اقواما و ليسوا
كمنهم

فها بر كوا للبعث عند
معالم

للم يثم عن شكر جهدى
لغاسة

ولا زال للدينيا وللدين
عامرا

нинг қискача мазмунларини диққатингизга ҳазола қиламиз.

Биринчи шеър:

17 байтли бу шеърда⁶ Беруний ўзининг аввалги аҳволини, подшоҳлар билан суҳбатини баён этиб, Абул Фатҳ Бустийни мадҳ қилади. Шунингдек, ўзининг Ғазнайн шаҳрида қийин аҳволда қолиб ҳўрланганини, лекин илм эгаси булгани туфайли пешволик даъво қилувчилардан устун булганини айтади. Ўзига муҳолиф кишилар ҳақида гапириб, бундай дейди: «Улар олий донишгоҳларда (илмий) мубоҳаса учун тиз булмаганлар, бирон [илмий] масала [ни ҳал қилиш]да мендек тўхталмаганлар. Менинг қадримни кун чиқиш томонда ҳиндлардан, кун ботиш томонда эса мен чеккан машаққат миқдорини ўлчай биладиганлардан сўра!».

وَأَفِي سِيمَا حَسَنِي وَالنَّمَّ مَن دَاهِي	يَا شَا عِرَا جَاهِي يَخْزِي عَلِي الْأَدَبِ
وَلَسْتُ وَاللَّهِ حَقًّا عَارِفًا تَسْمِي سَعْمٍ وَوَالِدَتِي حِمَالَةَ الْحَطَبِ كَثَلًا فَلَحِيْبِهِ عَقْنُو لَهَا ذَنْبِي	وَذَا كِرَافِي قَوَافِي شَعْرِهِ حَسْبِي أَبِي أَبُو لُؤَبِ شَيْخِ بِلَا أَدَبِ وَجَدْتَهُ ضَارًّا طَافِي لِحَيْتِي سَفْهًا أَذَلَّتْ تَعْرِفِي جَدِي حَقَّ مَعْرِفَةٍ
وَكَيفَ تَعْرِفِي جَدِي إِذْ حَهَلْتُ أَبِي	الْمَدْحِ وَالنَّمَّ عِنْدِي يَا أَبَا حَسَنِ
سَيَانٍ مِثْلِ اسْتِوَاءِ الْجَدِّ وَاللَّعْبِ	فَاعْفِنِي عَنْهُمَا لَا تَشْتَغَلْ بِهَيَا
بِاللَّهِ لَأَنْتَ وَمَنْ مَفْسَاكَ كَأَنْ تَعْبِ	

Беруний 7 байтли бу шеърини тилёғламалик билан Берунийни ва унинг насабини мақтаган шоир Абу Ҳасанга қарата ёзган. Муаллиф хушомадгўйга қарши таҳқирли иборалар қўлайди ва бундай дейди: «Эй, шеъри қофияларида [ота-бобом] шарафларини ёдловчи! Азбаройи худо, ҳақиқатда насабимни билмайсан⁷, чунки бобомни керагича танимайсан. Отамни

⁶ Пақут а л-Ҳ а м а в и, Ўша асар, 312—313-бетлар.

⁷ Бу ва бундан кейинги сатрнинг арабча матнида феъл биринчи шахсда келган, лекин бунда котиблар хатоси бўлса керак. Бизнингча

لَا عَرَفَ (билмайман) ўрнига لَأَنْتَ عَرَفَ (билмайсан) ўқиш ўринлироқ деб шундай олдик.

билмагач, бобомни қандай биласан? Отам Абу Лаҳаб — билимсиз чол, онам эса ҳаммолат ул-Ҳатаб [ўтин ташувчи]дир. Эй Ҳасан! Мадҳинг ва мазамматинг менинг наздимда жиддий сўзинг ва ўйин гапинг фарқсиз бўлгани каби фарқсиздир».

Бундан маълум бўладики, Абу Райҳон Беруний илм-маърифатли оилада эмас, авом халқдан саналадиган оилада дунёга келган.

2 байтли учинчи шеър:

ومن جام حول المجتبر مجاهد لوى طاعماً للمكرات و كلسيا
وبات قرير العين في ظل راحة ولكنه عن حلة المجد غاريا

Мазмуни: Меҳнат қилмай улуғликка эришган киши фаровон, маишат кечиради, яхши кияди ва роҳат соясида яшайди-ю, лекин улуғлик шарафидан яланғочдир.

2 байтли тўртинчи шеър:

لا يفررك مني لين مني تراه في دروسى واقبلان
فالى اسرع الثقلين طرا الى حوض الرى فى وقت باس

Мазмуни: Дарсларим, истифода (ифода) ларимда кўраётган юмшоқлигим сени алдамасин. Шиддат вақтида ёмонлик [курсатиш]да жинлар ва инсонларнинг энг илгари кетувчисиман.

2 байтли бешинчи шеър:

تغص بالتقاعد طيب عيشى فلاشى امر من الفراق
كتابك اذ هو الفرج المرجى اطب لما ألم من الق راق

Мазмуни: Яхши ўтаётган ҳаётимдан узоқлашиб қудратли қиялпсан, жудоликдан аччиқроқ нарса йуқ. Мактубинг [жудолик азобидан] қутулишни умидлантирувчи бўлгани учун алам ва ситамга қарши мингта дуохондан шифокорроқдир.

5 байтли олтинчи шеър:

ان كان مجلسكم خلوا من الناس ان اذنون لىب فى رياركم
و-يركم طاعم مسترجع كلى هانتم الناس لا يرضى بكم بدلا
وانتم الراس والاسان بالراس وكذكم امعال تميمون بها
سوى التلهى باير قلم او او كلى فليسى يعرف من ابام عيشته
ينسى الاله وليس الله بالناسى لىدى المكابدان راحت مكايته

Беруний бу сунгги парчада олий (илмий) касбларга кўтарилиш учун меҳнат ва ижтиҳод қилувчиларни ҳурматлаб, улуғлайди, ҳаётдан мақсади — ейиш, қайтариш, кийиш бўлган паст табиатлиларни қоралайди.

Абу Райҳон Берунийнинг 35 байтдан иборат мавжуд бу шеърлари унинг камтар, адолатли, илмни ва илм аҳлини севувчи, таълим-тарбияни эҳтиром қилувчи, ёлгон ва тилёғламачиликка (гарчи бу ўз фойдасига бўлса ҳам) аёвсиз зарба берувчи олижаноб бир зот булганлигини курсатади. Берунийнинг бу яхши хислатларини у билан муносабатда булган шахсларгина эмас, балки амир ва шоҳлар ҳам тақдир қилиб, зур ҳурмат кўрсатганлар. Ҳатто бу тўғрида баъзи нақллар ҳам сақланиб қолган. Сузимни шу нақллардан бирини келтириш билан тугатаман: Бир кун Хоразмшоқ отда туриб, Абу Райҳонни ҳужрасидан чақиртирган. У бир оз кечиккан. Шунда шоҳ отининг жиловини унинг ҳужраси томон буриб, отдан тушмоқчи бўлганида, Абу Райҳон: «Худо ҳақи, тушманг»,— деб ҳужрадан чиққан. Шу вақт Хоразмшоқ мана бу байтни уқиган:

العالم من اشرق الولايات
باتييد كل الورى ولايات

Мазмуни: [Инсон] эга буладиган нарсаларнинг энг шафлиси илмдир. Барча халқ илмга [ёлбориб] келади, илм уларга келмайди, яъни мен сенга ёлбориб келишим керак, сен менга эмас. Дунёвий расмийатлар бўлмаса эди, сени чақиртирмас эдим.

Кейин шоҳ бу ҳикматли жумлани қўшган:

العالم يعلمو ولا يعلمي

яъни: илм ҳар нарсдан юқори — ҳеч нарса илмдан юқори бўлмайди.

А. ИРИСОВ

Филология фанлари кандидати

**БИР-БИРИГА УХШАШ ҲИНД
ВА УРТА ОСИЁ АФСОНАЛАРИ**

(Берунийнинг «Ҳиндистон» асари бўйича)

Маълумки, Урта Осие қадим замонлардан бери Ҳиндистон билан маданий, иқтисодий ва сиёсий алоқаларда бўлиб келган. Кейинги йилларда Қувада топилган будда ибодатхонаси ва унда сақланиб қолган баъзи бир архитектура ёдгорликлари бир вақтлар бу икки халқ муносабатининг яқин бўлганлигини курсатади. Албатта, Урта Осиега қадимги ҳинд адабиёти намуналари ва афсонавий нақллари тарқалган бўлиши шубҳасиз. Ҳатто бир маҳаллар мамлакатимизда будда дини ҳам тарқалган эди. Балки бизда санамни билдирадиган бут сўзи ҳам «будда» (будҳа) дан олинган булса керак («Бутга чўқиниш» дегани будҳага чуқиниш, сиғиниш бўлса керак).

Тарихий манбаларда кўрсатилишича, милотдан олдинги иккинчи асрда яшаган Бактрия подшоҳи Менандр ҳам будда динини қабул қилиб, унинг кенг куламда тарқалиши учун чоралар ҳам курган¹.

Ундан ташқари ҳиндларнинг «Панчатантра» («Беш хикмат») асари бизда «Қалила ва Димна» номи билан кенг тарқалган эди. Бу асар ҳозирги кунда ҳам халқимиз томонидан севилиб ўқилади.

Абу Райҳон Беруний ўзининг «Ҳиндистон»² асарида баъзи бир муносабатларга кура бир қанча хинд афсоналарини келтиради. Бу ҳинд афсонларининг айримлари Урта Осие халқлари уртасида ҳам мавжуд. Ана шуларнинг баъзисини бири-бирига солиштириб кўрмоқчимиз.

Беруний нақл қилган бир афсонанинг мазмуни шундай:

Бир подшоҳ ўз халқига, улгандан кейин танасини ҳеч бир улик куйдирилмаган³ жойда куйдирилишини васият қилган

¹ Древние авторы о Средней Азии, Ташкент, 1940, стр. 11.

² Абу Райҳон Беруний, Таҳқиқ молил-ҳинд... Бу асарнинг тўла номи «Ҳиндлардаги маъқул ва номаъқул нарсларини тўғри ва очиқ баён этадиган китоб», Э. Заҳау нашри. Лондон, 1888. Китоб номи узун булгани учун кўпинча уни қисқартириб, «Ҳиндистон» деб юритилади. Бу асар 1965 йил Тошкентда ўзбек тилида нашр этилди.

³ Ҳиндларда мурдани куйдириш одати қадимдан давом этиб келади.

экан. Подшоҳ улгач, одамлар у айтгандай жойни кўп қидириб, чарчашибди. Ниҳоят, денгиз сувидан кўтарилиб турган бир тошни топиб, энди мурдани куйдирамиз, деб туришганида, у ердан: «Шу подшо мана шу тош устида бир неча марталар куйдирилган, энди хоҳлаган ишингизни қилаверинг, чунки подшоҳнинг мақсади сизларга шуни бирдирриш эди», деган овоз чиққан»⁴.

Бу ҳикоя бошқачароқ йусинда Урта Осиёда ҳам тарқалган булиб, уни Искандар Зулқарнайинга нисбат берадилар. Ҳикоя қилинишича, гуё Искандар, жасадини ҳали ҳеч бир зот кўмилмаган жойга кўминглар, деб васият қилган эмиш. Одамлар қидириб-қидириб, ниҳоят, тоғдан оқиб тушаётган шаршара остидаги тошни топишибди, Искандарни шу тош остида кумишмоқчи булишганида, унда овоз чиқиб: «Бу тош остига шу Искандарнинг узи етти марта кўмилган, буниси сакказинчиси», деганмиш.

Бу ҳол бир томондан, бу нақлнинг кенг тарқалганидан дарак берса, иккинчи томондан, модданинг абадийлиги ҳақидаги тушунчанинг ҳикоявий формада ифодаланганини кўрсатади.

Ундан ташқари, мусулмон халқларида, шу жумладан, узбекларда ҳам «Лайлат ул-қадр» билан боғланган бир уйдирма афсона бор. Унда айтилишича, бир хотин рамазоннинг йигирма еттинчи кун кечаси боласини эмизиб утирганида, бирдан Лайлат ул-қадрда⁵ бир лаъба нур ҳаммаёқни ёритиб юборганмиш. Шунда хотин чўчиб тушиб, бешикдаги боласини маҳкам ушлаган экан, бола ва унинг бешиги олтинга айланиб қолган эмиш, бир йилгача бола ўша ҳолича қолибди; хотин тиллага эҳтиёжи тушиб чор-почорликдан «тилла бола»нинг жимжилогидан озгина кесиб, сотиб тирикчилигини юргизганмиш. Уша хотин янаги йил қадр кечаси аввалгидан утирган экан, яна уша нур куришиб қолибди-ю, хотин чўчиб боласига қўл текказибди, бола аслига қайтибди.

Бу афсона турли хил вариантларда халқ ўртасида ёйилган. Аммо бу афсонага ухшаш бир нақлни Беруний ўзининг «Ҳиндистон» асарида келтирган. Унда айтилишича, бир киши чўпондан илтимос қилиб, «Тухар» деган утни толиб беришни сўраган. У илтимосни бажаргач, ҳалиги киши утни куриб, олов ёққан ва чўпон итини унга ташлаган. Буни куриб чўпоннинг жаҳли чиққан ва уша кишининг узини оловга ташлаб, то ўт учгунча кутиб турган, кейин итининг ҳам, у кишининг ҳам тилла бўлиб қолганини кўрган. Чўпон итини олган-у, ҳалиги кишини ўша ҳолича қолдириб кетган. Қишлоқ одамла-

⁴ Абу Райҳон Беруний, Ҳиндистон. 57-бет.

⁵ Лайлат ул-қадр — «қадрли кеча» деган маънода.

рининг бири бундан хабардор бўлиб, тиллага айланган одамнинг бир бармоғини кесиб олган ва фақир баққолга олиб борган. Баққолнинг иши орқага кетиб юрган экан, у бармоқни олибди. Киши яна бояғи жойига борса, бармоқ ўсиб, яна аслича бўлиб қолганмиш. У яна бармоқни кесиб, ҳалиги баққолга элтган. Шунда баққол уни қасрдан олганини сураган экан, ҳалиги содда одам тиллага айланган кишининг олдига бошлаб борибди. Баққол тиллани дарров уйига олиб келиб, ўтирган ўрнида бадавлат бўлиб кетган ва шаҳар мол-мулкни қўлга киритган ва, ниҳоят, шу сабаб бўлиб, подшоҳлар ўртасида жанг булган...⁶

Бундан ташқари, Урта Осиёда яна бир афсона бор. Уни кўпинча ватандошимиз Ибн Синога нисбат берадилар. Бу афсонанинг мазмуни шундай:

Ибн Сино улимнинг ҳам давосини топган эмиш. У улаётган вақтида шогирдига васият қилиб, бир дори тутқазибди ва уни улганимдан кейин биттадан томизиб, то қирққача етказ, деб унга нима қилиш кераклигини ўргатибди. Кейин Ибн Сино улибди, шогирди устоди айтгандай дорини томиза бошлабди, ниҳоят, ундан «қуй», «қуй!» деган овоз чиқа бошлабди. Шогирд уттиз туққиз томчига етказганда, Ибн Сино жуда яхши ҳаракатга келибди ва ҳамон «қуй!» деяверибди. Қирқинчи томчига келганда шогирд уйланиб қолибди. У устодидан анча-мунча тилла қарзи бор экан, уни қандай қилиб тулашини билмай юраркан. У уйлаб, агар бу томчинини ҳам қуйсам, у тирилса, мендан қарзини талаб қилади, дебди-ю қолган бир томчисини томизмабди ва ерга тукиб юборибди. Шу билан Ибн Сино тирилмай қолган эмиш⁷.

Бу, албатта, буюк табиб ҳақида халқ тўқимаси. Улимга даво топишга интилишнинг Ибн Синога нисбат берилиши эса, унинг зур табиб булганлиги билан изоҳланади. Зотан, Ибн Сионинг ҳам бу хусусда бир ишораси бор:

«Аз қаъри гили то авжи Зуҳал
Кардам ҳама мушкilotи гетиро ҳал.
Берун жастам эн қайди ҳар макру хиял,
Ҳар банд кушуда шуд магар банди ажал»⁸.

Мазмуни: Қора тупроқ қаъридан то Зуҳал чуққисигача булган дунёнинг ҳамма мушкул масалаларини ҳал қилдим. Мен ҳар қандай макру-ҳийла тузоғидан қутулиб чиқа олдим-у, лекин улим тугунини еча олмадим.

⁶ Абу Раҳон Беруний, Ҳиндистон, 154—155-бетлар.

⁷ Бу афсонанинг бир вариантыни Б. Д. Петров Ибн Сионинг «Тиб қонунари»га ёзган сўз бошисиди ҳам келтиради (Ибн Сино, Тиб қонунари, 1 китоб, Тошкент, 1964, 46-бет).

⁸ Ўзбекистонда прогрессив ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихига доир материаллар, ЎзССР ФА академиги И. М. Мўминов таҳрири остида, Тошкент, 1959, 102-бет.

Юқоридаги афсонанинг ҳам турлари кўп. Унинг бошқа бир тури ҳинд адабиётида ҳам мавжуд экан. Буни Беруний ўз асарига шундан ҳикоя қилади.

Молаво вилоятининг Дҳор деган шаҳаридаги амир саройида эшиги тепасида турт бурчакли бир булак тоза кумуш булган. У кўрнинишидан худди одамга ухшарди. Шу кумуш ҳақида ҳиндлар шундай дейишади:

Бир киши подшоҳ олдига келиб, улмай қолиш иложини топганини айтибди. Подшоҳ хурсанд булиб, бу усулни кўрсатишни сурабди. У киши ёғни то қиемига етгунча бир неча бор доғлаб, қиздириб, кейин подшоҳга, тажрибамни амалга оширмоқчиман, қани, узингни унга ташла, дебди. Лекин подшоҳ ундаш чучиб, ташланишга ботинолмабди. Буни пайқаган ҳалиги киши, узингни ташлашга қурқсанг, мен узимни ташласам розимсан, деса, шоҳ, бу сенинг ишинг, деб жавоб берибди. Шунда уша киши шоҳга дорилар солинган халталарини кўрсатган ва узини ёққа ташлаганда юз берадиган аломатларни айтиб, қайси халтани қай маҳалда ташлаш кераклигини тайинлаган. Шоҳ кунган, ҳалиги киши узини қайнаб турган ёққа ташлаган ва шу заҳоти ҳалок булган. Кейин подшоҳ унинг айтганини қилиб турган, ниҳоят, халталар тугай бошлаган. Ёққа ташланмаган битта халта қолганида у киши аслига қайта бошлаган. Буни куриб шоҳ хавфсираган, агар у тирилса, бу ҳунари билан мамлакатга подшоҳ булиб олади, деб қўқиб, охирги халтани ташламаган. У кишининг аъзоси қозонда тупланганича қолиб кетган; қозон совиб, у киши кумушга айланган. Уша ҳоким эшиги тепасидаги кумуш ана шу киши эмиш⁹.

Урта Осиё халқлари уртасида Широқ ҳақида бир афсона бор. Унда мамлакатни босиб келган босқинчи Эрон подшоси Дорога қарши курашда Широқнинг топган тадбири ҳақида ҳикоя қилинади. Бу афсонанинг асли сақланиб қолмаган, шунинг учун булса керак, афсона ҳақида фикр юритувчи мутахассислар уни II асрда яшаган юнон тарихчиси ва адиби Полиеннинг «Ҳарбий ҳийлалар» деган асарига ҳавола қилиб иш тутадилар¹⁰.

Полиеннинг ҳикоя қилишича, Широқ воқеаси шундай:

Эрон шоҳи Доро сак (шак) лар мамлакатига бостириб келади. Унинг куч-қудрати устунлиги ва лашкарининг куплигидан унга қандай қилиб бас келиш ҳақида Саксфар, Омарг, Оамирис каби сак шоҳлари узаро маслаҳат қилишиб турган.

⁹ Абу Райҳон Беруний, Ҳиндистон, 155-бет.

¹⁰ Полиеннинг ёзиб қолдирган бу нақли Тошкентда рус тилида босилиб чиққан «Древние авторы о Средней Азии». (Тошкент, 1949, 34—35-бетлар) деган хрестоматияда келтирилган. Лекин бунда қаҳрамон юнон «Широқ» эмас, балки «Сироқ» сифатида келади.

да, улар ҳузурига отбоқар¹¹ Широқ кириб келади. Шунда Широқ уларга менинг бола-чақамни бокишга рози булсанглар, мен бир узим форс лашкарини даф қиламан, дейди. Улар кўнишиб, айтганидай қилишга қасамёд қилишади. Шундан сунг Широқ қулоқ-бурунларини кесиб, узини қийноққа солинган киши тусига киритиб, туппа-тўғри бориб, Дорога шикоят қилади. Бунинг қийналган ва пичоқланганиши кўрган Доро унга раҳм қилиб, қасдини олиб бермоқчи, Широқ эса қароргоҳни ташлаб чиқиб кетган сак қўшинлари жойини кўрсатмоқчи бўлади. Шу билан Широқ йулбошчилигида, етти кунлик озик-овқат, сув гамлашиб йулга тушишади, ва ниҳоят, кимсасиз чулу биёбоннинг қоқ уртасига бориб қолшади. Шунда форслар алданганликларини билишади. Форслар лашкарбошиси Раносбат Широқдан, нега бундай қилганини сўраганида, у чапак чалиб, қаҳқаҳа уриб кулади ва: «Мен енгдим, ватандошларим бошига тушган фалокатни даф қилиш учун форсларни очу чанқоқликка гирифтор қилдим», — дейди.

Раносбат дарҳол Широқнинг калласини олади. Доро эса баланд тепага чиқиб, офтоб чиққач, таигриси—Охура Мазда (Апполон)га ёлбориб, қўшинларини ҳалокатдан қутқазини учун ёмғир сўрайди. Сунг ёмғир ёғади, форслар меш ва бошқа идишларини сувга тулдиришиб, кули ўлиб, бирмунчаси аранг ўзларини қутқаришади¹².

Абу Райҳон Беруний «Ҳиндистон» асарининг «Тарихлар ҳақида қисқача маълумот» деб аталган қирқ тўққизинчи бокидаги Каник¹³ шоҳ билан Канўж рожасининг вазирини ҳақидаги қисса ҳам сюжет жиҳатидан худди Широқ афсонасини эслатади.

Ҳикоя қилинишича, Канўж рожаси Каникка ҳадя юборган экан. Булар ичида ажойиб бир кийимлик бор экан. Бу Каникка жуда маъқул тушиб, ўзига бир кийим тикдирмоқчи булибди. Лекин тикувчи уни бичишда қийналибди, чунки унда одам қадами чизилган экан, у қандай қилиб бичилмасин, уша қадам нуқул икки кифт уртасига тўғри келиб қолаверибди. Ка-

¹¹ Сўнги пайтдаги ёзилган бу ҳақдаги асарларда чўпон деб келади.

¹² Бу афсонаи адабиётшунос Н. Маллаев ҳам ўзининг «Энг қадимги оғзаки адабиёт ёдгорликлари» (Низомий номдаги Тошкент Давлат педагогика институти Илмий асарлари, XXIX том, Тошкент, 1961, 62—63-бетлар) мақоласида келтирган. Шунингдек, ёзувчи Миркарим Осимнинг «Аждодларимиз қиссаси» асарида (Тошкент, 1965, 26—34-бетлар) ҳам Широқ ҳикояси учрайди.

¹³ Берунийнинг «Ҳиндистон» асарининг ношири ва инглизча таржимони Э. Захау бу исми Канишка булса керак деган эди. Агар шу тахминни давом эттирсак, бу Кўшонлар империясининг охириги пайтларида ҳукм сурган Канишка (Эрамининг 78—123 йиллари)нинг исми билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин.

нуж ҳокими уни пастлатиш ниятида атайлаб шундай қилган экан. Шу жиҳатдан чевар уни тикишга рози бўлмабди¹⁴.

Қануж ҳокимининг бу ишдан раижиган Қаник лашкар туплаб, Қануж томонга юриш қилибди. Лекин Қануж рожаси бундан хабар топиб даҳшатга тушибди, чунки унга қарши келишга курби етмас экан. У дарҳол вазирга маслаҳат солибди. Шунда вазир: «Узингга лозим бўлмаган иччи қилиб, душманни кузгаб қуйдинг. Энди, унга қарши курашиб бўлмайди, сен менинг қулоқ-буришму, лабларимни кесиб, қийин аҳволга сол, шу билан мен хийла топиб, сени бу фалокатдан қутқараман», дейди. Рожа шундай килади, вазир мамлакат ташқарисига чиқиб, Қаник қўшинларига рупара келади. Кейин уни ушлаб, Қаник олдига олиб келишади, у вазирдан ҳот-аҳвол сўраган экан, у жавоб бериб: «Мен рожага хайрихоҳлик қилиб, сизга қарши туришдан қайтариб, итоат қилишга чақирган эдим, у бўлса менга туҳмат қилиб, қулоқ-бурунларимни кесиб, шу аҳволга солиб қийнади. Ўзи бўлса, бошини олиб олис жойга кетиб қолди. Агар бир неча кунлик сув ғамлаш мумкин бўлса, кетидан қувиб етамиз», дебди.

Қаник уз аскарларига бир неча кунлик сув ғамлашни буюради. Вазир йул бошлади ва уларни чексиз биёбонга олиб киради. Мулжалланган кунлар утса ҳам, йуллар ҳеч тўғамайди. Шунда вазир уларни алдаганини айтади ва биёбондан нажот топиш қийинлигини, қутулиш учун энг яқин йўл келган йўли эканини айтади ва мени нима қиламан десанг қил, лекин бу биёбондан ҳеч ким қутулиб чиққан эмас, дейди.

Шунда Қаник отга миниб, пастлик томонни айланиб от чоптириб чиқади, кейин бориб, уша жойнинг ўртасига найза санчган экан, у ердан сув отилиб чиқади: аскарлар уша сувдан ичиб, йўлга ғамлаб оладилар. Шунда вазир даҳшатга тушганича, котиб қолади, поилж, Қаникди ўз гуноҳини кечишни сўрайди. Қаник уни авф этади ва унга подшоҳнинг ҳам уз қилмишига ярашур жазосини олди, дейди. Кейин вазир орқасига қайтиб, рожаси олдига борса, Қаник ерга найза санчган найздаёқ, унинг икки қули ва икки оёғи йук бўлиб қолган экан.

Мана бу афсона билан Широқ воқеаси бир-бирига ухшайди, ҳатто уларнинг илдизи бир жойга бориб тақалади, десак ҳам янглишмаймиз; унинг сюжети, деталлари иккаласида ҳам деярли бир хил; фақат охиридагина бир ол бошқачароқ; Широқ афсонасида Доро қуёш таңгисидан ёмғир сураса, Қаник воқеасида ерга найза санчилиб сув чиқарилади. Олдингисида

¹⁴ Обҳин икки кифти ўртасига қуйиш голиблик ва устунликни билдирган. Бу ҳақда Беруний «Ҳиндистон» асарининг кирқ олтинчи бобида (298-бет) шундай дейди: «Шу билан подшоҳни қул қилиб, ўз тасарруфига олди ва обҳини икки кифтининг ўртасига қуйди. Бу эса қул қилиб олганлигига аломат эди».

Широқ улдирилса, кейингисиде эса вазир улдирилмайди, холос. Қолган жойлар айнан бир хил. Лекин бу афсоналарнинг қайси бири олдинроқ пайдо булган, Урта Осиёдаги «Широқ афсонаси» деб машҳур булган вариантми ё Беруний келтирган ҳинд вариантими деган саволга фольклоршунослар жавор беришар. Лекин негадир Беруний бу ҳақда уз мулоҳазасини айтмайди, балки унга Широқ воқеаси маълум булмагандир, десак, бу Берунийдек бир мутафаккир шаънига туғри келмайди; ҳар бир нарсанинг тубига етиб, уни атрофлича билиб олишга ҳаракат қилган Берунийнинг Широқ афсонасини билмаслиги мумкин эмас эди.

Мулоҳаза тариқасида шунн айтиш мумкинки, Широқ афсонаси ҳинд вариантнинг асли булиши керак. Чунки Доро I милотдан аввал VI—V асрларда яшаган. Агар Каник шохни тарихдаги кушанлар империясининг подшоҳи Канишка (Эраминининг 78—123 йиллари) номи билан боғлиқ деб тахмин қилсак, у ҳолда ҳинд варианты Широқ афсонасидан тарқалган булиши мумкин. Шуниси борки, у вақтларда Урта Осиё, Шимолий Ҳиндистон ва Шарқий Туркистон ерлари ҳам кушанлар империясига кирар, будда дини Урта Осиё орқали ҳатто Хитой чегарасигача ҳам утган эди.

Мана бу орадаги сиёсий, маданий алоқа ва муносабатлар бу халқларни бир-бири билан яқинлаштирган ва, натижада, халқ ижоди ва фольклори бир-биридан утган булиши шубҳасиз.

Ундаш ташқари, сюжети бу ерда келтирилган, улгани тирилтириш ҳақидаги афсонанинг ҳиндчаси эскироқ булса керак. Чунки Ибн Сино Берунийнинг замонодоши, ҳам дусту булган. Ибн Сино ҳақидаги бу нақл кейинроқ туқилган. Тиллага айланган бола ҳақидаги афсона ҳам бизларда исломдан кейин тарқалган булиши керак. Ҳиндистонга эса у маҳалларда ислом дини энди тарқаётган эди. Шу билан бирга, бу афсона қадимги ҳинд халқи фольклориде кўп учрайди. Мана шу мулоҳазалар билан, бунинг асли ҳиндча булса керак, деган ҳаслдамиз.

Урта Осиё билан Ҳиндистон уртасидаги халқ оғзаки ижодининг бир-бирига муносабати ҳали атрофлича урганган йўқ. Бу афсоналарнинг ҳаммаси Ҳиндистон билан Урта Осиё уртасида булган узаро муносабатни, қадимдан бери маданий ҳамкорлик булиб келганини кўрсатадиган баъзи бир деталлардир, холос.

Бундай адабий муносабатлар билан адабиётчиларимиз, айниқса, шарқшуносларимиз шугулланиши адабий ва маданий алоқаларимизни ўрганишга ёрдам беради.

А. Ж. ШАРИПОВ

Фалсафа фанлари кандидати

БЕРУНИНИНГ ЖАМИЯТ ВА ИНСОН ҲАКИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Берунийнинг ижтимоий қарашлари ҳанузгача на бизнинг, на хорижий адабиётда махсус текширилмаган. Ваҳолонки, улар узининг оригиналлиги ва уқиб фикрлиги билан катта қизиқиш уйғотади. Унинг жамиятга бўлган қарашлари яна шунинг учун ҳам текширилиши керакки, айрим буржуа олимлари уни объективистик ёки консерватик қарашлар деб аташган.

Буржуа шарҳшунослик адабиетида, айниқса Берунийнинг илмий меросини биринчилар қатори тадқиқ қилган олим Э. Захаунинг Беруний ижтимоий қарашларига берган баҳоси алоҳида аҳамиятга эга. Э. Захау «Ҳиндистон»нинг инглизча таржимасига ёзган сўз бошисида тарҷанг Берунийни умуман олим ва мутафаккир сифатида юқори қўнган бўлса-да, лекин унинг жамиятга бўлган қарашларини «консерватик» деб атаган.

«Сийёсатчи сифатида у (Беруний А. Ш.) консерватик бўлиб, тахт ва меҳробни ҳимоя қилган, уларнинг ҳамкорлиги жамият тараққиётидан, инсон тилайдиган ҳар қандай нарсадан устун туради, деган»¹. Бироқ агар Э. Захау Берунийнинг исломга бўлган муносабатини умуман чеклаган бўлса (немис олими Броккелман ҳам унинг ижтимоий-сий қарашларига худди шундай баҳо берган), лекин кейинчалик бир қанча муаллифлар Берунийни мунассиб мусулмон ҳисоблаб, унга ислом ва фан бари бир нарса, унинг асарлари эса Қуръон шарҳларига ухшаб кетади, деб аташган.

Беруний ижтимоий қарашларининг яна бир қизиқарли томони шундаки, у даставвал энциклопедист олим сифатида илмий тадқиқот методини ишлаб чиқишга интилан. Ана шу методнинг асосий хусусияти урганилаётган ҳодисаларга таж-

¹ Preface by E. Sachau to 'Alberunis India', Eng. ed London, 1888, vol. I, p. XIX.

рибавий, рационалистик ёндашиш бўлиб, унинг энг муҳим талаби — оғишмай ҳақиқатга интилишдан иборат эди.

Беруний уз ижтимоий қарашлари аке эттирилган махсус асар қолдирмаган. Аммо, шунга қарамай, олимнинг кунгина қомусий асарларида фақатгина қимматли тарихий маълумотлар келтирилмаган, балки муаллиф ишнинг боришига қараб у ёки бу ижтимоий масалалар буйича узининг нуқтаи назарини эътироф этишга ёки улар юзасидан танқидий фикрлар айтишга ҳаракат қилган. Бу унинг ижтимоий қарашлари тугрисида хулоса чиқариш имкониятини беради.

Беруний илмии фаолиятининг дастлабки даврида ноқ ижтимоий-тарихий масалаларни зур қизиқиш билан ургана бошлади. Масалан, «Ал-осор ал-боқия» асаридан илгарини, Берунийнинг уз эътироф этишича, «Оқ кийимликлар» ва қарматийлар хабарлари ҳақида китоб» номли асарини ёзган². Мазкур асар урта аср Шарқда энг илғор, тараққийпарвар ижтимоий ҳаракатлардан бири булган қарматийларга бағишланган. Беруний, шунингдек Хоразм тарихига онд махсус асар яратган. Банзақий ундан парча ҳам келтирган. Афсуски, унинг тарихий ижтимоий масалаларга онд махсус бу ва бошқа асарлари бизгача етиб келмаган. Лекин уларнинг тематикасининг узиёқ Берунийнинг қизиқиш доирасини ифода этади. Совет ва хорижий муаллифларнинг тадқиқотларида курсатилишича, Беруний уз даврининг йирик сиссий арбоби ҳам булган.

Тугри, Беруний Форобий каби узининг ижтимоий қарашлари буйича бир бутун яхлит ижтимоий таълимот яратмаган. Бироқ унинг фикр-мулоҳазалари ва умумлашмалари шунинг учун ҳам қимматлики, олимнинг фикрлари, бир томондан, Урга Осиё, қадимги юнон ва ҳинд мутафаккирларининг илғор анъаналарини ижодий ривожлаштирган булса, иккинчи томондан, Берунийнинг етуклиги ва тафаккур доирасининг кеңлигидан далолат беради. Гарчаид Қуръондан мисоллар келтирган булса ҳам унинг фикрларининг мазмуни Қуръон ва ислом ақидаларига энд туради. Даврининг узига хос хусусияти, уша даврдаги ижтимоий шарт-шароит динни ижтимоий ҳаётнинг турли соҳасига киришига, диний ақидаларга рию қилишга мажбур қилди.

Беруний томонидан «сабабларнинг сабаби» — инсон ва инсоният жамиятининг юзага келиши масаласининг қуйилиши диққатга сазовор, «Қадимги тарихларнинг энг аввалгиси ва энг машҳури башариятнинг бошланишидир. Китоб аҳллари булмиш яҳудийлар, христианлар, оташпарастлар ва буларнинг (барча) синфларда башариятнинг бошланиши ва унинг тарих боши қилиб олиниси хусусида шундай ихтилофлар

² Абу Райҳон Беруний, Танланган асарлар, 1 том, Тошкент, «Фан» налприёти, 1968, 247-бет.

мавжудки, тарихлар ҳақида бу каби хилма-хиллик бўлиши мумкин эмас»³.

Беруний инсон ва кишилик жамияти худо томонидан яратилган деган афсонани чуқур гаҳлид қилиб, қуйидаги хулосага келади: «Яратилишнинг бошланиши ва ўтмиш асрлар аҳволи орқали билинадиган ҳар бир нарса уйдирма гаплар ва афсоналар билан қорингандир, чунки бу ишлар жуда узоқда қолиб, биз билан улар орасида кун замон ўтиб кетган»⁴. Бу ерда Беруний кишилик жамиятининг пайдо бўлиши ҳақида рационализм позициясида турганини кураимиз. У бу воқеалар содир бўлган давр номаълум, бу ҳақда олим эга бўлган маълумотлар азкур саволни ечишга етарли эмас, деб билади; бундай позицияда туришнинг узи Берунийнинг бу масалага табиий равишда ёндашганлигидан далолат беради. Ана шу нуқтаи назардан у пайғамбарлар ва муқаддас китобларда инсон қандай яратилганлиги тугрисидаги ривоятларни рад этган. Оламининг мавжудлиги тугрисида келганда Беруний эҳтимол у бир неча минг миллион йиллардан бери мавжуд бўлгандир, деган тахминларини айтган.

Гарчанд Беруний инсоннинг пайдо бўлиши масаласида идеалистик позицияда турган бўлса ҳам (яъни инсоннинг яратилганлигини эътироф этса ҳам), бироқ унинг кейинги ҳаётини таърифлашда деистик нуқтаи назардан ёндашади, яъни «муъжизавий аралашини» кумагига деярли интиلمасди.

Беруний инсонлар уртасидаги тафовут борлиги ҳақида гапирар экан, у фақат ташқи фарқлар тугрисида фикр юритган. Лекин кишиларнинг ички тузилиши ва ташкил топиши, унинг фикрича, барчада умумийдир. Ана шу нуқтаи назардан у инсон турли аждодлардан пайдо бўлган деган эҳтимолни бутунлай рад этди. У инсон билан маймун ўртасида ўхшашлик борлигини айтган. «Улар аъзоларининг ухшашлиги билан, ташқи кўринишлари ҳам ўхшаб кетади»⁵.

Инсон, Беруний фикрича, ҳайвондан ақл билан фарқ қилади. Лекин мутафаккир инсонда ҳайвондан тубдан фарқ қиладиган бу хусусият қандай пайдо бўлганлигини табиий йул билан тушунтирмай, худога мурожаат қилиб, инсонни худо азалдан шундай яратган деган. Бироқ шундай идеалистик асосга боришига қарамай, Беруний моддий омиллар ва табиий қонуниятга таянишга интилган ҳолда инсоннинг ижтимоий турмуши ҳақида қатор қимматли фаразларни келтиради.

³ Абу Райхон Беруний, Танланган асарлар, I том, 50-бет.

⁴ Уша жойда.

⁵ Абу-р-Райхан Мухаммед ибн Ахмад ал-Бируни, Собрание сведений для познания драгоценностей (Бундан кейин; Минералогия), М., 1963, 224-бет.

У инсоннинг жисмоний тузилиши ва бутун ҳаётини аниқлашда географик омилнинг роли ҳақида ажойиб фикрларни айтган:

«... (Одамлар) тузилишларининг ранг, сурат, табиат ва ахлоқда турлича бўлиши фақатгина насабларнинг турличалигидан эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва ер (одам яшайдиган жой)ларнинг турличалигидан ҳамдир»⁶.

Беруний ўзининг «Ҳиндистоп» асарида мусулмонлар билан ҳиндларнинг урф-одатлари уртасидаги фарқларни таърифлаб, улар географик шароитларга боғлиқ деган фикрни илгарини сурди. Беруний географик омилнинг родини таҳлил қилишни давом эттириб, ҳатто тилларнинг турличалиги ҳам географик шароитларга боғлиқ деб қаради. «Тилларнинг турлича бўлишига сабаб одамларнинг гуруҳларга ажралиб кетиши, бир-биридан узоқ туриши»⁷, деган. Беруний бу уринда тиллар ва уларнинг ранг-баранглиги худо томонидан яратилган деган турли диний уйдирмаларни улоқтириб ташлади.

Мутафаккир инсоният ҳаётида ва жамиятда географик омилнинг ҳал қилувчи роли борлигини эътироф этиши ўз даври учун катта прогрессив аҳамиятга эга эди.

Берунийнинг ижтимоий ҳаётда моддий эҳтиёжнинг роли ҳақидаги фикри ўша даврдаги диний-идеалистик қарашлардан фарқ қилувчи пиҳоятда ажойиб ҳол эди. У онг қудратининг ёлғиз ўзи инсон учун ҳал қилувчи қудратга молик эмас, унга куч ва қудратни фақат жамият берган, деган фикрни олға сурди. Берунийнинг буюклиги шундаки, у жамият юзага келиши асосида кишиларнинг моддий эҳтиёжини кура олди. «Инсон яланғочлиги ва мадорсизлиги туфайли, ҳимоя қилувчи таянчлари бўлмаганлиги сабабли бошқалар томондан мусибат чекарди. Унинг эҳтиёжини қондира оладиган, талабини ҳимоя қиладиган доимий заруриятни ҳис этарди»⁸. Шундай қилиб, куриб турибмизки, ҳимоя қилиш зарурияти тагин бошқа эҳтиёжлар (овқат, кийим-кечак, ва ҳ. к.) ни қондирувчи заруриятлар каби моддий омиллар инсонларни биргаликда яшашга даъват этади. «Эҳтиёжлар турли-туман ва сон-сановқисиздир. Фақат уларни бир қанча кишилар биргаликда таъминлай олишлари мумкин. Бунинг учун кишиларда шаҳар яратиш зарурияти тугилади»⁹. «Гап шундаки, одам эҳтиёжининг куплиги, тийилиши камлиги, ҳимоя қилиш қуролига эга бўлмаганлиги ва душманнинг куплиги туфайли, бир-бирини ҳимоя қилиш зарурлиги, ўзини ва бошқаларни таъмин этишга зарур бўлган бирор ишни бажариш учун ўз қариндош- уру-

⁶ Абу Райҳон Беруний, Танланган асарлар, I том, 236-бет.

⁷ Уша асар, ўша бет.

⁸ Минералогия, II-бет.

⁹ Уша асар, ўша бет.

кумуш сифатида муомалада бўлиши махсус қимматга эга эмас, чунки улар инсоннинг ҳеч қандай эҳтиёжини қондира олмайди. Фақат айирбошлаш туфайли пуллар қийматга эга бўлади. Пуллар жамиятда фақат умумий ўлчов сифатида, умумий эквивалент сифатида аҳамиятга эга, чунки булар пулнинг асосий функцияси ҳисобланади. «Лекин бу уларнинг табиаи ҳамда маълум табиий қонун асосида бўлмай, балки шартли келишув туфайли содир бўлган. Чунки уларнинг иккиси ҳам (олтин ва кумуш — А.Ш.) даставвал ўз мазмуни билан инсонни на тўйдирди, на чанқоғини қондиради, на зурлик ёки на зулм хавфидан қутқаза олади. Инсон ҳаётини сақлай оладиган, унинг уругини давом эттирадиган, истеъмоладиган мол бўлмаса, ёки ёмонликдан, ёхуд иссиқ ва совуқ азобидан қўриқлайдиган кийим-бош бўлмаса, ёки ўзи учун бошлана, ёки зулмдан қутулиш чораси бўлмаса, ўз табиаи жиҳатдан таҳсинга сазовор бўлмайди»¹⁹. Пулнинг нотўғри ишлатилиши туфайли ёвузлик келтирувчи бойлик юзага келди. Бу ўз навбатида мажбурий меҳнат ва зулмни келтириб чиқарди. Пулдан ўз табиаи ва белгиланишига кўра, «ҳаётнинг ҳақиқий тартиби» ва «савдонинг табиий шакли бўйича», умумий ўлчов сифатида фойдаланимоқ лозим. «Ҳаётнинг ҳақиқий тартиби» ва «савдонинг табиий шакли» шундай эквивалентлар алмаштирилишидан иборатки, токи улар инсоннинг бирон бир эҳтиёжини қондиришда фойда келтирсин. Беруний фикрича, пул туфайли фақат турли товарлар айирбош қилинмай, балки бегона куч ҳам ёлланади. «Бири иккинчисини ёллайди, яъни бир киши иккинчисига адолатли шартнома туфайли доимо ишлаши керак, бунинг эвазига у мукофотланади»²⁰. Бироқ ёллашма меҳнатни тушунишда Беруний янада илгар и кетиб, унда фақат одил шартномани кўрибгина қолмайди; ҳар қандай мажбурий меҳнатга қарши чиқиб, қўйндагиларни ёзади: «Зўрлик ва ёллаш орқали амалга ошадиган мажбурий меҳнат доимий ва тўғри эмас»²¹.

Берунийнинг буюклиги яна шундаки, у мажбурий меҳнатга, шунингдек, ёллашма меҳнатни киритди, лекин бу унда фарзликча қолди, уни яна чуқурроқ тараққий эттира олмади ва уни тараққий эттиришга қодир ҳам эмасди.

Ҳаётда шундай тартиб ўрнатилиши учун, жамият шундай тузилиши лозимки, у кишиларнинг эҳтиёжини қондиришга ёрдам берсин, бунинг учун жамиятдаги одилликка риоя қилиши кузатадиган ҳокимлик мансаби тайинланади. Буни ҳам Беруний худо ёрдамига таянмай куришга ҳаракат қилган. Бунда фақат одамларнинг ўзаро келишишларини ва улардан

¹⁹ Минералогия, 13-бет.

²⁰ Минералогия, 12-бет.

²¹ Минералогия, 12-бет.

энг арзийдиганига эркин буйсунишлари лозимлигини таъкидлайди: «Бошқа халқларнинг афсоналари ҳам уларнинг донишмандлигидан келиб чиқши шундай бўлиб, улар одамларни эркин буйсуниши учун бирлаштиради»²².

Беруний подшолар «эркин буйсунишни» кўрқув ва зўрлик йўли билан буйсунишга айлантирганларини қайд этади.

Кўпгина ўрта аср мутафаккирлари уларнинг энг эзгу орзу-умидларини адолатли шоҳ зиммасига юкладилар. Хукмдорларни инсоф ва адолатга даъват этдилар, шу йўл орқали мамлакатда адолат ва тенглик ўрнатмоқчи, инсониятни зулм ва истибоддан халос этмоқчи булдилар. Ана шундай йўлни Форобий, кейинчалик Навоий ва бошқалар ҳам тутдилар. Уларнинг қаторига Беруний ҳам қушилди. Уларнинг ҳаммаси феодализм даврида яшаб, бошқа йўлни кура олмадилар. «Кейинчалик у (хукмронлик — А. Ш.) бошқа кишиларга нисбатан шунга лойиқ бир кишининг қулида тупланиб, авлоддан-авлодга мерос бўлиб ута бошлайди»²³. Подшолик мансаби меросга айланганини кўрган Беруний инсоннинг жамиятда тутган ўрни наслининг қадимийлиги, авлод-аждодларнинг хизматлари билан белгиланишига қарши чиқди. «Шарафли эр бошқаларга даҳлдор булмаган ўзидан бошқа ва ўзининг анжомларида бошқа ҳеч нарсага эга эмас. Лекин у бошқа кишиларнинг бурчини ўзига олиб, уларнинг тинчлиги йўлида машаққатларга дучор бўлиши, худо берган нарсалардан қизганмай эр киши ўзининг илтифотлилиги, раҳмдиллиги, қатъиблиги, сабр-тоқатлиги ҳамда бир вақтда камтарлиги билан, бундай хусусиятларга эга булган инсон юқори тахтга сазовор бўлиши билан шарафлидир. (Инсон бундай юқори мансабга ўзининг келиб чиқши билан тааллуқли булмаса ҳам унинг уруғининг қадимийлигига қараб эмас, балки кўрсатган хизматлари эвазига кутарилади»²⁴. У ўзининг бу фикрини давом эттириб, кимки ўзининг марҳум қариндош-уруғи ва марҳум бувалари орқали мансабга эришаман деса, ўзи марҳумдир, лекин марҳум авлодлари барҳаётдир, дейди. Шуниси кизиқки, «шонли эр кишига» шундай таъриф беришда Беруний унинг динига булган мўпосабати ҳақида лом-ним демайди.

Беруний жамиятни бошқаришда уша даврдаги давлат тегасидаги ҳокимлар ва дин ҳочийлари ўйлаганча, жамият подшога хизмат қилмай, подшо жамиятга хизмат қилиши кераклигини тушунган: «Идора қилиш ва бошқаришнинг моҳияти балки бошлиқ золимлардан азият чеккаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бировларнинг тинчлиги йўлида уз тинчлигини йўқотишдир. Бу уларнинг оиласини, уларнинг ҳаёти ва

1 Минералогия, 27-бет.

2 Минералогия, 27-бет.

3 Минералогия, 14-бет.

мол-мулкини ҳимоя қилиш ва қуриқлаш йулида бадан чарчашидан иборат»²⁵.

Беруний ҳамдардлик билан Мағрибдаги бир шаҳар туғрисида маълумотлар келтириб, у ерда давлатни идора қилишлик павбатма-павбат «тапиқли кишилар билан деҳқонлар уртасида» қулдан-қулга утар экан, дейди. Уша даврда давлат бошқаришини шундай тушунишнинг узи ниҳоятда дадил қадам эди.

«Табиатан бошқаришга мойил» булган ҳоким уз фикри ва қарорларида қатъий булиши керак, уз ишларини амалга оширишда файласуфларнинг қонунларига, Александр Македонский Аристотелнинг фалсафий донишмандлигига амал қилганидек, буйсунишлик лозим²⁶; шонинг узи ҳам «яратувчанлик оғига» эга бўлмоғи, айниқса деҳқонлар туғрисида купроқ гам ейини керак. «Подшоҳлик деҳқончиликсиз яшай олмайди», дейди Беруний²⁷. Берунийда шундай фикрлар бор: одил ҳокимнинг асосий вазифаси олий ва паст табақалар, кучлилар ва кучсизлар орасида тенглик, адолат урнатишдан иборатдир²⁸. Ҳокимнинг муҳим вазифаларидан бири фан тараққиётига, олимларга гамхурлик қилишдир²⁹. Беруний бунга афсонавий Пишдадидлар сулоласини мисол қилиб келтириб, бу сулола «янгилар шаҳарлар қурдилар, қонларга асос солдилар, ер юзига адолат барпо этдилар»³⁰, дейди.

Беруний сиф ва табақалар асосида бойлик ва насл-насабнинг улуглиги эмас, балки тегишли вазифа — машғулот ва ҳунар ётмоғи лозим деган. Шунинг учун у Ҳиндистондаги мавжуд табақачиликни қаттиқ таъқид қилиб, тенгликни ёқлаб чиқди. «Душманлик ва ҳасрат чекиш ҳамма бир текис булгандагина йуқ бўлади»³¹, деб ёзди. Албатта у мулкий тенгликни ёқлаб чиқмаган. Шунга қарамай, билвосита фикрларида бойлик орттириш йулидан воз кечиб, бойликдан юз угиришни тақдирлади. Олим эҳтиёткорлик билан даставвал ислом халқчилигида уз бойликларини мусулмонларга булиб берган халифларни эслайди.

Мутафаккир узнинг «Минералогия» асарида зур таассуб билан бир бечора араб бойни алдаб, унга тегишли овқатларни тортиб олиб, узлаштирганлиги туғрисидаги ҳикояни келтиради. Бу ҳикояда озиқ-овқат бойга исбатан камбағалга купроқ керак деган мазмун ётади. Беруний баъзи қарашларини

11

²⁵ Минералогия, 31—32-бетлар.

²⁶ Абу Райҳон Беруний, Танланган асарлар, I том, 74-бет.

²⁷ Абу Райҳон Беруний, Танланган асарлар, I том, 265-бет.

²⁸ Минералогия, 12-бет.

²⁹ Абу Райҳон Беруний, Танланган асарлар, II том, 1965, 125-бет.

³⁰ Абу Райҳон Беруний, Танланган асарлар, I том, 130-бет.

³¹ Абу Райҳон Беруний, Танланган асарлар, II том, 63-бет.

шундай ишоралар билан чеклашга мажбур эди. Чунки ўша даврда, айниқса қарматийларнинг қувғин ва таъкиб остига олиниши кучайган бир пайтда бундай ишорадан бошқа имкони ҳам йўқ эди. Беруний ўзининг орзу-умидларини одил ҳокимларга боғлаган бўлса-да, лекин идеал шоҳ ҳаётда, хусусан уша даврнинг зулматида топилмаслигини ва булиши ҳам мумкин эмаслигини ҳис этди. «Ҳар бир халқ имсизлар ва унга бош бўлиб турган жуда ҳам онгсизлардан ҳоли бўлмайди»³², шундай жоҳил ва золимларнинг мавжудлиги туфайли зулм ва зуравонлик кучаяди, бойликка ҳирс қўйилади, деб қайғуради у.

Кўпгина хорижий муаллифлар Берунийнинг ижтимоий қарашлари ҳақида гапирар эканлар, олимнинг қуйидаги фикрини келтириш билан чекланадилар. (худди ана шу фикрга асосан Э. Захау Берунийнинг ижтимоий қарашларини «консерватик» деб топади): «Табиат жиҳатидан бошқариш ва сиёсат ишига қизиқувчи, бошлиқ булишга фазилати ва кучи билан ҳақли, фикр ва мақсадида саботли, давлатни ўзидан кейингиларга қолдириб, уларнинг ўз ота-боболарига қарши бўлмасликларини мақсад қилиб олган киши томонидан берилган ҳар бир буйруқ, буюрилган киши олдида тургуни тоғлар сингари маҳкам бўлиб, у буйруққа кўп вақтлар ва узун замонлар ўтса ҳам, кейингилар ҳам буйсунадилар. Шу билан бирга, агар у буйруқни беришда миллий ва диний бирон томонга асосланса, бир қориндан бир вақтда икки бола туғилганидек, подшолик ва дин иши бирлашиб, буйруқ тулиқ ва тугал бўлади; тулиқликнинг нариги томонида кўзда тутилган ғоя ва мақсад йўқ»³³.

Э. Захау ва бошқа айрим муаллифлар Беруний фикрларининг иккинчи қисмини келтириб, машҳур арбоблар томонидан жамиятда ўрнатилган турли қону-қондалар кучга ва амалга оширилишининг бир неча шартлари курсатилган биринчи қисмини бутунлай унутади. Ваҳолонки, шундагина бундай қонулар «тогдай мустаҳкам булиши мумкин». Беруний ҳокимият билан дин уртасида иттифоқ қатъий бўлиши тугрисида гапирмайди. Фақат кейинчалик истак тарзида эслатиб ўтади. Албатта, биз даврни назарда тутиб Беруний динни инкор этган ёки у ҳақда самимиятсизлик билан гапирган дея олмаймиз. Лекин шунинг билан бирга, унинг диний-идеалистик қарашлари дунёқарашини асословчи омил деб ҳисоблаш учун унинг дунёқарашини сохталаштириш билан баробардир. Унинг қарашларини яхлитликда ва кўпқирраликда кўриш лозим. Берунийнинг улугворлиги шундаки, у кўп масалаларга, гарчи диний-идеалистик асосда бўлса-да, лекин текширила-

³² Танланган асарлар, II том, 379-бет.

³³ Танланган асарлар, II том, 88-бет.

диган объектнинг мантиқига риоя қилган ҳолда — ўзининг ҳамма вақт оғинмай ҳақиқатга амал қилиш керак деган принциpigа асосланиб ёндашди. Натижада дастлабки қарашларига қарама-қарши бўлган материалистик хулосалар юзга келди.

Беруний уз даврининг энг кузга кўринган илм-фан ҳомийси—зуфунин олим. У мамлакат равнақини фан равнақида кўрди. Илм-фан, диний чегараларга қарамай, саховатли хизматини уташи мумкин деб билди. Ҳиндлар учун таржималар билан шуғулланар экан, «илм тарқатишга ва уларда йўқ илмнинг уларда ҳам бўлишига қизиқди»³⁴. Гарчанд бундай иш диний идеология томонида таҳсинга сазовор бўлмастлигини ҳам билган. «Менинг бутун фикри-ёдим, қалбим — деб ёзган у, — билимларни тарғиб қилишга қаратилган, чунки мен билим орттириш лаззатидан баҳраманд бўлдим. Буни мен ўзим учун катта бахт деб ҳисоблайман»³⁵.

Беруний томонидан шундай фикрлар изҳор этилган: Инсоннинг энг олий бахти билишда, чунки у ақлга эга. Бахт ана шу нуқтан назардан тушунилсагина жамиятга тинчлик ва фаровонлик келтиради. «Ҳақиқий ҳузур-халоват инсон бирор нарсага эга бўлган сари ана шу нарсага кўпроқ эга бўлиш мақсадида интилишининг тобора ортиб боришидан иборат. Инсон руҳида аввал билмаган нарсасини билиб олишда ани шундай ҳолат пайдо бўлади»³⁶. Инсоннинг олий фазилати эса, Беруний фикрича, бошқалар ҳақида, айниқса камбағаллар ҳақида ғамхўрлик қилишдан иборатдир.

Урта асрнинг буюк олими халқлар дуст, иноқ, иттифоқ бўлиб яшаши учун курашиб келди. У инсониятга, у яратган фан ва маданиятга киргин келтирувчи урушларни қаттиқ қоралади. Олим ўзининг «Ҳиндистон» асарида «халқлар уртасида тортишиш ва талашини кўп»³⁷, деб афсусланиб тилга олган эди. Унинг Ҳиндистонда олиб борган кенг илмий тадқиқот ишлари халқлар уртасидаги дустлик, узаро ҳамкорлик ва маданий муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган эди. Бундан кўриниб турибдики, Беруний маданий ҳамкорлик ва илм-маърифатнинг кенг тарқалишига катта эътибор берди.

Беруний халқлар уртасида тўғри муносабатларни ўрнатишда халақит берадиган миллий ва диний чегараларга қарши чиқди. «Дунёда айрим одамлар фикрича, — дейди Беруний, — ўз ерларидан бошқа ер йўқ, жииселаридан бошқа халқ йўқ, ўз бошлиқларидан бошқа подшоҳлар йўқ, ўзларидаги-

³⁴ Танланган асарлар, II, 115-бет.

³⁵ Абу Райхан Бируни. Избранные произведения, т. II, 1963, стр. 21

³⁶ Минералогия, 17-бет

³⁷ Танланган асарлар, II том, 57-бет.

дан бошқа илм йуқ ва динларидан бошқа дин йуқдир. Уларини юқори тутиб, бемаъни ҳаракат қиладилар ва кибрланиб, билимсиз қоладилар. Урганган нарсаларига бахиллик қилиб, уз жинсларидан бўлса ҳам ноаҳил кишига ўргатмайдилар»³⁸. У бундай фикрларни бемаънилик деб билди.)

Шундай қилиб, Берунийнинг жамият ва инсонга булган қарашлари асосида ажойиб фикр ва мулоҳазалар, чуқур гуманизм ётади. Жамиятда содир булаётган жараёнларни англаб олиш, моддий омилларнинг жамият ва инсон ҳаётидаги ўрнини эътироф этиши катта роль уйнайди. У урта аср давридаги урта осийлик тараққийпарвар мутафаккирлар дунёқарашида ёрқин инсонпарварлик анъаналарини ишлаб чиқишда катта ҳисса қушган. ↓

Берунийнинг ижтимоий қарашларини урганган совет тадқиқотчилари олимнинг ижтимоий қарашлари асосан ўз даврининг тараққийпарвар ижтимоий кучларининг идеологиясини акс эттирган деб курсатадилар. Чунки бу кучлар ишлаб чиқарувчи кучларнинг, сиёсий ва маданий тараққиётнинг ўсишидан манфаатдор эдилар.

Шундай қилиб, Берунийнинг ижтимоий қарашларининг конкрет таҳлили буржуа олимлари Беруний ижтимоий қарашлари консерватик ёки ислом мафкураси ва унинг ақидасининг айнан узи деб хулосага келишлари унинг дунёқарашига гайриилмий ва юзаки қараганликларидан далолат беради.

³⁸ Беруний, Уша асар, 35-бет.

БЕРУНИЙ «АВЕСТА» ҲАҚИДА

Дунёда мавжуд энг қадим китоблардан бири «Авеста» (асли «Абисто») булиб, у Ўрта Осиё ва Эрон халқларининг ижтимоий тафаккурининг натижасидир. Бу таълимотнинг асосида дуализм ётади. Унда айтилишича, бутун борлиқ икки қарама-қарши кучлардан иборат булиб, булар ўртасида муттасил кураш давом этади. Эзгулик кучлари Аҳурамазда бошчилигида иш кўрадилар. Ёвузлик кучларининг бошлиғи Аҳриман ҳар доим эзгулик кучларининг фаолиятига ҳалал етказди. Эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш узоқ давом этади. Аҳурамазда инсон учун фойдали тadbирларни амалга оширишга ҳаракат қилади. Шунинг учун инсон ўз фаолиятини эзгулик кучларининг ғалабаси учун қаратиши керак.

Ҳар иккала қарама-қарши кучлар ўртасидаги кураш охири Аҳурамазда бош булган эзгулик кучларининг ғалабаси билан якунланади, дунёда эзгулик ва яхшилик ҳукмрон бўлиб қолади. Зороастризм (зардуштийлик)нинг уз вақтида кенг ёйилгани унинг ўша давр ижтимоий ҳаёт шароитларидан келиб чиққани, ўша замондаги айрим гуруҳларнинг талабларига маълум тарзда жавоб бергани билан изоҳланади.

Зороастризм таълимотининг асосчиси Заратуштра (Зардушт)дир. Бу таълимотнинг мазмуни ва асосий қондалари «Авеста» китобида ёзилган. Бу китобнинг асосий қисмлари (готлар) Заратуштранинг узи томонидан ёзилган деб ҳисобланади.

Европа фанида «Авеста»ни ўрганиш Франция олими Антекиль де Перрон асари билан бошланади. У 1734—1761 йилларда «Авеста» устида иш олиб борди. Асар ҳақида маълумот тўплаб, Жанубий Ҳиндистонда зороастризм тарафдорлари орасида топган «Авеста» китобининг матни—текстининг таржимаси билан банд бўлди. Францияга қайтгач, у бу матн таржимасини нашр қилди. Шундан сўнг «Авеста»ни бошқа европа тилларига таржима қилиш ва ўрганиш иши авж олди; бу иш ҳозирги кунларда ҳам давом этмоқда.

Заратуштра ким, унинг «Авеста» китоби қандай китоб, моҳияти нимадан иборат? Бу саволларга жавоб берувчи турли асарлар бор. Шарқ манбаларининг ичида энг қимматли ва муътабар саналган асарлардан «Табарий тарихи» ва Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар»и бу тўғрида кўпгина маълумотлар беради.

Шуниси ҳам борки, бу иккала асарнинг берган маълумотлари бир-биридан бирмунча фарқ қилади. Беруний буларни қасрдан олганлигини айтади, улар номини келтиради, Табарий булса бу ҳақда ҳеч нарса демайди. Масалан, Беруний уз асарида Заратуштранинг «Туғилиш китоби»га ҳавола қилиб, баъзи маълумотларни келтиради. Бундан битишимизча, Заратуштра «Авеста»дан ташқари яна «Туғилиш китоби» деган асар ҳам ёзган экан, бу балки автобиографик тарзда ёзилган булса керак.

Берунийнинг хабар беришича, Заратуштра асли озарбайжонлик булиб, кейинчалик Эрон ва Урта Осиёда истиқомат этган. Табарийнинг айтишича, у Ҳиндистонда ҳам булган. Беруний Заратуштра — Шри Ланкада ҳам булган. Табарий уни «Зардушт ибн Юнон» деб атади. Бу билан уни юнондан келиб чиққан демоқчи булади. Беруний булса, Заратуштра озарбайжонлик Сафид Туман деган кишининг ўғли деб, унинг қаердалигини аниқ курсатиб кетади. Унинг шажараси оқсуяклардан саналган ва Эрон шоҳи Манучеҳр оиласидан келиб чиққан хонадонга мансуб эди. Беруний шундай ёзади: «Кейин озарбайжонлик Зардушт ибн Сафид Туман юзага чиқди. У Манучеҳр подшоҳ наслидан, муғлар хонадонидан, уларнинг кузга кўринган кишилари ва улуғларидан эди»¹. Кейин Беруний узининг «Туғилиш китоби»га ҳавола қилиб, Заратуштранинг Ҳарронда ўқиганини, у ерда Илес деган кишидан таълим олганлигини хабар қилади.

Берунийнинг таъкидлашича, бу тўғрида Заратуштранинг ўзи ўша китобида ёзиб қолдирган. Табарийнинг хабарига кўра, у пайғамбар Азизнинг шогирди булган эмиш. Тезда устоз билан шогирд ўртасида келишмовчилик пайдо бўлиб, Заратуштра барча китобларини олиб, Ҳиндистонга йўл олади. Бу ерда у таълим олишни давом эттиради. Орадан бир йил ўтгач, ўқиш ниятида Бобилга келади. Кейин бир йиллик емак-ичмагини гамлаб, тоғдаги бир ғорда ёлғиз ўзи яшай бошлайди ва ўша ерда икки китобини ёзади. Табарийнинг айтишича, бу китобларининг бирини «Занд», иккинчисини «Авеста» деб атаган. Беруний булса Заратуштра ҳақида яҳудийлар, румлар, мажусийлар орасида машҳур булган маълумотларни келтиради. Чунончи, яҳудийлар уни Илес-

¹ Абу Райҳон Беруний, Танланган асарлар, I том, Тошкент, 1968, 236 бет.

нинг шогирди, румликлар уни мўсуллик деб биладилар. Беруний ёзади: «Ибронийлар Зардушт Илёс пайғамбар шогирдларидан эди, деб даъво қиладилар. Зардушт ўзининг «Тугилиш китоби»да болалик вақтида Ҳарронда ҳикматшунос Илёсдан илм ўрганганини айтган... Румликлар даъвосича, зардушт Мўсулдан бўлган»². Аммо Беруний Заратуштранинг айтганларига асосан яҳудий ривоятларини рад қилади, румликлар даъвосига фикр билдириб, «эҳтимол улар Озарбайжон чегараларини Мўсул чегараларига қушиб, шундай деган булсалар керак»³, деган эди.

Беруний атоқли файласуфлар Пифагор ва унинг шогирдлари Калаюс ва Файлақус ҳақида ҳикоя қилади. Калаюс Ҳиндистон улкасида браҳманга устоз бўлди, бундан эса браҳманлик уз бошланмасини олди. Бобилда эса Файлақус Заратуштра деб номланган Вартуш билан учрашади. Бу эса Пурушасафид ё булмаса Сафид Туман деб аталарди.

Ундан сунг Файлақуснинг улимидан кейин Заратуштра, ҳозирги Шри Ланкага йўл олади, у ерда тоғ ғорида бир неча йил яшайди ва ўз китобини (бунда «Авеста» назарда тутилади) ёзади. Беруний маълумотларига биноан Заратуштранинг ижтимоий келиб чиқишини ва ўзи яратган таълимотнинг тарихий илдизини аниқлашимиз мумкин. Бу эса Пифагор таълимотига асосланган бўлиб, ўз навбатида у браҳманчиликдан келиб чиққан.

Беруний келтирган барча маълумотлар, биз юқорида айтиб ўтганимиздек, аниқ бўлиб, уларнинг ҳаммаси бир-бирига қиёсан таҳлил этилган. Беруний ўз фикрини бировларга мажбурий утказишга уринмай, уни асосланди ва охирида уларнинг рост-ёлгонлиги ҳақида китобхон ўзи хулосага келсин, деб мулоҳазага урин қолдиради. Беруний билан Табарий иккови «Авеста»ни Балх ҳокими Гуштаспга ҳадя сифатида келтирилганлиги ҳақида бир хил фикрда. Лекин Беруний Заратуштранинг Гуштасп (буни у Виштасп дейди) билан учрашганлиги ҳақида батафсил маълумот келтиради. Шу нарсани айтиб ўтиш керакки, Беруний ўз илмий асарларини бадини томондан ҳам безашга эътибор берган. У доимо китобхонни назарда тутар, уни ёзмоқчи бўлган масалаларга қизиқтиришга ҳаракат қилар эди. Китобни ўқишли, қизиқарли қилиб ёзиш унинг қадрини оширади. Шунинг учун ҳам табиики, афсонавий бўлишига қарамасдан, у қуйидаги қизиқ ҳикояни келтиради.

«Бу [Зардушт ибн Сафид Туманнинг юзага келиши] Биштосф подшоҳлигидан ўттиз йил ўтганлигидан [кейин] рўй берди. [Зардушт] икки ёни — ўнг ва сўли қирқилган кўйнак

² Абу Райҳон Беруний, Уша асар, 237-бет.

³ Абу Райҳон Беруний, Уша жойда.

кийган, белнга хурмо пўстлоғидан зуннор боғлаган, оғзига шолдан сўргич тутган, ёзувлари учиб кетган бир варақни — қоғозни қўлига ушлаб, кўкрагига қўйган ҳолда юзага чиқди.

Мажусийлар гумонича, Зардушт осмондан кундуз ярмида Балхдаги бир айвон томига тушган. Том ёрилиб, Биштосф кундузги уйқудан уйғониб кетган. Зардушт уни мажусийликка, тангрига имон келтириб, уни пок ва муқаддас билишга, шайтонга ибодат қилмасликка, подшоҳларга буйсунишга, уз табиатини ислоҳ этишга ва энг яқин кишисига уйланишга даъват этган. Аммо оналарга уйланиш хусусида лашкарбоши Марзубон ибн Рустамнинг мана бундай ҳикоя қилаётганини эшитдим: «Зардушт бунга мажусийларга буюрмаган: Фақатгина Биштосф Зардушт атрофига уз замонининг допишманд ва олимларини йиққан ва улар Зардуштдан сураган масалалари орасида одамлардан ажралиб, онаси билан турган ва уз наслининг узлиб қолишидан қўркиб, ўз онасидан бошқа аёл билан алоқада бўлишга йул топмаган киши ҳақида савол берганларида, Зардушт у кишининг уз онасига яқинлик қилиши мумкин деб фатво берган, холос.

Зардушт мажусийлар «Абисто» деб атайдиган китоб билан (юзага) келди. Бу китоб барча бошқа халқлар тилларига муҳолиф бир тилда (ёзилган) ва алоҳида тартибда бўлиб, махсус бир тил эгалари билиб, бошқа тил эгалари билмай қолмаслик учун [у тилдаги] ҳарфлар сони ҳамма тиллар ҳарфларидан ортиқ эди.

Зардушт бу китобни Биштосфнинг олдига қўйди. Биштосф мамлакатининг улуғлари ҳозир эдилар ва мамлакат аҳолисидан кўп халқ йиғилган эди. Зардушт мис эритишга буюрди, мис эритилди. Шунда Зардушт: «Тангри, агар бу мен билан шу подшоҳга юборган китобинг бўлса, миснинг зарарини мендан қайтар!» — дейди.

Кейин у (эритилган мисни) устидан қўйишга буюрди. Мисни унинг кўкраги ва қорнига қўйиб юборган эдилар, устидан оқа бошлади ва майдаланиб ҳар бир мўйига юмалоқ мис шар бўлиб осилди. Бу шарлар мажусийлар ҳукмронлиги даврида уларнинг хазиналарида сақланаётганини эшитдим.

Биштосф (Зардуштга) розилик билдирди ва унинг даъватини қабул этмай турганида худонинг олдида фаришталар келиб, уни Зардуштга имон келтиришга буюрганларини айтди. Шундан кейин Зардушт ўз динига даъват қилиб етмиш йил, (баъзиларнинг) айтишича, қирқ етти йил умр курди»⁴.

Берунийнинг ёзишича, «Авеста» дастлаб Искандар Зулқарнайн (милоддан аввал IV аср) томонидан таъқибга учра-

⁴ Абу Райҳон Беруний, Танланган асарлар, I том, 236—237-бетлар.

ган эди. Эрон шоҳи Доронинг ихтиёрида бўлган «Авеста» китоби ўн икки минг молнинг терисига олтин ҳарфлар билан ёзилган экан. Искандарнинг буйруғига кўра, унинг бир нусхаси утга еқилган. Берунийнинг хабар беришича, «Авеста» ўттиз насх (боб)дан иборат бўлган. Беруний давригача унинг бешдан уч қисми—ун икки насхигина сақланиб қолган. Унинг кўрсатишича, насх деганда китобнинг бир бўлимини тушунишган.

Лекин «Авеста»ни ўқишга ҳаммага ҳам изн берилавермаган. Ута покиза, хулқи, феъл-атвори мақтовга сазовор кишиларгина уни ўқишга муяссар бўлишган; уларга бу китобни ўқиш мумкинлиги ҳақида махсус ёрлиқ берилган.

Беруний Заратуштра ва «Авеста» ҳақидаги мавжуд барча маълумотларни урганиб, уларни қисқа ва ифодали қилиб баён этди. Унинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асари «Авеста» ва унинг муаллифини урганиш учун қимматбаҳо манбадир. Бу ҳол шуни яна бир бор таъкидлайдики, Беруний асарларини чуқур урганиш учун фанга қўшган улкан ҳиссасини белгилашгагина эмас, балки маданиятимиз ва халқимиз ижтимоий мафкуралари тарихи масалаларини ишлаб чиқишга катта ёрдам беради.

11
9.3
А. К. АРЕНДС

Филология фанлари доктори

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ «ХОРАЗМ ТАРИХИ» АСАРИ

Афсус, хоразмлик буюк олим Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Берунийнинг табиий ва ижтимоий фанлар соҳасидаги бой меросидан — илмий асарларидан ҳаммаси ҳам бизгача стиб келмаган; уларнинг аксари жуда барвақт йўқолиб кетган. Биз уларнинг номларинигина биламиз. Бизгача етиб келмаган, уша XII асрдаёқ йўқолиб кетган асарлари ичида «Хоразм тарихи» ёки «Китоб ал-мусомара фи ахбор Хоразм» («Хоразм хабарлари хусусида суҳбатлар») деб аталувчи китоби ҳам бор. Берунийнинг замондоши ва салафи тарихчи Абул Фазл Муҳаммад ибн Ҳусайн Байҳақий (995—1077) «Хоразм тарихи»ни «Мушоҳири Хоразм» («Хоразмнинг машҳур кишилари») номи билан юритади. Араб олими Ёқут ҳам уз асарларида Берунийнинг шу китобидан парчалар келтирган. Демак, Байҳақий ва Ёқут Берунийнинг «Хоразм тарихи» китобидан фойдаланганлар.

Ўтган асрнинг 60-йилларида Байҳақийнинг юқорида тилга олинган асарининг сақланиб қолган, ҳозир «Тарихи Байҳақий» деб аталувчи қисми нашр этилди¹. Шундагина Берунийнинг мазкур номдаги асари булганлигидан дастлаб Европа олимлари воқиф булдилар. Беруний уз китобини қандай атагани бизга номаълум. Кейинги утган тарихнавис олимлар асарларидан бу китобнинг еттита номи аниқланган. Абул Фазл Байҳақий ва Абу Райҳон Беруний Султон Маҳмуд саройида эдилар; Султон Маҳмуддан кейин эса унинг ворислари Масъуд ва Мавдуд хизматида ҳам булдилар. Улар эҳтимол шахсан таниш булишлари ҳам мумкин. Лекин улар ёшлари жиҳатидан анча фарқ қилганлар. Беруний ҳаётлигида Абул Фазл Байҳақий Ғазнавийлар девонхонасида девонбеги ёрдамчиси вазифасида эди. Унга сарой аҳли, шубҳасиз, турли масалалар юзасидан мурожаат қилган. Байҳа-

¹ The Tarikh Bathaki containing the of Masaud, son of Sultan Mahmud of Ghaznin... ed. by W. N. Morley, Calcutta, 1861—1862.

қий қўлэмасининг эълон қилинган қисмида Берунийнинг «Хоразм тарихи»дан олинган турли мазмундаги парчаларни топиш мумкин. Бундай парчаларни немис шарқшуноси Э. Захау² ва атоқли тарихчи В. В. Бартольд³ асарларида ҳам учратамиз. Аммо, Морлей томонидан нашр этилган «Тарихи Байҳақий» қўлэзма матнини ўқиш шунчалик мушкул эдики, Захау ва Бартольд «Хоразм тарихи»дан олинган кичик-кичик парчаларнигина ўқиш билан кифояландилар.

XX аср бошларида араб олими Еқут ибн Абдуллоҳ ар-Румий (1221 йили вафот этган)нинг йирик асари «Муъжам ал-булдон» нашр этилди. Шу асарнинг олтинчи жилдида Беруний мероси хусусида биз олдингиларга қўшимча маълумотлар топамиз. Дарвоқе, Еқутнинг курсатишича, Абу Райҳон қаламига мансуб яна бир тарихий асар мавжуд экан. Асар «Китоб тарих айём ас-Султон Маҳмуд ва ахбори обиҳи»⁴ («Султон Маҳмуд подшоҳлик кунлари ва отаси тўғрисидаги хабарлар тарихи») деб аталган ва у ному нишонсиз йўқолган.

Абул Фазл Байҳақий асаридаги «Хоразм тарихи» парчалари билан танишиб чиқишдан олдин, бу асарнинг характери, тузилиши ва ҳозирги даврдаги аҳволи ҳақида қисқача тўхтаб ўтишга тўғри келади. Байҳақий ўз асарини 1056 йили, Абу Райҳон Беруний вафотидан саккиз йил кейин ёзишга киришади. Бу пайтда Байҳақий хизматдан кетган эди. Унинг ҳамшаҳари, олим ва мусанниф, «Тарихи Байҳақ» асари муаллифи Абул Ҳасан Али Байҳақийнинг (Ибн Фундуқ лақаби билан машҳур) хабар беришига қараганда, Абул Фазл Байҳақийнинг асари 30 жилдни ташкил этган. Турли кутубхона ва одамлар қўлида у хар хил жилдларини курган. Байҳақий эътирофига қараганда, яъни Ҳазнавийлар тарихининг қайси давридан бошлаб, нима билан ўз асарини тугатмоқчи бўлганини эътиборга олсак, унинг асаридан 13—15 жилди йўқолган бўлиб чиқади.

Юқорида кайд этганимиздек, Абул Фазл Байҳақий асари бизга тулиқ етиб келмаган. Қўлимизда ҳозирги кунда 5-жилднинг сунгги қисми, 6, 7, 8 ва 9-жилдлар ва хотимасиз 10-жилд мавжуд. Етишмайдиган жилдлари XII асрдаёқ йўқотилган бўлиши керак. Чунки, XIX ва XX асрларда эълон қилинган қисмлари қўлэмаларининг энг эскиси XVI—XVII асрларга оиддир.

² E. Sachau, Zur Geschichte und Chronologie von Khwarizm, I—II, Wien, 1873.

³ В. В. Бартольд, Туркестан в эпоху монгольского нашествия, Соч., т. I, М., 1963, 67—70-бетлар.

⁴ Jaqut b. 'Abdallan al-Rumi, The Irshad al-arifilla ma'rifat al-adib, Ed. by D. S. Margolouth... GMS, vol. Lenden—London, 1913.

Демак, «Тарихи Байҳақий»нинг ёзилишидан кейинги 500 – 600 йиллик тақдири бизга номаълум бўлиб қолмоқда. Бу ҳол ҳозирги замон матншунослигининг Байҳақий асарининг дастхат нусхаси ва унинг ёзилиши тарихини аниқлашдек энг муҳим талабини амалга ошириш имконини бермай турибди. Биз фақат асарнинг мавжуд нусхалари тилининг архаиклигини эътироф эта оламиз, аммо у муаллиф тилидан не чоғлик фарқ қила олиши ёки фарқ қилмаслиги тўғрисида фикр юрита олмаймиз. Бундай ҳол бизни бир неча бор эълон қилинган Байҳақий асарининг форсча матнига эҳтиёткорлик билан ёндашишимизни тақозо қилади.

Байҳақий ўз асарини йилнома тарзида ёзган. Бизгача етиб келган жилдларида ҳижрий ҳисобдан 421 йилдан 432 йилгача булган (яъни 1030—1041 йиллардаги) ёзувларни учратамиз. Учинчи жилдининг сўнггида, Байҳақий нияти бўйича, яна бири — Хоразм тарихига, иккинчиси — Рай шаҳри тарихига бағишланган икки боб бўлиши керак эди. Бу икки йирик вилоятни Маҳмуд Ғазнавий ҳукмронлигининг сўнгги ўн йиллигида истило этган эди. Абул Фазл Байҳақийнинг ёзишича, Беруний Хоразмнинг Султон Маҳмуд Ғазнавий томонидан истило этилиши ва у томондан тайинланган ҳоким Хоразмшоҳ Олтинтош замонидан то Салжуқийлар томонидан босиб олинишигача булган тарихини баён этган⁵.

Хоразм тўғрисидаги бобнинг бошлангишида китобхонга қарата Байҳақий шундай ёзади: «Мазкур тарихий асарни ёзишга киришар эканман, уз курганларим ёҳуд ишончли одамлардан эшитганларимни битишга аҳд қилдим.

Бурунроқ мен устод Абу Райҳон⁶ қаламига мансуб бир китоб курган эдим. Ул зот суҳондонликда ва ҳодисалар моҳиятини англашда, география ва фалсафа фанида назари йуқ киши эди, замонасида унга тенг келадиган топилмас эди, у бирор нарсани уйламай ёзмас эди. Бу тафсилотларни мен мазкур тарихни ёзишда қанчалик эҳтиёткорлик билан иш курганимни ойдинлаштириш учун ёзмоқдаман».

Кейин, Байҳақий Абу Райҳон Берунийдан олдинги айрим парчаларни келтириш, шарҳлашдан олдин «Хоразм тарихи»нинг қисқача мазмунини ва унга уз нуқтан назарини баён этади. «Хоразм тўғрисида ёзар эканман, — дейди у, — Абу Райҳонга эргашиб, Маъмун хонадонни тарихидан бошлашни лозим топдим. У мазкур хонадонни инқирозга олиб келган сабабларини ўз кузи билан курган, ўз бошидан кечирган эди. Ул вилоятнинг Маҳмуд давлатига қўшиб олиниши,

⁵ Абу-л-Фазл Байҳақий. История Мас'уда, Перевод с персидско-го А. К. Арендса, Изд. 2-е, 1969, стр. 807—817.

⁶ Абул Фазл Байҳақий ҳеч қаерда Берунийни ўз нисабаси билан атамади.

марҳум амирнинг уша мамлакатга бориши, унинг ҳукмронлигида аҳволи нима кечгани, хожиб Олтинтошни у ерга тайинлаб, султоннинг қайтгани; Олтинтош углининг фитначиларга эргашувигача қандай воқеалар булгани ва Олтинтош хонадонининг тугабини яхши билар эди. Бу хабарларда бирмунча ажойиб ва ғаройиб воқеалар тафсили борми? Буларда уқувчи ва эшитувчилар учун янглишликларни бартараф этувчи фонда кўпдир».

Берунийнинг «Хоразм тарихи»дан маълумотлар кучирар экан, Абул Фазл Байҳақий бу асарнинг мазмунини тўлиқ келтирмасдан, айрим ҳодисалар тафсилотига тухтанди. Шундай тафсилотлар бор: Абул Аббос Маъмуннинг сифатлари, Абу Аббоснинг Берунийга ва Маҳмуд Ғазнавийга муносабати, улар орасидаги ихтилофлар, Абул Аббоснинг Маҳмуд номига хутба ўқитишга розилик бериши, Абул Аббос, яъни Хоразмшоҳ ва Маҳмуд куёвининг улдирилиши, Маҳмуднинг бу ҳодисани Хоразмни олиш учун баҳона сифатида фойдаланиши ва ҳоказо. Шунинг ҳам қайд этмоқ лозимки, Абул Аббос Маъмун ва Султон Маҳмуднинг характерли белгилари ва қилмишлари тугрисида ҳикоя қилишда Беруний ҳам, Байҳақий ҳам эҳтиёткорлик билан қалам тебратганлар. Байҳақий «Хоразм тарихи»дан олган кўчирмаларида хабар берувчининг, яъни бу ерда Берунийнинг ўз тилидан нақл қилади. Китобхонга мурожаат сузидан сўнг Абул Фазл Байҳақий шундай ҳикоя қилади: «Хоразмнинг машҳур одамлари» китобида Абу Райҳон ёзади: «Хоразмшоҳ Абул Аббос Маъмун ибн Маъмун... Маъмунийлар сулоласининг сунгги ҳукмдори эди; у улгандан кейин бу хонадон инқирозга юз тутди ва буюкликига хотима берилди. У фозил, шижоатли, тадбиркор бир истеъдод эгаси эди; бироқ унда қанча эътиборга лойиқ руҳий афзалликлар бўлса, шунча таҳсинга хилоф хислатлар ҳам бор эди. Мен буни унга хайрихоҳлигимни эмас, беғаразлигимнинг изхори учун айтмоқдаман. Зотан, бундан пайтларда кўзга ташланадиган ва йирик хислатларга қараб ҳукм чиқарилади. Таҳсинга молик ниятларини унинг камчиликлари йўққа чиқарган тақдирда ҳам, кимнинг ахлоқий ҳусни пинҳоний бўлиб, қилмишлари шунга мос тушса, ундай кишини қадр-қимматли киши деса бўлади». Амир Абул Аббоснинг энг юксак ахлоқий ҳусни шундан иборат эдики, унинг даҳани носазо, адабсиз ва ғибат сузлар учун мустаҳкам эди. Мен, Абу Райҳон унга етти йил хизмат қилдим ва бирор марта ҳам унинг оғзидан дашном келтирувчи сўз эшитмадим. Жуда ҳам жаҳл келганда, унинг айтадиган энг бориб турган сукиниш сузи. Ит! эди... Хоразмшоҳ мулоимлик ва олижаноблик хислатларига бениҳоя бой эди». Шу ерга келганда Байҳақий узидан қуйидагиларни қушимча қилади: «Мен Абул Фазл бўлсам, Нишопурда Хожа Абу

Мансур ас-Саолибий⁷дан эшитган эдим: у Хоразмга борган, зиёфатда бўлиб, латиф суҳбатда ва мусохабада қатнашган.

Хоразмшоҳ деган: «Менинг фикру хаёлим — китоб ва мутолаа» севгили ёр ва у билан кунгил очмоқ, олижаноблик киши ва унга гамхўрлик кўрсатмоқ». Абул Аббоснинг қулидан келадиган ҳукмронлик ва мамлакатни бошқаришига келганда, Абу Райҳон бошқа бир асарида ёзади: «Аммо бу йил⁸ [мамлакатнинг] талаши ва харобага айланиши билан тугади. Айшу-ишрат билан машғул бўлган у [Абул Аббос] узоқ вақт аҳамият бермади»⁹ — бу билан у яна бир бор узининг холис ниятчилигини исбот қилди.

Хоразмшоҳнинг Абу Райҳонга булган муносабатида зўр эҳтиром, барча билимлардан хабардор олимлар пешвоси сифатида унга катта илтифот кўрсатганлиги яққол кўзга ташланади. Байҳақий китобида келтирилишича, Абу Райҳон қўйидаги ҳодисани ҳикоя қилади: «Хоразмшоҳ мени ичиш мақсадида [саройдан] чиқди. Ҳовлим олдонасига келиб, мени чақириб қўйишни буюрди. Мен унинг остонасига кечикиброқ чиқдим, у от билан дархонага кирган, уни эса [отдан] тушмоқчи бўлиб турган экан. Мен ер упиб, унга отдан тушмаслигини илтижо қилдим. У жавоб берди:

— Билим — барча мулклараро энг олин саналади. Барча унга интилади, унинг узи келмайди-ку».

Сунгра деди: «Бундай кунлар булмаганда, мен сени йўқлаб келардим, қарагинки, менинг ўзим эмас, номим баланд».

Бинобарин, Абул Аббоснинг Абу Райҳонга нисбатан зўр садоқати бор эди. Бунга Беруний келтирган шундай бир ҳодиса мисол бўла олади: «Мусулмонлар шоҳи ал-Қодир биллоҳ¹⁰ Абул Аббосга бир тун, иноятнома, туғ юбориб унга Айнуддава (Давлатнинг кузи) ва Зийнатул миллат (миллатлар зийнати) лақабларини беради. Хоразмшоҳ бу нарсани амир Маҳмуд хўрлаш белгиси сифатида қабул қилмаслигини, у билан мубоҳаса қилиб, нима учун четлаб халифадан тун, эҳсонлар қабул қилажаги ва имтиёзларга эга бўла олишини билгиси келарди. Ҳақ эҳтимолга қарши дўстлик муносабатларини сақлаб қолиш ниятида у мени [Берунийни] элчини ярим йулда саҳрода кутиб олиш учун юборди.

⁷ Абу Мансур Абдумалик ибн Маҳмуд Саолибий (961—1038) тўрт жилдан иборат — «Ятиматуд ал-даҳр» («Замон дурдонаси») номли арабийнавис шоирлар тазкирасининг муаллифи.

⁸ Гап 1016 й. ҳақида бораётган бўлса керак.

⁹ Абу Райҳан Бируни, Определение мест для уточнения расстояний между населенными пунктами (Геодезия). Исследование, перевод и комментарии П. Г. Булгакова. Т., 1966, 138-бет.

¹⁰ Аббосийлар халифаси (991—1031 й.).

Мен махфий суратда ундан катта инъомларни қабул қилиб олиб, Хоразмга келтирдим ва [Абул Аббосга] топширдим. У матлабига мувофиқ муҳитни сақлаб қолиш мақсадида, [совгаларни] яшириб қуйишни буюрди. Уларни курсатишмади; фақат мазкур хонадон тугатилиши кунларигина эълон қилинади».

Қуйида биз Хоразмшоҳ Абу Райҳонга не чоғлиқ ихлос қўйганлигининг, мушкул дақиқаларда унинг маслаҳатига муҳтож бўлганлигининг яна шоҳиди буламиз. Байҳақийда шундай дейилган: «...Абу Райҳон «Хоразм тарихи»да шундай ёзди: «у [Абул Аббос Маъмун ибн Маъмун] билан амир Маҳмуд оралари мустаҳкам дустлик ипи билан боғланди. Улар узаро шартнома тузишиб, [Хоразмга] амир Сабуктегиннинг қизи (Маҳмуднинг синглиси) олижаноб Қолжини олиб келадилар: қиз Абул Аббос ҳарамиди қолди. Шундан сунг узаро совга ва меҳрибончилик мактублари айирбошлаш бошланди. Абул Аббос ҳар ишда амир Маҳмуд тарафини олар, узини ниҳоятда ҳурмат ва одоб доирасида сақлар эди...»

Хоразмшоҳ билан амир Маҳмуд ораларида булиб утган низо туғрисида Абул Фазл Байҳақий купроқ тўхтаб утади ва бу ҳақда Беруний ёзганлариши ҳам келтиради. Юзаки қараганда, амир Маҳмуд билан амир Абул Аббос Хоразмшоҳ орасидаги муносабат дустона эди. Дустлик аҳдлари қайд этилиб, шартнома тузилган ва мажбуриятлар белгиланган эди. Кейинроқ, Узғанд яқинидаги урушдан¹¹ кейин амир Маҳмуд бошқа хонлар билан дустлик шартномаси ва узаро мажбуриятлар урнатишни истади. Шу муносабат билан сарҳанглар жунатилди. Амир Маҳмуд уз элчилари қаторида Хоразмшоҳнинг ҳам элчиси булиши истагини билдирди: токи шартнома тузилаётганда хонлар билан булиб утадиган гапларни у уз кузи билан курсин. Хоразмшоҳ бунга рози бўлмади ва шундай жавоб қилди: «Оллоҳ одам юрагини қушалоқ қилиб яратмаган» (Қуръон, 33-сура). Мен ҳам амирлардан чиққанми сабабли, хонлар билан ҳеч қандай муносабатим йўқ; мен улар ҳузурига бирор кишини юбормайман». Аввало, амир Маҳмуд унинг жавобини қабул қилди, лекин бошқа томондан, унинг юрагида бегоналик туйғуси пайдо бўлди: у Хоразмшоҳдан гумонсирай бошлади ва ўз вазири Аҳмад ибн Хасанга деди:¹² «Менимча бу одамда садоқат йўқ, бўлмаса шундай дермиди».

Вазир Аҳмад Маймандий Абул Аббос Маъмуннинг садоқа-

¹¹ В. В. Бартольд, Избранные произведения, т. III, Т., 1966, 366—337-бетлар.

¹² Унинг таржимаи ҳоли ҳақида қаранг: Сайфуддин Уқайлий, «Осорул вазаро», УзФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 2009; Абу-л-Фазл Байхаки, История Масъуда, 898—899-бетлар.

тини синаб куришга аҳд қилди ва Султон Маҳмуднинг ижозатини олиб, элчилар воситаси билан дипломатик фикр олишиб, гуё Султон ижозатисиз Маҳмуд номига хутба ўқитишни ва шу билан карамлигини тан олишни таклиф қилди. Байҳақийи шундай давом этади: «Абу Райҳон деди: «Уша элчи Кобулдан ҳузуримизга келди,— амир Маҳмуд шу йили Ҳиндистон сари юришда эди,— шунда у мазкур гапни айтди; Хоразмшоҳ мени чақирди ва бошқаларга рухсат бериб, менга вазир Аҳмад ибн Хасан шу ҳақда неки деган бўлса, ҳаммасини бирма-бир гапириб берди. — Шу суҳбатни унутинг,— дедим мен, ҳар қандай гапларга қулоқ бераверманг, ит ҳурушига эътибор не даркор¹³. Аммо вазирнинг айтган гапларини қантарманг, у чин кунгилдан маслаҳат бермоқда, унинг ҳукмдори бунг билмайди. Бу ҳақдаги гапимизни сир тутинг, бўлмаса ёмон булади. «Нималар деяпсиз, — эътироз билдирди Хоразмшоҳ, — амир рухсатисиз вазир бу гапни айта олармиди? Маҳмуддек одам билан бу хилда ҳазил қилиб булармиди? Хавотирдаман, агар мен ўз ихтиёрим билан [унинг номига] хутба ўқиттирмасам, бунга у мени барибир мажбур қилади. Яхшиси тезроқ элчи юборайликда, бу борада вазир билан келишиб олайлик, ишора билан бўлса ҳам, улар хутба ўқитишни биздан сурашсин. Иш зўрлашгача бормаса тузукроқ буларди». — Худонинг продаси билади, — деб жавоб бердим». Султон Маҳмуд нома ёзишни қўймади, Хоразмшоҳга йул курсатарди, тазйиқ ҳам қиларди. Абул Аббос одатий жиддийлигини йўқотди. Ўз қушинларининг олий лашкарбошиларини йиғди, ўзи, саркарда ва Хоразм аҳли осойишталигини ўйлаб, Маҳмуд номига хутба ўқитмоқчи булганини айтди. Бунга жавобан норозилик овозлари янгради, ҳатто, Хоразмшоҳга таҳдид ҳам қилдилар. Йиғинни Абул Аббоснинг гапи аранг тинчитди. «Биз сизни шу борада синамоқчи эдик, мақсад сизнинг истак ва кунглингизни билмоқ эди». «Кейин, — дейди Абу Райҳон, — Хоразмшоҳ мен билан якка қолиб, сўради: «Курдингизми нималар булганини? Улар ким булдики ўз подшоҳига қарши чиқишга журъат этишса? — Мен шоҳга шу можарони бошламай туринг. дедим; бироқ у рози бўлмади. — деб жавоб бердим, — бошланган экан, бу ишни сўнггига етказиш керак, номус йулига. Сиз хутбани шошилич равишда тўсатдан, маслаҳатсиз ўқитишингиз лозим эди. Эшитганлар лом-лим дея олмай қолсин эди. Энди эса бу ишни пайсалга солмаслик керак. Чунки, сустлик курсатилди. Акс ҳолда амир Маҳмуддан ажралиб қоламиз. — Бу одамлар билан гаплаш, — деди Хоразмшоҳ, — узинг иложини топ.

¹³ Бу сўзларни Беруний айтмаган бўлиши керак; улар кейинроқ қушиб қўйилган бўлиши эҳтимол, чунки, кейинги жумлаалар мазмунан шид бўлиб қолмоқда.

Мен одамларни айланиб, кумуш ва олтин тили билан уларни шаҳдидан туширдим, улар рози булмагунларига қуимадим. Улар саройга келиб остона ўпдилар, йиғладилар ва ўз айбларига иқрор бўдилар. Хоразмшоҳ мени чорлаб, ҳузуридагиларга рухсат берди ва деди: «Иш битмайдиган куринади». — Худди шундай, — жавоб бердим мен. — Нима қилиш керак? — Энди биз Маҳмуддан ажрадик, — дедим мен. — Иш қиличга бориб тақалишидан қўрқаман. Биздаги қўшин билан нима ҳам қила олардик? — Била олмай қолдим, чунки, душман жуда ҳам кучли ва қодир».

Шундай бўлса ҳам, Абу Райҳон Хоразмшоҳдан яна бир имконият туғрисида гапириб учун ижозат сўради. У розилик берди. «Мен [Абу Райҳон] дедим, Туркистон хонлари [Хоразм] шоҳдан ранжиганлар, амир Маҳмуд билан эса иноқдирлар. Бир душманини эплатиб оғир, иккиси бирикса, ахвол мушкуллашади. Хонларни ўз томонимизга оғдиришимиз лозим. Ҳозир улар Ўзганд яқинида бўлаётган жанг билан бандлар¹⁴. Нима қилиб бўлса ҳам, жаноби олиилари [яъни Хоразмшоҳ] воситачилиги билан хон ва илек [Наср ибн Али] уртасида сулҳ тузилишига эришмоқ лозим. Бунинг учун улар миқнатдор бўлиб, ярашиб кетадилар; куп ҳайрли иш бўлади. Сулҳ тузганларидан кейин улар умурбод адоват қилмайдилар. — Менимча, — деди Хоразмшоҳ; — мана шу фикр унинг узиники бўлишини истайди».

Абул Аббос Маъмур ишга киришди ва оқибатда у хонлар билан иноқлашиб олди. Султон Маҳмуд бу хабарни эшитиб хонлар ва Хоразмшоҳдан шубҳага тушди. Хон ва илек Маҳмудга унинг Хоразмшоҳ билан илгариги дўстлик муносабатларини тиклашда воситачилик қилишини таклиф қилдилар. Аммо Маҳмуд бу таклифни жавобсиз қолдирди. Буни хон Хоразмшоҳга айтиб қўйди. У бўлса хонга ва илекка беш отлик тўда тузиб, Маҳмудга қарашли Хуросон томон юришни маслаҳат берди. Аммо улар бу таклифни мушоҳада қилиб, рад жавобини бердилар ва Хоразмшоҳ мазкур маслаҳатини ўз мамлакатини хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қилган деб ҳисобладилар. Бунинг устига улар ўзлари билан Султон Маҳмуд уртасида шартнома ва мажбуриятлар мавжудлиги ва уларни бузмаслик вожиблигини уқтирдилар; агар Хоразмшоҳ рози бўлса, улар унинг билан амир Маҳмуд ўртасида воситачи бўла олишларини айтдилар. Хоразмшоҳ уларнинг маслаҳатларига рози бўлди ва шу билан воситачи масаласи ҳал бўлди.

Султон Маҳмуд ҳузурига хон ва илек элчилари келди, мазкур иш юзасидан мактуб ва оғзаки истаklarини топширди. Маҳмуд бўлса бунга жавобан Хоразмшоҳдан хон ва илек туфайли ҳеч ранжимаганини айтди.

¹⁴ В. В. Бартольд, Ўша асар, 336—337-бетлар.

Бир оз муддат утгач, Султон Маҳмуд дастлаб Балхда катта қушин туплаб, Хоразмшоҳга элчи юборди ва у орқали Абул Аббос Маъмунга Хоразмшоҳга қарашли кишилар унинг Султон Маҳмуд номига хутба уқитишга қаршинлик қилганликларини ва уз қушини билан Хоразмга юриш қилиб, уз ҳукмдорига итоат этмаганларни жазолаяжагини билдирди. Мабодо, унинг қушин билан Хоразмга бостириб кириши Хоразмшоҳга маъқул келмаса, у ҳолда итоаткорлик ва зудлик билан хутба уқитиш ёҳуд катта ҳада ва туҳфалар юбориши лозим булади. Бу ҳам туғри келмаса, уша вилоят амирзодалари, имом ва фоқиҳларини Султон Маҳмуд ҳузурига юбориб, уз суратсин, шундагина амир Маҳмуд узининг шунчалик кўп мингли лашкари билан орқага қайтиши мумкин. Хоразмшоҳ учун бунга буйсунишдан ўзга чора қолмади. У уз давлатининг Хоразм ва Гурганждан ташқари қатор шаҳарларида хутба уқитишга қарор қилди. Ҳазораспда турган Хоразмшоҳ қушинлари унга қарши дарҳол исён кутардилар. Улар мамлакатни талаб, пойтахт сари юзландилар, уни қамал қилиб Абул Аббос Маъмуннинг у ердаги вазири ва бошқа амалдорларини қатл қилдилар. Хоразмшоҳнинг узи кушкда яшириниб олди. Бу билан у қутула олмади. Кушкка ут қўйдилар ва Хоразмшоҳ улдирилди.

Шу ерга келиб, Абул Фазл Байҳақийнинг Абу Райҳон Беруний «Хоразм тарихи»дан бевосита олган парчалари узилди. Воҳалонки, «Хоразм тарихи»нинг юқорида келтирилган қисқача мазмундан ташқари Байҳақий бошқа куплаб воқеалар тафсилоти борлигини қайд этган. «Тарихи Байҳақий» да Маҳмуднинг Хоразмга юриши, Хоразм қушинларининг тор-мор этилиши, Хоразм лашкарбошиларининг улдирилиши, Маҳмуд қолдирган ҳокимлар, Хоразмшоҳ Олтинтош ҳукмронликлари ва бошқа воқеаларнинг Хоразмни Салжуқийлар забт этишигача булган тафсилоти мавжуд. Бирок бу воқеалар бошқача услубда ҳикоя қилинган. Байҳақий буларни қандайдир бошқа манбалар асосида келтиради.

Тарих фанлари доктори

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ ВА БОБИР НАЗАРИДА ҲИНДИСТОН

Абу Райҳон Беруний ва Захириддин Бобир Урта ва Яқин Шарқ халқлари тарихи ва маданиятига улмас ҳисса қушган машҳур олимлардир. Буларнинг ҳар иккаласи асарларида Ҳиндистоннинг сиёсий-ижтимоий ҳаёти, маданияти, Ҳиндистон халқларининг урф-одатлари ва эътиқодлари ҳақида талай фикр ва мулоҳазалар қолдирганлар.

Абу Райҳон Берунийнинг Ҳиндистон ҳақидаги фикри унинг 1030 йили ёзиб тугаллаган «Таҳқиқ мо ли-л Ҳинд мин маъқула маъбула фи-л-ақл ав марзула» («Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби») ¹ деган асарида мужассам бўлган.

Абу Райҳон Берунийнинг бу асари илмий адабиётда «Ҳиндистон» номи билан юритилади. «Ҳиндистон» асарига Шарқ ва Ғарб олимлари юқори баҳо берганлар.

Совет шарқшунослари Берунийнинг бу асарига нисбатан ўз муносабатларини очиқ изҳор қилиб, бу китоб Ҳиндистон халқлари маданияти тарихини урганишда ниҳоят бебаҳо эканини ва фан тарихидаги юксак урнини шаксиз далиллар билан исбот қилганлар.

Дарҳақиқат, Берунийнинг «Ҳиндистон» асари фактик материалларга ниҳоят бойлиги ва чуқур илмий таҳлили билан ўз замонидаги ва ундан кейинги даврда ёзилган асарлардан тубдан фарқ қилади. Ҳиндистон халқларининг ижтимоий ва маънавий ҳаёти масалаларига Берунийнинг ўзига хос ёндашиши, чуқур мулоҳазалари, уша замон араб географларининг Ҳиндистон ҳақидаги маълумотларига қараганда бир неча бор қимматлироқ ва афзалроқдир.

Берунийнинг Ҳиндистон халқлари ҳаётининг турли томонларига оид оригинал, ҳаққоний ва аниқ маълумотларини фа-

¹ Қаранг: Абу Райҳон Беруний, Танланган асарлар, II том. Тошкент, «Фан» нашрияти, 1965 (Бундан кейин: Ҳиндистон).

қатгина Бобирнинг «Бобирнома» асаридаги маълумотлар билан таққослаш мумкин.

Беруний ва Бобир қадимий ва илк ўрта аср Ҳиндистон халқларининг тарихи ва маданияти ҳақида бебаҳо маълумотлар қолдирган икки буюк сиймодир. Уларнинг асарлари Ҳиндистон тарихи билан шуғулланувчилар учун асосий манба булиб хизмат қилади.

Лекин Берунийнинг Ҳиндистон ҳақидаги маълумотларини Бобир келтирган маълумотлар билан қиёсий таҳлил этган биронта салмоқлироқ илмий асар ёзилган эмас. Рим университетининг форс тили ўқитувчиси Александр Баузанининг итальян тилида ёзган бир мақоласи бундан мустасно, албатта².

Александр Баузанининг ўзи эътироф этишича, унинг бу мақоласи ғарбий европалик айрим олимларнинг «Шарқ халқлари — мусулмонлар ҳаммалари тенглар, уларнинг ҳаммалари бир-бирларига ўхшаб кетадилар»³, деган мавжуд фикрларини рад қилиш ниятида ёзилган, холос. Александр Баузани Абу Райҳон Берунийнинг Ҳиндистон халқлари ҳақидаги маълумотларини «Бобирнома»да келтирилган фактлар билан солиштирар экан, Бобир келтирган Ҳиндистон ҳақидаги фикрларни афзал куради. Бунга сабаб қилиб у, Бобир Ҳиндистон ҳақидаги маълумотларни ўз кузи билан курган. Беруний эса куп ҳолларда кишилардан сўраб, эшитиб олган материалларга асосланиб ёзганлигини курсатади⁴.

Александр Баузанининг бу мулоҳазасига тўла-тўкис қўшилиб бўлмайди, чунки Берунийнинг «Ҳиндистон» асарида ўша даврда Ҳиндистон ва унинг халқлари ҳақида баён қилган фикрларни ниҳоят мукаммаллиги, куп қирралилиги, чуқур илмийлиги билан Бобир мулоҳазаларидан ажралиб туради.

Бирини биридан беш аср ажратиб турган бу икки олимнинг ўзига хос дунёқараши, ўз асарларидан кўзда тутган максادلари бўлганлиги сабабли улар қолдирган тарихий маълумотлар ҳам, албатта, ўзгачадир,⁵ Беруний ўз асарларида кўпроқ ҳиндларнинг фалсафий қарашлари, урф-одатлари, диний эътиқодларига тўхтади. Унинг маълумотлари ичида этнографик маълумотлар Бобирникига қараганда кўпроқдир. Ҳиндистон оби-ҳавоси, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини Беруний ўз асарида акс эттирар экан, ўзидан олдин ўтган, лекин асарлари бизгача етиб келмаган, ўша даврдагина мавжуд бўлган ҳинд олимлари ва файласуфлари асарларини

² *India vista da orandi personalita musulmane: Babar e Brunel per Alessandro al-Bausani, Brunel. Commemoration olume, Iran Society, Calcutta.*

³ Ўша асар, 53-бет.

⁴ Уша асар, 56-бет.

мукаммал ўрганади. Мазмуни жиҳатидан афсонавий-эпик, диний-фалсафий бўлган, лекин санскрит тилида ёзилган ҳинд олимлари асарларидан ташқари. Беруний жуда кўп оғиздан-оғизга ўтиб юрган маълумотлардан ҳам фойдаланади. Узининг эътироф этишича, Ҳиндистон ва унинг халқи, урф-одатлари, уларнинг қадимий динлари ва маданияти ҳақида, мавжуд фактик материалларни йиғиб берадиган Берунийнинг ҳинд дўстлари — ахборотчилари бўлган. Уларнинг кўпчилиги маълумотли кишилар бўлганлар. Бундай ҳинд ахборотчилари, гарчи Берунийга тула-тукис, руй-рост маълумотлар келтирсалар ҳам, Беруний уларнинг маълумотларини бир-бирига солиштириш ва қайта текширишлар асосида ишонч ҳосил қилгандагина улардан фойдаланган. Айрим ҳолларда, гарчи маълумотлар жуда муҳим булса ҳам, лекин ишонч ҳосил қилолмай уз асаридан улардан фойдаланар экан, Беруний ўқувчининг ихтиёрига бундай фактларга нисбатан эҳтиётлик муносабатидан бўлиш ҳуқуқини юклайди.

Беруний фикрининг буюклиги, унинг илмий мулоҳазасининг чуқурлиги ва поклиги ҳам шундадир.

Ҳиндистон ҳақидаги Беруний ва Бобир маълумотларининг асосий қисмларини таққослаш шуни курсатдики. «Бобирнома»нинг охириги қисмларида Ҳиндистон ҳақида Бобир ёзиб қолдирган сатрлар уз мазмуни ва мавзуи билан Беруний маълумотларини тулдиради.

«Бобирнома»да Ҳиндистон ҳақида келтирилган материаллар мукамаллиги, кўп қирралилиги билан, Бобирнинг узига хос, уз даври тарихий шароитини, Ҳиндистон сиёсий ва иқтисодий муҳитини, табиатини, чуқур тафаккур қилиш ҳиссида ёзилгани билан Берунийдан кейин, Бобиргача бўлган беш асрлик даврда ёзилган ҳамма тарихий асарлардан устун туради. Бобирнинг уткир ва оқилона ёзиб қолдирган Ҳиндистон ҳақидаги сатрлари кўпчилик тарихшунос олимлар, жумладан, «Акбарнома»⁵, «Табақоти Акбар шоҳи»⁶, «Тарихи фаришта»⁷ ва бошқа асарлар муаллифлари учун асосий манба бўлиб ҳисобланган.

Бобир «Бобирнома»да Беруний назаридан узоқ бўлган масалалар, яъни Ҳиндистоннинг сиёсий-иқтисодий тузуми, ҳинд султонларининг ички феодал курашлари, марказий давлатга қарши феодал тарқоқлиги ва Бобирдан олдинги ҳукмрон сулола—лодилар сулоласи ва унинг султонлари инқирози сабаблари қабл масалаларни ёритади. Шу билан баробар

⁵ Абул Фазл Акбарнома, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти-нинг кўлёмалар фонди, № 249.

⁶ Ҳожа Низомуддин Хиравий, Табақоти Акбар шоҳи. Ўша жойда. № 242.

⁷ Муҳаммад Қосим ҳинду шоҳ, Тарихи фаришта, Ўша жойда. № 244.

Бобир асарида Беруний талқин қилган масалалар ҳам ўз ифодасини топган. Ҳиндистон ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, мамлакат оби ҳавоси, маданияти, санъати, архитектураси каби масалаларни ҳам Бобир ўзига хос иборалар билан баён қилади.

Юқорида талқин қилинган масалаларга Бобир ўз асарида ёндашар экан, уларни ниҳоят юқори иборалар, мукаммал ва мужассам фикрлар билан изҳор этади. Бобир ахборотларида жушқин шонр, феодал жамиятининг забардаст давлат арбобининг ҳис ва туйғулари сезилиб турса, Берунийнинг Ҳиндистон ҳақидаги маълумотларида илк урта асрнинг меҳнатсевар, синчков олимнинг дунёқараши ўз акси садосини топган. Бу табиий, албатта. Чунки Беруний билан Бобир замонини беш асрлик узоқ давр ажратиб туради. Бу йиллар орасида (407/1017—935/1526) Шимолий Ҳиндистон халқлари ўз ижтимоий ҳаётларида муҳим тарихий бир даврни бошидан кечирдилар. Биринчи минг йиллик урталарида Ҳиндистон давлати ва қадимий Ҳиндистон классик маданияти аста-секин инқирозга юз тутиб, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларда интенсив феодаллашиш ҳоллари кучая бошлаган эди. Қишлоқ жамоаси жамият иқтисодий ҳастининг асоси булиб қолди, айни замонда хинд каста системасининг асосий йўналишлари шакллана бошлади. Беруний яшаган XI асрга келиб, қадимий Ҳиндистоннинг классик маданияти бутунлай инқирозга учради⁸.

Бобирнинг Ҳиндистон билан танишган йиллари (1526—1530) феодал муносабатларнинг тўла шаклланган ва тараққий этаётган даври эди. Бу даврда йирик ер эғалиги (иқта, важ ва чагир) мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим роль уйнаб, феодал ер эғалиги системасининг яна ҳам юксалишини таъминлади. Бу ҳол майда феодал ҳокимларининг мустақиллигини оширди, натижада мамлакатда феодал тарқоқлик тенденцияси жуда ҳам кучайиб кетди. Бинобарин, Бобир яшаган давр Ҳиндистонда йирик феодалларнинг мустақил ва тарқоқликка интилиш ҳаракатлари ўз ниҳоясига етган даври эди. Бу даврда мамлакатда феодал жамиятининг муттасил инқирозга юз угириб, ички ва ташқи савдонинг су-сайиб кетиш ҳоллари устун эди.

Ислом дини билан ҳиндуизм уртасидаги мавжуд қарама-қаршиликнинг узаро низо ҳолатидаги айрим феодал гуруҳлар томонидан сунъий равишда кучайтиришга интилиш ҳоллари мамлакатнинг сиёсий аҳволини яна мураккаблаштириб юборган эди. Бу ҳол XV аср охири—XVI аср бошларида Шимолий Ҳиндистонда ҳукм сурган Лодилар сулоласининг

⁸ Абу Райхон Беруний. Таплаган асарлар. I том, А. Халидов ва В. Эрман ёзган сўз бошига қаранг, 14—19-бетлар.

охирги султони Иброҳим шоҳ (1517—1526) давлатининг емирилишига олиб келди. 1526 йили Деҳлидан узоқ булмаган Панипат майдонидаги қаттиқ жангда Иброҳим шоҳ армияси мағлуб бўлгач, Заҳириддин Бобир Ҳиндистонда ўз давлатини тиклайди⁹.

Шундай қилиб, Беруний замонидаги Ҳиндистон, гарчи Бобир ёзган Ҳиндистон билан бир хил бўлса ҳам, лекин сиёсий-ижтимоий ҳаёти жиҳатидан бир-биридан тубдан фарқ қилар эди.

Берунийга қараганда Бобир Ҳиндистонда Ҳиндистон халқлари билан кўпроқ муносабатда бўлиш имкониятига эга бўлган. Унинг ҳукмронлиги Шимолий Ҳиндистоннинг Кобулдан то Биҳоргача бўлган ерларида — халқ эътибори жойлашган ўлкаларга тарқалган эди. Бу ерларни Бобир феодал урушлар муносабати туфайли кўрган, айрим ҳолларда отлик ва пиеда кезиб чиққан эди.

Беруний эса Ҳиндистоннинг шимолий-ғарбий ўлкаларининг бир қисмида, яъни Панжоб воҳасидаги баъзи шаҳарларда, Пешавор билан Силкотгача, Жанубда эса Мултонгача бўлган ерларда ва Қашмирнинг ғарбий чегараларида бўлди. Унинг ёзишича, Панжобнинг шарқий ва жанубий районлари ҳақидаги маълумотни у одамлардан эшитган, холос.

— Берунийни ҳиндларнинг илмий-фалсафий ва диний қарашлари қизиқтирган. Беруний учун тамоман янги ҳисобланган бу соҳани билиш ва ўз даври ижтимоий масалаларни тушуниб етиш мақсади ундан санскрит тилида ёзилган ҳинд файласуфлари ва олимларининг асарлари устида узлуксиз мутолаа қилишдек, оғир меҳнатни талаб қилган.

— Бобирнинг мақсади эса, албатта, Берунийникидан тамоман узгача эди. Уни кўпроқ Ҳиндистоннинг ижтимоий ҳаёти қизиқтирган. Бобир Деҳли султонлари ва йирик раджиут феодаллари армиясининг тузилиши системаси, ҳарбий кучи, қуролланиш ва уруш техникасига кўпроқ аҳамият берган. У Ҳиндистон қишлоқ хужалиги, ички ва ташқи савдо масалалари, савдо карвон йулларининг хавфсизлиги ва бошқа шу каби давлат нуқтани назаридан муҳим ва ҳаётий масалаларга кўпроқ эътибор берган. Бундай масалалар, албатта, Беруний назаридан узоқдаги масалалар эди. —

«Бобирнома»да келтирилган Ҳиндистон мамлакатининг кўп қиррали, сиёсий ва иқтисодий ҳаёти, қазилма бойликлари, табиати, тоғ ва водийлари, дарё ва денгизлари ҳақидаги материалларни Беруний баён қилган фактларга муқояса этсак, Заҳириддин Бобир маълумотлари ўзгача эканини кўрамиз.

⁹ Қаранг: С. А. Азимжанова, Государство Бабура в Кабуле и Северной Индии, автореферат докторской диссертации, Москва, 1969

Беруний Ҳиндистонга бошқача илмий назар билан қарайди: уни кўпроқ ҳиндларнинг фан тарихи, Ҳиндистоннинг қадимий маданияти қизиқтиради. Беруний, юқорида қайд қилганимиздек, маълумотларни кўп ҳолларда сурштириб туплашга мажбур бўлган экан, воқеани шахсий кузатиш ва унга бевосита ёндашиш ҳоллари аниқ ва муфассал баъсининг гарови эканини яхши тушунган.

Бу ҳақда у шундай ёзади:

«Хабар кўз билан кўргандек бўлмайди, деган кишининг сузи жуда тугри, чунки куриш, куриган нарсанинг ўзи бор пайтида ва уз жойида турганида қаровчи кузининг уни учратишидан иборатдир, хабарга ёлғон-яшиқлар қушилмаганда, у куришга нисбатан ортиқроқ ўринда турган булар эди»¹⁰.

Ўтган замонлардаги воқеалар баёнига тўхтар экан, у айна вақтда, ёзма ёдгорликларнинг муҳимлигини эътироф қилади: «Ёзма ахборотлар ҳамма бошқа ахборотларга қараганда устун материаллардир. Хабар эса нарсанинг [қаровчига] куриган вақтдан илгари ўтган ва кейин келадиган нарсалардан ҳам, йўқ нарсалардан ҳам дарак беради. Езиш хабар турларининг бири бўлиб, уни бошқа турлардан кура шарафлироқ санаш мумкин. Қаломнинг адабий сузлари бўлмаганда халқларнинг хабарларини қандай билар эдик»¹¹.

Беруний ҳар бир факт ҳақидаги маълумот айна замонда рост ва ёлғон бўлиши мумкин, унинг ҳақиқатга монандлиги ва ҳақиқатдан узоқлиги шу фактни изоҳ этган кишиларнинг кутган мақсадларига боғлиқ деб, шундай ёзади:

«...Одатда бўлиши мумкин бўлган нарса ҳақида берилган хабар бир хилда [фарқсиз] рост ва ёлғон бўлаверади: хабар хабар берувчилар сабабли ростлик ва ёлғонлик тусини олади. Чунки одамларнинг мақсадлари хилма-хил; халқлар ўртасида тортишиш ва талашиш кўп, бир киши ўз жинсини улуғлаб хабар тарқатади. Бундан мақсади ўзини курсатиш бўлади, чунки унинг ўзи ўша жинсдан келиб чиққан бўлади; ёки узини курсатиш мақсадида бошқа зид бир жинсни айблаб, ёлғон гап ёяди, чунки у шу билан [зид жинс устидан] ғалаба қозонган ва уз истагига эришган бўлади».

Беруний ёлғон хабар тарқатувчиларни бир печа гуруҳга бўлади ва ҳар бир виждонли инсонни ҳар хил хабарларни гаккослабгина ишонишга тарғиб қилади: «Шундай кишилар ҳам бўладик, уларнинг табиатига ёлғон хабар тарқатиш урнашиб қолиб, гуё унга шу вазифа юклангандек бўлади ва ёлғон хабар тарқатмасдан тинчланмайди. Бу ёмон хоҳишлардан ва табиатига бузуқ фикрларнинг жойланганидан келиб чиқади»¹². Ростгуйлик, ҳалоллик, виждонан тадбир-

¹⁰ «Ҳиндистон», 25-бет.

¹¹ Ўша жойда.

¹² Ўша жойда.

корликка Беруний юқори баҳо беради. «Елғончиликдан четланиб ростгўйликка ёпишган кишини, бошқа одам у ёқда турсин, ёлғончининг ўзи ҳам севиб мақтайди, — дейди у, — ахир «уз зарарингизга бўлса ҳам рост гапиринг» дейилганку. Берунийнинг бу мулоҳазалари, унинг оғзаки терган маълумотларининг кўпчилиги олимнинг зийрак фикр доираси муҳокамасидан сунг асарга киритилганлигидан дарак беради, албатта.

Беруний ва Бобир ўз асарларида Ҳиндистон географияси ва гидрогеографиясига тўхтайдилар. Беруний бу масалага «Ҳиндистон» асарида алоҳида бир (XXV) бобни бағишлайди. Бу бобда у Ҳиндистон дарёлари, уларнинг манбаи ва водийлараро йўналиб оқиши ҳақида муфассал маълумотлар беради. Бобир эса, гарчи шу масалаларга ёндашса ҳам улар ҳақида бошқа тарихий воқеалар баёни ичида йўл-йўлакайгина тўхтайдди. Бобир материалларини ўрганиш шуни кўрсатадики, у Ҳиндистондаги Ҳинд, Ганг ва унинг тармоқлари воҳасини аниқроқ тасаввур қилган. Бобир шундай ёзади: «Ҳиндистоннинг шимол томонидаги тоғларнинг ҳинд эли «Савалак парват» дерлар. Ҳинд тилида «сава» — рубъ, «лак» — юз минг, «парват» — тоғ, яъни рубъ ва юз минг тоғ ким. Юз йигирма беш минг тоғ булган, бу тоғларда қор уксунмас, Ҳиндистоннинг баъзи вилоятидан, мисли Лаҳур ва Сирхинд ва Санбалдан бу тоғда қор оқариб кўринур. Ушбу тоғ Қобулда Ҳиндуқушга мансубдир. Қобулдан бу тоғ шарққа бока борибтур, бир нима жанубга мойил. Жануби томон Ҳиндистондир. Бу тоғнинг ва бу номаълум улусларнинг ким «кас» дерлар, шимоли Тебет вилоятидир»¹³⁻¹⁴.

Ҳиндистоннинг гидрографияси ҳақида Бобир шундай дейди: «Бу тоғдан қалин дарё чиқиб, Ҳиндистоннинг ичи билан оқар Сирхинддин шимол сари боқа олти дарёким. Синд ва Бахат ва Чаноб Равсий ва Бисх ва Сатлуж булган, ушбу тоғдан чиқиб Мултон навоҳисида барча бир ерда қотилур, бир қотилғанда ҳам Синд дерлар; Фарб сари оқиб Татта вилоятининг ичи билан утиб, Умманға қатилур. Бу олти дарёдан узга дарёлар: Жун ва Ганг ва Рахаб ва Гўмти ва Гагар ва Сиру ва Гандак ва яна қалин дарёлардурким, бори Ганг дарёсига қотилиб, Ганг — уқ аталар. Шарқ сари оқиб, Бангола вилоятининг ораси билан утиб, Михитқа тўкилур, борининг манбаи ушбу Савалак парват тур. Яна баъзи дарёлардурким Ҳиндистон тоғларидан чиқар мисли, Чанбал ва Банас ва Битви ва Сун, бу тоғларда қор асло булмас, улар ҳам Ганг дарёсига қатилур».

Бу ҳақда Беруний маълумотлари Бобирникига нисбатан умумийроқ. У шундай ёзади: «Энди ҳинд ери чегарасини

¹³⁻¹⁴ Бобир. Бобирнома, Тошкент, 1960. 343-бет

тоғлар ўраб турганини тасаввур қилишимиз керак. Шимол томонида қорли Ҳимованд тоғлари туради, ургада Кашмир мамлакати бўлиб, у турк ерига туташади. Одамлар яшайдиган ерлар тугалган жойгача ва Меру тоғигача ҳаво совуши ортиб боради. Чунки бу тоғлар узунлик буйича чўзилган, улардан шимол томонга оқиб чиқадиган дарёлар турк, Тибет, Хазар ва Сақолиба ерларидан утиб, Журжон [Каспий] денгизига ё Хоразм [Орол] денгизчасига ё Понтас [Қора] денгизига ёки Шимолий Соқолиба [Болтиқ] денгизига тушади.

Жануб томонларига оқиб чиқадиганлари ҳинд еридан ўтиб, агар етиб бора олса ёлғиз ёки қушилишиб, улуғ денгизга қуйилади»¹⁵.

Юқорида келтирилган фактлардан маълум буладикки, Берунийнинг Ҳиндистон дарёлари манбалари ҳақидаги фикри жуда ҳам аниқ эмас: Беруний изоҳича, Каспий (Журжон), Орол (Хоразм чули), Понтас (Қора денгиз) ва Шимолий Сақолиба (Болтиқ денгиз)га қуядиган Ҳиндистоннинг ҳамма дарёларининг манбаи бўлмиш Меру тоғи афсонавий тоғдир.

Бундан ташқари, Беруний ва Бобирни ҳайратда қолдирган Ҳиндистоннинг жала ёмғирлари ҳақидаги фикрларини таққослаш диққатга сазовордир.

«Ҳиндистонда бор — улуқ вилоятидур ва алтун ва ярмоғи қалин буладир. Ва пашкол ҳаволари бисер хуб буладур. Гаҳ кун буладирким [ёмғир] ун-унбеш, йигирма қатла ёғади. Ёғинларида бир замонда селлар келадур, ҳеч сув йуқ ерларда дарёлар оқадур. Ёғар маҳалида ва ёғиб турган маҳалларида ғариб яхши ҳаволар бўладур, андоқ ким ҳавонинг истидодли ва латофати андин утмас. Айби будурким, ҳаво кўп пурнам буладир»¹⁶. — деб ёзади Бобир.

Беруний Ҳиндистоннинг ёмғир фўсли ҳақида сўз юритар экан, Ҳиндистонга хос оби-ҳавонинг назарий сабаблари устида уз диққатини жалб қилади. «Ҳинд мамлакатида, — деб ёзади Беруний, — ёзда иссиқ ёмғир ёғади. Буни «варшакалла» деб аташади. Мамлакатнинг тоғ билан ўралмаган шимол томонига кўпроқ кириб борган сари шундай ёмғир мўл бўлиб, тез ва узоқ вақт давом этади. Мултонликлардан эшитишимча уларда «варшакалла», яъни ёз жала ёмғирлари булмас экан, аммо шимолга қараб ўтилганда тоғларга яқин жойларда булар экан, ҳатто Бҳотол ва Индраведа¹⁷ ошора¹⁸ ойдан бошлаб, тўрт ой давомида худди мешдан қуйгандек «варшакалла» — иссиқ ёмғир ёғар экан. Ундан ке-

¹⁵ «Ҳиндистон», 241 бет.

¹⁶ «Бобирнома», 361-бет

¹⁷ «Индреведи — Андраведи» бўлса керак, қуйи Дуоб вилоятининг қадимий исми.

¹⁸ Ошора — ой номи ҳиндулар ҳисоби билан ёз ойлари июнь ва июль ойларига тўғри келади.

ининги вилоятларда — Кашмир тоғларидан Жударе тоғигача булган теваракда, яъни Дилпур билан Баршовор орасида икки ярим ойгача бундай ёмғир ёғади, бу хил ёмғир Шрова-надан бошланади. Жударе тоғининг нариги томонида бундай ёмғир бўлмайди. Бунга сабаб шуки, бу иссиқ ёмғирнинг булутлари оғир ва ер юзидан унчалик кўтарилмайдиган бўлади, булар ҳалиги тоғларга келганда уларга урилиб ва қисилиб ёмғир бўлиб ёғади. Булутлар у тоғлардан нарига ўтолмайди, шунинг учун Кашмирда бундай ёмғир булмайди.

Кашмирда эса магҳа ойидан бошлаб, икки ярим ой кетма-кет қор ёғади, чайтранинг ярмидан ўтганда бир неча кун устма-уст ёмғир ёғиб, қорларни эритади ва ерни тозалайди. Кашмирда бу қонуният камдан-кам узгаради. Аммо оби-ҳаво ўзгаришининг тартибдан чиқиши ҳар бир ерда бўлиб туради»¹⁹.

Берунийнинг Ҳиндистон мамлакати вилоятлари ва шаҳарлари орасидаги масофалар ҳақидаги маълумотлари ҳам алоҳида диққатга сазовордир²⁰. Беруний бу масалага китобдан махсус боб ажратиб, ўзига хос олимона синчковлик билан Ҳиндистоннинг йирик шаҳарлари орасидаги масофаларни аниқлайди. Шаҳарларо масофани аниқлашда Беруний ҳиндларнинг маълумотларига асосланади, лекин бундай маълумотлар баъзан ҳақиқатдан узоқ эканлигини у инкор қилмайди, оғзаки йирилган маълумотларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш зарурлигини қайта-қайта таъкидлайди: «Ҳиндларнинг шаҳарлари ва булар орасидаги масофаларга келганда, уларни курмаган кишилар учун [оғзаки] хабар ва сузлар асос булади. Батлимус [Птолемей] бундай хабарларни ташиб юривчиларда ва уларнинг бу хабарларга ёлғон қўшишга ўчликларидан доимо шикоят қилади»²¹.

Беруний замони учун Канауж, Кашмир, Матхура, Качч, Самнатх ва бошқа географик пунктларнинг характеристикаси катта аҳамиятга эгадир. Беруний материалларидан шу маълум буладикки, уша даврда ҳиндлар Кашмирнинг жанубий ва шарқий қисмларини ўз қўлларида тутганлар, Кашмирнинг ғарбий қисми эса ҳар хил подшоҳлар (масалан, Болар шоҳ, Шугнон шоҳ, Баҳон шоҳ) қўл остида булган, Кашмирнинг шимолий қисми ва шарқий районларининг баъзи вилоятлари эса Хотан ва Тибет туркларига қараган²². Беруний ўз замонида Кашмирда ҳеч қандай улов булмаганлигини қайд қилади. «Кашмир халқи пиёда халқ, уларнинг от-уловлари ва хатто филлари ҳам йуқ»²³, — деб ёзади у.

¹⁹ Беруний, Ҳиндистон, 168-бет.

²⁰ Уша асар, 195-бет.

²¹ Уша асар, 160-бет.

²² Ҳиндистон, 161-бет.

²³ Уша жойда.

Ганг дарёсининг гарбий қирғоғига жойлашган Қанауж шаҳри катта шаҳар булишига қарамасдан, Беруний замонида пойтахт булмаган, у бу даврда харобага айланган Васудев (Кришна) туфайли донг чиқарган. Матхура шаҳри эса, Беруний ёзишича, Жун дарёсининг гарбий қирғоғида (Қанауждан 28 чақирим масофада) жойлашган²⁴.

Беруний ва Бобир уз маълумотларида қанга-қайта Ҳиндистонга хос камчиликларга тухтайдилар. Бобирнинг ёзишича, Ҳиндистон хужалигидаги асосий камчиликлардан бири, мамлакатда сугориш ишларининг яхши йулга куйилмаганлигидир. Қул меҳнатига асосланган сугориш системаси ниҳоятда содда усулда булиб, деҳқондан оғир меҳнат талаб қилган. Бу ҳақда Бобир шундай ёзади: «Ҳиндистоннинг аксари вилояти туз ерда вақиб булибтур. Мунча шаҳарлар ва мунча вилоятларким бор, ҳеч ерда оқар сув йуқтур. Оқар суви дарёлардир. Баъзи ерларда қора сувлардир. Баъзи шаҳарларнинг ким арик қазиб, сув чиқарур қобилияти ҳам бор, сув чиқармайдилар, бир неча жиҳатдан була олур: бир буким зарбат ва боғитига асло сув эҳтиёж эмас, ҳарифии маҳсули худ пешкол ёмғури била булур. Бу ғарибтурким, рабиг маҳсулига агар ёмғур булмаса ҳам буладур. Дарахтларнинг ниҳолига биринки йил сувни ташиб, ё чарх била, ё далв била сув берадурлар, анди сув асло бермак эҳтиёж эмас. Баъзи сабзиларға сув берадурлар. Лаҳур ва Диболпур ва Сирхинд ва ул навоҳида чарх била сув берадилар»²⁵.

Абу Райҳон Беруний Ҳиндистондаги мавжуд каста (табақалар) системасига ва ҳиндларнинг ниҳоят такаббур ва мақтанчоқ эканликларига нисбатан ўз эътирозини билдиради. Берунийнинг «Ҳиндистон» асарида қуйидаги мисралар бир неча бор учрайди: «Дунёда [ҳиндларнинг эътиқодича] уз ерларидан бошқа ер йуқ, уз жинсларидан бошқа халқ йуқ, ўз бошлиқларидан бошқа подшоҳ йуқ, ўзларидагидан бошқа илм ва динларидан бошқа дин йуқдир. Ўзларини юқори тутиб, беъмани ҳаракат қиладилар ва кибрланиб билимсиз қоладилар. Урганган нарсаларига баҳиллик қилиб, уз жинсларидан булса ҳам ноаҳл кишига урганмайдилар»²⁶.

Беруний ўз китобини ёзиш мақсадида жуда куп ҳар хил касб ва дин ҳомийлари, хилма-хил дунёқарашга эга булган, маълумотлари ва ижтимоий мавқеи билан бир-биридан ажралиб турган ҳар хил мафкурадаги кишилар билан учрашишга туғри келганлиги эҳтимол, унда ҳиндларнинг ҳаётига нисбатан танқидий назар билан қараш ҳиссини туғдиргандир.

Бобир Ҳиндистоннинг моддий камчиликларига катта аҳа-

²⁴ Уша асар, 160-бет.

²⁵ Бобир, Бобирнома, 344-бет.

²⁶ Беруний, Ҳиндистон, 68-бет.

мият беради. Бу масалага у давлат арбоби сифатида ўз муносабатини билдиради. Айрим ҳолларда нуқсонларнинг олдини олиш тadbирлари ҳақида фикр юритади. Бобир Ҳиндистоннинг айрим шаҳарлари хароба эканлигини қайд қилар экан, шаҳарларни обод қилишга уриниб ҳам кўради.

1526 йил 26 февралдаги машҳур Панипат жангидан кейин Бобир Ҳиндистонда фақат 3 йилу 8 ой умр кўрди. Бу давр ичида у карвон йўлларини қайта қуриш, почта йўлларини тиклаш, боғ-роғлар бино қилиш, қудуқлар қаздириш, масжид ва ҳаммомлар бино қилиш билан шуғулланади. «Бобирнома» да келтирилган сатрлардан маълум бўлишича, у 1526 йили Панипатда катта боғ барпо қилган ва уни «Боғи-бахт» деб атаган.

1526 йил 9 февраль куни Бобир Дивалпур шаҳрига келиб, унинг агрофидаги жойларни ўз амирлари ва қариндошларига бўлиб беради. Уларнинг ҳаммасига бу ерларда боғлар барпо қилиш лозимлигини таъкидлайди. Бобир Қувшип боғининг жануби-шарқ қисмида эса ҳаммом бино қилишни буюради. Унинг ёзишича бу ҳаммом пойдеворини у ўз қули билан ўрнатган. Бобирнинг ёзиб қолдирган сатрларига қараганда, Қувшип боғининг режасини у усталарга ўз қули билан чизиб берган.

1528 йилнинг ноябрь ойида Бобир Дивалпурга иккинчи бор келар экан, ўзи барпо қилган боғнинг атрофига жойлашади. Унинг айтишича, бу боғ тоғнинг ён бағрида жойлашган бўлиб, унда уста Шоҳ Муҳаммад томонидан тошдан алоҳида ўйиб ишланган ҳовуз ясалган: ҳовуз атрофига анба, жамин каби Ҳиндистон мева дарахтлари утқазилган. Боғнинг қоқ уртасида қад кутарган бўлган, бутуғонга мукамал зеби — аро бериш инятида, шу тугоннинг шарқий қисмига Бобир бир масжид билан супа бино қилган.

«Бобирнома»даги сатрлардан маълум бўлишича, Бобир замонида Дивалпур билан Гвалиор шаҳри ўртасидаги ҳамма ерлар узлаштирилиб обод қилинган. Бобир ўз саройида алоҳида сув қидирувчи мутахассис сақлаган (бу киши янги-янги қудуқлар қазиниш учун жойлар белгилаш билан шуғулланган)²⁷.

«Бобирнома»да 1529 йил 31 мартда Бобирнинг Сикри ва Агра шаҳарларидан Дивалпурга қайтиб келгани ва сув қидирувчи Саид Дакни Шерозийга янги тўн кийгазиб эъзозлагани ва унга зудлик билан Аграда қурила бошлаган қудуқни гишт билан ишлаб чиқиш лозимлигини уқдиргани ҳақида гап бор.

«Бобирнома»да келтирилган маълумотлар XVI аср шаронтида Шимоллий Ҳиндистондаги Бобирнинг қурилиш ишлари масштаби кенг бўлганидан дарак беради. Бобирнинг қу-

«Бобирнома», 416—417-бетлар.

рилиш ишлари асосан Аграда, Дивалпурга, Гвалнор, Амраха, Лаҳор ва Сирхинд каби шаҳарларда олиб борилган.

Шу кунларда ҳиндуларнинг айтишларича, Аградаги Бобир барпо қилган «Рам-боғ» ўз даврида Бобирнинг энг хуш курган оромгоҳи бўлган. Кашмир ва Лаҳордаги кўпчилик боғлар шу боғ шаклида кейинчалик барпо қилинган. «Рам-боғ» вайроналари ҳозир Аграда машҳур Итимад-уд-Даула мақбарасидан 1.6 км нари даре соҳилидадир. Боғда Бобир солган айвон, бир неча ариқлар ва унинг мармар тошлари ҳозиргача сақланиб қолган²⁸.

Ҳиндистонда Бобир бошлаган қурилиш ишлари унинг амирлари, катта давлат арбоблари ва авлодлари томонидан кенг ривожлантирилган; улар ўзларининг қурилишдаги фаолиятларида Бобирга таассуб килганлар.

Бобир атрофидаги давлат арбоблари, катта феодаллар ўз усулларида янги боғлар барпо қилар эканлар, Ҳиндистонда дастлаб яратилган боғларнинг режаларидан кенг фойдаланганлар. Бобир режасига кура, боғлар тўрт бурчак шаклида барпо қилиниб, янги қазилган қудуқлардан оқизилган сувлар билан суғоришган, мармар ва бошқа лаҳим тошлардан кесиб ишланган супалар, алоҳида мевали ва бошқа хил дархатлар бу боғларга ўзгача ҳусн қўшган.

Бобир ва унинг авлодлари Ҳиндистонда барпо қилган боғларнинг архитектураси Бобир даври — уша XVI аср шароити учун мукаммал ҳисобланган. Ҳиндистонга Бобир олиб келган боғ шакллари Урта Осиё халқлари меъморчилик илмига хос техникада бўлиб, Бобир томонидан Ҳиндистон шароитига маълум даражада мослаштирилган эди.

Ҳиндистон тарихининг кўзга курунган мутахассисларидан бири Луния Муғул (яъни Бобирийлар) боғлари тўғри тўрт бурчак (квадрат) шаклида бўлиб, айни замонда кичик квадратларга ажратилган «чорбоғ»лар шаклида эди, деб ёзади. Маълумки, Урта Осиёнинг йирик шаҳарларида, жумладан, Андижонда Темурийлар замонида барпо қилинган боғлар «чорбоғ» шаклида эди. Профессор Панникар ҳашаматли парклар ва давлат саройларининг қурилиш техникаси, кейинчалик бир умрга ҳиндларнинг уй-жой қурилиши техникасига сингиб кетганлиги сабабли, Бобирдан кейинги даврда ҳинд уйларининг архитектурасида тубдан ўзгариш ясади, деб тан олади.

Шундай қилиб, гарчи Беруний билан Бобир бир-биридан фарқ қилган икки даврда яшаган, Ҳиндистон ҳақидаги сатрларни ёзишда ҳар хил манбалардан фойдаланган ва ҳар хил фикр ва мулоҳазалар қилган бўлсалар ҳам уларнинг ҳар иккаталари бир буюк мақсад йўлида курашдилар.

²⁸ «Индия» журнали. 1972, 3-сон, 25-бет.

13
К. З. АШРАФЯН

Тарих фанлари доктори

БЕРУНИЙ ҲИНД КАСТАЛАРИ ҲАКИДА

Абу Райхон Берунийнинг «Ҳиндистон» асари инсон даҳосининг ажойиб ёдгорликларидан биридир. Урта Осиё арабий-навис адабиётининг ажойиб дурдонаси булмиш бу асар урта аср тафаккуридаги маҳдудлик, бир халқнинг иккинчи халқ устидан узини устуи қуйиш шуурларини уз даврида бартараф қила олган заковатли олим, улуг допишманд томонидан яратилган.

Абу Райхон Берунийнинг илм бобидаги объективлиги, чинакам илмий фикр қилишлари сабабли унинг бу асари Ҳиндистоннинг X—XI асрдаги ҳаётига онд катта бир қомусга айлашиб қолди. Ҳиндистон аҳолиси, урф-одати, дини, шаҳарлари, ижтимоий табақалари, илм-фани ва бошқа соҳалари ҳақида Беруний қолдирган қимматбаҳо маълумотлар то ҳозиргача ҳинд тарихи, унинг қадимги маданиятини урганаётган Совет ва чет эл олимлари диққат марказида турибди.

«Ҳиндистон» асарида мавжуд каста — табақалар ҳақидаги маълумот урта асрда Ҳиндистондаги ижтимоий муносабатларни ўрганиш учун яхши манба бўла олади. Бу маълумотлар асарнинг 9 («Ҳиндларнинг «турли ранглар» деб атайдиган табақалари ва улардан ҳам қуйи табақалар ҳақида»), 63 («Брахманнинг умр буйи бажариши зарур булган махсус ишлари ҳақида»), 64 («Брахмандан узгаларга умр буйи бажарилиши лозим булган расм ва одатлар туғрисида») бобларида баён этилган.

Қасталар ҳақидаги маълумотлар асарнинг ҳинд урф-одатлари, эътиқодлари, диний байрамлари, диний ақидалари, адабиёти, илм-фани, баъзи бир ижтимоий қонун-қоидалари (мерослар, солиқлар) ҳақида фикр юритилган бобларида ҳам берилган.

Табиийки, Беруний ҳиндларнинг ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутган каста тузилишини урганиш ва уни тавсифлаш жуда ҳам қийинлигини, айниқса четдан қараган кузатувчилар

учун куп нарса билиш лозимлигини, хуллас, бу масаланинг қанчалик муҳимлигини биларди. Ҳатто у китобининг биринчи бобида, ҳиндлар улкаси, аҳолиси ҳақида умумий маълумот берар экан, ксйинги маълумотларни ёзиш нисбатан мураккаблигини таъкидлаган эди. Ҳиндистон билан улкамиз уртасидаги масофанинг узоқлиги ана шундай сабаблардандир. «Чунки ҳиндлар билан муносабатда булмаслигимиз муносабатда булганимизда очиладиган нарсаларни беркитиб туради. Ҳиндлар билан орамизнинг узилиб туришига бирмунча сабаблар бор». Ҳинд тилининг специфик хусусияти, хусусан унинг «оддий халқ ишлатаётган тилга ва фозиллар ишлатадиган сарф (морфология), иштиқоқ (этимология), шахв (синтаксис) ва балогатнинг поэтик қоидаларига асосланган соф тилга булинган»¹лиги ана шундай сабаблардандир. Ҳинд адабий ёдгорликларини урганувчига қадимги ҳинд ёзма асарларида учрайдиган шеърлар ҳам анчагина қийинчилик туғдирарди. Чунки бу шеърини шакллари ҳинд адабиётида жуда қадим даврлардан мавжуд булиб, ҳатто кейинги замонларда учрайдиган анча ривожланган ёзувлар билан бирга яшаб келмоқда эди. |

Бугина эмас, ҳиндларни урганиш ва улар билан яқин муносабатда булишга, Беруний фикрича, диний ақидалар ва табақа-кастачилик қонун-қоидалари катта тусқинлик қиларди. Ким ҳинд булмаса, деб ёзади Беруний, ҳиндлар уларни «милччха, яъни попок-ифлос деб атайдн. Шу жиҳатдан улар билан қиз олиб, қиз бериб аралашиш ва яқинлашишга, бирга утириб овқатланишга рухсат бермайдилар, сунгра уларга попок нарсани покиза қилиб булади-ю, аммо диний душманни покиза қилишга ҳеч бир йул йук. Шундай булгач, ораларига киришни ва динларини қабул қилишни истаган кишини мутлақо қабул қилмайдилар. Бу ҳам орани яқинлаштиришни бузадиган ва жуда ҳам узилиб кетишни келтириб чиқарадиган сабаблардандир»².

Касталар қонун-қоидаларини, бир каста ёки халқ иккинчиси билан муносабатда булишини қораловчи ҳинд урф-одатларини Беруний ургалар экан, уларни ақлга туғри келмайдиган, подонлик ва чекланиб колганлик натижасида юзага келган удумлар деб қарайди. Беруний Ҳиндистондаги табақалар қурилишида уша давр жамиятидаги ижтимоий тенгсизликнигина эмас, балки ижтимоий адолатсизлик ифодаларини ҳам кўрди. |

Брахманизм ва ҳиндуизмдаги мавжуд табақачилик монархиясига нисбатан Беруний исломдаги барча мусулмонлар ҳуқуқи тенг дейилган илк демократик ақидаани қарама-қарши

¹ Абу Райҳон Беруний, Танланган асарлар, II том, Тошкент, 1965, 32-бет (бундан кейин «Ҳиндистон» деб берилади).

² «Ҳиндистон», 33—34-бетлар.

қуяди. У брахманизм ва хиндуизмдаги қуйи табақаларга паст назар билан караб, уларни мавжуд хаётда ижтимоий тенгсизлик ва ҳуқуқсизликдан қутқариш мумкин эмас, деган ақидаларининг ноуринлигини инкор этади. Айни чоғда ҳинд файласуфларининг (бунда у Санкхья таълимоти руҳини назарда тутади) табақалар қандан бўлишидан қатъи назар, ҳаммага ҳам қутилиш иложи бор, деган гапларини мақтаб келтирган.

Ҳиндистондаги табақалар ҳақида ёзишда Берунийга санскрит тилидаги жуда кўп эпик, диний-фалсафий ва қонуншуносликка оид қадимги ёдгорликлар: «Ригведа», «Маҳабҳарата», «Брихат-самхита», «Вишну-дхармоттара», «Брахманда-пурана», «Вишну-пурана» асосий манба хизматини утади. Олимнинг ёзиш тавсифларига қараганда, у турли даврларга оид ёзма ёдгорликлар намуналари билан таниш куринади. Баъзи маълумотларни у сўзсиз илк даврлардаги ёдгорликлардан олган бўлса, бошқаларини эса сўнги даврлардаги асарлардан олган. Дарҳақиқат, шуни айтиш керакки, Беруний келтирган маълумотлар манбаларини ҳамма вақт ҳам дифференциялаб фойдаланмади; баъзида бир-бирига карама-қарши фикрларни келтиради, чунки уларда бир-биридан жуда узоқ даврлар — милoddан аввалги икки мишгинчи йилдан то милoddнинг биринчи асрларигача бўлган ижтимоий тартиблар тараққиёти, турли-туман каста-табақаланиш тузуми акс этган. Бу жиҳатдан урта аср олимга айб қўйиб бўлмади. Негаки, Ҳиндистоннинг қадимги ва илк урта аср ёдгорликларини хронологик фарқлаш масалалари, илк даврлардаги ёдгорлик билан сўнги пайтлардаги асарни ажратиш ҳозирги кунда ҳам уз текширувчиларига муҳтож. Лекин Беруний китоблар билан кифояланиб қолмади, у уз замондошлари фикрига қулоқ солди, суриштириб, суҳбатлашиб ўрганди³.

Беруний китобининг IX бобида «варна» сузини «ранглар» деб таржима қилади (унинг «тур», «булнма» деган бошқа маъноларини келтирмайди). «Ҳиндлар табақаларини варна, яъни ранглар деб атайдилар... Бу табақалар аввало туртга бўлинади: брахман, кшатрия, вайшья, шудра»⁴.

Беруний «варна» сўзини ранг деб таржима қилса-да, лекин у бу суз маъносини, варнанинг келиб чиқиши ҳақида сўнги пайтда ирқий назария билан келиб чиққан баъзи бир хорижий олимлар сингари, таъдаги рангга боғламаган эди.

Шу билан бирга, Беруний «Варна» сузи билан айнан «жати» (унинг ёзишича «жотака») сўзини ҳам ишлатади⁵.

³ «Ҳиндистон», 415-бет.

⁴ Уша асар, 89-бет.

⁵ «Жати» сўзи (jati — тугилган) илк урта аср қадимги «варна»ни ўрнида келиб, табақа деган маънода ишлатилган (Ҳиндистон, 486-бет, 3-изоҳга қаранг).

Булар уртасидаги фарқ шундан иборат бўлиши мумкинки, ҳиндлар «жотак» деганда бирорта табақанинг келиб чиқишини айтмоқчи буладилар «Улар табақаларини варна, яъни ранглар деб атаб, насаб жиҳатидан улар жотакка дейиладди; бу эса насллар демақдир»⁶.

Беруний варналарнинг келиб чиқиши ҳақида ҳиндларнинг қарашлари билан тапиш эди. «Ҳиндларнинг китобларида айтилишича, — дейди Беруний, — браҳманлар Бароҳимнинг бошидан (туғрироғи оғзидан) яратилганлар. Бароҳим табиат кучига киноя тариқасида берилган исмдир. Ҳайвоннинг юқори томони бошидир. Демак, браҳманлар жинснинг тапланган туридир, шунинг учун улар (ҳиндлар эътиқодича) инсонларнинг яхшисидирлар»⁷. Ундан кейин Беруний ҳиндларнинг кшатрийлар Бароҳимнинг кифт ва икки қўлидан яратилиши, вайшьялар эса унинг сонидан, шудра эса икки оёғидан⁸ яратилиши ҳақидаги тушунчасини келтиради. Асли «Ригведа»га бориб тақаладиган бу афсоналар варналарнинг биричи одам булмиш Пуруши баданидан ясалганлиги ҳақида хабар беради. Буни эса, сузсиз Беруний кейинги браҳман адабиётидан олган бўлиши керак (У балки, Бароҳим уша яратувчи — худо бўлиб, варналарни у уш баданидан ясаган деб келтирилган «Ману қонунлари» китобидан олинган бўлиши эҳтимол). Ҳинд ёзма ёдгорликларига бошқа афсоналарни Беруний келтирмайди. Бунга, чунончи, уша «Ману қонунлари»да варналар Бароҳимнинг ўғли ва Манунинг боласи афсонавий буюк Ришилардан вужудга келганлиги ҳамда барча жамоадаги одамлар фазилатини йўқотиши билан бир маҳаллар браҳман булганлигини айтиш мумкин. Қизиги шундаки, Бароҳим (яъни худо)нинг асл моҳиятини шарҳлашда табиат сифатида зоҳир буладиган қандайдир рамз деб курсатилди.

Ижтимоий тенгсизлиkning келиб чиқиши ҳақида қадимги ҳиндларнинг эътиқодлари ва ҳар хил ижтимоий табақаларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги қарашга Беруний узининг рационалистик тушунтиришларини қарама-қарши қўяди. Гарчи унинг бу талқинлари албатта, ҳозирги замон нуктаи назаридан илмий мулоҳаза саналмаса-да, муҳим аҳамиятга эга. У уз даври учун табақалар келиб чиқишини ҳукмдорлар фаолияти билан боғлайди. «Қилган ишлари ибрат олинarli булган қадимги подшоҳлар, — дейди Беруний, — одамларни табақа ва мартабаларга ажратишга купроқ эътибор бериб, уларни бир-бирларига қушилиш ва ишларига қотишишдан саклар, табақаларни сабабли подшоҳларга аралаштиришдан ман қилар ва ҳар бир табақанинг ўзига тегишли иш ёки санъат

⁶ «Ҳиндистон», 89-бет.

⁷ «Ҳиндистон», 89-бет.

⁸ Уша жойда.

ва ҳунар билан ҳамиша машғул булишга буюрар, ҳеч бир кишининг ўз мартаба ва даражасидан ўтишга рухсат бермас ва ўз табақаси билан кифоялашмаган кишига азоб ва уқубат берар эдилар... Шу хилда навга ажралишнинг бошланиши эса сакланса, гуё у нав насабдек булар эди. Агар навга ажралишнинг сабаб ва қондалари унутилган булса, у нав бутун миллатга тегишли ва алоқали бўлиб қолар эди. Унутиш, албатта, узун муддатлар, узоқ замоплар ва куп асрлар ўтиши натижасида вужудга келади»⁹.

Беруний фикрича, қадимда эрон касталарининг келиб чиқиши ҳам худди шундай булган. «Бу хол қадимги Эрон подшоҳларининг тутган йулларидан равшан кўриниб туради.— дейди Беруний,— уларнинг бу хусусда кучли таъсирлари бўлиб, хизмат билан яқинлик ва пора бериб ялиниши уларни бу мақсаддан қайтаролмаган. Ҳатто Бобак уғли Ардашер Эрон подшоҳлигини янгидан оёққа тургаганида одамларни ҳам янгидан табақаларга ажратиб, аскар бошлиқлари ва подшоҳларнинг болаларини биринчи табақага, обидлар, олов ибодатхоналарида хизмат қилувчилар ва дин арбобларини эса иккинчи табақага, табиблар, мунажжимлар ва турли илм эгаларини учинчи табақага, деҳкон ва ҳунарымандларни туртинчи табақага қўйган.

Ҳар бир табақа турли мартабаларга бўлиниб, уларнинг алоҳида жинслари бўлиб, шу жинслар (ўз навбатида) навларга ажралиб турар эди»¹⁰.

Беруний қадимги эрон табақаланиши ҳиндларнинг табақаланишига ухшашлигини кўрди. «Шу кунларда,— дейди Беруний,— ҳиндлар бу хусусга (табақа тартибларига) жуда куп эътибор берадилар»¹¹. Ҳинд адабиётида курсатилишича, варна буйича табақаланиш илк ўрта аср даврларида ҳам, ҳатто то XI асргача ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бу фикрни кўтарган олимларнинг таъкидлашига қараганда, варна системаси VII аср ўрталарида ҳам мавжуд бўлган (албатта, у даврларда қадимги турига қараганда бирмунча ўзгарган бўлиши ҳам мумкин). Буни хитойлик Сюань Цзан тавсифлаб берган. XI асрнинг бошларига келиб, бу ҳақда Беруний ҳам ёзган¹².

Табиики, на бу тезис, на уша курсатилган асослар, фикримизча, шак-шубҳасиз қабул қилиниши шарт эмас. Илк ўрта аср давридаги каста тузилишини ургатувчи мутахассислар уртасида бир масала ҳал қилиниши керак, у ҳам бўлса, илк ўрта аср адабиёти (шу жумладан, Берунийнинг «Ҳинд

⁹ «Ҳиндистон», 88-бет

¹⁰ «Ҳиндистон», 88—89-бетлар.

¹¹ Уша жойда.

¹² Древняя история Индии. М., 1969, стр. 581.

дистон»и ҳам) уша даврдаги мавжуд ижтимоий муносабатларни қай даража ёритган, шу билан бирга, варна расм-русуми ҳақида традицион браҳман адабиётида қай даража баён этганлигини билиш керак бўлади. Бу масалани тула-тукис ҳал қилишгина уша даврдаги ижтимоий муносабатларни очиқ ойдин ёритиш мумкинлигини ва қадимги варна системасининг кенингисидан фаркли эканини кўрсатиб бериши мумкин.

Шубҳасиз, қадимги варна системаси ва урта асрда каста тузилиши масалаларининг урганилиш даражаси ҳам, ушбу мақола ҳажми ҳам, юқорида қуйилган масалаларга узил-кесил жавоб беролмайди. Бирок адабиётларда қадимги турт хил варна табақаланиши синф, давлат тараққиётининг илк даврларида, яъни милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг иккинчи ярмидаги ҳинд жамиятининг муанян ижтимоий табақаланиши эканлигини тасдиқлайдиган материаллар етарлидир. У давр билан илк урта аср (айни чоқда милоднинг XI асрида, яъни Беруний даврида) уртасида бирмунча сезиларли ўзгаришлар юз берди. Бинобарин, варна табақаланиши амалда бўлмади. Унинг урнига урта асрдаги каста — жати системаси келди. Бунинг келиб чиқишига келсак, у варна системасининг емирилишига боғлиқ ҳам бўлмаган, балки феодал ижтимоий-иқтисодий муносабатлари ривожланиши ва феодализм давридаги турли-туман ижтимоий-ҳуқуқий тартиблар жараёнида эски ижтимоий тартиблар ва ижтимоий гуруҳларнинг тадрижий ривожланиши эволюцияси билан боғлиқ бўлган.

Мақоладаги мақсадга — ҳинд табақалари ҳақида Беруний «Ҳиндистон»ида таҳлил қилган масалаларга келсак, шуни айтиш керакки, ҳозирги илмий-текширишларда Беруний қадимги китоблардан олган варна ва табақалар ҳақидаги маълумотларни келтириш билан чекланиб, ҳатто ўз давридаги табақаларга бурилишларнинг ҳақиқий аҳволини акс эттиролмаган, деган фикрни сезамиз¹³. Беруний XI аср браҳман ва элик адабиётида баён этилган қадимги варна тузумидаги анъанавий тузилишларни нақл қилган. Бу, албатта, Беруний даврида варналар мавжуд эди, деган гапни кўтаришимизга асос булолмайди. Аммо, бизнинг қарашимизча, профессор Б.П.Мазумдар, Беруний ўзининг табақалар ҳақидаги асарини ёзишида маълумотларни фақат китоблардангина олиб баён қилган, деган фикрларига қушилиб бўлмайди. Биз бу ерда фақат бундай фикр юритишнинг нисбатан туғри эканини кўрсатишга уринмоқчимиз, холос.

Беруний тавсифлаган табақа тузилиши кўз ўнгимизда қадимги варна-табақа системасининг асосий хусусиятлари ва

¹³ В. Р. Mazumdar, Socio-Economic history of Northern India (1030—1194 A. D.), Calcutta, 1960, p. 79.

Белгиларининг уз илдиизига кура жуда қадим замонга бориб тақаладиган ўрта аср давридаги каста тузилиши билан ҳам оҳанглигини намоён этади.

Беруний тавсифлагап турт табақали тузум¹⁴, маълум даврда анъанавидир, чунки унинг даврида, элиграфика маълумотларининг ва баъзи бир ёзма ёдгорликларнинг гувоҳлик беришига кура (хусусан, Калхананинг «Ражата—рангини»сига қараганда), браҳманлар ва кшатриялар (бу ҳам қисмангина) дан ташқари варшалар қонун буйича узига берилган ҳуқуқлардан чинакамига фойдаланадиган ва деярли шу қонунга риоя қиладиган табақаларга ажралган гуруҳлар сифатида мавжуд бўлмаган. Беруний даврига келиб, варналарга хос бўлган, уз мавқеларини қаттиқ сақлаб келаётган браҳманлар аҳволи ҳам бирмунча узгаришларга дуч келган эди.

Қадимги ва илк ўрта асрдаги манбалардан маълумки, браҳманлар доимо варналар расм-русумида битилган қондаларга риоя қилаверишмаган. Уларда сақланиб қолган маълумотларга қараганда браҳман-кшатрий аскарлик ҳунари билан кун курган, браҳман-вайшья бўлса, деҳқончилик билан тирикчилик утказган, браҳман-шудра бўлса, бўёқ, туз, сут, гушт, мис ва бошқа нарсаларни сотиш билан кун кечирган, ниҳоят, нисода-браҳман эса уғирлик ва йултусарлик билан шуғулланган. Қадимги қонуншунослардан Гаутама ва Мону узини ҳимоя қилишга зарурият туғдирганда браҳманлар қулига қурол олса, муқаддас молларни тутса, варналарнинг бузулмас қонунларидан четга чиқса ҳам бўлади, деган. Браҳманларнинг жанг майдонларидаги маҳорати ҳақида XII асрда Калхана ҳам ёзган эди.

Чандал, Чаулук ва бошқа шимолий ҳинд сулоласидан қолган ёзма ёдгорликлар браҳманлар ҳарбий ишларда маҳорат курсатганлиги ҳақида хабар беради. Баъзи бир олимлар фикрича, гуҳилот, сена ва парамар сулолалари браҳманлардан келиб чиққан.

Браҳманлар феодал ҳукмронлар саройида катта-катта маъмурий амалларни эгаллаб келган; вазирлар шулардан бўлган (баъзи ҳолларда бу амал авлоддан-авлодга утган). Бундай мансаблар сена, чахаман, чаулук ва чандаларда шундай бўлган.

Деҳқончилик билан шуғулланиш ҳам браҳманларга рухсат берилган ҳунарлардан саналган. Ҳатто Лакшмидхаранинг

¹⁴ Қадимги ҳинд жамоаларининг табақаланиши ҳинд-эрон табақаларига ажралиш даврига (яъни Ҳиндистонга ҳинд-ариюларнинг кириб келишидан анча илгари) бориб тақалса керак. Бу эса қадимги эрониларда шу ҳиндларнинг уч хил олий табақалари (браҳман, кшатрий ва вайшья)га мос келадиган жамоа-гуруҳларига туғри келиб, шунга тааллуқли бўлган расм русумлар ва ҳинд анъаналарига туғридан-туғри алоқадор бўлган ухшаш сўзлар тушунчалари борлигини тасдиқлади. (Древняя история Индии. 166-бет).

таъкидлашича (у бунда уртага баъзи зарур шартларни пинанда қилиб қўяди). агар браҳман буқаларни авайлаб боқса, уни қийнамаса, бичмаса, сув ва еминни уз вақтида бериб турса, ундаи ҳолда уларни ер ҳайдаш ва ҳосил йиғиш ишларида ишлатиш мумкин. «Грихатха»да айтилишича, агар браҳман деҳқончилик қилиб, ҳосилнинг олтидан бирини подшоҳга, йигирмадан бирини худога, уттиздан бирини браҳманларга берса, унда у гуноҳкор булмайди¹⁵.

Аммо Беруний барча браҳманларни бир хил ҳуқуқли одамлар туркумига қўшиб фикр юритади. Хусусан у «бошқа фуқаролар каби подшоҳлик учун» тўлайдиган солиқларни тўлаш браҳманга лозим булмайди¹⁶.— дейди. Беруний уз асарининг бошқа жойида эса деҳқончилик, чорвачилик ва савдо ишларида фуқаронинг солиқ тўлашларига тўхтаб шундай езади: «Деҳқончилик ва чорвачиликдан келадиган даромадларни ва ер ҳамда утлоқ солиғини бошлаб волийга бериш лозимдир. [Маҳсулотнинг] олтидан бири фуқаронинг узини, молини ва оиласини сақлаб келаётганлиги учун хизмат ҳақи ҳисобида волийга берилади. Шу хилдаги солиқни бериш ҳамма фуқароларга лозим булса ҳам, улар олган маҳсулотлари ҳақида елгон сузлайдилар ва хиёнат қиладилар. Савдо ишидагиларга ҳам шунга ўхшаш узларига белгиланган миқдорда солиқ тўлаш лозим бўлади. Бу айтилган солиқлардан браҳманларгина озод қилиниб, бошқалар озод қилинмайди»¹⁷.

Беруний бу ерда албатта, диний ва қадимги адабиётда мавжуд булган анъанавий нуқтаи назарни ифодалаганлиги шубҳасиз. Дарҳақиқат, илк урта асрларда браҳманлар солиқдан озод булиш ва бошқа бирмунча имтиёзлардан фойдаланганлар, улар юқори ҳарбий амаллар соҳибн булганлар ёки бирор қишлоқ ва унинг ери аҳолисига эгалик қилганлар. Бу имтиёзлардан деҳқончилик ва савдогарчилик билан шугулланган браҳманлар фойдалана олмаган. Ҳинд олимларидан Н. Н. Гхошал¹⁸ ва А. С. Аittekar¹⁹ фикрича, илк урта аср манбалари, шу билан бирга эпиграфикаси, браҳманларнинг уз ҳунарлари ва жамиятдаги тутган уринлари ҳамда солиқларга дахлсиз булганлиги ҳақида гапиришга имконият беролмайди²⁰.

Табиийки, браҳманлар варна табақасига мансуб бўлгани учунгина уларнинг ҳаммаси солиқ тўлашдан озод этилган, деган Беруний нақли анахронизмдан иборат дейиш мумкин.

Лекин шуниси ҳам борки, Беруний берган хабарлар касталар тузилишининг баъзи муҳим томонларини акс эттирган;

В. Р. Mazumdar, op. cit., p. 81.

¹⁶ «Ҳиндистон» 394-бет.

¹⁷ «Ҳиндистон» 406-бет.

¹⁸ N. Ghoshal, contribution to the history of Hindu Revenue System.

¹⁹ A. S. Altekar, State and government in ancient, India.

²⁰ В. Р. Mazumdar, op. cit., p. 87—88.

буғиша эмас, табақаларнинг дахлсизлиги ҳақида Беруний давридаги мавжуд тавсифлар ҳам асарга булган эътиборни оширади.

Кизиғи шундаки, милодгача IV—III асрларда яшаган қадимги муаллифлар дахлсизлик ҳақида ҳеч нарса демайдилар. Баъзи бир олимлар фикрича, у даврларда дахлсизлик ҳинд жамиятида унча сезиларли даражада кузга ташланмаган. Фақат милоднинг III асридан кейин у фикр юритиш объекти булиб қолди²¹.

Дахлсизлик ҳақида милоднинг V асрида яшаган хитойлик Фа Сян муфассал маълумот беради. XI аср бошларида Беруний дахлсиз табақаларнинг тавсифини келтиради. Бунга у бу туркум табақаларни варна табақаларига кирмаган, лекин узига хос тартибда табақаланган аҳолининг муайян ижтимоий туркуми сифатида тавсифлайди.

Маълумки, поклик ва табу маросимларига хилоф иш қиладиган дахлсизлик тушунчасининг келиб чиқиши жуда қадим замонларга бориб тақалади.

Аҳолининг маълум бир қисмининг (чунончи чандолларни) ҳам дахлсизлар сифатида қурилгани илк упанишад ва дхармасутраларда ҳам учрайди.

Лекин бу табақаларнинг наслдан наслга ўтиб туриши ҳақидаги тушунча ёки ҳунар сифатида авлоддан авлодга кучиш одатлари кейинги даврларда юзага келгани таъкидланади. Бу уртада дахлсиз табақалар турига варна расм-русумларига риоя қилолмай, гуноҳкор сифатида қувилганларгина тушиб қолмай, балки иктисодий ва ижтимоий аҳволига қура ёки касби-ҳунари сабабли истибодда тушган, ҳуқуқсиз кишилар гуруҳи ҳам қиради. Бу хил гуруҳларга кучли қабила қаршичилигига бардос беролмаган ожиз қабила ёки ери деҳқончилик учун ноқулай булиб қолган жойга тўғри келган ва чор-почор овчилик ё балиқчилик билан кун утказётганлар, шунингдек, баъзи бир сабабларга қура камбағаллашиб қолган жамоа-одамлари, уз ерларидан маҳрум булиб, деҳқончилик қилмаётган ва бошқа бир ҳунар ишлари билан банд булганлар қиради. Дахлсизлар қаторига ҳаёт кечириш учун одамлар менсимайдиган иш билан кун қураётган, одамлар ҳазар қиладиган иш-ахлат йиғиш, молларни суйиш, териларни ошлаш ва бошқа шунга ухшаш касблар билан банд булганлар, баъзан эса барча ҳунармандлар ҳам қиради.

Дахлсиз табақаларни Беруний антъяжа деб атайдди. «Булар бирон табақадан саналмайдилар, — дейди Беруний, — фақат ҳунармандлар антъяжа деб аталадилар. Антъяжа, ҳунар эътибори билан саккиз турга булинади. Ҳунарларни бир-бириникига ухшаш бўлганларни бир-бировлари билан араллашиб,

²¹ Древняя история Индии, стр. 592.

қуда булишадилар. Чунки бошқа турлари буларнинг ҳунарларини паст деб биладилар»²².

Беруний антяжаларни икки гуруҳга ажратади. Бирип-чиси — буюқчи, этикдуз, уйиччи, занбил ва қалқон туқувчи (пальма дарахтидан), денгизда ишловчи, балик овловчи, ваҳший ҳайвон ва қушларни тутувчи ва туқувчидан иборат²³. Иккинчиси эса антяжанинг пастки табақаси саналади. «Юқоридаги турт табақадагилар бирон шаҳарда шу табақалар билан бирга турмайдилар. Улар шаҳарга яқин ва шаҳар ташқарисидаги жойларда турадилар»²⁴. Буларга Беруний ходи, дома, чандола ва бадхатаваларни киритади. «Булар. — дейди Беруний. — бирон синф ва табақадан саналмай, шаҳар ва қишлоқларни тозалаш ва уларнинг хизматидан иборат паст ишлар билан машғул буладилар»²⁵.

Бу паст табақанинг келиб чиқишига келсак, Беруний антяна бўлиб қолган браҳман нақллариини келтиради; бунга кўра улар табақа қошуқларига риоя қилмай «Шудра отаси билан барҳман онасининг зино (никоҳсиз) йули билан қўшилишларидан тарқалганлар. Демак, булар ватандан ҳандалган ва камситилган паст кишилардир»²⁶.

Беруний юқорида курсатилган антяжадаги ҳар икки гуруҳ ичида умуман варна ва каста системасига ҳос перархия ҳуқуқларини қайд этади. Антяжанинг биричи гуруҳига кирган саккиз ҳунарнинг ичида юнг ишловчи, этикдуз, туқувчилар бошқа касбларга караганда паст даражада булганлар. Булар уртасида қиз олиш, қиз бериш, яъни никоҳ мумкин булган. Лекин шу билан бирга, юнг ишловчи билан бошқалар, этикдуз билан туқувчи табақалари уртасида никоҳ булиши маълум қилинган. Антяжанинг иккинчи гуруҳига эса ходи киради. Берунийнинг курсатишича, «ходи уз жинсининг энг яхши тури саналади. Чунки у ифлос нарсалардан узини юқори олиб, улардан яхши тур ҳисобланади. У чанг чалади ва ашула айтади. Бу иккаласидан (яъни чандала ва бадхатава) кейингилар эса, (ҳайвонларни) улдиришни ва уларни турли йул билан кийнашни ҳунар қилиб, бу билан машғул буладилар. Буларнинг энг ёмони бадхатавадир. Чунки у маълум улим-тикни ейиш билан чекланмайди, ит ва шунга ухшашларни еишига ҳам утади»²⁷.

Антяжага кирадиган ҳунарлар ва уларнинг варналарга муносабатлари ўша даврга оид ҳар хил ёдгорликларда ёритилган. Беруний келтирган саккиз хил ҳунарлилар рўйхати

²² «Ҳиндистон», 89-бет.

²³ Уша жойда.

²⁴ Уша жойда.

²⁵ Уша асар, 90-бет.

²⁶ «Ҳиндистон», 90-бет.

²⁷ Уша жойда.

тула-тукис равишда смритининг илгариги матнларида чандола ва антъяжа чоми билан келтирилган (булар: рожака, чорма-кора, нота ёки сайлушика, буруда, навика, кайварта, бхилла, кунвиндака).

Энг қадимги қонушносликка онд браҳман адабиётида антъяжани шудраларга қушиб санаш одати ҳам бор эди. Чунончи, «Брихаддхарма Пурана»да шудра уч тур табақаларга булинган, булардан учинчи тури — адҳама-санкара ёки антъяжадир. Бунда унинг мавқеи шудра турига кирган бошқа икки турдан пастроқ саналган; антъяжа турлари ичида чандола, дома, хадди, бхада (балки Берунийдаги бҳадкавата) кабилар санаб утилган²⁸.

Бу хил одатларни «Мону қонунлари»да (VIII, 279) ҳам кўришимиз мумкин, бунда эса уша ном и зикр қилинган ҳунарлилар шудралар турига кирган. Буларга «Веда»ни ўқиш ва эшитиш ҳамда қурбонлик қилиш таъқиқланган, браҳманларга эса шудралар қулидан таом ейиш маъ қилинган (Мону, IV, 21, 218).

Баъзи бир кейинги даврга онд асарларда, чунончи илк даврдаги смритида, антъяжа варнага кирмаган шудралар сифатида олинади; Беруний ҳам худди шундай қилган эди.

Ҳиндистоннинг қадимги ва илк урта аср тарихида шудраларнинг табақаларга булиниши даврларга кура турлича булган. Шудраларнинг (аслини олганда ҳунармандларнинг) дахлсизларга тенглаштирилиши (хусусан «Мону қонунлари»да) балки шаҳарларни унчалик ривож топмаган деҳқончилик жамоалари ва уларнинг саноат фаолиятларигагина хос булган уша ҳунармандларга менсимасдан қарашнинг бир акси садоси булса керак.

Илк смритиларда барча шудра табақаларини дахлсизлар сифатида қуйилмаслиги ва антъяжанинг алоҳида бир гуруҳга ажратилиши, балки ҳунармандларнинг ижтимоий-иқтисодии аҳволида юз берган узгаринларни, шаҳарларнинг ривожланиши ва уларнинг ҳунармандчилик саноатига аҳамиятини акс эттирган булиши эҳтимол.

Афсуски, ҳозирги вақтда қулга киритилган маълумотлар ҳам қадимги ва илк ўрта аср матнларини даврларга бўлиш ҳам ишонарли, узил-кесил бир ёқлик қилиб айтадиган ҳулосаларга келишга имкон бермайди.

Баъзи бир текширувчиларнинг фикрига кура, шудраларга дахлсизлар сифатида қараш одати кейинчалик расм булмаган, бу эса шудраларнинг энг асосии иши — ҳунармандчиликнинг аҳамияти ошиб бораётган бир пантда ижтимоий табақаланишининг паст даражада булиши билан боғлиқ булган.²⁹

²⁸ М а з н т д а г, р. 107.

• Древняя история Индии, 591-бет.

Энди Беруний берган маълумотларга қайтсак, шунини айтиш керакки, унинг «Ҳиндистон» асарида курсатилишича, гарчи шудралар дахлсиз варналардан бири сифатида антыяжага қарма-қарши қўйилса ҳам, лекин шудранинг аҳволи антыяжадан унчалик фарқ қилмади. «Мону қонунлари»га мослаб Беруний шундай ёзади: «Браҳман бир неча кун шудра уйидан овқат еса, уз табақасидан тушиб қолади, қайтиб ўз урнига ўтолмайди-ю қайтиб келиб, қандай қилиб аввалгидек уз ўрнида буларди, дейишди»³⁰. Гарчи Беруний уз асарида браҳманлар билан суҳбатлашганига ҳавола қилса ҳам, лекин унинг даврида қондага шунчалар қаттиқ риоя қилиш унчалик бўлмаसा керак.

«Мону қонунлари»га кура (VIII,413—414), шудралар Бароҳимга қул бўлиб хизмат қилиши керак бўлган одамлар, деб ёзилган. Бу хусусда Беруний ёзади: «Аmmo шудра бўлса, браҳманга қул урнида бўлиб, браҳман ҳамма ишларида уни ишлатади; шудра браҳманга хизмат қилади»³¹.

Бу уринларда, суэсиз, шудралар, ҳунармандлар ва ёлланиб ишловчиларга нисбатан ижтимоий пастлатиш руҳи сезилиб турибди. Чиндан ҳам уларнинг аҳволи қуллар аҳволига яқин эди. Лекин шудралар илк урта асрда ҳам, қадимги даврда ҳам, қул бўлган эмаслар. Г. Ф. Шльин узининг асарларидан бирида курсатишича³², маълум узига хос шароит ва аҳволга кура, истаган табақа аҳли қулликка тушиб қолиши мумкин бўлган, лекин у маълум табақага ёки гуруҳга хос бўлгани учунгина бу аҳволга тушмаган, албатта.

Берунийнинг қадимги ёдгорликларга қарама-қарши бўлиб, ўз даврига яқин бўлган узаро муносабатларнинг ҳақиқий манзарасини ақс эттирадиган маълумотларига кура, вайшья ва шудраларнинг бир-бирига яқинлигини курамыз. Беруний турт хил табақани санаб утаркан, «шу кейинги икки табақанинг мартабаси бир-бирига яқиндир»³³, деган эди.

Беруний узининг «Ҳиндистон» китобининг 64-бобида («Браҳмандан ўзгаларга умр бўйи бажарилиши лозим бўлган расм ва одатлар тўғрисида») вайшьялар вазифасини қуйидагича тасвирлайди: «Вайшьяга келсак, унга деҳқончилик қилиш, иморат қуриш, браҳманларнинг иллат касалтларини тузатиш ишлари топширилади»³⁴. Дарҳақиқат, Беруний вайшьялар икки ипдан уралган биргина яжнопавета тақийларини тан олган (браҳманлар уч яжнопавета, қшатрийлар эса иккита тақийшган). Бу эса уларнинг икки бор туғилганга

³⁰ «Ҳиндистон», 415-бет.

³¹ «Ҳиндистон», 397-бет.

³² Унинг «Шудры и рабы в древнеиндийских сборниках законов» асарига қаранг.

³³ «Ҳиндистон», 88-бет.

³⁴ Шунини асар, 397-бет.

мансублигининг нишонаси бўлган. Лекин шу нарса кузга ташланадигани, вайшьяга берилган вазифа юқориди келтирилган браҳман ва кшатрийга берилган вазифадан фарқ қилади. «Веда»ни урганиш ва оловга қурбонлик қилишни Беруний вайшьялар вазифасига киради, дейди. Бир қанча қадимги манбаларга, чунончи, булардан бири Каутиल्याнинг (милоддан аввал IV—III аср) «Арташастрасига кура, вайшьяларда шундай вазифалар бўлган. Шу билан бирга, Берунийнинг кўрсатишича, вайшьялар браҳманга хизмат қилади, «уларнинг иллат касалларини тузатиш ишлари топширилади».

Вайшьяларнинг камситилган мартабаси ҳақида «Ҳиндистон» асарида шуларни ўқиймиз: «Браҳманга хос бўлган ҳар бир ишлар, яъни тасбеҳ этиш, «Веда»ни ўқиш, олов қурбонлигини қилиш шудра учун мамнуъдир, ҳаттоки шудра ёки вайшьянинг «Веда» ўқиганлиги аниқланса, браҳманлар бу икковини волийга етказадилар, улар буларнинг тилини кесади»³⁵.

Шундай қилиб, қадимги қонуншуносларга зид ўлароқ, Беруний вайшья билан шудраларнинг ҳуқуқига тўхтаб, иккала томон ижтимоий ҳаётга бир хил деб, улар орасидаги фарқни кўрмайди. Қадимги жамиятда шудраларни ижтимоий камситиш, «Арташастра»га кура эса, уларни ўқитиш, қурбонлик қилиш, браҳманларга ўхшаб совға қабул қилиш ман қилинган. Лекин билим олиш, қурбонлик қилиш, ҳадя бериш каби уч хил амални олий варна орттирган. Беруний берган маълумотларга асосан фикр юритсак, бу камситишларда ўрта аср даврида вайшьяларнинг ҳам «пасибаси бўлган». Бу деган суз феодал жамияти ривожланиши даврида деҳқончилик билан шуғулланадиган асосий аҳолининг тақдирини ҳам шундай бўлган.

Вайшья ва шудраларнинг бир-бирига яқинлиги ҳақида Беруний келтирган маълумотлар илк ўрта аср даврида вайшьяларда варнага оид ҳуқуқлари бўлмаганлигидан дарак беради. Лекин қадимги жамиятда бир маҳаллар вайшьялар имтнэзли даражаларини эгаллаганлиги, булар шак-шубҳасиз, илк ўрта аср даврида варна тузуми жуда ҳам кўп узгаринларга гирифтор бўлганлигини, туғрироғи, бу тузумнинг бузилганлигини кўрсатади. Уларнинг баъзи бир зоҳирий томонлари, чунончи, вайшьяларнинг шудралар билан яқинлашиши (ижтимоий ҳуқуқлар соҳасида) «Мону қонунлари»да (III, 112) уз аксини топган³⁶.

Афсуски, бу кичик мақолада Беруний «Ҳиндистон»нинг тамомий киммати ва бойлигини антиб ўтиш мумкин эмас,

³⁵ «Ҳиндистон», 397-бет.

³⁶ Mazumdar, p. 96.

зеро бу асар Ҳиндистоннинг Беруний давридаги ижтимоий тузумини урганиш учун ажойиб манбадир.

Берунийнинг қадимги ҳинд каста-табақаланиш тузумлари ҳақидаги тавсифларида бир қатор ноаниқликлар булса-да, шунингдек, қадимги браҳман анъаналаридаги табақаланиш тавсифида унинг тарафкашлиги қуринса-да, лекин олимнинг бошқа қуп маълумотлари унинг даврида уша қадимги турт хил варна тузилишининг асосан инқирозга юз тутган ва бузила бошлаганини англашга ёрдам беради.

Шундай қилиб, Беруний келтирган маълумотлар қадимги ҳинд каста-табақаланиш тузумларини урганишда қимматбаҳо манба саналади. Ҳозирги даврда бу мураккаб ва чалкаш тартиб-системани ўрганишга бел боғлаган бирорта олим ё мутахассис бу асарни чеклаб, мутолаа қилмай ўтиши мумкин эмас, чунки бу тартиб-қоидалар қадим-қадимдан мавжуд бўлиб, ўзининг узоқ тарихи билан бирга, эски замон сарқити сифатида ҳозирги давримизда ҳам яшаб келмоқда.

М. БАРАТОВ

Фалсафа фанлари доктори

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ ВА ҲИНД ФАЛСАФАСИ

Абу Райҳон Беруний узининг машҳур «Ҳиндистон» асарида қадимги ва урта аср ҳинд фалсафаси таҳлилига аниқгина (ун боб) уриш берган. Бунда Беруний объектив тадқиқотчи сифатида ҳиндларнинг турли-туман фалсафий системасидаги прогрессив томонлар ва тенденцияларга жуда юксак баҳо беради. Биз қуйида бу катта масалаларнинг баъзи бир томонларигагина тухтаб утмоқчимиз, холос.

Санскрит тилидаги асосий манбалар («Маҳабҳарата», «Бҳагаватҳита», Капиланинг «Санкхья»си, Патанжалининг «Йогасутра» асари ва бошқалар)ни чуқур урганиб, Беруний Ҳиндистондаги бир қанча фалсафий мактабларнинг туб моҳиятини очиб берди. Бунда, албатта, у ҳинд фалсафий-диний таълимотларига ҳам асосланди.

Санкхья, вайшешика, ньяя, веданта, йога, миманса, локаята-чарвака, буддизм ва жайнизм каби ҳинд фалсафий системалари милоддан аввал пайдо бўлиб, тахминан, милоддан аввал VIII-II асрларда ҳинд жамиятининг ҳар хил ижтимоий гуруҳлари қарашларини узида акс эттирган ҳолда шаклланган.

Урта асрларда ҳам бу системалар мавжуд эди, лекин у даврда ҳукмронлик ролин реакция-идеалистик мактаб бўлиш веданта уйнади. Бу ерда Беруний хизмати шундан иборатки, у ҳинд фалсафасини уша даврда кенг тарқалган веданта таълимотини ифодалабгина ёзмади, балки ҳар бир мавжуд фалсафий системани чуқур таҳлил қилиб, асосий эътиборини прогрессив рационалистик ва материалистик мактаб бўлган санкхьяга қаратди. Бу мактаб асосчиси Капила (милодгача VI—V асрлар) саналади. Бу фалсафий системага кўра, дунё моддадан иборат, модда (праkritи) эса бутун борлиқнинг асоси, ҳар ерда мавжуд, абадий ва ягона нарсадир. Дунё яратилган эмас, демак, унинг яратувчиси ҳам булган эмас, «дунегача дунё сабабчи». Ягона моддий субстан-

ция ранг-баранг моддий ва маънавий воқеалар оламининг асосини ташкил этади ва уларни тушунтиради. Барча моддий нарсалар сезги органларига таъсир этиб, инсон онгида акс этади ва у орқали билинади. Санкхьянинг модда ҳақидаги назарияси катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, бу мактаб табиатдаги сабаб-натигага доир алоқаларининг объективлигини, табиатнинг уз-узидан пастки шаклдан олий шаклга ривожланиши мумкинлигини эътироф қилади. Бу мактаб тарафдорлари табиатда сабабсиз воқеалар булмайди, сабабсиз факат барча сабабларнинг сабаби ва унинг натижаси—практидир, яъни моддадир, деб таъкидлайди.

Абу Райҳон Беруний ҳинд тафаккурининг ҳамма позик томонларини яхшилаб эгаллаб олди, шу билан бирга уз тушунчаси, фикр доирасига кура, ҳинд фалсафасидаги асосий масалаларни объектив равишда баён эта олди. У бунда фалсафадаги материалистик ва идеалистик мактабнинг курашини, мафкура ва хинд жамиятидаги ижтимоий ҳаётга диннинг каттик таъсир этганини курсатиб утган эди. Баъзи ҳолларда Беруний уларни қоралашгача борди. Чунончи, унинг курсатишича, ҳиндларнинг математика соҳасидаги олимларидан Браҳмагупта ва Вароҳамидира кабилар самовий ҳодисаларнинг ҳақиқий табиатларини билганлари ҳолда, ўз рисолаларида буларга диний-афсонавий изоҳлар беришга мажбур булишган. Хусусан, уларнинг сузларига кура, Қуёш ва Ойнинг тутилиши вақти-вақти билан бу ёритқичларни ёвуз дев Раҳу ютиб юбориши натижасида юз берар эмиш. Беруний фикрича, бундай асоссиз фикрни ҳинд олимлари, браҳманликдан буладиган ҳужумдан сақланиш ва бунинг натижасида ўз бошига тушадиган кулфатлардан қутулиб қолиш учун айтганлар. Акс ҳолда браҳманлар таъқибига учрашлари ҳеч гап эмас эди. «Уларнинг ҳақиқатга хилоф фикрлари уз вақтида худди Сукротин улимга гирифторм қилган сабабларга ўхшар эди... Ўз хавфсизлиги учун яхшиси руҳонийлар фикрларига қарши турмаслик керак»¹.

Ҳинд фани табиатни билиш борасида материалистик фалсафий мактабларнинг таъсири билан анча-мунча ютуқларга эришган пайтларда, диний-идеалистик таълимотлар илм-фан ютуқларини инкор этиб, Ер устида етти қават осмон борлиги, жоннинг тангри томонга йул олиши ва шунга ўхшаш уйдирмаларни қайтарар эди. Ведантанинг идеалистик таълимоти реакцион браҳман мафкурасини ҳимоя қилувчи хинд жамиятининг реакцион кучлари қўлида асосий қурол ҳисобланар эди. Улар снёсий ҳокимият ва халқ оммасига руҳий томондан таъсир қиладиган барча омилларни уз қўлларида туттишар

¹ Alberunis India, Ed. and tr. by E. Sachau, vol. II, London, 1910, p. 110.

эди. Шунинг учун ҳам ўша даврдаги илғор ижтимоий-илмий йуналишлар диний тус олишга мажбур буларди.

Беруний шундай ёзади: «Санхъя» китобида зоҳид: «феъл (иш) ва фоил [ишловчи] масаласида ихтилоф бўлганим ё бўлмаганими?» деб сурайди. Ҳаким мана шундай жавоб беради: «Бир гуруҳ одамлар фикрича, «руҳ ҳаракатсиз булади, модда муҳтожлиги йуқ бўлган тангри руҳ ва моддани бир-бирига қушади ва ажратади; демак, тангри [барчани ҳаракатга келтирувчи] фоилдир, ҳаракат бергани каби, у, руҳ ва моддага ҳаракат бериб, ишни вужудга келтиради».

Бошқа бир гуруҳ фикрича: «Руҳ ва модданинг бир-бирига қушилиши табиий, вужудга келадиган ва йуқ буладиган ҳар бир нарсада ана шундай қушилиш давом этиб туради». Чунки «Веда»да хоҳлаганига қараганда ҳар бир мавжуд нарса Пуруша туфайли булади».

Яна баъзиларнинг айтишича: «фоил — бу замондир, чунки олам, каттик арқоннинг ҳаракат келадиган бойлоқ қўй каби замон билан боғланган». Яна бир гуруҳнинг деишича: «Феъл олдин килинган ишга берилган мукофотдан бошқа нарса эмас».

Бу фикрларнинг ҳаммаси туғриликдан четга чиқиб кетган. Бундаги ҳақиқат шуки, феъл [ҳаракат] бутунлай моддага тегишли, чунки у моддани банд қилиб турли шаклга киргизувчи ва шаклдан бушатувчидир. Демак, модда фоил [ишловчи] ва унинг қўл остидаги ҳамма нарсалар феълни камолга етказишда моддага ёрдамчидирлар. Руҳ турли қўзватларга эга бўлмаганлигидан ишловчи — фоил эмас².

Беруний браҳманларнинг борлиққа нисбатан қарашларини таҳлил килади, уларнинг бу қарашларида ҳинд пантеизми акс этган Веданта намояндаларидан Бадараяна ва Шанкара «барча борлиқ раҳна» (яъни худо)дир, модда ва онг мустақил воқеалик эмас, улар Браҳмада урнашганлар, деб таъкидлаганлар.

«Ҳиндларнинг ўқимишли табақалари, — дейди Беруний, — борлиқ биргина нарса, деган фикрга борадилар. Чунки Васудева «Гита» номли машҳур китобида айтганидек, ҳақиқатни олганда ҳамма нарса тангришики, чунки Вишну жонли нарсалар туриши учун узини ер килди, уларни овқатлантириш учун ўзини сув, уларни ундириб устириш учун олов, шамол килди ва ҳар бири учун ўзини қалб қилди. «Веда»да айтилганидек, уларга эс ва билимни ҳамда буларнинг тескарисини берди³.

Беруний «Ҳиндистон» асарида турли-туман ҳинд фалсафий мактабларининг гуруша, пракрити, саттва, ражас, тамас ва

² Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар, II том, 1965. 40—41-бетлар (Бундан кейин «Ҳиндистон», деб берилади).

³ «Ҳиндистон», 47-бет.

бошқа фалсафий тушунчаларга нисбатан уз нуктаи назарини муфассал баён қилади. У онг ва модданинг бир-бирига муносабатларига тегишли махсус фалсафий масалаларни ишлаб чикди. Жон ва модданинг бир-бирига боғлиқлиги ҳақидаги масалани таҳлил қилар экан, Беруний Санкхьянинг модда ва жон (яъни онг)нинг бир-бири билан узаро алоқадорлиги, бирининг булиши учун иккинчисининг шартлиги масаласи, жоннинг моддасиз мавжуд булмаслиги ҳақидаги ҳинд қарашларига эътибор беради. «Модда оламнинг аслидир. Ҳзида ҳеч бир қасд ва ихтиёр булмай, уруғ усимликни вужудга келтиргани сингари, қасд ва ихтиёрин булмай, шамол сувни совутгани сингари модда оламни пайдо қилиши табиийдир»⁴.

Беруний «Бу китоб («Ҳиндистон») баҳслашиш ва тортишиш китоби эмас, шунинг учун бу китобда душманлар исботини келтирмайман ва ҳақиқатдан четга чикқанларга каршилик курсатмайман. Бу фақатгина баён қилиш китобидир, холос. Мен бунда ҳиндлар сузини узича ёзмам; уларнинг юнонлар билан яқинликлари борлигини билдириш учун ушга юнонларнинг шу хилдаги сузларидан қушаман»⁵, деб алоҳида таъкидлайди.

Беруний Ғарб ва Шарқ фалсафа тарихининг зуфуни сифатида уз асарида Ҳиндистон, Юнонистон, Яқин ва Урта Шарқ, Осиёнинг илғор мутафаккирлари дунёқарашида бир-бирига яқинлик, ҳатто баъзи ҳолларда бутунлай ухшашликлари ҳақида жуда куп маълумотлар келтиради.

Беруний турли-туман ҳинд фалсафий мактаблари таълимотиини объектив равишда таҳлил қилар экан, асосий эътиборини ҳинд фалсафасидаги прогрессив материалистик ва рационалистик тенденцияларга жалб қилган эди.

⁴ «Ҳиндистон», 53-бет.

⁵ «Ҳиндистон», 28-бет.

А. ХАСАНОВ

География фанлари доктори

БЕРУНИЙ АСАРЛАРИДА ТОПОНИМИКА

Ўрта Осиёда яратилган тарихий, географик ва адабий асарларда ҳамда луғатларда талаи топонимик маълумотлар бор.

Наршахнинг «Бухоро тарихи» асарида Бухоро шаҳрининг бир неча номи зикр этилган: Нумужкат, Маданат ас-Суфрия (Мисгарлар шаҳри), Маданат ат-Тужжор (Савдогарлар шаҳри), Фахира. Уша замонда Зарафшон дарёси ва унинг тармоғи Рудизар ва Харамком номлари билан аталган. Зарафшон этакларида, Коракул районида Баргин Фароҳ ва Сомчан номли куллар булган. Яна Наршах, биз ҳозир Шифиркон деб юритадиган жой номининг тарихини, шахс исми «Шопур» ва канал маъносидаги «ком» сузларидан ҳосил булганини ривоят қилган¹.

«Худуд ал-олам» қулёзмасида, Носир Хисравнинг «Сафарнома»сида ҳам қизиқарли топонимик изоҳлар бор. Жумладан, «Худуд ал-олам»да тилга олинган Хасарт номи Беруний «Қонуни Масъудий» асарида ҳам қайд қилинган — бу Сирдарёнинг дастлабки номидирки, уни юнон тарихчилари Яксарт деб ёзганлар. Демак, ҳозирги айрим китобларда «Яксарт — Сирдарёнинг юнонча номи» деб уқтирилгани мутлақо янглишдир. Айни шундай, Окс, Оксус номлари ҳам юнонча бўлмай, асли «Ўкиз» — сув маъносидаги маҳаллий сўздан олингандир.

Маҳмуд Қошғарининг «Девону луғотит турк» асари топонимика соҳасида жуда қимматли манбадир. Унда Марказий ва Ўрта Осиёнинг кўпгина номларига этимологик изоҳлар топилди. Кейинчалик, «Бобирнома»да ўнлаб жой номларига (Шаҳрисабз, Назарғоҳ, Така Сакритган, Ҳодарвеш, Қуҳисафид, Сивалак, Парбат ва ҳоказо) берилган изоҳлар Заҳириддин Муҳаммад Бобирнинг бу масалага ҳам қизиқганини курсатади.

¹ Қаранг: Наршах, Бухоро тарихи, Т., 1966, 35-бет.

Абу Райҳон Беруний топонимикага ҳам диққат-эътибор берган. Унинг топонимик меросини икки қисмга: назарий ва амалиёт қисмларига бўлиб таҳлил қилайлик.

Маълумки, қарийб XX аср бошларига қадар жаҳон топонимик адабиётида жой номларини асосан тарихий-лингвистик, аксари диний-афсонавий талқинлари билан чегараланиб қолар эдилар. Фақат сунгги 20—30 йилдан беригина топонимистлар умумлаштириш қонуниятларини аниқлаш, статистик ва картографик методлар билан шуғуллана бошладилар.

Ҳолбуки, Беруний XI аср бошидаёқ фан оламида биринчи мартаба номларнинг ўзгариши борасида жуда қимматли ва оригинал мулоҳазалар айтган эди. У «Ҳиндистон» асарига номлар ривожланишини шу тариқа баён этади:

1. «Айниқса, тили бошқа бўлган [халқнинг] ерли халққа ҳукмронлик қила бошлаши билан номлар тезроқ узгаради. Кўпинча тиллари [бошқа халқ] у сузларни келиштириб айти олмай қабул қилади. [натижада ўша] исмларнинг маънолари ўзгариб, шу кўинча, юнонлар одати сингари, ўз тилларига киради. Курмайсанми, «тош» сузи [асли] гуркийча исм бўлиб, «шош» кўринишини олган. Тошкенд — «Тошли қишлоқ» демакдир.

«Жуғрофия» китобида у «Бурж ал-Ҳижора» [«Тош қалъа»] деб номланган»².

2. «Араблар [чет тилдан] номларни араблаштириб, асл талаффузни бузганларидек, бир тил [бошқа тилдаги] ҳарфлар товушини ўз талаффузини енгиллаштирадиган товушларга алмаштиради. Масалан, уларнинг китобларида Кушанг сузи Фусанж, Сакилканд эса девонларида Фарфаза [қуринишида ёзилади]дир».

3. «Мана буниси [ақлдан] узок ва ажойиб: гоҳо маълум бир халқнинг айрим сузлари ўз тилида узгара борганини курамай, натижада, уша тилдаги бу ғалати сузларни фақат озгина кишилар фаҳмландиган бўлади»³.

4. «Гоҳо бирон жой, у ерда мавжуд бўлмаган нарсанинг номи билан аталади. Чунончи, Ҳинд океанида Жазирани Екут номи билан машҳур бўлган орол борки, у ерда ёқутнинг асари ҳам йўқ. Ҳолбуки, у ердаги аёлларнинг гўзаллиги туфайли шундай ном берилган»⁴.

Шундай қилиб, Беруний топонимиканинг тўрт назарий қондасини баён этган. Бу қондалар барча мамлакатлар ва тиллар топонимияси учун мувофиқдир. Номларнинг давр утиши билан узгаришига доир бундай мисоллар жуда кўп. Масалан:

¹ Уша асар. 232-бет

² «Ҳиндистон», 232-бет.

⁴ Б е р у н и й. Минералогия, М., Изд-во АН СССР, 1963, стр. 47

Ҳуқанд — Қуқон, Кифтиоб — Китоб, Оҳангарон — Ангрец, Моргузар — Молгузар, Сирғали — Сергели, Таро мата — Термиз, Вугустон — Боғистон, Соричабон — Сарчапон, Пон миҳр — Помир, Олмати — Олмаота, Катта бут — Катлут ва ҳоказо.

Берунийнинг деярли барча асарларида куплаб географик номларнинг вариантлари ва баъзан этимологик изоҳлари берилган.

Жомакоте номи туғрисида: «Коте — бир қалъа номи. Жома — ажал фариштаси [демак]дир»⁵. Беруний бу номни форсча «Кангдиз» номига қиёс қилиб, «диз» сузи «қалъа»ни билдиришини ҳам айтади.

Ҳинд манбаларига асосланиб, Мултон шаҳрининг номлари тарихини шундай санаб берган: «Мултоннинг [асл] номи Кошяпапура эди; кейин Хансапура, кейин Багапура, кейин Саибкапура ва кейин Муластҳона; «л»ни «асл жой» деб номланди, мул — асл, тона — жон демакдир»⁶.

Бунга қушимча улароқ, «Минералогия» китобида шундай фикрлар бор: Мултон «Фарж ал-Заҳоб» — «Тилла огиз» номи билан машҳурдирки, у ерда пул йиғилганидан шундай деб аталган.

«Сарандип ҳиндча Сингалдип. «Диб» — ҳар бир орол. Мен ўйлайманки, маъносига кура бу «ороллар йиғиндиси» булса керак. Дибжат сузининг узаги аини шундан. Чунки у ерда ҳам ороллар сонини бир неча мингга етади»⁷.

«Қоқунини Масъудий»даги географик номлар жадвалида жойларнинг координатлари билан бирга, айримларига характеристика ва топонимик таҳлил берилди. Беруний шундай ёзди:

Бамахнаво — Синдадаги шаҳар, фотиҳлар уни Мансура деб узгартирган.

Ямомат — эски номи Жов; Маймана — ҳозир Жаҳудон деб аталади; Балх — унинг қадимий номи Боми; Байканд — Бадзарубайн деб аталган; Кеш — форсча Маъжамат⁸.

Кейинги қатордаги иккита ном — Бадзар убайн ва Маъжамат — фақат Беруний асаридагина учрайди.

Хуллас, Урта Осиё олимларининг, жумладан, Берунийнинг топонимик мероси гоётада бой бўлиб, илмий жиҳатдан махсус ўрганишга сазовордир. Шулар асосида тарихий топонимик карталар тузиш, микротопонимларнинг маъносини аниқлаш тарихнавислар, археолог, геолог, географ ва филологлар учун катта амалий аҳамиятга эга.

⁵ «Ҳиндистон», 235-бет.

⁶ «Ҳиндистон», 232-бет.

«Минералогия», 43-бет.

⁸ Вегини. Op. cit., 552—576-бетлар.

К. ШОНИГЗОВ

Тарих фанлари кандидати

БЕРУНИЙ АСАРЛАРИДА ЭТНОГРАФИЯГА ОИД МАТЕРИАЛЛАР¹

Абу Райҳон Беруний ҳамма фанларни — астрономия, математика, география, геология, тарих, фалсафа, филология фанларини мукаммал эгаллаган олим эди. Шу билан бирга, у шоир ва йирик этнограф ҳамдир. Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» ва «Ҳиндистон» асарларини асосли равишда этнографияга оид асар деб мулоҳаза қилсак бўлади. Этнографияга оид купчилик материаллар унинг «Минералогия», «Геодезия» асарларида ҳам учрайди.

Бу тасодифий эмас, Беруний юқорида номлари келтирилган асарларида этнографик маълумотлар келтирар экан, оғзаки адабиётдан, Шарқ халқлари анъаналарини тасвирловчи халқ ҳикояларидан, ва инҳоят, ўзининг шахсий кузатишларидан кенг фойдаланган². Олимнинг асарларида халкларнинг иқтисодий ҳаёти, халқ намояндалари, кишлоқ хужалик фасллари, халқ урф-одатлари, этиқодлари ҳақида ажойиб материаллар учрайди. У уз асарларида 100 дан ортиқ халқ ва қабилалар номларини келтиради. Буларнинг ҳаммаси Беруний асарлари бои этнографик манбалар хазинаси эканлигининг шохидидир.

Беруний уз асарларида этнографик материалларни келтирар экан, уларни ёзма манбаларга таққослаб қайта-қайта

¹ Бу ахборот Берунийнинг нашр қилинган қуйидаги асарлари асосида ёзилган: Памятники минувших поколений. М Салье таржимаси (Абу Райхан Бируни, Избранные произведения, т. I, Ташкент, 1957). Шу асар ўзбек тилида, А Расулов таржимаси (Абу Райҳон Беруний, Тошкент, 1968); Индия, А. Б. Холидов ва Ю. А. Завадовский таржимаси (Абу Райхан Бируни, Избранные произведения, т. II, Ташкент, 1963). Определение границ мест для уточнения расстояний между населенными пунктами (Геодезия) Исследование, перевод и примечания П. Г. Булгакова (Абу Райхан Бируни, Избранные произведения, т. III, Ташкент, 1966). Собрание сведений для познания драгоценностей (Минералогия), Перевод А. М. Беленякого, М., 1963.

² С. П. Толстов, Бируни и его «Памятники минувших поколений», Қараиғ: Абу Райхан Бируни, Избранные произведения, т. I, стр. XV

текшириб курган, чуқур илмий мулоҳаза юритган. Бу билан Беруний ўз асарларини компиляция асосида ёзган замондошларидан тубдан ажралиб туради. Беруний келтирган материалларнинг нодирлиги ва қиммати ҳам мана шундадир.

Беруний асарларида келтирилган ҳамма этнографик маълумотларни бир ахборот мазмунига сиғдириб булмайти, албатта. Шунинг учун айрим этнографик масалалар — халқлар ва қабилалар, уларнинг анъаналари, одатлари, эътиқодлари, маросим таомлари, исломгача булган даврдаги динлари, умуман ўзбек халқининг этногенези ва тарихий этнографиясига бевосита оид булган масалалар устида фикр юритиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбек халқининг ўтмишини ўрганишда Берунийнинг Урта Осиё халқлари, хусусан, ўрта асрларда ҳозирги Ўзбекистон территориясида яшовчи халқлар ва қабилалар, хоразмликлар, суғдийлар ва туркий тилларда сузлашувчи халқлар ҳақидаги маълумотлари муҳим аҳамиятга эга. Беруний асарларида туркий халқларнинг бир неча группаларини: Мовароуннаҳр турклари (қорахонийлар), шимолий турклар (оғузлар, кимаклар, қирғизлар ва бошқалар), шарқий турклар ва Чу дарёси водийси, Хутан, Тибет, Афғонистон территориясига жойлашган туркларни тилга олади. Унинг асарларида қарлуқлар, печенеклар (бижанак) ва бошқа қабилалар ҳаётига оид ажойиб материаллар учрайди. Лекин шуни қайд қилиш керакки, халқлар ва қабилаларга оид материаллар Беруний асарларида уни қизиқтирган асосий масалалар орасида шунчаки йул-йулакай учрайди. Беруний бизни қизиқтирган этнографик материалларни махсус ёритмайти, албатта. Шундан бўлса ҳам, Беруний келтирган материаллар, Урта Осиё халқларининг ўрта асрлардаги жойлашиши ва уларнинг ҳаётини ёритиш учун етарли манбадир.

Хоразм араб истилосигача юқори маданият шаҳри — узёзуви, бой халқ анъанасига эга бўлган, олим ва донишмандлар макони ҳам эди. Археологик текширишлар вақтида Хоразмдан топилган нодир маданий ёдгорликлар қадимий Хоразм Урта Осиё халқларининг маданият маркази эканлигидан гувоҳлик беради³.

Қутайба ибн Муслим бошчилигида араб истилочилари Хоразмга босиб келиб, унинг маданиятини барбод этдилар. Улар шаҳарларни вайрон қилиб, қадимий ёзма манбаларга ўт қуйдилар, шаҳарга қиргин солдилар. Қадимий Хоразм ёзувларини билган донишмандларга нисбатан бераҳм бўлди-

³ С. П. Толстов, Древнехорезмийские памятники Каракалпакии, «Вестник древней истории», 1939, 3-сон; С. П. Толстов, Древний Хорезм. М., 1948; По следам древнехорезмской цивилизации, М., 1958; Труды Хорезмской экспедиции АН СССР, т. I, М., 1952, т. III, М., 1957.

лар, уларни ўлдирдилар. Хоразм халқининг қадимий маданияти ва башарият тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи ривоятларни кўкка совуришга ҳаракат қилдилар. Лекин хоразм халқи, араб истилоси давридагидек оғир бир шаронгда уз ривоятларини оғзаки равишда булса ҳам сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Уларни авлоддан-авлодга ўтказиб, асрлар оша ворислар хотирасига ҳавола этди. Араб истилосининг мудҳиш ҳаракатлари ҳақида Беруний шундай ёзади: «Қутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган ва билимини бошқаларга ургатадиган кишиларни ҳалок этиб, йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у [хабар ва ривоятлар] ислом давридан келип ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди»⁴.

Беруний халқларнинг хабар ва ривоятларидан кенг фойдаланди ва уларнинг кунчилигини уз асарларида қайд қилди. Улардан бири, хоразмликлар ва сугдийларнинг халқ байрамлари ҳақидаги маълумотларидир. Сугд худди Хоразмдек бой қадимий маданий улқадир. Берунийнинг бир неча бор сугдийлар билан хоразмликлар анъаналари эътиқодларининг бир-бирига ухшашлиги ҳақида гапиради. Бу эса ҳозирги Ўзбекистон территориясида яшаган икки қадимий халқ — сугдийлар ва хоразмликлар маданиятидаги умумиликдан дарак беради. Сугдийлар ва хоразмликлар Тошкент воҳаси, Фарғона, Қашқадарё ва Сурхондарё водийсидаги халқлар билан бирга, узбек халқининг этник шаклланишига (X—XII асрлар давомида) асос булгандир

Беруний ҳаётий (халқ) ва диний байрамларнинг келиб чиқиши билан уларнинг ҳаётдаги асосий мақсадини аниқ ажратиб беради. У шундай дейди: «Бу (ҳайит) кунларининг баъзиси дунёвий ишлар учун, баъзиси диний ишлар учун белгиланган»⁵. Диний ҳайитларни, олимнинг сузига қараганда, «шариат арбоблари — имомлар, фақиҳлар ва диндорлар келтириб чиқарганлар. Бундай байрамларни ижро этишдан мақсад ҳам биз айтиб ўтганга ухшаш, лекин бу охират [учундир]»⁶.

Халқ байрамлари узоқ тарихга эга, у халқ ижодий меҳнати ва ҳаёт шаронти билан чамбарчас боғлиқ. Олимнинг фикрича, «Ана шу ҳайитлар фақирлар тағлигини кенгликка айлантирувчи, орзуларини юзага чиқарувчи ва ҳалокатга яқинлашганларини хатар ва балодан қутқарувчи сабабларнинг бири булди»⁷. Беруний ҳайит маросимлари уз мазмун ва эътибори билан айрим ҳолларда ҳукмрон синфга хизмат қилганини

⁴ Абу Райҳон Беруний, Қадим халқлардан қолган ёдгорликлар, Танланган асарлар, I том, Тошкент, Фан нашриёти, 1968, 72-бет. Уша асар, 152-бет.

⁶ Уша асар, 253-бет.

⁷ Уша жойда.

очиқдан-очиқ изҳор қилади: «Ҳанитлар улуғ кунлар бўлиб, подшоҳлар, раислар шу кунларда маросимлар утказганлар ва улар орқали нафсларини севиштиришга, руҳларини шодлан-тиришга эришганлар, ҳамда мақтов ва мадҳга сазовор булганлар, [одамларнинг] муҳаббатини жалб этганлар ва дуо-сини [олганлар] давом этиб, улар уша кунларда оддий халқ учун ҳам бир турли маросим келтириб чиқарганлар. Оддий халқ маросимини адо этиб, подшоҳ ва амирларнинг шодлик-ларига қушилар, уларга ихлос билан бўйсуниб хизмат қила-ётганини изҳор этарди»⁸.

Берунийнинг навруз байрами ҳақидаги фикрлари ҳам диққатга сазовордир. Бу байрам янги йилнинг биринчи ойининг биринчи кунини, яъни бизнинг йил ҳисобимиз билан ҳар йили 21 март кунини, нишонлаган. Навруз байрами баҳор оғига — қишлоқ хужалик ишларининг бошланишига тугри келган. Навруз байрами маросими бир неча кун давом этган. Лекин унинг биринчи ва олтинчи кунлари ниҳоят таътанали утказилган.

Беруний келтирган фактларга қараганда, Навруз қадимий асрларда дастлаб форс халқлари орасида тарқалган бўлиб, кейинчалик Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларига ҳам ёйилган. Навруз байрами маросими қадимий илк урта аср ва урта асрда Хоразм, Тоҳиристон, Фарғона территорияларида ниҳоят катта таътаналар ва дабдабалар билан ўтказилган. Кейинчалик бу байрам маросимлари ўтроқ деҳқонлар орқали ярим ўтроқ ва кўчманчи турк халқлари урф-одатларига ҳам сиғиб кетган.

Шундай қилиб, қадимий даврларда бир мамлакат халқларининг маросимиғина булган навруз кўпчилик халқлар ва давлатлар маросимига айланиб, умумхалқ байрами бўлиб қолди. Лекин вақтлар ўтиши билан навруз байрамини ўтказиш маросими анча узгартирилди. Навруз маросимини ҳар бир халқ ўз ҳаёт шароитига, ахлоқ ва одобига мослашга уринди. Халқларнинг ҳаёт шароитига ниҳоят сиғанлиги, диний урф-одатлар билан боғлиқ булмаганлиги туфайли бу байрам минг йиллар давомида сақланиб, бизнинг давримизгача етиб келди. Эндиликда у кўпчилик Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари томонидан нишонланади. Бу маросимни ўзбек, тожик, туркман ва бошқа Ўрта Осиё социалистик республикалари халқлари ҳам кенг нишонлайдиган бўлдилар.

Берунийнинг айтишича, ҳар йили сугд ва хоразм халқлари йил давомида бир неча бошқа байрамларни ҳам нишонлаганлар. Байрам кунлари билан боғлиқ булган ўзбек ва бошқа халқларнинг урф-одатлари ва маросимлари ҳозиргача сақланиб қолган. Масалан, қадимий замонларда навруз бай-

⁸ Уша жойда.

рамида кишилар бир-бирларига қанд ҳадя қилишган. Беруний келтирган фактлардан шу масала ойдинлашадикки, бу одатнинг пайдо булиши шакарқамишни экиш ва уни доимий устиришни расм қилиш билан боғлиқ булган. Шакарқамишнинг экила бошланишини афсонавий Эрон шоҳи Жамшид номи билан боғлайдилар. Бу ҳақда Беруний шундай ёзади: «Наврўз куни Жамшид мамлакатида шакарқамиш пайдо бўлган, бу шу вақтгача билинмаган эди. Жамшид серсув бир қамишдан шира томчилаётганини курган. Уни тотиб курган, унда лаззатли ширинлик борлигини билгач, сувини чиқариб, шира-сидан шакар ишлашни буюрган. [Шакар] бешинчи кун кутариб олинган ва табриклаш учун уни бир-бирларига ҳадя қилганлар»⁹.

Ҳар қалай юқорида келтирилган факт, афсонавий булса ҳам, гап унда эмас. Бу ривоятни характеридан қатъи назар, буида келтирилган фактлар қишлоқ хужалигида янги усимлик — шакарқамишни устириш, ундан қанд ҳосил қилиш жараёни бошланишидан далолат берилишидадир. Чунки қадимий халқлар ҳаётда ҳар бир бошланаётган янгиликка, меҳнат жараёнида ҳосил булаётган маданий бойликка катта аҳамият берганлар. Ундан руҳланиб ҳаётда катта тантана билан нишонлаганлар. Қанд — оқдир. Оқлик ва ширинликни, маълумки, ўзбеклар ва Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари ҳаёт ва бахт рамзи деб билганлар. Ҳозиргача ўзбек халқи орасида кувёнинг ота-оналари ҳайит кунлари (наврўз кунлари ҳам) қудалариникига ҳар хил ширинликлар юбориш одатлари бор; одат бўйича ширинликлар ичида, албатта, оқ қанд, ҳолва, парварда ва қандолатнинг бўлиши лозим. Бу эса ёшларнинг бўлуши ҳаётининг порлоқ ва бахтли булишини истак эзгусидир.

Суғдий халқлари еттинчи ойининг биринчи кунини «ним сарда», яъни «йил ярми»¹⁰ деб, иккинчи кунини («мин ийдихвора») ҳайит сифатида нишонлайдилар. Берунийнинг ёзишича, шу кунни суғдийлар «Оташхоналарга йигилиб қўноқнинг уни, ёғ ва шакардан тайёрланган овқат ейдилар»¹¹. Беруний тавсифига қараганда, бу таом ўзбек ва тожик халқларининг маросимларида пишириладиган ҳолвайтарга ухшайди. Ҳозирги вақтда бу овқат қўноқ унидан эмас, балки оддий буғдой ундан тайёрланиб, асосан аза маросимларида пиширилади. Шу кунни хоразмликлар «аздокандхвор», яъни «ёғ аралаштириб ёпилган нон таназил қилиш кунини», дейдилар. Бу ерда гап қат-қат қилиб, ёғ аралаштирилган патир нон ёки мойли кулча устида бўлиши мумкин. Маълумки, патир нон билан мойли

⁹ Уша асар, 255-бет.

¹⁰ Уша асар, 279-бет.

¹¹ Уша асар, 281-бет.

кулча, одатда, тантанали кунларда — тўй ва ҳайитда ёки азиз меҳмон ташриф буюрганда ҳозирланган. Эндиликда патир нон ва мойли кулча оилавий тукин дастурхоннинг безаги бўлиб қолган.

Беруний хабарига қараганда, Хоразм халқи унинг ойнинг ун бешинчи кунда жишлар ва ёмон арвоҳлар зарарларини даф этиш учун ис чиқариб, овқатлар пиширганлар¹². Кури-ниб турибдики, бу ерда олим хоразмликлар ўртасида тарқалган қадимги анимистик тасаввурлар ҳақида гапирадики, буларнинг қолдиқлари ўзбеклар ўртасида Октябрь революция-сигача сақланиб келган эди. «Ис чиқариш» деб аталадиган бу маросимда, одатда, арафа кунлари, тўй таптаналари олди-дан, баҳорги ва кузги ер ҳайдаш — ҳўкизни шудгорга солиш-дан аввал ва таъзия маросимларида бўғирсоқ, юпқа, қатлама пиширилиб тарқатилган. Эътиқодларга кўра, қиздирилган ёр ҳиди мусаффо қилиш, эҳтиёт қилиш хусусиятига эга бўлган. Доғ қилинган ёр ҳиди гўё уйдан инсу жинс келтирадиган хавф-хатарни қувиб, ҳаёт авлодларининг ҳомийси булган ота-бобо-лар арвоҳини чақирар эмиш.

Беруний суҳбатдошларининг фикрларига ва қўлёзма асар-ларга асосланиб, Ўрта Осиё халқларининг деҳқончиликка оид баъзи одатлари ҳақида гапиради. Хусусан, у навруз байрами кунда одамлар бир-бирларига сув сепишлари¹³ тўғрисида ха-бар қилади. Мазкур одат бир неча сабаблар билан талқин қи-линади. Хусусан «узоқ вақт ёмғир бўлмаслиги»¹⁴ бундай са-бабларнинг бири сифатида келтирилади. Бу ерда гап деҳқон-ларни ўз экинлари (асосан буғдой ва арпа) учун ташвиш ва хавотирга солган қурғоқчилик устида бораётгани кўриниб турибди. Ёмғир чақириб мақсадида улар бир-бирларига сув сепиш каби афсунгарлик усулини қўллаганлар. Бу одатнинг қолдиқлари муайян даражада Ўзбекистоннинг марказий ва жанубий областларида XX асрнинг бошларигача сақланиб кел-ган. Мазкур ёмғир чақириб усули асосан суғорилмайдиган деҳқончилик районларида ёки суғориш учун сув камлик қил-ган ерларда кенг тарқалган.

Савол-жавоб тариқасида биз ёмғир чақирибнинг қуйидаги усулини ҳам аниқладик: узоқ муддатдан буён ёмғир бўлмаган ҳолатда бир гуруҳ ўспиринлар йигилиб, ўзлари орасидан бир-ронта йигитчага аёллар кийимини кийгизиб, олдиларига солиб юрганлар. Ўспиринлар гуруҳи таптанали юриш қилиб, қиш-лоқнинг ҳар бир хонадони эшигида тўхтар, уйнинг эгаси ёки оила аъзоларидан бирор киши чиқиб, ўспиринларга сув сепар ва кейин атаган хайри: пулни, донми берар эди. Ўспиринлар

¹² Уша асар, 281-бет.

¹³ Уша асар, 257-бет.

¹⁴ Уша асар, 257-бет.

шу усулда йиққан хайр-~~эсондан~~ овқат тайёрланар ва камбагаллар (асосан гадойлар) ~~етим-есир, бева-бечораларга тарқатилар~~ эди. Бу одат Зарафшон водийсида «сусхотин», Сурхондарё областида «бузхотин», Қашқадарё областининг айрим районларида «чайла қозоқ» деб аталади.

... Маълумки, дўл деҳқончиликка жиддий офатлар олиб келади. Бундай ҳолатларда, Берунийнинг хабар беришича, деҳқонлар турли хил сеҳргарлик усулларини ишлатганлар. Хусусан, «дўлни кайтарадиган тош қўллаш ва тошбақани ағдарилган ҳолатда ахлат ичига қумиш»¹⁵ шундай усуллардан ҳисобланган. Деҳқонларнинг тасаввурида тошбақалар воситаси билан фақат дўлни кайтаришигина эмас, ёмғир ҳам чақириш мумкин эди. Қашқадарё областида биз шундай одатни ёзиб олдикки, бу одат буйича қурғокчилик вақтида деҳқонлар тошбақани ағдарилган ҳолатда ташлаб кетар ёки уни оёғидан дарахтгами, деворгами осиб қўяр эдилар. Бу ҳаракатларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, одамларнинг сеҳргарлик усуллари булиб, маълум нарсалар ёрдамида табиатга таъсир қилиш ва шу йўл билан истаган натижаларга эришишга қаратилган ҳаракат эди. Бундай маросим колдиклари бир оз узгарган ҳолатда бир қатор халқларда бизнинг асримизгача сақланиб қолган. Беруний сеҳргарлик ҳаракатлари билан табиатнинг табиий кучини узгартиб булмаслигини ва буларнинг ҳаммаси одамларни алдаш учун, қоҳинлар (маъжусийлар руҳонийси) манфаати учун уйлаб топилган ҳаракатлар эканини яхши тушунар эди. Афсунгарлик ҳаракатлари билан дўлни қайтаришига уринадиган ҳиндлар ҳақида гапириб, Беруний шундай ёзади: «...Ҳиндистон халқлари жодугарлик ва афсунларга ниҳоят ишонганликдан ва улар устидан дўлни кайтариш баҳонаси билан қишлоқлар маҳсулотни ҳисобига яшайдиган брахманлар ҳукмронлик қилганидан бу масалада уларнинг фикрлари қатъийлашиб қолган»¹⁶.

Беруний табиат ҳодисаларини илмий асосда, дўл ва ёмғирнинг ташкил топиш сабабларини кўрсатган ҳолда тушунтиради. «Гап шундаки, — деб ёзади у, — дўл булутлари осойишта ёмғир булутларидан фарқли ўлароқ [маълум] жон устида туташ булмайди. Кўп ҳолларда улар йирик, ажралиб-ажралиб турган қора уюмлар шаклида булиб, кучли шамол таъсирида жуда тез олға ҳаракат қиладилар ва агар ёмғир шаклида ерга тушса, томчилар жуда йирик бўлади, агар бу томчилар булутдан ажрагандан сўнг сояда қотиб қолса, у ҳолда дўлга айланади»¹⁷.

¹⁵ «Минералогия», 207-бет.

¹⁶ Уша асар, 207-бет.

¹⁷ Уша асар, 207-бет.

Беруний кучманчи ва ярим кучманчи туркий халқларда булган баъзи афсунгарлик усулларини ҳам курсатади. Масалан, у «ғалаба тошлари» ҳақида, гуё туркий халқлар уша тошлар воситаси билан ғалабага эришадиган, «ошқозон касалликларини тuzатадиган», «овқатни яхши ҳазм қилдирадиган», «ёмон куздан сақлайдиган» ёки «момақалдироқ ва яшиндан сақлайдиган»¹⁸ тошлар ҳақида гапиради. Беруний «ёмғир тортадиган»¹⁹ тош ҳақида ҳам ёзади.

Беруний нотугри тасаввурларни ва жодугарлик усулларини фoш қилади ва бу билан ҳақиқатни ёлғондан ажратишга ёрдам беради. Ёмғир тоши ҳақида гапириб олим шундай деб ёзган: «Туркийлардан бир одам мени суйиниб кетар, деб ёки мулоҳаза килмасдан қабул этар деб, менга ҳам шундан нарса келтирган эди. Мен эса унга: «Шу тош ёрдами билан ёғингарчилик булмайдиган вақтда ёки ёмғир мавсумида булса, менинг истагим билан турли вақтларда ёмғир чақир, у ҳолда мен тошингни оламан ва сенга умид қилган нарсангни бераман, ҳатто қушиб бераман», дедим. У мен [аввал] эшитганларимни кила бошлади: тошни сувга ташлади, осмонга сув сепади, анни вақтда ё шивирлаб ёки қичқириб туради, бироқ бу билан бирор томчи ҳам ёмғир чақира олмади... Энг ажабланарли ҳол шундаки, бу нарса туғрисидаги ривоят жуда кенг тарқалган ва аёнлар миясига шундай жойлашганки, шунини деб, ҳақиқатдан қаноат топа олмай, улар урушадилар ҳам»²⁰.

Туркий халқларда ёмғир, дул, қор, бўрон тоши «яда»²¹ ёки «жада» деб юритилган. Бу туғрида Берунийдан ташқари, урта асрнинг бошқа муаллифлари, хусусан, X аср географи Ибн ал-Фақиҳ²² ҳам ёзган.

Бу тошнинг жоду кучига ишонч X—XIII асрларда туркий тилдаги қабилалар ва қабилла уюшмалари (қарлуқлар, угузлар ва ҳ. к.) уртасида кенг тарқалган эди. Унинг қолдиқлари бошқа халқлар (туркманлар, қирғизлар, Фарбий Хитой турклари, қозон татарлари ва ҳ. к.) уртасида ундан кейинги аср-

¹⁸ Юқорида эслатилган барча сохта хусусиятларни туркий халқлар қимматбаҳо нефрит тошида бор деб билардилар. У даставвал зафар тоши ҳисобланарди. Бу ҳақда Беруний куйидагича ёзади: «Туркий халқлар кураш ва жангда ғалабага эришиш мақсадида шу тош билан ханжар, эгар, белбоғларини безатардилар» (Минералогия, 184-бет); Бошқа халқларда (масалан, форсларда) феруза зафар тоши ва ёмон куздан сақлайдиган тош саналган (Минералогия, 158-бет). Шунингдек қаҳрабo ва ақиқ ҳам ёмон куздан сақлайдиган тош ҳисобланган (Минералогия, 158, 197-бетлар).

¹⁹ «Минералогия», 205-бет.

²⁰ Уша жойда.

²¹ Яда — нефрит (В. В. Бартольд, История культурной жизни Туркестана, Сочинения, т. II, ч. I, стр. 180).

²² Ибн ал-Фақиҳ, Китаби ахбор ал-булдан, Материалы по истории туркмен и Туркмении, т. I, М.—Л., 1939, стр. 153.

ларда ҳам давом этиб келган²³. Машҳур совет олими академик В. М. Жирмунский қуйидагиларни ёзган эди: «Афсунгарлик воситалари билан об-ҳавони афсун қилиш... Сибирь ва Урта Осиёнинг туркий халқлари уртасида энг қадимги ва кенг тарқалган шомонлик одатлари жумласига киради»²⁴.

Биз Абу Райҳон Беруний асарларида эслатилган айрим халқлар ва қабилалар ҳақидаги маълумотлар билан, уларнинг баъзи анъаналари, афсунгарлик тасаввурлари билан танишдик. Бу маълумотлар қадим, илк ўрта аср ва ўрта асрларда яшаган одамларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаёти ҳамда маънавий қиёфаси ҳақида тасаввур беради. Шу билан бир қаторда биз Урта Осиё халқлари, жумладан, узбек халқи уртасида асримизгача сақланиб келган баъзи одат ва тасаввурларнинг қолдиқлари ҳақида фикр юритдик.

Улуғ Октябрь революцияси ғалабасидан сўнг хужаликда юз берган социалистик ўзгаришлар жараёнида Урта Осиё республикалари халқлари ҳаётидан куп қадимий анъана ва тасаввурлар тамоман чиқиб кетди. Бунинг боиси: социалистик жамият утмишнинг барча консерватив, реакцион одат ва маросимларини орқага ташлаб, жамият тараққиёти учун хизмат қиладиган ижобий халқ анъаналарини сақлаб қолишидадир.

²³ В. В. Бартольд. Очерки истории Семиречья, Сочинения, т. II, ч. I, стр. 95; Уша автор, Киргизия, Там же, стр. 517. С. Е. Малов, Шаманский камень яда у тюрков Западного Китая, «Советская этнография», 1947, № 1, стр. 153—160; Казанская история, подгот. к печати, вступит. статья и примеч. Г. Н. Моисеевой, М.—Л., 1954, стр. 85, В. М. Жирмунский, Введение в изучение эпоса «Манас», Сб. «Киргизский героический эпос «Манас», М., 1961, стр. 76, Яна унинг Огузский героический эпос «Книга Коркута», в раб. Книга моего деда Коркута, М.—Л., 1962, стр. 169—170.

²⁴ В. М. Жирмунский. Юқоридаги асар, 169—170-бетлар.

И. АБДУЛЛАЕВ

Филология фанлари кандидати

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ «ҚАДИМГИ ХАЛҚЛАРДАН ҚОЛГАН ЁДГОРЛИКЛАР» АСАРИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ЎРГАНИЛИШИ

Абу Райҳон Берунийнинг биринчи йирик асари унинг «ал-Осор ал-боқийа ан ал-қурун ал-холийа» («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар») китоби бўлиб, Европада «Хронология» номи билан юритилади. Асар 390/1000 йили ёзиб тугатилган, бу вақтда Беруний 27 ёшда булган. «Ҳозир ҳам Яқин Шарқнинг бутун илмий адабиётида бу китобга тенг келадиган асар йўқдир»¹, — деб ёзган эди академик И. Ю. Крачковский. «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар»да Беруний узига маълум бўлган халқлар: юнонлар, румликлар, эронийлар, суғдийлар, хоразмликлар, ҳарронийлар (юлдузга топинувчилар), қибтийлар, христианлар, яҳудийлар, исломгача бўлган араблар ва мусулмонларнинг бутун йил ҳисоблари, турли байрамлари ва машҳур кунларининг муфассал тасвирини баён этган.

Академик С. П. Толстов бу асар ҳақида шундай деган эди: «Бу асар Яқин ва Урта Шарқ халқларининг, биринчи навбатда, Урта Осиё халқларининг хужалик ҳаёти, урф-одатлари, маросимлари, этиқодлари ҳақидаги узига хос бир қомусдир»².

«Ёдгорликлар» чулғаб олган масалалар ниҳоятда турли-туман. Унда астрономия ва математиканинг кўп масалалари ёритиб берилган. Беруний мусулмон олимлари орасида биринчи бўлиб яҳудийлар календари ҳақида системали маълумот беради. Асарда жуда кўп тарихий воқеалар, турли миллат ва динларга оид муҳим маълумотлар, пайғамбарлар ва сохта пайғамбарлар, подшоҳлар, машҳур тарихий шахслар ва олимлар ҳақида ҳам ахборотлар берилган. Китобнинг Урта Осиё халқлари, уларнинг қадимги маданияти ва тарихига оид маълумотлари жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

¹ И. Ю. Крачковский, Избранные сочинения, т. IV, М.—Л., 1965, стр. 244.

² С. П. Толстов, Бируни и его «Памятники минувших поколений», Абу Райхан Бируни, Избранные произведения, I, 1957, стр. XVI.

«Едгорликлар» фақат ўтган асрларнинг буюк ёдгорлиги эмас, балки ҳозирги куннинг ҳам қимматбаҳо бойлигидир, ундаги жуда кўп фикрлар ҳозир ҳам узининг оригиналликни йўқотган эмас. Бушдан ташқари, бу асарда муаллифнинг дунё-караши, унинг табиат ва жамиятга бўлган муносабати очиқ акс эттирилган. «Едгорликлар»да Беруний ўрта Осиёнинг нирик маърифатпарвар кишиси сифатида кўзга ташланади.

«Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар»нинг араб тилидаги нусхаси биринчи марта немис шарқшунос олими Эдуард Захау (1845—1930) томонидан 1878 йили Лейпцигда изоҳлар билан чоп этилган³. Бир йилдан кейин Захау асарнинг инглиз тилидаги таржимасини Лондонда нашр этди⁴. Таржимага Берунийнинг таржимаи ҳоли ва изоҳлар илова қилинган. Бу билан Захау «Едгорликлар»ни урганиш учун кенг йул очиб берди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Захаунинг нашр этган арабча нусхаси ва инглизча таржимаси XVII—XVIII асрларда кучирилган тўртта қўлёзма асосида амалга оширилган эди. Бу нусхаларнинг ҳаммаси деярли битта қўлёзмадан кучирилган бўлиб, уларда жуда кўп тушиб қолган жойлар бор. Бу уринларни тўлдириш учун «Едгорликлар»нинг янги нусхаларини топиш зарур эди. 1912 йили асарнинг иккита анча қадимги қўлёзмаси топилди. Улардан биттаси Техрондаги рус дипломатик ваколатхонасининг вакили Л. Богданов томонидан қўлга киритилди. Ҳозир бу қўлёзма СССР ФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида сақланмоқда. Бу нусха 619/1219—1220 йилларда кучирилган бўлиб, «Едгорликлар»нинг энг қадимги қўлёзмаси ҳисобланади. Иккинчи қўлёзма Истамбулда топилган ва ҳозир Истамбул халқ кутубхонасида сақланмоқда.

Захау нашр этган арабча нусха асосида 1321/1943 йили «Едгорликлар» Эрон шарқшуноси Акбар Доно Сиришт Сайрафий томонидан форс тилига таржима қилинди. Таржима Захау нусхаси асосида амалга оширилганлиги учун унда купина тушиб қолган жойлар ва хатолар мавжуд, баъзи уринларни эса таржимоннинг ўзи тушириб қолдирган.

Немис олимлари К. Гарберс ва И. Фюкк Захау матнининг тушиб қолган уринларини Истамбул нусхаси асосида тўлдириб, 1952 йили қушимча нашр этдилар⁵. Захау нашри ва К. Гарберс ҳамда И. Фюккларнинг қушимча нусхасида тушиб қолган тўртта парча А. Б. Холидов томонидан Ленинград ва Истамбул қўлёзмалари асосида 1959 йили рус тилига тар-

³ Chronologie Orientalischer Völker von Albrunl herausgegeben von Dr. Edward Sachau, Leipzig, 1878.

⁴ The Chronology of Ancient Nation translated and edited by Dr. Edward Sachau, London, 1879.

⁵ Documente Islamice ineditae, Berlin, 1952, s. 45—48.

жимаси билан қўшиб нашр этилди⁶. Кейинги вақтларда «Едгорликлар»нинг Машҳад қулёзмаси ҳам мавжудлиги аниқланди ва бунинг микрофильми берунийшунос П. Г. Булгаков томонидан Тошкентга олиб келинди.

«Едгорликлар»ни ўрганиш билан Россияда биринчи марта академик И. Ю. Крачковский (1883—1951) шуғулланган эди. У узининг «Араб қўлёзмалари устида» номли асариди ёзишча, 1912 йилгёқ «Едгорликлар»нинг Техронда сотиб олинган қулёзмаси билан қизиқа бошлаган. Ўша вақтда бу нусха Оспё музейи (ҳозирги СССР ФА Шарқшунослик институти Ленинград бўлими)да сақланар эди. И. Ю. Крачковский бу қулёзмадан Заҳау матнида тушиб қолган ўришларини куччириб олади ва уни нашр этишни мўлжаллаб қўяди⁷. 1940 йили у узининг «Ал-Беруний ва Шарқнинг XI асрдаги географлари» номли асарини ёзади⁸. Бу мақола унинг «Араб географик адабиёти» номли йирик илмий ишининг IX бобидир. Мазкур мақолада И. Ю. Крачковский «Едгорликлар» ҳақида қимматли маълумотлар келтиради ва унга юксак баҳо беради.

Ўзбекистонда «Қадимги халқлардан қолган едгорликлар»ни урганиш асосан иккинчи жаҳон урушидан кейин бошланди.

Абу Райҳон Берунийнинг вафот этганига 900 йил тулиши муносабати билан 1950 йили Тошкентда В. И. Зоҳидов, С. Муталлибов, Я. Г. Фуломовлар таҳрири остида «Беруний урта асрнинг олими» номли тўплам ўзбек тилида нашр этилди. Бунга С. П. Толстов, А. А. Семёнов, В. И. Зоҳидов, Я. Ф. Фуломов, Ғ. Жалолов, С. Мирзаев ва А. Носировларнинг мақолалари киритилган эди. Худди шу йили рус тилида «Беруний ўрта асрнинг буюк ўзбек олими» номли тўплам ҳам нашр этилиб, бунга С. П. Толстов, А. А. Семёнов, В. И. Зоҳидов, Ғ. Жалолов, Я. Фуломовлар мақолалари киритилди. Бу тўпламлардаги мақолаларнинг муаллифлари «Едгорликлар»нинг аҳамияти ҳақида тухтаб утганлар. Ўзбек тилидаги тўпламга биринчи мартаба «Едгорликлар»дан ўзбек тилида парчалар берилган. Бунинг таржимаси А. Расулов томонидан бажарилган эди. Бунда асарнинг сўз бошисидан, биринчи, иккинчи, учинчи бобларидан парчалар берилиб, «Румликлар ойларидаги уларга ҳам, бошқаларга ҳам маълум булган ҳайит кунлари устида суз» номли боби эса тўла таржима қилинган. Бу таржима Заҳау нусхаси буйича қилинган учун, ундаги камчиликлар бу ерда ҳам такрорланган. Шунга қарамай, бу тар-

⁶ А. Б. Халидов, Дополнение к тексту „Хронологии“ ал-Бируни по Ленинградской и Истамбульской рукописям, „Палестинский сборник“, вып. 4 (67), М.—Л., 1959.

⁷ И. Ю. Крачковский, Избранные сочинения, т. I, М.—Л., 1955, стр. 63.

⁸ И. Ю. Крачковский, Избранные сочинения, т. IV, М., Л., 1957, стр. 224—271.

жима буюк олим асарларини ўзбек тилига таржима қилиш учун қўйилган илк қадам эди. Ўзбек ўқувчилари биринчи мартаба Беруний асарлари билан қисман танишиш имконига эга бўлдилар.

«Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» 1957 йили биринчи марта рус тилига Тошкентда арабшунос М. А. Салье томонидан таржима қилиниб, изоҳлари билан нашр этилди. Бу буюк олим бой илмий меросини урганиш борасида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Таржимон Захау нашр этган арабча нусха, Ленинград ва қисман Истамбул қўлёзмаларидан фойдаланган. Таржимага С. П. Толстов ва В. П. Щегловлар сўз боши ёзган ва М. А. Салье изоҳлар тузган. Лекин русча таржимада баъзи бир тушиб қолган жумлалар, айрим уринларда эса ноаниқ ва нотўғри таржима қилинган жойлар ҳам учрайди (бу ҳақда кейинроқ тўхтаб утамиз). «Ёдгорликлар»нинг русча таржимаси босилгач, Тошкентда Беруний ҳақида бир қапча илмий мақолалар ва рисоалар нашр этилди. 1960 йили М. А. Сальенинг «Абу Райхон Беруний» номли, 1963 йили эса Г. М. Матвиевскаянинг «Беруний ва табикий фанлар» номли китобчалари ўзбек тилида нашр этилди. Бу рисоалар муаллифлари «Ёдгорликлар» ва унинг аҳамияти ҳақида ҳам тўхтаб ўтишган.

«Ёдгорликлар» асари 1968 йили биринчи марта ўзбек тилига таржима этилди⁹. Таржима араб тилининг йирик мутахассиси, кекса олим Абдуфаттоҳ Расулов томонидан амалга оширилган бўлиб, И. Абдуллаев, О. Файзиевлар унга сўз боши ёзганлар. Бу сўз бошиларда «Ёдгорликлар»нинг аҳамияти ҳар томонлама ёритиб берилган. Таржимага И. Абдуллаев ва А. Расуловлар тузган изоҳ ҳам илова қилинган. Бу Берунийнинг 1965 йили нашр этилган «Ҳиндистон» китобидан кейин иккинчи йирик асарининг ўзбек тилидаги таржимасидир. «Ёдгорликлар»нинг ўзбекча таржимаси Захаунинг инглизча ва М. А. Сальенинг русча таржималарига нисбатан аниқ ва тулароқ ҳисобланади. Ўзбекча таржимада Захаунинг арабча нусхасидан, Ленинград ва Истамбул қўлёзмаларидан ташқари Карл Гарберс, Иогани Фюкк ва А. Б. Холидовларнинг Захау нусхасига ёзган қўшимчаларидан ҳам фойдаланилган. Ўзбекча таржима тугатилиш даврига келиб, «Ёдгорликлар»нинг Машҳад қўлёзмаси мавжудлиги маълум бўлиб қолди, таржимон бу нусханинг микрофильмдан ва матндаги шубҳали уринларни у билан солиштириб чиқди.

«Ёдгорликлар»нинг ўзбекча таржимасини тайёрлаш жарасида А. Расулов юқоридаги қўлёзма ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда, уш Сайрафийнинг форсча ва М. А. Салье-

⁹ Абу Райхон Беруний. Тақланган асарлар, I-том, Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар, Тошкент, «Фан» нашриёти, 1968.

нинг русча таржималари билан солиштириб ва жуда катта текстологик иш олиб борган. Захау нашри ва русча таржимадаги тушиб қолган жойлар тулдирилган ва ноаниқ жумлалар тўғриланиб кетилган. Баъзи бир мисоллар келтирамиз:

1. «[Эронликлар, суғдлик ва хоразмликлар] давлатларининг бошланишида ҳафталарни ишлатмас эдилар» (узбекча таржима, 84-бет) жумласида «давлатларининг бошланишида» **ملكهم اول** сузидаги туташ кишилиқ олмоши **[هم]** уч миллатга (эронликлар, суғдликлар ва хоразмликларга) тааллуқлидир. Русча таржимада бунинг фақат эронликларга тегишли деб олинган ва жумла «в начале своего владычества (перси) не пользовались неделями» («Памятники» 63-бет) деб таржима қилинган. А. Расулов таржимасининг аниқлиги шу бетнинг ўзидаги қуйидаги жумла билан тасдиқланади. «Кибтийлар, яъни қадимги мисрликлардан бошқа бирор миллатнинг ҳафтани ишлатишда эронлик, суғдлик ва хоразмликларга эргашгани бизга маълум эмас».

2. «Улар иккала йил ўртасидаги тафовутни уз йилларига қушдилар» («Едгорликлар», 86-бет) жумласидаги «иккала йил уртасидаги» сузларига русча таржимада «разница между годом румов и солнечним годом») (430-бет, 4-изоҳ) деб изоҳ берилган; узбекча таржимада эса «румликлар йиллари билан ҳинд йили ўртасидаги фарқ» (438-бет, 222-изоҳ) деб изоҳ берилган. Бунинг тўғрилиги ундан олдинги маъна бу жумла билан тўла исбот этилади: «Румликлар йилларининг боши ўз жойидан силжиганини сезгач, ҳиндлар йилларини ишлатишга мойил бўлдилар».

3. «Бу жойларда яшовчиларнинг ҳаммаси [қабрдаги]ларни «соя [куни] кишилари» дейдилар. [Ҳашвий ва даҳрийлар] «соя куни» сўзини эшитганларида масхара қилиб куладилар...» (117-бет) жумласи русча нусхада «Жители тех мест согласны в том, что это — люди тьмы», но когда [скептики] слышат про «день тьмы», то насмешливо смеются...» (101-бет), деб таржима қилинган. Бу ерда Захау нашрида «соя [куни] киши-

лари, **اصحاب الظلمة** сўзи урнига „зулмат кишилари“, **اصحاب يوم الظلمة** „соя куни“ **يوم الظلمة** эса, „зулмат куни“ **يوم الظلمة** ёзилган. Русча таржимада Захау нусхасига суянилган. Ленинград ва Истамбул нусхаларида бу тўғри ёзилган. Беруний бу ерда Қуръон «шуаро» сурасининг 189-оятдаги «соя куни»

يوم الظلمة деган сўзга ишора қиляпти. Натижада бундай қийин ўринларни Захау ҳам, М. А. Салье ҳам аниқлаб олишмаган. Ўз таржимасининг тўғрилигини исботлаш учун А. Расулов Қуръонга ишора қилган ҳолда «соя куни» сўзига изоҳ бериб кетган.

4. ادریانوس و هو الذي حَرَّبَ بيت المقدس و حَرَّم في سنة 4.

بح من ملكه

«Адриенус. Бу подшоҳ Байтул муқаддасни вайрон этди ва подшоҳлигининг ун саккизинчи йилида махов касалига йулиқди» (123-бет) жумласи русчада «Адриан. Это тот [царь], который разрушил Иерусалим и запретил [евреям] вступить в него на восемнадцатом году своего царствования» (606-бет), деб таржима қилинган. Захау қўлида кейин топилган Ленинград ва Истамбул қўлёзмалари бўлмагани учун, қупол хатога пул қўйиб, «махов касалига йулиқди» حرم сузи ўрнига «ман килди» حرم сузини олган. М. А. Салье ҳам, Истамбул ва Ленинград нусхалари маълум бўлишига қарамай, Захау матнига асосланган.

5. «Гап шуки, ашконий подшоҳларининг биринчиси Аш ибн Ашкон бўлиб, лақаби Афғуршоҳ ибн Балаш ибн Шопур ибн Ашкон ибн Аш ал-Жаббор ибн Кайковусдир» (136-бет) жумласи русча нусхада «Дело в том, что первый из Ашганидов был Ашк, сын Ашкана, прозванного Афгуршах, сына Балаша, сына Шапура, сына Ашкана, сына... сына Сняуша, сына Кайкавуса» (118-бет) ёзилган. Бу ерда уч нуқта қўйиб кетилган ўрнида Захау нашрида الكمار деган диакритик белгилари қўйилмаган исм ёзилган. Истамбул ва Ленинград қўлёзмаларида эса бу суз اش العمار ёзилган. Лекин Захау нусхасининг кейинги бетидаги «Иккинчи қисмининг иккинчи жадвали» деган жадвалда бу исм белгилари қўйилган ҳолда «Аш ал-Жаббор» اش العمار («Жабр қилувчи Аш») деб кўрсатилган. Ўзбекча таржимада Захауда ва русча таржимада аниқланмаган бу урн ҳам тулдириб кетилган.

6. و اما تواريخ العرب وشهورهم آيينة النسي فيما (ع-131).

«Арабларнинг тарихлари, ойлари, насийнинг қайси ойда бўлишига келганда...» (195-бет) жумласи русчада «Что касается эр арабов их месяцев, а также место nasi в их эре...» (157-бет), деб таржима қилинган. Насий (йилга ортиқча ой қушиш) оиларда бўлади, эрада бўлмайди. Бу ерда فيها даги туташ олмош эрага эмас, ойга тегингидир.

7. «[Зардушт] икки ёни ун ва сули қирқилган кўйнак кийган ва белгили хурмо пўстлогидан зуншор боғлаган, оғзига шолдан сузгич тутган... ҳолда юзага чиқди» (236-бет) жумласи «I [он явился] в рубахе с разрезом по бокам, справа и слева, перетянутой поясом из льна, закрыв лицо завесой из войлока» (205-бет) деб олинган. Бу ерда فدام сузи «жун матодан тикилган сузгич, эронликлар ва мажусийлар сув ичган вақтларида у билан оғизларини боғлаб олганлар ёки артган-

лар» деган маънога эга (Бутрус ал-Бустоцийнинг *محيط* «*المحيط*» Гиргаснинг «Словарь к арабской хрестоматии и Корану» лугатларига қаралсин). Русча таржимада «Бутунлай юзиши бекитиб» деб қўпол хато қилинган.

8. «Биз келтирадиган астрономияга тегишли маънода [астрологлар] бизга қаршилик қилмаслар деб гумон қиламиз, чунки астрономия илмида улар билан ҳамкормиз» (241-бет) деган жумла русчада «Мы полагаем, что [астрологи] будут опсаривать приводимые нами астрономические соображения, ибо мы разделяем снимки осведомленность в науке об этом предмете» (210-бет) деб сзилган. Бу ерда «бизга қаршилик қилмаслар» *لن يلاعنونا* сўзидаги ишкор билдирувчи *لن* сўзи Захау нусхасида тушиб қолган, Истамбул ва Ленинград қўлёзмаларида бу сўз берилган.

9. *ثم بقى الرسم بأن يزرع فى غدا اليوم حواله صحن دور العلو. اصناف من الغلات على سبع اسطوانات (ص. ٢١٧)*

«Кейин подшоҳлар саройларининг саҳни атрофига етти хил дондан етти тахта экиш расм бўлиб қолди» (256-бет) жумласи русчада «С тех пор остался обычай сажать в этот день вокруг блюда семь разновидностей злаков на семи полосах» (228-бет) деб тамоман маъносиз талкин этилган. Бу ерда «саҳни атрофига» сўзидан кейинги «подшоҳлар саройлари» *دور الملوك* сўзи Захау матнида тушиб қолган, бу юқоридаги қўлёзмаларда мавжуддир. Ундан ташқари «саҳни» сўзи русчада бошқа маъноси билан «блюдо» деб гаржима қилинган.

10. *ولامر فيه كما ذكرنا فى اول اوقاتها فى برج الاقرب (ص. ٢٦٥)*

«Бундаги иш, юқорида айтганимиздек, Ақраб буржида ёмғир вақтларининг аввали ҳақидаги [иш] кабидир» (309-бет) жумласи русча таржимада «Дело обстоит здесь так, как мы говорили, в начале периода дождей, [когда солнце] находится в созвездии Скорпиона» (291бет), деб нотугри таржима қилинган.

11. *ولا يلقون فيه نسما ولا شيئا من الاغصاب و المتخذ منها (ص. ٢٢٠)*

«Бу рўзада ёғлик нарса, турли узум ва узумлардан [тайёрланган] нарсалардан бутунлай тотмайдилар» (378-бет) жумласидаги «узумлар» *الاعصاب* сўзи уринда Захау нашрида «ҳайитлар» *الاعباد* ёзилган. Шунинг учун М. Салье Захау

нусхасига суяниб, бу жумлани қуйидагича бузиб таржима қилган: «В этот пост не вкушают жира или каких-либо опраздничных яств и [блюд], изготовленных из него» (363-бет).

12. «Эй Сабир [тоғи, тезроқ гўштимизни] қурит, юришдан тухтаб қолманлик, деган сўздан олиб шундай ном берилган, — дейди» (395-бет) жумласи тушунарсиз ҳолда шундай таржима қилинган: «Рассказывают, что они так названы в связи с [произнесением] слов (магической формулы): «ашрик, Сабир, кейма нугир» (382-бет). Бу ерда *شعيرق شيركى مانغير*

сўзлари таржимасиз сўз ҳолича қолдирилган ва «магическая формула» деб аталган. Бутрус ал-Бустонийнинг «Муҳит ал-Муҳит» номли изоҳли луғатида бу иборага шундай изоҳ берилган: «Сабир — Макка ва Мийно орасидаги тоғ номи, араблар шу тоққа гўштни ёйиб қуритганлар ва унга қараб: Эй Сабир, тезроқ гўштимизни қурит, юришдан тухтаб қолмайлик», деб хитоб қилганлар» (*محيط المحيط* I-жилд, 177-бет). Захау ҳам, М. Салье ҳам бу иборани талқин қила олмаганлар.

13. *والاحتياج الى ما يحاخ اليه في معرفة ظهور الكواكب*

المنجزة و اختلافها مع ضرب الاعمال المتعبة من ٢٢٨ — ٢٢٩
«В таком случае [для познания этого] были бы пужны те же утомительные выкладки, которые необходимы для познания [времени] появления и исчезновения движущихся светил» (387-бет).

Бу жумладаги *الكواكب المنجزة* ибораси русча таржимада ҳеч асосиз «ҳаракатдаги ёритқичлар» («движущиеся светила») деб олинган ва изоҳсиз қолдирилган. Берунийнинг «Китоб ат-Тафқим» асарида бу иборага шундай изоҳ берилган: «Мутаҳаййир (ҳайратда қолган) ёритқичлар деб Зухал, Муштарий, Миррих, Зухра ва Уторидга айтилади. Бундай дейилишига сабаб, улар биринчи ҳаракат билан келаётган томонлари кун ботарга қараб гоҳ вақтда қайтиб юрадилар. Шу орқага қайтишдан ҳайратда қолганга ўхшайдилар» (*كتاب التقيير* Техрон нашри, 1318, Қуёш йили, 78-бет). Ана шу изоҳга асосланиб, А. Расулов бу сузни «мутаҳаййир ёритқичлар» деб таржима қилган (400-бет).

Юқоридагиларга асосланиб, хулоса қилиш мумкинки, «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар»нинг узбек тилига мукамал таржима қилиниши муҳим илмий аҳамиятга эгадир, бу таржима аввалги ҳамма таржималарга нисбатан ишончли ва тўлатилган таржимадир.

МУНДАРИЖА

И. М. Миннов, ЎзССР Фанлар академиясининг академиги, Фалсафа фанлари доктори. Абу Райҳон Беруний — буюк энциклопедист олим	3
Я. Г. Гуломов, ЎзССР ФА академиги. Абу Райҳон Беруний яшagan давр	26
П. Г. Булгаков, филология фанлари доктори. Берунийнинг ижтимоий фанлар соҳасидаги илмий мероси	36
У. И. Каримов, филология фанлари доктори. Берунийнинг «Китоб ас-Сайдана фи-т-Тибо» «Доривор моддалар ҳақида китоб» («Фармакопозия») номли асарида филология масалалари	49
А. Расулев, филология фанлари кандидати Беруний ва унинг шеърлари ҳақида баъзи мулоҳазалар	56
А. Иришев, филология фанлари кандидати. Бир бирига ўхшаш ҳинд ва Урта Осиё афсоналари (Берунийнинг «Ҳиндистон» асари буйича)	62
Ж. Шарипов, фалсафа фанлари кандидати. Берунийнинг жамият ва инсон ҳақидаги қарашлари	69
А. П. Қаяюмов, филология фанлари доктори. Беруний «Авеста» ҳақида	81
А. К. Арендс, филология фанлари доктори. Абу Райҳон Берунийнинг «Хоразм тарихи» асари	86
С. Лзизжонова, тарих фанлари доктори. Абу Райҳон Беруний ва Бобир назарида Ҳиндистон	95
К. З. Ашрафян, тарих фанлари доктори. Берунийнинг касталари ҳақида	107
И. Абдуллаев, филология фанлари кандидати. Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёлгорликлар» асари ва унинг Ўзбекистонда урганилиши	121
Ҳ. Ҳасанов, география фанлари доктори. Беруний асарларида топонимика	125
К. Шопнёзов, тарих фанлари кандидати. Беруний асарларида этнографияга оид материаллар	128
М. Бапатов, фалсафа фанлари доктори. Абу Райҳон Беруний ва ҳинд фалсафаси	137

К 62 50 7

Бахоси 83 т.